Дунёкарашнинг тарихийлик тамойили. *Дунёкараш муайян даврда шаклланади. Шу маънода, хар кандай дунёкараш иж тимоий-тарихий мохиятга эга булиб, кишиларнинг умри, амалий фаолияти, хаёти, табиатга таъсири ва мехнати жараёнида вуж удга келади. Ўар бир даврда иж тимоий гурух, жамият ва авлоднинг уз дунёкараши мавж удлиги хам бу тушунчанинг тарихий мохиятга эга эканини курсатади.*

Дунёкарашнинг тарихийлиги яна шундаки, у маълум диалектик жараёнда такомиллашиб боради. Унинг шакллари узгаради, тарихий куринишлари муттасил янгиланиб туради.

Маълумки, инсоният тараккиётининг илк боскичларида дунёкараш нихоятда оддий булган. Агар шундай булмаганида, хар кандай жисм уз хаж мига тенг суюклик микдорини сикиб чикариш хоссасига эга эканини кашф этган кадимги замоннинг буюк олими Архимед хаммомдан ялонКоч холда чикиб, □Эврика!□, яъни □Топдим!□, дея кичкирмаган булар эди.

Дунёкараш жамият ривожига мос равишда аста-секин такомиллашиб борган. Тараккиётнинг кейинги даврларида фан сохасида килинган кашфиётлар инсон дунёкараши накадар чукурлашиб, унинг билимлар доираси кенгайиб кетганини курсатади. Бунда ворислик анъанаси яккол кузга ташланади: хар бир даврнинг дунёкараши, Кояси утмишда яратилган маънавий кадриятларнинг энг яхшиларини, илКор ва ижобийларини узида саклаб колади. Шу асосда янги тамойилларга эга булган дунёкараш хам такомиллашиб боради. Оддий буК машинасидан космик ракеталаргача булган фан-техника тараккиёти бунга яккол мисол була олади.

Фалсафий дунёкараш. Бу тушунчанинг мазмуни инсоннинг оламга, вокеа ва ходисаларга, узгаларга ва уларнинг фаолиятига, уз умри ва унинг мазмуни каби купдан-куп тушунчаларга муносабати, уларни англаши, тушуниши, кадрлашида намоён булади.

Фалсафий дунёкараш кундалик фаолият, дунёвий, диний, илмий билимлар, хаётий кузатишлар ва ижтимоий тарбия таъсирида шаклланади хамда ривожланади. Фанда ижтимоий борликнинг барча жихатлари акс этади. Дунёкарашнинг шаклланишида хистуйКу, акл-идрок ва тафаккур хам мухим урин тутиши табиий.

Унинг шаклланиши кишиларнинг хиссий кечинма ва кайфиятларига хам боКлик булиб, инсон кайфиятида унинг хаёт шароитлари, ижтимоий ахволи, миллий хусусияти, маданий савияси, шахсий такдири, ёши ва хоказолар акс этади. Муайян давр дунёкарашида замон рухи, ижтимоий кучларнинг кайфияти, интилиши хам уз ифодасини топади. Масалан, бугунги Узбекистон мустакиллигини мустахкамлаш зарурати истиклол дунёкарашини шакллантиришга улкан таъсир курсатмокда.

Фалсафий дунёкараш мураккаб тузилишга эга. У муайян билимлар, келажакка каратилган Коя ва максадлар, табиий ва ижтимоий фан ютуклари, диний тасаввурлар, кадриятлар, ишонч, эътикод, фикр, хиссиёт каби таркибий кисмлардан иборат.

Буларнинг ичида эътикод мухим ахамият касб этади. У дунёкарашнинг мазмунини ташкил этадиган асослардан биридир. Эътикод инсоннинг уз карашлари ва Коялари тугрилигига, орзу-умидларининг асосли эканига, фаолияти ва хатти-харакатининг умумий максадларга ва талабларга мослигига булган чукур ишончидан пайдо булади. У инсоннинг хиссиёти, иродаси ва фаолиятини белгилайди, уларни бошкаради, шахсни омилкорликка, самарали фаолиятга ундайди.

Фалсафий дунёкараш таркибида хиссиёт ва акл мухим урин тутади. Ўиссиёт дунёкарашнинг эмоционал-рухий жихати б«либ, дунёни тушуниш эса, дунёкарашнинг аклий шаклидир. Ўиссиёт — кувонч, шодлик, завкланиш, хаёт ва касб-кордан мамнунлик ёки норозилик, хайратланиш, хавотирланиш, асабийлашиш, ёлКизлик, заифлик, рухий тушкунлик, Кам-Кусса, надомат, уз якинлари ва ватани такдирини уйлаш каби хилма-хил шаклларда намоён булади. Ана шулар барчасининг уйКунлиги дунёни хис этишга олиб келади. Дунёни хис килиш эса, уни аклий тушунишга, муайян дунёкарашнинг шаклланишига асос булади.

Инсон акли унга хос хиссиёт ва тасаввурлар асосида илмий дунёкарашни шакллантиради ва такомиллаштиради. Ўар бир кишига хос хиссиёт ва фикр, билим ва эътикод, интилиш ва кайфият, орзу-умид ва кадриятлар дунёкараш таркибида яхлитлашади ва оламни бир бутун холда акс эттиради. Бир бутун, яхлит дунёкарашнинг шаклланиши болаликдан бошланиб, инсон хаётининг охиригача давом этади. Бу холат индивидуал дунёкарашнинг асосий тамойилларидан бирини ифодалайди.

Фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида билим Коятда муҳим аҳамият касб этади. Билимда дунёқарашнинг барча белгилари мавжуд. Лекин, билим ва дунёқараш айнан бир нарса эмас. Оламни тушуниш билимлар пайдо бўлиши учун асосдир. Билим инсон онгида ҳиссий ва ақлий билиш жараёнида ҳосил бўлади, у дунёқарашнинг асоси, унинг узвий қисмидир.

Билим муайян шароитда бирон бир ҳодиса ёки нарсани баҳолашда қўл келади ва айнан ана шу жараёнда дунёқарашга айланади. Бундай баҳо бериш жараёнида мудом муайян манфаатлар асос қилиб олинади. Шунинг учун ҳам ижтимоий дунёқараш турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этади, гоҳида уларни амалга ошириш учун кураш майдони бўлиб қолади.

Бирор партия ёки гуруҳ ўз мақсадларига етишиш йўлида бутун жамият учун хос бўлган умумий ижтимоий дунёқараш таркибида қупроқ ва салмоқлироқ жой эгаллашга ёки уни ўз манфаатлари фойдасига ўзгартиришга ҳаракат қилади. Умуман, ҳаётда мақсадга эришишнинг энг осон ва қулай йўли ўзгалар дунёқарашини жамият фойдасига ўзгартира олишдир.

Фалсафа азал-азалдан дунёқараш бўлган. Чунки, унинг ўзи ҳаёт нима учун берилган, дунёга келишдан мақсад нима, умрни мазмунли ўтказишнинг қандай йўллари бор, деган талай саволларга жавоб топиш зарурати туфайли вужудга келган. Фалсафий дунёқараш ўзининг назарий асосланган ва пухта ишлангани билан ажралиб туради. Шу маънода, у бошқа фан ёки фаолият соҳаси учун умумий услуб вазифасини ҳам бажаради.

Агар назария билиш жараёнининг натижаси бўлса, усул (метод) шу билимга эришиш ёки уни амалга ошириш йўлини англатади. Фалсафий назария эса, бир вақтнинг ўзида усул вазифасини ҳам бажара олади. Тарихнинг бурилиш даврларида ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари нечоқли тўғри экани фалсафий дунёқараш тамойилларига солиштириб аниқланади. Бунда муайян фалсафий назария умумий усул (метод) сифатида қабул қилинади. Шу сабабдан ҳам бундай даврларда фалсафий назарияларга эътибор кучаяди, тараққиёт йўлларидан бориш фалсафий моделларининг аҳамияти ортади.

Масалан, бизнинг мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, демократик давлат қуриш борасида Ислом Каримов томонидан асослаб берилган тараққиёт йўли – "Ўзбек модели"ни амалга оширмоқда. Бу йўлнинг асосий моҳияти ислоҳотларни инқилобий

тарзда эмас, тадрижий равишда олиб боришни назарда тутади. Президентимиз, айнан шу йулни таклиф этар экан, асосий эътиборни унинг мохият-мазмуни, тарихда кандай натижалар бергани каби масалаларга каратган. Бунда тараккиётнинг мазкур йули аник тарзда тасаввур этилган. Яъни, унинг тарихий ва замонавий жихатлари, умумбашарий ва минтакавий хусусиятлари, мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги учун накадар ахамияти хар томонлама урганилган. Ана шу асосда керакли хулосалар чикарилган ва уларни хаётга тадбик этишнинг асосий йул-йуриклари курсатиб берилган.

Биз ана шу назарияни, бир томондан, тараккиётимизнинг узимизга хос ва мос модели деб атаймиз. Иккинчи томондан эса, уни мамлакатимиз хаётини тубдан узгартирадиган ва унинг келажагини белгилаб берадиган, миллий дунёкараш, онг ва тафаккур ривожида мухим урин тутадиган умумфалсафий таянч – методология деб биламиз. Чунки, унинг тамойиллари тараккиётимизнинг асосий йуналишларини белгилайди ва шу билан бирга, бу жараёнга кучли таъсир курсатадиган методологик асос булиб хизмат килади.

Инсон онгли ижтимоий мавжудот булгани боис, унинг дунёкараши муайян эхтиёж ва манфаатларга асосланади. Демак, хар кандай дунёкараш муайян инсон, ижтимоий гурух ёки табаканинг уз эхтиёж, манфаатларидан келиб чиккан холда борликка муносабатини ифодаловчи Коялар, назариялар, билимлар мажмуаси, рухий холат ва эътикод мужассами хамда уларнинг намоён булишидир.

Фалсафий дунёкараш, мохият-мазмунига кура, маънавий фаолият булгани боис, у борликка булган онгли, инсоний муносабатнинг муайян йуналишларини вужудга келтирган. Масалан, кишиларнинг жамиятдаги ахлокий муносабатлари – ахлокий дунёкарашларида, хукукий муносабатлари – хукукий, сиёсий муносабатлари – сиёсий, диний муносабатлари – диний, экологик муносабатлари – экологик дунёкараш шаклларида уз ифодасини топган. Буни тизим тарзида изохлайдиган булсак, куйидагича куриниш касб этади:

1. Ахлокий.
2. Диний.
3. ў укукий.
4. Сиёсий.
5. Экологик.
6. Эстетик.

Бу тизимни ташкил килган нисбатан мустакил дунёкараш шакллари узаро боКликликда, алокадорликда харакат килади.

Дунёқараш тизимининг ривожланиш даражаси жамият тараққиётига мос келади ва уни ифодалаб туради. Бундан ташқари, ҳар бир тарихий даврда миллатнинг ривожланиши, унинг менталитети ва дунёқарашида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, дунёқараш тизими ва уларнинг хусусиятлари муайян инсон, ижтимоий гуруҳ, табақа ва бутун миллатнинг маънавий қиёфасини белгилаб беради.

Дунёқараш тушунчаси узликни англаш, ватанпарварлик, миллий Қурур, тарихий хотира, маънавий баркамоллик каби туйқу ва тушунчалар билан узвий боқлиқ ҳолда шаклланади. Чунки, дунёқараш айнан ана шу руҳий-ижтимоий ҳодисалар орқали ойдинлашади, умуминсоний қадриятларнинг тарихий бир булагига айланади.

Фалсафий дунёқарашнинг тарихий шакллари инсоният тараққиётининг қонуний натижаси бўлиб, жамият ривожланишининг маънавий мезони сифатида намоён бўлган. Тараққиётнинг дастлабки босқичларида кишиларнинг табиатга, ўзларининг ижтимоий ҳаётига бўлган муносабати турли ривоят ва афсоналарда ўз ифодасини топган. Улар шу тарика мифологик дунёқарашни шакллантирган. Ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги курашда яхшиликнинг мудом тантана қилиши мифологик дунёқарашнинг гуманистик мазмунидан далолат беради. Хусусан, ўзбек халқи цивилизацияси жараёнида яратилган ривоят, афсона ва бошқа жанрлардаги оқзаки ижод намуналари миллатимиз тарихда қандай маънавий қиёфага эга бўлганини ҳануз қурсатиб туради. Улар бугунги кунда жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Масалан, қадимий меросимиз намунаси – «Авесто»да яхшилик рамзи – Ахурамазда ва ёмонлик тимсоли – Ахриман ўртасидаги кураш тарихи мисолида охир-оқибатда эзгулик барибир Қалаба қозонади, яъни ёруқлик зулмат устидан Қалаба қилади, деган Коя асосий ўринни эгаллайди ва ҳаётбахш Коялар илгари сурилади.

Мифологик дунёқараш қадимги замон кишиларининг ўзларига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш эҳтиёжларидан келиб чиққан. Эзгулик ва ҳақиқат учун кураш Кояларининг ифодаси бўлган афсона ва ривоятларда миллатнинг муайян руҳий ҳолати, келажакка ишончи, ватанга муҳаббати, инсоний камолотга интилиши бадиий воситалар, афсонавий қаҳрамонлар тимсолида ифода этилган.

Дунёқарашнинг мифологик моҳияти бугунги фан-техника тараққиёти, инсоннинг ақлий салоҳияти баҚоят юксалиб кетган даврда жуда жун ва ибтидоий бўлиб кўринади. Аммо афсона ва ривоятлар ўзининг кучли жозибаси, инсонпарварлик Қоялари билан ҳозирги кунда ҳам кишиларни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашнинг таъсирчан ва самарали омили бўлиб қолмоқда.

Диний қарашлар. Муайян дунёқараш таркибида диний-илоҳий қарашлар ўзига хос аҳамият касб этади. Улар инсоннинг илоҳга бўлган эътиқоди билан боҚлиқ бўлиб, вужудга келишига кўра, бошқа дунёқараш шакллари каби, муайян асосларга эга.

Мифологик дунёқараш афсонавий кучларни эътироф этиш билан боҚлиқ бўлса, диний дунёқараш илоҳий кудратларга эътиқод қўйиш билан боҚлиқ. Шунинг учун ҳам бу дунёқараш шаклини инсон қалбидаги қуйидаги ҳолатлар белгилайди:

- эмоционал-руҳий ҳолатлар;
- иймон-эътиқод;
- иймон-эътиқоднинг хатти-ҳаракатларда ифода этилиши.

Булар айни пайтда диний дунёқарашнинг асосий тамойилларини ҳам ташкил қилади.

Диний дунёқараш ҳар бир даврда муайян ижтимоий вазифаларни бажариб келган. Дин, шу жумладан ислом дини ҳам, минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган[1].

Жамият ҳаётида ҳар қандай, шу жумладан, диний дунёқарашнинг ўрни ва аҳамиятини ҳам сунъий равишида мутлақлаштириш, салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳол айниқса, диний фундаментализм ва экстремизм инсоният учун жиддий хавфга айланган ҳозирги даврда яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ўзининг ҳақиқий тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўл ўзбек халқининг асрий анъаналарига, миллий қадриятларига, умуминсоний тамойилларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Ўзбекистон ўз олдига ҳеч кимни қувиб ўтиш ёки ҳеч кимга тақлид қилиш мақсадини қўймаган. Биз ўз олдимизга ўзимизнинг миллий қадриятларимизга, ўзимизнинг тарихий тараққиётимизга, ўзимизнинг менталитетимизга мос келадиган ислоҳотларни амалга ошириш мақсадини қўйганмиз"[1].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлиги кафолатланган. Ҳар бир инсон ўзи истаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги мумкин. Ҳеч ким фуқарони эътиқодини ўзгартиришга ёки ўзгартиришдан бўйин товлашга мажбурлаши мумкин эмас. Ҳар бир фуқаро ўзининг диний эътиқодларини ҳеч кимнинг аралашувисиз эркин амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳар бир фуқаро ўзининг диний эътиқодларини ҳеч кимнинг аралашувисиз эркин амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳар бир фуқаро ўзининг диний эътиқодларини ҳеч кимнинг аралашувисиз эркин амалга ошириш ҳуқуқига эга.

---

[1] Ислом Каримов. Буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998, 441-бет.

вий турмуш тарзи хам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш хукукига эга булган холда ривожланиб келган.

Диний дунёкарашни теология деб аталадиган фалсафий фан урганади. **Теология** олам ва одам муносабати, умрнинг мазмуни, хаёт ва улим муаммоси каби масалаларни илохиёт, диний эътикод тушунчалари билан боклаб тахлил килиш хамда узига хос мукаммал тизимини яратган. Бугунги кунда диний дунёкарашнинг бир талай асосий вазифалари орасида, унинг хаёт зиддиятларини бартараф килиш билан боклик регулятив фаолияти нихоятда мухимдир. Умуман, диннинг баркамол авлодни тарбиялашдаги урни ва ахамияти бенихоят улкан ва у тобора ортиб бормокда.

Фалсафий дунёкарашнинг асосий йуналишлари. Дунёкараш тизими ва унга хос нисбатан мустакил йуналишларнинг хар бирини фалсафий мулохазанинг ойдинлашган (конкретлашган) шакли сифатида караш мумкин. Фалсафий дунёкараш, содда килиб айтадиган булсак, инсоннинг олам, одам ва борликка муносабатини ифодаловчи билимлар тизимидир. Унга инсон борликнинг мохияти нуктаи назаридан ёндашиладиган булса, моддий ёки маънавий жихатлари нечоклик мутлаклаштирилишига караб, унинг таркибида материалистик ва идеалистик дунёкараш йуналишлари мавжудлигини курамиз.

Агар борлик ва унинг хоссаларига мавжудлик, боклик, узгариш ва таракиёт нуктаи назаридан билдирилган муносабатларни умумлаштирадиган булсак, унинг таркибида метафизик ва диалектик, софистик ва синергетик каби катор дунёкарашлар мавжудлигини курамиз. Булар соф назарий-фалсафий масалалар булиб, улар тугрисида Олам ва одам, Дунёни фалсафий тушуниш булимларида махсус тухталиб утамиз.

Фалсафий дунёкараш борлик хакидаги илмий карашлар тизимининг уз-узича шаклланган (механик) йиндиси эмас, балки уларнинг умумий конуниятлар асосидаги тизимидир. Фалсафий дунёкараш таркибида куйидаги тамойиллар номоён булади:

- турли дунёкараш шаклларининг узаро алокадорлиги кучаймокда;
- муайян дунёкараш шаклланиш ва ривожланиш жараёнида инсонга муносабатнинг ахамияти ортиб бормокда;
- миллий дунёкараш умуминсоний дунёкараш шакли ва унинг таркибий кисми сифатида юзага келган.

---

[1] Ислом Каримов. Буюк келажак сари. - Т.: Узбекистон, 1998, 442-бет.

Фалсафий дунёқарашнинг бу умумий тамойиллари ҳар қандай конкрет дунёқараш шакллари учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, унинг яна қуйидаги тамойиллари ҳам бор:

- илмийлик;
- тарихийлик;
- мантиқийлик;
- универсаллик;
- мақсадлилик;
- Қоявийлик;
- назария ва амалиётнинг бирлиги.

1. *Фалсафий дунёқараш илмийдир*, чунки у нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларни кундалик онг даражасидагина эмас, балки назарий онг даражасида ҳам ифодалайди. Ўҳар қандай фалсафий дунёқараш шакли объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг конкрет муносабатларини акс эттиради.

2. *Фалсафий дунёқарашнинг тарихийлик тамойили* жамиятнинг ўтмиши дунёқарашлар тарихидан иборатлигини ва узлуксиз ривожланишини ифодалайди.

3. *Фалсафий дунёқарашнинг мантиқий изчиллиги тамойили* ҳар қандай дунёқараш шакли ва даражасининг мантиқий бирикмалар орқали ифодаланиши билан изоҳланади. Агар мантиқий изчиллик бузилса, дунёқарашнинг ташқи оламни холис, илмий, аниқ-равшан ва изчил акс эттиришига путур етади.

4. *Фалсафий дунёқарашнинг универсаллиги* бошқа дунёқараш шаклларининг мазмунини ташкил қилиши билан сифатланади, яъни ҳар қандай дунёқараш шакли ўзига хос фалсафий хусусиятга эга.

5. *Фалсафий дунёқараш мақсадга мавофиқ* бўлиб, инсон манфаатларига мос келади. Чунки, инсон муайян мақсад, орзу-умидлар билан яшайди, уларни ўз дунёқарашида акс эттиради.

6. *Фалсафий дунёқарашнинг Қоявийлик тамойили,* унинг асосида муайян Қоя ётгани билан ифодаланади. Хусусан, бугунги ўзбек миллий фалсафий дунёқараши миллий мустақиллик, ўзликни англаш, миллатимиз келажагини белгилайдиган истиқлол Қоясига таяниши билан характерлидир. Фалсафий дунёқараш шу Қояни эътиқодга айлантириш ва унинг амалга ошиши учун хизмат қилади.

7. Фалсафий дунёқарашнинг энг муҳим тамойилларидан бири *назария ва амалиёт бирлигидир*. Дунёқарашнинг назария сифатида мавжудлиги ижтимоий амалиёт тажрибаларини ижодий умумлаштириб, истиқбол режаларини белгилашда қул келиши билан изо-

хланади. Шунингдек, дунёқарашнинг амалиётга жорий этилиш жараёнида унинг усул ва воситалари муҳим аҳамиятга эга.

Фалсафий дунёқарашнинг вазифалари (функциялари). Фалсафий дунёқарашнинг зикр этилган тамойиллари, унинг вазифаларини белгилаб беради. Яъни, бу вазифалар жамиятнинг умумбашарий руҳдаги мақсад-муддаоларидан, манфаатларидан келиб чиқади ҳамда бошқа дунёқараш шакллари учун услубий аҳамият касб этади.

Дунёқараш, аввало инсоний муносабатлар ифодасидир. Шу нуқтаи назардан, у инсоннинг борлиққа муносабатида, дастлаб унинг баҳоси тарзида кўзга ташланади.

Бу — фалсафий дунёқарашнинг *баҳолаш* вазифасини англатади. Яъни, инсон, ўз эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб, нарса-ҳодисаларни: яхши-ёмон, фойдали-зарарли, савоб-гуноҳ, орият-беномуслик каби қарама-қарши мезонларга ажратади.

Инсон нарса-ҳодисаларга баҳо берар экан, бунинг замирида унинг ижтимоий ҳаёти, яъни онгли муносабатлари ётади. Бунда инсон ёки жамият муносабатлари дунёқарашнинг ўзи таянадиган омилларга (идеалларига) мослаштирилади. Орзу-ҳавасларга эришишнинг усуллари, воситалари, амалий йўналишлари белгиланади.

Дунёқараш инсон фаолиятини ахлоқий меъёр, диний қадрият, ҳуқуқий ҳужжат ва сиёсий механизмлар каби усул-воситалар орқали *бошқариш* вазифасини ҳам адо этади. Бунда фалсафий дунёқарашнинг ўзича нисбатан мустақил бўлган ҳар бир йўналиши ўзига хос бошқариш усулига эга бўлади. Масалан, инсонни эзгуликка йўналтириш учун ахлоқ унинг ақл-заковатига; дин — иймон-эътиқодига; ҳуқуқ — қонунларга, жазо идораларига; сиёсат-давлат функцияларига таянади ва ўзига хос таъсир йўналишларига эга бўлади.

Фалсафий дунёқарашнинг инсон фаолиятини *назорат қилиш* вазифаси ҳам бор. Бунда дунёқарашнинг жамоатчилик фикри тарзидаги қўриниши назарда тутилади. Масалан, ўзбек халқининг тарихий ривожланиши ва маънавий ҳаёт тарзида маҳалла ижтимоий назоратнинг муҳим институти тарзида фаолият кўрсатган.

Дарҳақиқат, ўзбек маҳаллаларида баҚрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамдардлик каби ноёб фазилатлар камол топади. Шу-

нинг учун ҳам Ислом Каримов уни «Ўзини ўзи бошқариш мактаби... демократия дарсхонаси», деб таърифлайди[1].

Фалсафий дунёқарашнинг *бирлаштириш* (коммуникатив) вазифаси турли дунёқараш йўналишларини миллий ва умуминсоний қоялар атрофида уйғунлаштириши билан характерланади. Турли манфаатлар билан боғлиқ бўлгани боис дунёқарашлар ўртасида муайян зиддиятлар рўй бериши табиий. Бундай шароитда фалсафий дунёқараш уларни муросага келтиришга хизмат қилади.

Фалсафий дунёқараш, ўз моҳиятига кўра, ижтимоий-тарихий тажрибани умумлаштириш, жамият истиқболини кўрсатиш имкониятига эга бўлганлиги учун ҳам халқни муайян қоя атрофида бирлаштиради.

Масалан, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, муайян даврларда фалсафий дунёқараш инсон туб манфаатлари билан боғлиқ бўлганлигини, миллат келажагини белгилайдиган озодлик қояси атрофида кишиларни бирлаштирганини кўрамиз. Бу ҳол мустақил бошқинчиларига қарши кураш даврида яққол намоён бўлган. Ушбу қоя (озодлик фалсафаси) дунёқарашнинг таркибий қисми сифатида миллатнинг турли табақаларини, эътиқоди, иқтисодий аҳволи ва сиёсий мавқеидан қатъи назар, бирлаштирган ва умумий курашга сафарбар қилган.

Ўз қандай дунёқараш инсон эҳтиёжларидан келиб чиқади, унинг манфаатларига мос келади. Шу билан бирга, бир томондан, дунёқараш ўз-ўзидан, яъни стихияли равишда шаклланиб қолмайди. Аксинча, у турли таълим-тарбия воситаларининг мақсадга мувофиқ ҳолдаги фаолияти натижасида вужудга келади. Иккинчи томондан эса, фалсафий дунёқараш, умуминсоний тамаддун (цивилизация) таъсири уларок шаклланган бўлса, муайян инсон, ижтимоий гуруҳ ёки миллатни тарбиялашнинг турли имкониятлари ва воситаларининг муштараклашган шаклидир.

Бинобарин, фалсафий дунёқарашнинг *тарбиявий* вазифасини юқорида зикр этилган бошқа вазифаларнинг асоси сифатида қараш керак. Бу — кишиларда кенг ва теран фикрлаш қобилиятини вужудга келтириш асосида бақрикенглик, муроса, ҳар қандай зиддиятларни маданий йўл билан ҳал қилиш, келажакка умид ва ишонч руҳини шакллантиришдан иборат.

---

[1] Ислом Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». «Фидокор», 2000 йил, 8 июн.

Таянч тушунчалар

Дунёқараш, мифологик ва диний дунёқараш, фалсафий дунёқараш, дунёқарашнинг вазифалари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Дунёқараш нима?
2. Фалсафий дунёқарашнинг Коявий илдизлари нималарда намоён бўлади?
3. Диннинг дунёқараш тизимидаги ўрни ва аҳамияти қандай?
4. Фалсафий дунёқарашнинг вазифалари нималардан иборат?

АДАБИЁТЛАР

1. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. «Шарқ» 1998.
2. Ислом Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» — «Фидокор» 2000 йил 8 июн.
3. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.
5. «Фалсафа» ўқув қўлланмаси. — Т.: «Шарқ» 1999.
6. «Основы философии» — Т.: «Узбекистон» 1998.

3-мавзу. Фалсафий билимлар тизими, унинг асосий йуналишлари ва вазифалари

Режа:

1. Фанлар тизими, унда фалсафанинг «рни ва ахамияти.
2. Фалсафий билимлар тизими ва унинг хусусиятлари.
3. Фалсафий Коялар, назарияларнинг асосий йуналишлари ва вазифалари.
4. Узбекистонда фалсафий фанларни ривожлантириш муаммолари.

Фалсафий билимлар тизими. *Дунёда хилма-хил фанлар бор. Муайян сохага оид илмий билимлар тизими фан деб аталади. Улар «Табиий фанлар», «Ижтимоий фанлар», «Аник фанлар», «Техника фанлари» каби сохаларга булинади. Жамият ва инсонни урганувчи, улар тугрисидаги турли билим сохаларини камраб оладиган тарих, фалсафа, адабиётшунослик, тилшунослик каби ижтимоий фанлар ягона фан сохаси — ижтимоий фанлар сохасига киради. Физика, химия, биология, математика каби фанлар эса табиий фанлар сохасига мансуб. («Фан фалсафаси» булимида бу масалаларга атрофлича тухталамиз).*

Ушбу мавзуда эса, фалсафий фанлар тизими нима, бу тизим кандай шаклланган деган масалалар хусусида фикр юритамиз.

Маълумки, инсон уз кизикиши ва эхтиёжларини кондириш максадида кадим замонлардан бошлаб дунёни билишга харакат килган. Жамият тараккиёти юксалиб бориши билан кишиларнинг билим доираси кенгайиб, тафаккури ривожланиб борган. Бошкача айтганда, билимлар тизими инсоният тараккиётини харакатлантирувчи мухаррикка (механизмга) айланган.

Жадимги дунё тарихидан хабардор булган кишилар милоддан олдинги VII — II асрларда Юнонистон ва Римда фан ва маданият тараккий этганини яхши билади, албатта. Уша давр бошларида карийб барча билимлар фалсафа фани доирасида ривожланиб келган эди. Аммо ана шу даврнинг урталарига келиб «Риторика» (нотиклик санъати) ва «Политика» (сиёсат) каби фанлар фалсафадан ажралиб чикди. Инсоният тарихининг кейинги боскичларида фалсафа таркибидан математика, физика каби аник фанларнинг ажралиш жараёни бошланди. Жолаверса, кейинги асрларда ижтимоий ва аник фанлар тизими шаклланди, баъзи кадимий аник фан-

ларнинг узи хам (математика, физика каби) муайян сохаларга (арифметика, алгебра ва бошкалар) булиниб кетди.

Инсоннинг ташки оламни билишга булган интилиши муайян даврга келиб, фалсафий-назарий билимни тарихий заруратга айлантирди. Бунинг натижасида аклий ва жисмоний мехнат таксимотининг дастлабки шакли вужудга келди ва фаннинг назарий жихатларини урганувчи кишилар тоифаси пайдо булди.

Аввалги мавзуда таъкидлаб утганимиздек, олам ва одамнинг яралиши, мавжудлик ва ривожланиш конуниятларини афсона ва ривоятлар асосида тушунтиришни максад килиб олган дунёкараш сохаси **«Мифология»** (миф — афсона, логос- таълимот дегани) деб аталадиган булади. Илохий ва рухий карашларнинг урни ва ахамиятини мутлаклаштирадиган тафаккурнинг бир йуналиши **«Теология»** (тео — худо, логос — таълимот дегани) деган ном олди.

Шундай килиб, инсоннинг билиш жараёни такомиллашиб боргани сари мустакил фанлар тизими хам шаклланаверди. Жамият ривожининг муайян боскичларига келиб, мифологик, диний карашлар оламни билиш талабларига жавоб бермай колди. Фалсафадан фанларнинг ажралиб чикиши, унинг кашшокланишини эмас, балки ривожланиш хусусиятини курсатувчи аломатга айланди.

Таракkиёт жараёнида фалсафадан табиатшунослик фанлари билан бирга психология, этика, эстетика каби ижтимоий фанлар хам ажралиб чикди. Кейинчалик маданият, кадриятлар ва хукук каби сохаларни урганадиган алохида йуналишлар хам пайдо булди. Улар оламни уз предмети доирасида яхлит билиш, унинг хусусий конуниятларини урганишга ёрдам беради.

Фалсафий йуналишлар, тадкикот олиб борадиган сохасига кура, узига хос булиб, асосийлари куйидагилардир:

Онтология — олам, инсон ва жамиятнинг объектив-универсал мохияти тугрисидаги фалсафий таълимотдир. Бошкача айтганда, у борлик тугрисидаги, инсоннинг оламга булган муносабати хакидагии фалсафий билим сохасидир.

Гносеология — билиш фалсафаси булиб, оламни англаш, билиш назарияси, билишнинг шакли, усуллари ва имкониятлари тугрисидаги таълимотдир.

Аксиология — кадриятшунослик ёки кадриятлар тугрисидаги фалсафий таълимот.

Праксиология — инсоннинг предметли-ўзгартирувчан, амалий фаолияти тўғрисидаги фалсафий таълимот.

Методология — билиш ва ўзгарувчан фаолият усуллари тўғрисидаги таълимот.

Логика — тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм, хулоса) ва тафаккур воситаларини (таъриф, қоида, муҳокама, тафаккур қонуниятлари), уларнинг мазмунидан қатъи назар, холис ўрганувчи таълимот.

Этика — ахлоқ фалсафаси, инсониятнинг ахлоқий тамойиллари, талаб ва тартиб-қоидалари тўғрисидаги фан.

Эстетика — нафосат фалсафаси, жамият ва инсон ҳаётида гўзалликнинг ўрни, қонун-қоидалари тўғрисидаги қарашлар мажмуи.

Бундан ташқари, инсон фалсафаси (антропология), ижтимоий фалсафа, табиат фалсафаси, маданият фалсафаси (культурология), санъат фалсафаси, мафкура фалсафаси (идеология), дин фалсафаси (теология), сиёсат фалсафаси (политология), ҳуқуқ фалсафаси, техника фалсафаси каби соҳалар ҳам мавжудки, улар бир сўз билан ижтимоий-фалсафий фанлар тизими дейилади.

Иккинчи хил классификация фалсафий фанлар таснифида олам ва одам, борлиқнинг асоси билан боғлиқ масалалар қандай усулда ҳал қилинишига қараб белгиланади. Бундай таснифлаш натижасида монизм, дуализм, плюрализм, материализм, идеализи, теизм, атеизм каби қутблаб йўналишлар кўзга ташланади. Фалсафани ўрганиш жараёнида бу тушунчаларга ҳали кўп дуч келамиз ва ўрни келганда уларга зарур изоҳ ва таъриф беришга ҳаракат қиламиз.

Бу тизимда **фалсафа тарихи** билимнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бунда тадрижий тараққиёт тамойили асосида фалсафий тизимлар ўртасидаги тарихий изчилликка таянилади. Мазкур қўлланмада фалсафа тарихи ана шундай тамойил асосида ўрганилган.

Фалсафий билимлар тизимининг ўзгариши ва мазмунан бойиб бориши объектив ижтимоий-тарихий жараён маҳсули бўлиб, у жамиятнинг ривожланиш даражасига мос келади ва уни ўзида ифода этади. Фалсафий билимлар тизимидаги алоҳида йўналиш ҳар бир тарихий даврда ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланса ҳам, уларнинг умумий тамойиллари мавжуд. Яъни, биринчидан, ҳар бир фалсафий билим йўналиши жамият ривожланишида ўзига хос детерминант (сабаб) вазифасини бажаради. Иккинчидан, фалсафий билимлар жамият тараққиётига

таъсир килувчи субъектив омил булса хам, вужудга келиш асоси - генезиси нуктаи назаридан объектив ходисадир. Учинчидан, фалсафий билим йуналишларининг узаро боКликлик, алокадорлик муносабати, уларнинг дунёни билишдаги яхлитлигини таъминлайди.

Фалсафий Коялар ва уларнинг амалиёти. Инсониятнинг яшаши, ривожланиш истикболлари, орзу-хаваслари, интилишлари, умидлари, турмуш тарзи Коявий карашларда хам уз ифодасини топади. Фалсафий Коялар, образли килиб айтганда, инсон хаёт тарзининг кузгусидир. Ўар кандай фалсафий билим дастлаб Коя тарзида шаклланади.

Фалсафий Коя инсоният олдида турган муайян муаммони англаш ва уни хал килиш максади, услуб ва воситаларининг ифодасидир. Кишиларнинг нарса ва ходисаларга уз эхтиёж ва манфаатлари нуктаи назаридан ёндашиши натижасида муаммога муносабат ва уни хал килишга каратилган амалий, назарий харакат пайдо булади. Масалан, инсон онгли мавжудот экани боис узини мукаррар халокатга олиб бориши мумкин булган Кайриинсоний Кояларга асосланган хатти-харакатларни чегаралашга, таъкиклашга кодир. Умумийрок килиб айтсак, кишиларнинг яшаш, авлод колдириш, хаётни давом эттириш майли (инстинкти) дунёда нисбатан баркарор ижтимоий вазиятни таъминлаб туради.

Бугунги кунда тинчлик Кояси умуминсоний максадларни бирлаштирувчи фалсафий Кояга айланди. Шу билан бирга, Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг □ФидокорИ газетаси мухбири саволларига жавобларида айтилганидек: □.. Одамнинг калбида иккита куч — бунёдкорлик ва вайронкорлик хамиша узаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кура вахшийлик, ур-йикит инстинктлари, яъни хатти-харакатларини кузКатиш осонрокИ.

Бунда икки хил жихатга эътибор бериш лозим. Биринчиси - тор доирадаги мутаассиб кучларнинг Кайриинсоний Кояларни ёшлар онгига, турмуш тарзига сингдириш йули билан

---

[1] Ислом Каримов. □Донишманд халкимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаманИ- □ФидокорИ 2000 йил 8 июн.

ўзларининг муайян мақсадларига эришиш учун ҳаракатига эҳтиёт ва ҳушёр бўлмоқ керак. Иккинчиси эса, соқлом кучларнинг уларга қарши инсонни инсон деган номга муносиб қилиб тарбиялаш ва цивилизацияни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш манфаатлари учун курашидир.

Фалсафий назарияларнинг «яхши» ёки «ёмон», «фойдали» ёки «зарарли» эканини тарихий тажриба асосида фақат битта мезон — умуминсоний манфаатларга мос келадими ёки йўқми, деган хулоса асосида баҳолаш мумкин. Шунинг учун биз фалсафий қоя ва назарияларни баҳолашда ўз субъектив фикрларимизни мутлақлаштиришдан йироқ бўлишимиз лозим.

Фалсафий назариялар тизимида «фақат мен ҳақман, бошқалар нохақ» деган тарзда мутлақ ҳақиқатга даъвогарлик қиладиган қоя ва назариялар ўртасидаги кураш оқир оқибатларга олиб келишини тарихий тажриба қайта-қайта исботлаб берган.

Ўзар қандай манфаат шакллари ва даражалари муайян фалсафий қоя ва назарияларда ўз ифодасини топади. Шу нуқтаи назардан қараганда, қоя ва назариялар ўртасида доимий кураш бориши табиий ҳол. Президентимиз таъбири билан айтганда, «халқнинг ўзи турли-туман қоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда... Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. Жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай қаразлий ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўладиЙ.

Фалсафанинг муайян ижтимоий қатламлар сиёсий манфаатлари билан боғланиб кетиши, уларнинг мафкураси тарзида намоён бўлиши масаласи ҳам ниҳоятда муҳим. Шунинг учун миллий Фалсафамизни ривожлантириш асосида истиқлол мафкурасини яратиш кун тартибидаги энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Тарих фалсафаси. Инсоннинг онгли фаолияти ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат. Бу муносабатларнинг энг

---

[1] Ислом Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» // «Фидокор», 2000 йил 8 июн.

умумий конуниятларини урганувчи фалсафий билимлар уз тарихига эга. Ў акконий ёритилган тарих миллий фалсафани, мафкурани шакллантиришдаги асосий манба булиб хизмат килади. Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб булмайди. Чунки мафкуранинг фалсафий асослари уз даврида тарихий хакикат туфайли туКилган... Тарих ва фалсафа мантикий равишда бир-бирини такозо этадиган, керак булса, тулдирадиган, таракиёт жараёнлари хакида яхлит тасаввур берадиган, ок-корани фарклашда асос буладиган фанлардирИ. Афсуски, купгина кулланмаларда у ёки бу файласуфнинг таълимотига алохида эътибор берилади, у хакда чукур фикр юритилади. Аммо уша давр кандай эди, нима сабабдан муайян олим айнан шу Кояни илгари сурган, нега умрини бирор-бир таълимотни тарКиб этиш билан утказган, деган масалаларга кам эътибор берилади. Аслида, давр олим ва файласуф камолотида мухим урин тутади. Унинг Коялари туКилиши учун асос булади, бу Коялар кулланадиган ижтимоий амалиёт булиб хисобланади.

Агар масала бу тарзда куйилмаса, фалсафий таълимотнинг уз даврини акс эттирадиган мохият-мазмунига путур етади, айникса уша давр муаммоларини ижтимоий макон ва тарихий замондан ажратиб тахлил килиш натижасида фалсафанинг миллийлик рухи, хусусиятлари хиралашади.

Албатта, биз хар бир фалсафий билимларнинг узига хос муаммолари ва уларни хал килишнинг назарий-амалий усул ва воситалари борлигини инкор этмаймиз. Лекин, фалсафанинг урни, ахамияти ва вазифасига миллий мафкурани шакллантириш нуктаи назаридан ёндашадиган булсак, унга таъсир киладиган омилларни муштарак-мужассам тарзда олиб караш зарурати пайдо булади. Шунинг учун, бир томондан, хар бир фалсафий билим йуналишлари тарихини миллатнинг умумий тарихи билан биргаликда олиб тахлил килганда, яхлит фалсафий дунёкараш вужудга келади. Иккинчи томондан, бу жараённи миллат эхтиёжларидан келиб чикадиган, истикбол манфаатларига мос булган миллий истиклол Коясидан ажратиш мумкин эмас.

Узбек миллий фалсафасининг генезисига назар ташлайдиган булсак, бир-бири билан боКлик икки омилни курамиз: бирин-

[1] Ислом Каримов. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаманИ- ФидокорИ 2000 йил 8 июн.

чиси, кадимги зардуштийликнинг мукаддас китоби - Авесто ва ислом динининг бош асоси — Jуръони карим ва хадиси шарифдаги инсонпарварлик Коялари булса, иккинчиси — дунёвий билимлардир. ў озирги кунда хар кандай ижтимоий фан сохасининг, шу жумладан фалсафанинг энг мухим вазифаси диний ва дунёвий билимлар уртасида муътадил муносабат булишини илмий изохлаш, унинг конуният ва хусусиятларини очиб бериш-дир. Бунинг учун дин ва дунёвий фанларнинг узаро муносабатларини умуминсоний максад ва манфаатлар доирасида уйКунлаштириш имкониятларини топиш максадга мувофик. Зеро, хукук, ахлок, сиёсат, маданият фалсафаларининг Коявий-назарий йуналишларини шу масалани хал килишга каратишни умуминсоний цивилизациянинг узи такозо килмокда.

XXI асрга келиб, инсоният Коят мураккаб, оламшумул муаммолар каршисида турганлигини англай бошлади. Хусусан, ядро уруши хавфи, кескинлашаётган экологик муаммолар, хомашё ва энергетика ресурслари, Ер шари ахолисининг шиддат билан усиб бораётгани, уларни озик-овкат билан таъминлаш, соКликни саклаш, маориф ва маданиятни, фан-техника ва технологияни ривожлантириш муаммолари янгича тафаккурни такозо килмокда. Бу масалани миллий ва умуминсоний фалсафий Кояларни, назарияларни ишлаб чикмасдан хал килиш мумкин эмаслиги эса тобора аник булиб бормокда.

Фалсафа ижтимоий хаётда инсоннинг мохияти, яшашдан кузлаган максади, олий кадрият экани, маънавий омиллари (идеаллари), борликдаги урни, муносабатлари сабаблари, рухий ва моддий эхтиёжларини кондириш усул ва воситалари — барчабарчасини курсатиб беради.

Жамият тараккиёти ва фалсафанинг ривожланиши диалектикаси ана шу хусусиятларга асосланиб, узига хос тарзда намоён булади. Бир томондан, жамиятнинг узгариб бориш тамойили фалсафий Коя, назария ва таълимотлар узгаришини такозо килади. Иккинчи томондан, узгараётган фалсафа жамият моддий-маънавий хаёт тарзини илКаб олиб, унинг истикболларини белгилаш, мафкурасини шакллантиришда назарий, услубий асос булиб хизмат килади. Айникса, мамлакатимиз бозор иктисодиёти муносабатларига утаётган бугунги кунда кишилар тафаккури ва онгида сакланиб колаётган эскича фикрлаш колипларини

бартараф этиш, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни раКбатлантириш, миллий узликни англаш, истиқлол мафкурасини шакллантиришда шошилмай, бехуда хис-хаяжонларга берилмасдан, ақл-заковат билан иш тутишда фалсафанинг урни ва ахамияти Коятда улкандир.

Фалсафа хар кандай мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятда хам кишиларни юксак Коявийлик, мустахкам эътиқод, келажакка ишонч рухида тарбиялаш билан бирга, уларга муроса ва хамкорлик килиш, чигал муаммоларни хам умуммиллий, умуминсоний манфаатларни назарда тутган холда маданий ва маърифий хал этиш имкониятларини топишга ёрдам беради.

Фалсафанинг вазифалари (функциялари). Бу фаннинг ижтимоий фанлар тизимидаги урни ва ахамияти унинг дунёқарашни шакллантириш, услубий, гносеологик, эвристик, педагогик-дидактик, праксеологик вазифалари (функциялари) билан белгиланади.

Бундан аввалги маърузамизда фалсафий дунёқарашнинг генезиси, вазифаси ва ахамияти хақида анча батафсил тухталиб утган эдик. Ушбу маърузада эса, унга кушимча килиб, фалсафа фан сифатида дунёқарашни шакллантириш борасида кандай вазифани бажаради, деган саволга жавоб топишга харакат киламиз.

Фалсафа фанининг дунёқарашни шакллантириш борасидаги вазифаси:

- биринчидан, инсон карашларининг шаклланиш имкониятлари, усул ва воситаларини, уларнинг кундалик онг даражасидан назарий Коялар даражасига кутарилиш жараёнини, мифологик дунёқарашдан фарқларини;

- иккинчидан, миллий дунёқарашни шакллантиришдаги турли фан йуналишларининг муайян вазифаларини, уларнинг бир-бири билан Коявий хамкорлик килиш ва уйКунлашув тамойилини;

- учинчидан, илмий дунёқарашнинг миллий ва умуминсоний манфаатларга мос келишини аниқлашда намоён булади.

Фалсафа фанининг услубий вазифасини изохлаш учун аввало услуб (методология) тушунчасини билиб олиш лозим. Методология — фалсафа фанининг тадқиқот объектини урганишга йуналтирилган энг умумий тамойиллар, усул ва воситалар тизимидир. Методология сузининг мантиқий мазмуни хам борлиқни билишнинг усул ва воситалари хақидаги таълимот, деган маъно-

ни англатади. Шу маънода фалсафа бошқа фанлар учун методологиядир.

Фалсафанинг гносеологик вазифаси, унинг борлиқни билиш учун умумий методлар тизимини яратиши билан боғлиқ. Бунда билимларнинг ҳақиқийлиги масаласи асосий ўрин тутади. Фалсафанинг гносеологик функцияси, онг ва дунёни билиш масаласига бағишланган маърузаларимизда анча батафсил маълумотлар бериш кўзда тутилган.

Фалсафанинг эвристик функцияси (Эврика грекча сўз бўлиб, кашф этиш, деган маънони англатади) гносеологик вазифаси билан боғлиқ бўлиб, табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг умумий янги қонуниятларини кашф этишни характерлайди. Шу билан биргаликда бу функцияга ўзини ўзи англашни, миллий ўзликни англашни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Зеро, инсон ва миллатнинг ўзлигини англаши ўз тарихининг ҳаққоний қирраларини ва келажак истиқболларини кашф этиш билан белгиланади.

Фалсафа тарбиявий вазифани бажаради. Инсоннинг маънавий баркамолликка етишишида фалсафанинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Хусусан, Ахлоқ фалсафаси ижтимоий-сиёсий фаоллик ва масъулиятни ҳис этиш туйғуларини тарбиялайди. Ўқув фалсафаси ижтимоий онгни, ҳуқуқий маданиятни, ижтимоий назоратнинг бошқа ҳуқуқий усул ва воситаларини назарий-амалий жиҳатлардан ишлаб чиқади. Табиатшунослик фалсафаси таълим-тарбия соҳасида ўзига хос аҳамиятга эга. Инсоннинг табиатни билиш борасидаги интилишлари моҳиятини ёритади, табиатга нисбатан оқилона муносабатни шакллантириб, уни муҳофаза қилишнинг назарий асосларини белгилаб беради.

Фалсафанинг праксиологик функцияси фалсафий қоя ва назарияларнинг ижтимоий ҳаётга амалий татбиқ этилиши билан изоҳланади.

Ўз навбатида, қандай амалий фаолият мустаҳкам илмий назарияга асосланмаса, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, фалсафанинг бу функцияси назариянинг амалиётга жорий этиш услуб ва воситаларини аниқлашни ҳам ўз ичига олади.

Юқорида кўрсатилган функцияларнинг ўзаро ички боғлиқлиги фалсафанинг муштарак умумназарий ва услубий аҳамиятини белги-

лаб беради. Уларнинг узига хос хусусиятлари хамда ахамиятини хар томонлама урганиш инсон ва жамиятнинг маънавий камолотига нихоятда катта таъсир курсатади. Бу эса уз навбатида, фалсафий билимлар тизимини такомиллаштириш йулларини топиш имконини беради. Масаланинг бу тарзда хал этилиши умуминсоний цивилизация тамойилларига хам мос келади.

Таянч тушунчалар

Фалсафий билимлар, фалсафий билимлар тизими, фалсафий Коялар, фалсафий назариялар, фалсафий фанлар, фалсафанинг асосий вазифалари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Фанларнинг ажралиш ва узаро кушилиш тамойилини кандай тушунасиз?
2. Фалсафий билимлар тизимига кайси фанлар киради?
3. Фалсафий Коя ва назарияларнинг шаклланиши кандай руй беради?
4. Фалсафий фанларнинг вазифаларига доир асосий хусусиятлар нималардан иборат?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Маънавий тикланиш йулида. — Т.: Узбекистон, 1998.
2. Каримов И. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман — Фидокор газетаси, 2000 йил 8 июн.
3. Каримов И. Узбекистон XXI асрга интилмода. — Т.: Узбекистон, 1999.
4. Узбекистон XXI асрга интилмода. — Т.: Узбекистон, 2000. - 352 б.
5. Основы философии. Т. Узбекистон, 1998.

4-мавзу. Истиқлол ва фалсафий дунёқарашнинг янгиланиш муаммолари

Режа:

1. Ижтимоий тараққиёт ва фалсафий тафаккур.
2. Истиқлол ва фалсафий тафаккурни янгилаш зарурати.
3. Янги мафкуравий тамойиллар шаклланишида фалсафанинг ўрни ва аҳамияти.
4. Фалсафий дунёқарашнинг янгиланиш жараёни ва ёшлар тарбияси.

Тараққиёт ва тафаккур, истиқлол ва фалсафа. Фалсафий тафаккур ривожи инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараёндир. Маълумки, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ижтимоий онгда акс этади. Тараққиёт жараёнида даврлар ўзгариши билан унга хос маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва фалсафий мезонлар ҳам шакллана бошлайди. Аммо бу ўз-ўзидан юз бермайди.

Айниқса, инсон тафаккурининг ўзгариши, дунёқарашнинг янгича тамойилларга эга бўлиши узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Бу ҳол бизнинг кунларимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон кунда жамиятимизда истиқлол ғояларига асосланадиган янги дунёқарашни шакллантириш асосий вазифа бўлиб турибди. Зеро, инсон дунёқарашини, унинг асосий тамойилларини ўзгартирмасдан, янги жамиятни қуриш қийин. Бу жараённинг қонуниятлари ва «зига хос хусусиятлари Президент Ислом Каримовнинг «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» мавзуидаги жавобларида асослаб берилган.

Истиқлол талаблари даражасида фалсафий тафаккурни янгилаш вазифаларини бажариш қоят мураккаб бўлиб, қуйидаги бир қатор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этмоқда:

- мустабид тузум мафкурасининг ижтимоий, маънавий ва фалсафий соҳалардаги асоратларини бартараф этиш;
- кишилар онги ва турмуш тарзидан собиқ тузумга хос қайри-инсоний тамойилларни сиқиб чиқариш;
- Ўзбекистон фалсафасида жаҳон фалсафий тафаккури ютуқларидан янада кенгроқ фойдаланиш;
- бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида нафақат оддий фуқаро, балки зиёли ва фалсафа мутахассисларининг онгида ҳамон сақланиб келаётган лоқайдлик ва мутелик каби кайфиятларга барҳам бериш;

- маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш жараёнида буюк аждодларимиз фалсафий меросини янада кенг ва чуқурроқ ўрганиш;

- фалсафий адабиётларни миллий манфаатларимизга янада қулроқ мослаш, қулланма ва дарсликларимизда миллий Қоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини акс эттириш;

- истиқлол талабларига мос келувчи соқлом Қояли маънавий баркамол авлодни тарбиялаш заруратига мос тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида таълим-тарбиянинг самарали усул ва имкониятларини излаб топиш.

- жаҳон ва Шарқ халқлари фалсафий меросини пухта ва чуқур ўрганиш, бу жараёнда турли Қоя ва мафкураларнинг давлатлар ва халқлар тақдирига таъсирини аниқ кўрсатиш ва шу асосда истиқлол мафкурасининг тамойилларини кишилар онгига сингдириш.

Ана шу масалаларни уйғун ҳолда ҳал қилиш фалсафий дунёқарашимизни янгилашга ёрдам беради.

Мустақиллик — фалсафий дунёқараш янгиланишининг асоси. Истиқлолга эришганимиздан буён тарихан қисқа давр ўтган бўлса-да, мустақил тараққиёт мамлакатдаги улкан имкониятларни рўёбга чиқаришнинг ягона ва муҳим омили экани ўзининг туғилиқ исботини топди. Зеро фақат мустақилликкина ҳар бир ҳалққа «з фалсафасини эркин ривожлантириш, такомиллаштириш имконини беради.

Бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни моҳиятини ва фалсафий асосларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда асосий масала шундан иборатки, мустақиллик одамлар дунёқарашининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишларига янгича нуқтаи назардан қарашни тақозо этади. Уларни янги мазмун билан бойитишни, истиқлол талаблари асосида ўрганишни заруратга айлантиради.

Бунда айниқса, Президентимизнинг қуйидаги фикри ниҳоятда муҳим: «Бизнинг тушунишимизча, қотиб қолган эски ақидалардан воз кечиш — уз тарихий утмишимиздан воз кечиш дегани эмас. Бу — бир ёқлама ва тор фикрлашдан воз кечиш демакдирИ Айнан бир ёқламаликдан қутулган кенг қамровли дунёқараш асосида бугунги янгиланишни тўғри англаш мумкин. Шу сабабдан ҳам, бугунги кунда қуп қиррали ва мураккаб ҳодиса бўлган фалсафий дунёқарашнинг миллий давлатчилик ҳамда кишиларнинг Қоявий етуклигини таъминлаш эҳтиёжига хизмат қиладиган жиҳатларига эътибор кучаймоқда.

Шу билан бирга, мустабидлик замонидаги тафаккур куллиги, доимий тазйик, халкнинг уз тарихий илдизларидан ажратиб куйилгани билан боКлик холатларнинг хозирги дунёкарашдаги узгаришлар жараёнларига таъсирига хам эътибор бериш лозим. Илм-фан сохасидаги туб узгариш ва янгиланишлар жараёни тугрисида хам шундай дейиш мумкин. Айнан мустакиллик дунёкарашимизни мустабидлик сиртмокларидан халос этди. Аслини олганда, ушбу мавзуни урганиш хам истиклол шарофатидир.

Мустакил тараккиёт маънавий янгиланиш борасидаги асосий омил экани хар кандай мамлакат, жумладан Узбекистон учун хам тарихий конуниятдир. Шу билан бирга, истиклолнинг маъно-мохиятини кишиларга тугри англатиш, уларни мустакиллик берган имкониятларни амалга оширишга жалб этиш билан боКлик назарий ва амалий фаолият хам нихоятда мухим.

Мустакиллик йилларида **фалсафанинг янгиланиши учун зарур асослар** шаклланди.

Моддий-иктисодий асослар. Эски, собик иттифок давридаги иктисодиёт янги мазмундаги фалсафани шакллантириш учун асос б«ла олмас эди. Истиклол йилларида бу сохада нихоятда катта «згариш р«й берди, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Иктисодий плюрализм ва бозор муносабатлари бунда бош й«налиш билиб олинган б«лса-да, ахолини ижтимоий химоялаш устувор жихат сифатида белгиланди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда маънавий, жумладан фалсафий янгиланиш борасида хам туб «згаришларнинг иктисод билан боглик асосларини яратиш имконини берди.

Ижтимоий-сиёсий асослар. Фалсафанинг сиёсий асослари мустахкам б«лиши зарурлиги тарихий тараккиёт жараёнида к«п бор исботланган ижтимоий хакикатдир. ўзар кандай жамият ва мамлакатда давлат халкнинг турли катламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онгини «згартира олмаса, «зининг пировард максадларини амалга ошириши кийин. Бугунги кунда жахон хамжамиятининг тенг хукукли аъзосига айланган Узбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ва тузулмалар вужудга келди. Ана шуларнинг барчаси янги мазмундаги фалсафани шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий асосларини яратиш имкониятини очди.

Маънавий асослар фалсафанинг янгиланишида нихоятда мухим ахамият касб этади. Чунки бундай фалсафанинг шаклланиши мамлакатда амалга ошаётган маънавий сохадаги «згаришларнинг таркибий кисмидир. Бу борада Узбекистонда

амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқ маънавиятининг тозаланиши, асрлар давомида яратилган қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ фаолиятлар катта аҳамиятга эга. Бунда айниқса, тарих фалсафаси, халқимизнинг хотираси, «тмишдаги авлодлар яратган бой маданий меросдан т«ла-т«кис фойдаланиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фалсафий тафаккур янгиланишининг мамлакатимиз ҳаётида руй бераётган туб ўзгаришлар билан чамбарчас боқлиқлиги қуйидаги масалаларни фалсафий таҳлил этишни заруратга айлантиради:

- бугунги кунда руй бераётган дунёқарашни янгилаш жараёнининг тарихий илдизларини ўрганиш ва фалсафий таҳлил этиш;
- собиқ иттифоқдаги ижтимоий таназзул ва унинг халқимиз тафаккуридаги оқибатларини тугатиш;
- истиқлолнинг фалсафий тафаккурни ўзгартириш учун янги даврни бошлаб бергани;
- мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида дунёқарашнинг ўзгаришида қандай асосий тамойил ва йўналишлар кўзга ташлангани;
- бугунги кунда фалсафий дунёқарашнинг янгиланишига таъсир кўрсатаётган замонавий омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Фалсафий онгнинг янгиланиши — серқирра жараён. У жуда кенг ижтимоий мазмунга эга бўлиб, жамият маънавий ҳаёти, мафкураси, маданияти ва таълими тизимидаги янгиланиш, одамларнинг руҳий покланиши, собиқ Иттифоқдан қолган қарамлик кайфиятидан холос бўлиш жараёнининг таркибий қисмидир.

Фалсафий дунёқараш ўзгаришининг муҳим жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши ижтимоий жараёндир. Яъни у, аввало, тараққиётнинг бир босқичидан иккинчисига ўтаётган мамлакатдаги ижтимоий муносабатлардаги узлуксиз ўзгаришнинг таркибий қисмидир. Фалсафадаги янгиланиш жамиятдан, ўз давридан, руй бераётган ижтимоий жараёнлардан ташқарида содир бўладиган ҳодисалар йиқиндиси эмас. Балки у ўзида ана шу ижтимоий жараёнларнинг барча асосий хусусиятларини акс эттиради.

Иккинчидан, мустақилликка эришган ва уни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган мамлакатимиз учун бу тарихий заруратдир. Яъни у тасодифий намоён бўладиган ўткинчи ҳодиса эмас. Балки ўтиш даврининг зарурияти, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш,

одамларда янгича тафаккурни шакллантиришдаги асосий йуналишлардан биридир.

Учинчидан, фалсафий дунёкарашнинг янгиланиши нафакат умумий маънавий мухитнинг, балки хар бир жамият аъзосининг ижтимоий киёфаси, рухий дунёси, максад ва эхтиёжларининг узгариши хамдир. Шу маънода, у буюк аллома бобомиз Абу Наср Форобий орзу килган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантирадиган ва такомиллаштирадиган жараёндир[1]. Ана шу нуктаи назардан караганда, у Коят мураккаб рухий узгаришлар, одамларнинг куллик психологияси ва мустабид тузумга хос мафкуравий асоратлардан халос булиш жараёни хамдир.

Туртинчидан, фалсафий онгнинг янгиланиши муайян бир даврда амалга ошади. Бу жараён бизнинг мамлакатда утиш даврига тугри келмокда. Ана шу даврда ижтимоий мухитда янги жихатлар вужудга келади, одамларнинг рухияти, карашларида туб узгаришлар руй беради.

Бешинчидан, фалсафий дунёкарашнинг янгиланиши инкор ва ворислик жараёни хамдир. Унда, бир томондан, узбек фалсафасида азалдан мавжуд булган, хатто собик мустабид тузум хам йукота олмаган куп жихатларнинг сакланиб колиши кузатилади. Иккинчи томондан, якингинада устувор булган купгина синфий-партиявий тамойиллар утмишга айланади, инкор этилади. Учинчи томондан эса, фалсафий тафаккурда янги йуналишлар уз урнини топади.

Фалсафа янгиланишининг хусусиятлари узига хос намоён булади. Дунёкарашнинг янгиланиши кенг камровли тушунча сифатида хилма-хил хусусият ва йуналишларга эга. Аввало, унинг хар бир кишига хос индивидуал онг билан узвий алокадорлиги ва унга таянишини алохида таъкидлаш лозим. Бу жихатдан у инсоннинг инсонийлик билан боКлик хусусиятларини такомиллаштиришни англатувчи куч ва имкониятни белгилайди.

Сирасини айтганда, дунёкараш ижтимоий куч даражасига кутарилиши учун муайян фаолият оркали амалиётга айланиши лозим. Чунки дунёкараш хаёт тажрибалари туфайли эътикодга айланади ва фаолият мезони булиши мумкин.

Бир томондан, одамзод учун туКма, наслий хусусият булган дунёкараш ирсият асосида авлоддан авлодга утади. Шу билан бирга, у ижтимоий мухит таъсирида ривожланади. Ижтимоий

---

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар фазилатлари И// Кизхондан колган мулк И - Т.: Fафур Fулом нашриёти, 1995 йил, 170-175-бетлар.

муносабатларга киришган кишилар эса, бир-биридан маънавий мезонларни урганади, уларнинг таъсирида усиб- улКаяди.

Аммо, айнан ана шу жараёнда улар субъектив омил сифатида тараккиётга таъсир курсатадилар, муайян максадга каратилган фаолиятлари оркали бу борада бирор натижага эришадилар. Фалсафий тафаккур янгиланишини харакатлантирувчи кучи нима, деган саволга жавоб излар эканмиз, шахснинг жамиятдаги урни ва фаолиятига эътибор бермаслик мумкин эмас. Бу жараённинг умумий ва хусусий жихатларига эътибор каратганда, унинг алохида шахс ва жамият аъзоси, яъни оддий фукаро хаётидаги ана шундай хусусиятларини хисобга олган холда талкин килган маъкул.

Масалан, энг умумий маънода, фалсафий дунёкарашнинг янгиланиши, асосан, жамиятдаги мана шу сохада руй берган узгаришларни ифодалайди ва уз хусусияти ва ахамияти кенглиги билан ажралиб туради. Бунда хам бир □анча жихатларга эътиборни каратишга тугри келади.

Мустакиллик одимлари ва фалсафанинг янгиланиши узвий боКлик жараёндир. Мамлакатнинг ривожланиш суръати янгича мустакил фикрлайдиган, ижтимоий фаол, маънавий-ахлокий жихатдан етук мутахассисларга булган талабни алохида боскичга олиб чикди. Мулк шаклининг хилма-хиллиги, хукукий маданиятни юксалтиришга эхтиёж, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг кучайиши, ишлаб чикаришга янгидан-янги технологияларнинг кириб келиши жараёни юкори даражада тарбияланган ва юксак малакага эга булган мутахассисни такозо этаяпти. Зеро, юксак малака айни пайтда аклий-рухий ва жисмоний салохиятлар уйКунлашган такдирдагина кунгилдагидек самара беради.

Мустакил давлатнинг олий максадларини амалга ошира оладиган мутахассисларни шакллантириш учун уларнинг шахсияти ижтимоий талабларга жавоб бера оладиган тарзда камолга етган булиши лозим. Тугри, инсон жамиятдаги уз урни, Оллох раво курган такдири хакида уйлаши, уз Ватанини севиши, уз миллати шаънини улуКлаш учун елиб-югуриши мумкин. Бирок улар аник натижа берадиган фаолиятга айлансагина ижтимоий мазмун касб этади.

Муайян киши жамиятдаги уз урни хакида уйласа-ю, жамият олдидаги бурчини англаб етмаса, амалда бурчига содик эканини намоён этмаса ёки Ватанни севиш билан чекланиб, унинг равнаки учун курашмаса, миллатига муносиб булиш хакида уйласа, елиб-югурса-ю, миллий Курур ва ифтихор туйКуларининг амалдаги исботини намоён эта олмаса, бундан на жамият, на Ватан,

на миллат наф топади. Бундай кишининг шахсиятида ижтимоий бурч, ватанпарварлик, миллий Курур ва ифтихор туйКулари заиф ва фаолиятсиз булиб колаверади.

Бундай шахслар мустакиллик талабларига хозиржавоблик билан майдонга чика олмайди. Маънавий-ахлокий, рухий-жисмоний етук ва фаол шахсгина жамият тараккиёти мазмунини, давлатнинг истикбол йулини, шахс — жамият - давлат манфаатларининг уйКунлигини тугри тушунади, шу йулда хормай-толмай мехнат килади.

Албатта, маънавий-ахлокий, рухий-жисмоний соКлом ва етук кишиларни вояга етказиш осон эмас. Бунинг учун йиллар мобайнида тер тукишга тугри келади. Бунда, аввало, одамлар тафаккурини янгилаш, уларда истиклол дунёкарашини шаклланти-риш зарур. Бинобарин, давр такозо этаётган кенг камровли билимга эга булиш миллий ва умуминсоний маданиятлардан, бой тарихдан, бугунги кундаги улуКвор бунёдкорлик ишлардан бахрамандлик уларнинг калбида Ватанга садокат ва ифтихор туйКулари камол топишига хизмат килади. Бу эса, уз навбатида, ижтимоий фан сохасидаги ислохотларнинг тезкор амалга оширилишини талаб этиши шубхасиз.

Тафаккури истиклол талаблари даражасида янгиланган инсон ким? У кандай эзгу ва олижаноб хусусиятлар билан ажралиб туради? Истиклол талабларига жавоб бера оладиган баркамол авлод качон шаклланади? Бу саволлар — оддий саволлар эмас. Уларнинг тугри ечимини топиш учун бир неча йиллар давомида янги авлодни шакллантириш лозим булади. Лекин хозирги давр-даги туб узгаришлар жараёнининг тахлили асосида хам бу жараённинг баъзи хусусиятларини курсатиб утиш мумкин.

Мамлакатимиз бозор муносабатлари сари кадам куйяётган бугунги кунда ижтимоий-иктисодий хаёт тарзимизда юз бераётган салмокли узгаришлар, шубхасизки, малакали, етук маънавиятли, фидойи мутахассис кадрларни тайёрлашни талаб этмокда. Тараккиётимиз такдирини ана шундай кадрлар хал этади.

Фалсафанинг янгиланиши ва мафкуравий жараёнлар узвий боКлик. Фалсафий дунёкараш ижтимоий онг ва мафкурадан ажралмасдир. Мафкура жамиятдаги маънавий мухит кандай эканини курсатиб турадиган энг асосий мезонлардан бири булса, фалсафа уни шакллантирадиган омиллар сирасига киради. Аммо эски колипларга уралган фалсафий дунёкараш асосида янги замоннинг мафкуравий талабларига жавоб бериб буладими? Йук, албатта.

Мафкура жамиятсиз пайдо бўлмаганидек, ижтимоий-сиёсий тузум ва унинг маънавий ҳаётини ҳам мафкурасиз тасаввур этиб бўлмайди. Мафкура ўз моҳияти, мақсади, ҳаракат йўналишлари билан жамиятнинг бош Қоясига хизмат қилади. У — жамият ҳаётининг таркибий қисми, бинобарин, унинг баҚрида шаклланади, маданий мерос ва қадриятлар заминида фаолият кўрсатади.

Аслида тарихда мафкурадан мутлақо холи даврлар кам бўлган. Шундай даврлар бўлган тақдирда ҳам, улардан сўнг албатта ҳар сафар мамлакатнинг ўзига хос ва ўзига мос мафкуравий муҳитини қайта тиклаш ва янгилаш жараёни бошланган. Ватанимизда кечаётган бугунги мафкуравий янгиланишни соҳибқирон Амир Темур даврида м«Куллар империяси истилосига барҳам бериб, мустақиллик учун, миллий давлатчилик асосларини қайта тиклаш учун кураш йилларига қиёслаш мумкин.

Мамлакатимизда миллий истиқлол мафкурасини шаклланти-риш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Бугун собиқ мустабид тузум мафкураси бутунлай ўтмишга айланди. Диёримизда миллий давлатчилик анъаналаримиз қайта тикланмоқда, маънавият, маданият ва маърифат янги юксакликка кўтарилмоқда. □Ана шу жараённинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?И □У ҳаётимизни қайси томонга элтади?И □Биз бу жараёнда қандай иштирок этишимиз лозим?Идеган саволларга жавоб топиш зарурати ижтимоий тафаккурни ўзгартиришни долзарб вазифага айлантирмоқда.

Мустақиллик, миллий манфаатларимизга мос мафкурани шакллантиришни кун тартибига қўйди. У халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, тили, дили ва руҳиятига асосланиб, онгимизга келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйҚуларини сингдириши лозим.

Шу билан бирга, бу □Мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли улароқ муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоҚи керак И. Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрларида миллий истиқлол мафкурасининг дастурий вазифалари ўз ифодасини топган. Мафкура дунёқарашнинг асосини ташкил этади, жамият ва халқнинг тараққиёт йўлини белгилаб беради, жамият ва миллат ривожланишидаги етакчи Қояларни

[1] Ислом Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: □□збекистон И 1998, 82-бет.

илгари суради. Шу Коялар асосида инсонлар фаолияти, орзу-интилишлари, истиқбол режаларини аниқлашга ёрдам беради.

Мафкура давлат, сиёсат ёки муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларига хизмат қилувчи қарашлар, Коялар тизими сифатида намоён бўлади. У давлат, жамият ёки партияларнинг ижтимоий барқарорлигини, яшовчанлигини Коявий жиҳатдан таъминлашга ҳам хизмат қилади. Шу уринда мафкура узи мансуб бўлган жамият, миллат ёки ижтимоий гуруҳнинг ҳаракат дастурига Коявий йўналиш беришга қаратилган тарКиботлар мажмуига ҳам ўхшаб кетади.

Бинобарин, жамият, миллат ёки бирон-бир гуруҳга тегишли асосий ижтимоий қадриятлар ҳақидаги тасаввурлар ҳам мафкура орқали ҳосил қилинади. Мафкура ҳар бир даврнинг етакчи Кояларини узида ифода этгани учун ҳам у ҳақда фикр билдириш, уни дунёқарашнинг шу соҳадаги намойиши дея қабул қилиш мумкин. Мафкура — жамият ва халқнинг тараққиёт йўлини узвий тарзда белгилаб берувчи Коялар ва муайян ижтимоий қатламлар манфаатларига қаратилган сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, диний ва эстетик қарашлар тизимидир. Айни пайтда уни шахсий даражадаги ҳиссий тасаввур, тушунча ва Коялар мажмуи билан уйКун маълум бир маслак, таълимот, дунёқарашдир, деб талқин қилса ҳам бўлади. Ғоя ва мафкура тугрисидаги мавзуда бу ҳақда алоҳида фикр юритишимизни назарда тутиб, мафкура тугрисидаги фикрни қисқа ва мухтасар этишни лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши учун истибдод ва эски мустабид сиёсат туфайли онгимизга сингиб кетган мутелик, локайдлик, боқимандалик, сусткашлик, масъулиятдан қочиш каби асоратлардан халос бўлиш даркор. Бу асоратлар ҳам осонликча бартараф этилмайди. Бунда, аввало жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ҳаётида юз берадиган ижобий ўзгаришлар уни ҳаракатлантирувчи, тараққий эттирувчи асосий омил — инсон тафаккури, руҳияти, ҳис-туйКуларига самарали таъсир этади. Шу билан боКлиқ равишда, Ватан ва халқ тарихи, маънавий-маданий мерос, она тили, дин, миллий турмуш тарзи, миллий урф-одатларни янги даврнинг моҳият-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тиклаш, бойитиш ва миллий Курур-ифтихорнинг юксалишида жуда улкан ўрин тутади.

Фалсафий дунёқарашни янгилаш зарурати бир □атор й«налишларда намоён б«лади.

1. Аввало бу келажаги буюк давлатни барпо этиш билан боКлиқ. Бунда ана шу яратилажак янги жамият ҳақида, бозор муно-

сабатларига боскичма-боскич утиш жараёни, янги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг карор топа бориши, ислохотларнинг инсон манфаатларига хизмат килиши, миллий уйКониш ижтимоий тараккиёт такозоси, комил инсонни вояга етказиш давр талаби экани каби дастурий вазифаларнинг хаётийлиги тугрисидаги Кояларни одамлар дунёкарашида карор топтириш зарур.

2. Фалсафий онгнинг янгиланиши мохият эътибори билан фукаролик жамияти ва хукукий давлат барпо этиш борасида иктисодий мустакилликка эришиш оркали сиёсий мустакилликни мустахкамлаш, мамлакатимизнинг халкаро нуфузи ва алокаларининг усиб бориши, тинчлик, осойишталик, миллий тотувлик, бахамжихатликка хизмат килувчи Кояларга таянади. Унинг хаётийлиги халк иродасига, рухиятига, миллий туйКулари, орзу-интилишларига мослиги билан белгиланади.

3. Албатта, фалсафадаги янгиланиш миллат ва Ватан манфаатлари, истикбол режалари, миллий кадриятларимиз рухига мос холда кечади. Бу эса, уз навбатида, юртимизда кечаётган ислохотлар жараёни, давлатимизнинг сиёсий, хукукий, иктисодий, ижтимоий, маънавий хаётидаги ижобий узгаришлар тугрисида халкимизда тугри тасаввур ва тушунчаларни хосил килиб бориш лозимлигини курсатади.

4. Фалсафий тафаккур янгиланиши такозо этадиган энг мухим вазифа покланиш жараёни одамлар рухияти ва тафаккурида амалий тус олиши учун Узбекистон Конституциясида мужассам этилган максад ва Кояларни амалга ошириш йулида хизмат килишдир. Бу максад ва Коялар омма манфаатларини акс эттиргани боис уларни маънавий хаёт тарзининг таркибий кисмига айлантириш мухим ахамиятга эга.

Шу уринда Узбекистонда кабул килинаётган конун ва бошка хужжатларнинг асл мохиятини, уларда баён килинган Коя ва хулосалар, таклифларни кенг халк оммаси онгига етказиш бенихоя мухим ва долзарб эканини таъкидлаш жоиз. Чунки хукукий жамият ва маърифатли, баркамол инсон тушунчалари узаро боКликдир.

Маданий бозорни хам, маънавий соКлом жамиятни хам ана шундай кишилар ярата олади. Уларни вояга етказмай туриб, жамиятдаги янгиланишнинг асосий йуналишларини амалга ошириш тугрисида фикр юритиш кийин.

5. Мамлакатимиз мустакиллиги, тинчлиги, унинг фукаролари тотувлиги, ижтимоий-сиёсий ва иктисодий баркарорликнинг

кадрига етиш, жамиятимиз хаёт тарзига хавф солиши мумкин булган тахдидларга карши огохликни кучайтиришда фалсафа ва умуман, ижтимоий фанларнинг ахамияти бекиёс. Шу боис уз халки тарихини, уз миллий маданиятини, урф-одат ва анъаналарини яхши биладиган, миллий Курури юксак авлодни тарбиялаш фалсафанинг мухим вазифасидир. Бу эса жамият аъзоларида фикр эркинлигини тарбиялашни такозо килади.

6. Фалсафий дунёкарашнинг янгиланиши, мохият эътиборига кура, инсондан, унинг ижтимоий хусусиятлари такомиллашувидан четда кечадиган жараён эмас. У нафакат умумжамият микёсидаги, балки хар бир инсон камолоти учун хам зарур шарт-шароит яратадиган жараёндир. Шу маънода, у хам, жамиятдаги бошка узгаришлар каби, аввало, инсон учун, унинг камоли ва хаёт фаровонлигини таъминлайдиган ислохотдир.

Мамлакатимизда бу борада жуда кенг куламли ишлар бошлаб юборилди. Бугун ижтимоий фанлар ривожини замон талаблари даражасига етказиш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари, олим ва зиёлилар олдида Коятда масъулиятли вазифалар турибди. Биргина Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг узи бир неча йилларга мулжалланган кенг куламли фаолият йуналишларини назарда тутади. Бугунги кунда сиёсий, мафкуравий ва маънавий сохалардаги тараккиёт вазифалари узаро уйКунлашиб бормокда, таъсир доираси анча кенгаймокда. Айникса, мафкура борасидаги назарий фаолият, тарКибот ва ташвикотни хар томонлама кучайтиришга алохида ахамият бериш заруратга айланиб бормокда.

Фалсафий дунёкараш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш учун муайян имкониятларга эга. Улар куйидагиларда айникса яккол намоён булади: биринчидан, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий баркарорлик урнатилган; иккинчидан, ахолининг сиёсий, иктисодий, маънавий хак-хукуклари конуний асосда кафолатланган; учинчидан, жамиятнинг барча сохаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш давлат сиёсати даражасига кутарилмокда; туртинчидан, мамлакат ахолисининг маънавий-маърифий салохиятини ривожлантириш устувор ахамият касб этган.

Буларнинг барчаси фалсафий дунёкарашни шакллантириш вазифаларини самарали хал килишга асос булмокда. Галдаги вазифалар эса, ана шу имкониятларни амалий ишга айлантиришда хар биримиз уз масъуллигимизни кай даражада сезишимиз ва кандай фаолият юритишимизга боКлик.

Таянч тушунчалар

Дунёкараш, фалсафий тафаккур, дунёкарашнинг янгиланиши, тафаккурнинг узгариши.

Такрорлаш учун саволлар

1. Дунёкарашнинг узгариши ижтимоий тараккиётга кай даражада боКлик?
2. Дунёкарашнинг узгаришида мамлакат мустакиллиги бош омил ва зарур шароит булиб хизмат килиши айнан нималарда намоён булади?
3. Дунёкарашнинг узгариши комил инсонни вояга етказишда кандай урин тутади?
4. Мамлакатимизда фалсафий дунёкараш кандай асосий йуналишлар асосида амалга ошмокда?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Узбекистон XXI аср бусаКасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. — Т.: □УзбекистонИ, 1997.
2. Каримов И. Баркамол авлод — Узбекистон тараккиётининг пойдевори. — Т.: □УзбекистонИ, 1997.
3. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йук. — Т.: □Узбекистон И, 1998.
4. Каримов И. □Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаманИ □ФидокорИгазетаси, 2000 йил 8 июн.
5. Каримов И. Узбекистон XXI асрга интилмо□да. — Т.: Узбекистон, 1999.
6. Узбекистон XXI асрга интилмо□да. — Т.: Узбекистон, 2000. - 352 б.
7. □Основы философииИ – Т. □УзбекистонИ, 1998.

ИККИНЧИ БЎЛИМ.
ФАЛСАФА ТАРИХИ

1-мавзу. Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги фалсафий қарашлар

Режа:

1. Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги маданият ва фалсафий қарашлар.
2. Зардуштийлик ва "Авесто"да акс этган фалсафий қоялар.
3. Кушон империяси даври ва буддавийлик.
4. Моний ва Маздак таълимоти.
5. Ўзбекистондаги қадимги фалсафий қарашларни ўрганишнинг аҳамияти.

Тарихни билиш, ундан тўғри ва холис хулосалар чиқара олиш инсон маънавий камолоти учун ниҳоятда муҳим. Тарих — буюк муаллим, ўтмишдан сабоқ берадиган тарбиячидир. Гап энг қадимги давр фалсафаси ҳақида борар экан, бу ҳақиқат янада катта аҳамият касб этади. Айримлар "Бизга минг йиллар қаърида ётган маданият ва фалсафадан нима фойда, яхшиси, бугуннинг гапидан гапиринг?", "Ўтмиш қаъридан ташбеҳ излагандан кўра, бугунги муаммолар устида бош қотирган маъқул эмасми?" деган хаёлларга бориши мумкин. Бир қарашда уларнинг гапида ҳам жон борга ўхшайди. Аммо бир нарса аниқ: ўтмишни билмасдан туриб, келажакни тўғри тасаввур этиш мумкин эмас. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ.

Шу маънода, биз фалсафа тарихини азбаройи ўтмишга қизиқканимиз учун ўрганмаяпмиз. Биз уни турли замонларда рўй берган хилма-хил воқеа ва ҳодисаларнинг фалсафий фикр ва онгида қандай акс этгани, уларни қандай Қояларнинг туҒилишига сабаб бўлгани, қайси таълимотлар инсоният тараққиётига қандай таъсир кўрсатгани, қайси мафкура одамзодни қулроқ ривожланиш ёки таназзул томон етаклагани каби ҳақиқатларни билиб олиш учун ўрганамиз. Тарихни ўрганмоқ ва ундан сабоқ олмоқ ҳар бир инсон учун зарурдир. Бу — фалсафа билан шуғулланаётган мутахассис учун ҳам, уни ўрганаётган талаба учун ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга. Тарихни фалсафасиз тўғри тушуниб бўлмагани каби, фалсафани ҳам тарих ҳақиқатисиз тўғри англаб бўлмайди.

Шуларни назарда тутиб, қуйида биз мамлакатимиз тарихида муайян из қолдирган айрим фалсафий қарашлар ва таълимотлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Зардуштийлик таълимоти. Эрамиздан аввалги X асрдан эрамизнинг VII асрларигача булган давр махсули булган диний-фалсафий таълимотлардан бири зардуштийликдир.

Бу таълимотга Зардушт асос солган булиб, Шарк ва Fарбда Заратуштра, Зароастр номлари билан машхурдир. Манбаларга кура, Зардушт эрамиздан аввалги VI асрнинг биринчи ярмида яшаган. Лекин унинг тарихий ёки афсонавий шахс эканли хакида аник бир тухтамга келингани йук. У узини пайКамбар деб эълон килган. Лекин унинг пайКамбарлиги илохий асосга эга эмас. Яъни бу хакикат илохий китобларда уз тасдиКини топмаган.

Кейинги йилларда олиб борилган тадкикотлар шуни курсатмокдаки, бу таълимот Ватанимиз худудида, хусусан, Хоразм заминида пайдо булган. У уз даврида халкни эзгулик ва адолат Коялари га даъват этиш, хаётбахш анъаналарни шакллантириш, дехкончилик ва шахар маданиятини ривожлантиришда мухим ахамиятга эга булган, унинг Коялари билан боКлик кадриятлар бугунги кунгача яшаб келмокда ва халкимиз турмуш тарзининг узига хос хусусиятларини белгилашда улкан киммат касб этмокда.

Зардуштийликнинг бош китоби □АвестоИдир. унда кадимги халкларнинг дунё тугрисидаги тасаввурлари, узига хос кадрият ва урф-одатлари акс этган. Унда оламнинг азалий карама-карши кучлари- яхшилик ва ёмонлик, ёруКлик ва зулмат, иссикдик ва совукдик, хаёт ва улим борасидаги карашлар уз ифодасини топган. □АвестоИда, шунингдек, табиат фалсафаси, тарих, этика, тиббиётга оид маълумотлар хам берилган.

Фалсафа тарихида македониялик Александр (эски узбек тилида Искандар дейилган) истилоси ва Грек-Бактрия даври фалсафаси хам халкимизнинг тараккиёт тарихида мухим урин тутган. Манбаларда Александр кушини махаллий халкларнинг каттик каршилигига учрагани, у □Авесто□нинг купгина кисмини ёндириб юборгани хакида маълумотлар бор. Бугунги кунгача хам айрим тарихчилар Александр □Авесто□нинг тилини билмагани, уни укий олмагани сабабли бу китобнинг кадр-кимматини тушунмаган ва уни ёкиш тугрисида курсатма берган, деган фикрларни баён этадилар. Аслида ундай эмас. Бу — тарихий хакикатни, гарчанд у кимлар учундир аччик ва кимлар учундир ибратли булса-да, хаспушлашга уринишдан бошка нарса эмас. Негаки, Александр уз замонида фанларнинг отаси деб ном олган фалсафани фан дараж асига кутарган, буюк донишманд сифатида етти иклимда тан олинган Арастудан 20 йил мобайнида муттасил таълим олган эди.

Бинобарин, Шох Филиппнинг уКли Александрни саводсиз, китобнинг кадрини тушунмайдиган бир кимса деб таърифлаш тарих хакикатига тугри келмайди.

Тугри, у "Авесто"ни утда куйдирган булиши мумкин. Лекин буни китобнинг кадрини тушунмагани учунмас, балки ерли халкларни бирлашишга даъват этиб турувчи, улар эътикод куйган миллий Коялар тимсоли булган ва уз салтанатига карши муттасил кураш олиб борувчи ватанпарварларни тарбиялайдиган манба эканини назарда тутиб, шу ишни амалга оширган. Долаверса, узини дунёдаги энг ривожланган худуд маданиятини жахонга ёйиш учун масъул деб билган, тугрироКи, уша маданиятдан бошкасини тан олмаган машхур жахонгир учун забт этилган халкнинг "Авесто"дек буюк китоби булиши кутилмаган хол эди. У, юкорида таъкидланганидек, мазкур китоб омон турса, у ушбу замин фарзандлари учун узликни англаш, бинобарин, куч-кудрат манбаи булиб колаверишини нихоятда яхши тушунган. Александрдан кейин яшаган Рим императорлари хам Миср ва Византияга карши уруш килиб, яхудийларнинг ерини босиб олганида туб ахолининг маданий бойликларини йук килгани, "Забур" ва "Таврот"нинг кадимги нусхаларини куйдириб юборгани юкоридаги мисолнинг тасодифий эмаслигидан далолат беради.

Умуман, хар кандай шароитда хам истилочиларнинг биринчи иши халк ва миллатларни зурлик билан босиб олиш, бойликларини талаш булса, кейинги асосий фаолияти — миллатни уз тарихи ва анъаналаридан узиб куйиш, маданий меросини талон-тарож килиш, унинг маънавиятини йукотишдан иборат булади. Тарихнинг бу аччик сабоКи мустамлакадан озод булган, уз мустакиллигини саклаб колиш ва мустахкамлашга интиладиган хар кандай халк тараккиёти учун энг мухим хулоса булиб хизмат килади.

Искандарга карши курашда халкимизнинг миллий кахрамони Спетамен бекиёс мардлик ва жасорат курсатади. У Искандарга карши аёвсиз каршилик курсатган ватанпарвар лашкарбошилардан биридир. Аслида, унинг кахрамонлиги миллатимизнинг уша даврдаги уз давлатчилигини, узи яшайдиган худуд дахлсизлигини саклаб колиш учун олиб борилган курашнинг якКол тимсолидир. Албатта, бу лашкарбоши ортидан халк эргашса, элнинг озодлик ва мустакилликка интилиш туйКуси кучли булмаса, Спетаменнинг номи бу кадар машхур булиб кетмас эди. Негаки, инсон накадар кучли, тадбиркор ва омадли булмасин, агар халк билан бирга булиб, унинг дардларига дармон излямаса, хуррият Кояларини байрок килиб кутармаса, хакикий миллий кахрамон сифатида тарихда из колдира олмайди.

рамон бўлолмайди. Спетамен эса ўша халқимизнинг руҳи, орзу-умидлари, мустамлакачиларга қарши матонати рамзи сифатида тарихимиз қатига мангу муҳрланиб қолган.

Марказий Осиёда буддавийлик ҳам ўз ўрнига эга. У диний-фалсафий таълимот сифатида қадимги Ўиндистонда эрамиздан аввалги VI асрнинг охири ва V аср бошларида вужудга келган. У жаҳонда кенг тарқалган динлардан биридир. Бу таълимотга асос солган донишманд Сидҳарта УруКидан чиққан Гаутама ҳисобланади. Кейинчалик у БуддаИ яъни нурланган деган лақабга эга бўлган. Буддавийлик исломга қадар Урта Осиёда тарқалган қадимги динлар орасида мавқе жиҳатидан жуда катта ўрин тутади. Бу таълимот Урта Осиёга эрамиздан аввалги II-I асрларда кириб келган. Тарихий манбаларга кўра, уни Тохаристонга балҳлик савдогарлар олиб келишган. Кушонлар даврида буддавийлик дини ҳукмрон динга айланган эди. Халқчил бўлганлиги учун Урта Осиёга кенг ёйилган. Буддавийликнинг Урта Осиёга ёйилиши қуйидаги турт босқичдан иборат.

Биринчи босқич. Кушонлардан олдинги давр. Бу эрамиздан аввалги I асрга тугри келади. Бу даврга оид ёзма манбалар бизгача етиб келмаган.

Иккинчи босқич. Кушонлар даври (эрамизнинг II-IV асрлари) Бу даврда буддавийлик Урта Осиёга кенг тарқалган эди. Айникса, унинг ахлоққа оид масалалар, халқ оммасини сабр-қаноат ва бардошга даъват этувчи Кояларни илгари сурганлиги муҳим аҳамият касб этган.

Учинчи босқич. Бу даврда Урта Осиёда буддавийлик таълимотининг манбалари ёйилган.

Туртинчи босқич. (IX-XIV асрлар) ислом Урта Осиёда ҳукмрон динга айланиши билан бу дин сиқиб чиқарилган ва жуда заифлашиб кетган.

Буддавийликнинг Узбекистон ва Ўиндистон халқи ўртасида уз даврида маънавий куприк бўлиб хизмат қилганлиги аник. Халқларимиз орасидаги дустлик ва биродарликнинг илдизлари ҳам ўша даврга бориб тақалади ва бугунги кунда аксарият кишилар, айникса, ёшларимизнинг ҳинд халқи, унинг маданияти ва санъатига қизиқиши тасодифий эмас.

Моний таълимоти юртимизда буддавийликдан кейин кенг тарқалган эди. у зардуштийлик ва христианликнинг синтезлашуви натижасида вужудга келган. Моний форс ва араб тилларида бир неча рисолалар ёзган. Лекин улар бизгача етиб келмаган.

Моний хатто «Монийлик ёзуви» номли алифбо хам тузган. унинг таълимотича, хаётда даставвал нур дунёси — яхшилик ва зулмат дунёси- ёвузлик булган. Улар уртасида абадий кураш боради, инсон икки унсурдан (рух — нур фарзанди, жисм — зулмат махсули) иборат. Монийлик халк оммаси манфаатларини химоя килувчи таълимот булгани сабабли хукмрон мафкура каршилигига дуч келган.

Монийлик таълимоти асосида **Маздак таълимоти** юзага келган. У эрамизнинг V-VI асрларида кенг таркалган эди. Унинг асосчиси Маздак (470-529 йиллар) булган. Маздак ва унинг маслакдошлари уз карашларида халк оммасига суянган. Халкнинг озодлик, эркинлик, хурлик йулида олиб борган харакатларига рахнамолик килгани учун тез фурсатда уларнинг маслакдошлари, издошлари купайиб кетган. Маздакийлик ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш йулида курашга даъват этувчи мафкура сифатида хизмат килган. Унда асосий ёвузлик-бойликка хирс куйиш ва ута камбаКаллик кораланади. Бу инсонпарвар харакатдан чучиган шох Маздакни турли хийлалар билан улимга махкум этади. Маздакийлар харакати, эрамизнинг VI асрида бостирилганига карамай, турли мамлакатларда муайян даражада давом этган. Урта Осиёда Муканна, Озарбайжонда Бобак бошлик дехконлар ва шахар камбаКалларининг зулмга карши курашлари бунга мисол булади.

Марказий Осиёда вужудга келган кадимги фалсафий таълимотлар, улар илгари сурган Коялар бугунги кунда хам мухим ахамиятига эга. Санаб утилган кадимги диний-фалсафий таълимотлар, яъни зардуштийлик, унинг бош китоби — «Авесто», Моний таълимоти, «Моний ёзуви», маздакийлик харакати жамиятда адолат, эркинлик, тенг хукуклилик тамойилларини карор топтиришига даъват этган. Ватан озодлиги йулида жон фидо этган Муканна бошчилигидаги харакат нафакат Урта Осиёда, балки жахоннинг бошка улкаларида хам акс-садо берган. Ватанимизнинг уша даврда шаклланган ва ривожланган бой маданияти, миллий маънавиятимиз, фалсафамиз жахон цивилизациясига катта таъсир курсатган.

Сирасини айтганда, мамлакатимиз тарихи ислом дини юртимизга кириб келган даврдан бошланмайди. У исломга кадар хам минг йиллар мобайнида ривожланиб келган шонли тарихига эга. Лекин, афсуски, Ватанимизнинг ана шу давр тарихи нихоятда кам урганилган. Бу даврга оид манбаларнинг аксарияти эса йук ки-

либ юборилган. Бу вайронкорликнинг бошида милоддан аввал македониялик Александр турган булса, мамлакатимизни забт этган кейинги боскинчилар хам ана шу йулдан борган. Улар халк онгидан мустакиллик ва эркин хаёт тугрисидаги максад-муддаоларни бутунлай йукотиб юборишга уринишган. Бунинг натижасида маънавий кашшок ва тарихий хотирасиз кишилар тарбияланиши лозим эди. Боскинчилар Мовароуннахрда нихоятда бой маданият шаклланганини эътироф этган. Аммо унинг боскинчилик Кояларига мос келмайдиган жуда куп намуналарини аёвсиз йук килишган. Айникса, маънавий кадрият ва маданий бойликларни шафкатсизларча Корат килиш асосий уринда турган. Юртимизда араблар истилосига кадар устувор булган маънавий ва маданий дурдоналар кадрини яхши англайдиган ва уларнинг ахамиятини тугри тушунадиган кишилар биринчи навбатда йук килиб юборилган. Бу тугрида Абу Райхон Беруний «Илгадимги халклардан колган ёдгорликлар» асарида куйидагиларни ёзган: «Нутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини урганган ва билимини бошкаларга ургатадиган кишиларни халок этиб ва буткул йук килиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин хакикатни билиб булмайдиган даражада яширин колди»[1]. Ушбу асарнинг бошка сахифасида улуК ватанпарвар олим юкоридагига ухшаш яна бир фикрни куйидагича ифода этган: «Нутайба хоразмликларнинг котибларини халок этиб, билимдонларини улдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз булиб, уз эхтиёжларида ёдлаш кувватига суянадиган булдилар»[2].

Беруний замонида ислом ягона хукмрон диний мафкура булиб турганини эътиборга олсак, зикр этилган асар ва ундаги теран фикрларни бундай уктамлик билан айтиш Коят улкан жасоратни талаб этгани аён булади. Истилочиларнинг бундай вайронкор сиёсати кейин хам давом этган. Хусусан, мустабид шуролар мафкураси хукмронлик килган даврда хам ана шундай хол руй берган. Нихоятда бой кадриятларимиз, фалсафий таълимотларимиз, умуман уз меросимиздан бебахра булиб колдик.

Истиклол туфайли аждодларимиз яратган бой ва улмас маданий меросни урганиш имкони туКилди. Тарихий хотирани тиклаш, халкимиз калбида миллий кадриятларга содиклик, ватанпарварлик

[1] Абу Райҳон Беруний. «Танланган асарлар» 1-жилд. Т. «Фан», 1968, 72-бет.
[2] Абу Райҳон Беруний. «Танланган асарлар» 1-жилд. Т. «Фан», 1968, 82-бет.

туйКуларини шакллантириш хозирги кунда маънавий хаётнинг устувор йуналишига айланди.

Таянч тушунчалар

Зардушт, зардуштийлик, «Авесто», Кушонлар давлати, буддавийлик, Маздак, Моний.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Авесто»тугрисида нималарни биласиз?
2. Зардуштийликнинг мохияти нимадан иборат?
3. Моний фалсафасининг мазмунини айтиб беринг.
4. Маздак таълимоти нимага даъват этади?

АДАБИЁТЛАР

1. Ислом Каримов. «Оллох калбимизда юрагимиздаи Т. «Узбекистон», 1999.
2. Ислом Каримов. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т. «Узбекистон», 1998.
3. Ислом Каримов. «Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман» «Фидокор» 2000 йил 8 июн.
4. Каримов И. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Узбекистон, 1999.
5. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Узбекистон, 2000. - 352 б.
6. Абу Райхон Беруний. «Танланган асарлар» 1-жилд. Т., «Фан», 1958.
7. Абу Райхон Беруний. «Танланган асарлар» 2-жилд. Т. «Фан», 1965.
8. Иброхим Муминов. «Узбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавхалар» Т. «Фан», 1998.
9. Р. Носиров. «Урта Осиё халклари ижтимоий-фалсафий тарихи буйича махсус курс» Т. 1992.
10. Омонулла Файзуллаев. «Мухаммад ал-Хоразмий ва унинг илмий мероси» Т. «Фан», 1983.

2-мавзу. Jадимги Шарк ва Антик дунё фалсафаси

Режа:

1. Шарк — инсоният цивилизациясининг кадимий учоКи.
2. Jадимги Шарк фалсафаси ва унинг миллий йуналишлари.
3. Антик дунё ва Юнонистон фалсафаси.
4. Jадимги замон фалсафасини урганишнинг ахамияти.

Шарк кадимий маданият учоКи *ва жахон цивилизациясининг бешиги дея беж из таърифланмаган. Fарб маданияти тарихини ургани ш жараёнида Оврупоцентризм назариясига оКиб кетиш Кайриилмий булгани каби, масаланинг Шарк билан боКлик жихатини тахлил этганда хам Осиёцентризм Коялари таъсирига тушмаслик лозим.*

Шу билан бирга, Шаркнинг узига хослиги, унга мансуб булган маданий тараккиёт жахон цивилизациясининг бешиги, дунё халклари ривожига кушилган муносиб хисса экани хам сир эмас. Бу хол жахоннинг барча холис мутахассис олимлари томонидан эътироф этилади. Jолаверса, Ватанимиз цивилизациясининг Шарк цивилизацияси кучоКида вояга етгани ва унинг кадриятларини узида акс эттирганини, унга ва бутун дунё маданиятига улкан таъсир курсатганини доимо эсда тутиш даркор.

Шарк маданияти тараккиётининг илк даврлари деганда, купгина мутахассислар бизнинг Ватанимиз утмишини, Миср, Бобил ва инсоният тарихининг энг кадимги цивилизацияларидан бири булган Шумер даврларини эсга олади. Буларнинг хар бири инсоният тарихида жамият хаёти, кадриятлар тизимининг узига хослиги, бошкариш ва иктисодий жараёнларнинг муайян тарзда намоён булиши билан тавсифланади. Ушбу маданият учоклари хакида мактаб таълими жараёнида Энг кадимги тарих дарсликлари оркали маълумот берилган. Зукко талабалар уша даврларда кандай сиёсий жараёнлар кечгани, кандай подшолик ва империялар булганини яхши билади. Биз бугун уша даврлардаги фалсафий дунёкараш, кадимги аж додларимизнинг фикр-мулохазалари, узига хос таълимотларининг асосий тамойиллари билан якинрок танишмокчимиз. Кухна Шарк цивилизациясининг бешикларидан бири булган Миср, кадимги замонда илк утрок хаёт ва узига хос дехкончилик анъаналари бошланган Нил дарёси буйларидаги маданият дунё олимлари диккатини тортиб келади.

Қадимги Миср ва Бобил фалсафаси. Эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликнинг охири ва учинчи минг йиллик бошларида қадимги Миср ва Бобил ҳудудида дастлабки диний-фалсафий фикрлар, олам ҳақидаги фанлар, яъни астрономия, космология, математика, мифологияга оид қарашлар бирмунча ривож топган. Табиий-илмий, диний-фалсафий фикрларнинг юзага келиши икки йўналишда борган. Биринчи йўналиш олам ҳақидаги тасаввурларнинг астрономия, космология, риёзиёт фанлари ривожи билан боғлиқ эканини, иккинчи йўналиш эса, бу тасаввурларнинг мифология билан боғлиқ бўлганини кўрсатади.

Биринчи ҳолда, асосан, табиий билимларга таянилган, кундалик ҳаётда дуч келинадиган воқеа-ҳодисалар аниқ далиллар асосида таҳлил этилган, ўрганилган, улардан тегишли хулосалар чиқарилган. Бу — ўша давр учун табиий ҳол эди, яъни у — даврнинг инсон онгида акс этиши, кундалик турмуш ҳодисаларининг оддий бир тарзда ифодаланиши эди. Айнан ана шу ҳол табиий билимлар ривожига, гарчанд содда тарзда бўлса-да, аксарият ҳодисаларнинг фалсафий асосда изоҳланишига сабаб бўлган.

Иккинчи ҳолатда эса, ҳали табиат кучларининг қаршисида ниҳоятда ожиз бўлган одамзод, албатта, теварак атрофдаги воқеа-ҳодисаларни мифологик изоҳлаши табиий бир ҳол эди. Шу билан бирга, одамнинг мавжудлик хоссаларини ва олам қонуниятларини илмий тушуниш қуникмаси ҳали шаклланиб улгурмаган ўша қадим замонларда, афсона ҳамда ривоятларга асосланиб фикр юритмасликнинг имкони ҳам йўқ эди. Бу — ўша даврлардан қолган ёзма манбаларда, хусусан, «Ҳужайиннинг ўз қули билан ҳаётининг мазмуни ҳақида суҳбати», «Арфист қўшиқиси», «Ўз ҳаётидан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз жони билан суҳбатиси каби битикларда яққол намоён бўлган. уларда ҳаётнинг, умрнинг мазмуни, ўша даврдаги одамларга хос туйғулар баён қилинган.

Қадимги Миср ва Бобилда шаклланган фалсафанинг энг асосий хусусияти шундан иборат эдики, уларда, бир томондан, худоларга ишонч, илоҳий кучларнинг табиат ва жамиятга кўрсатадиган таъсирини мутлоқлаштириш хусусияти устувор бўлган бўлса, иккинчи томондан, афсона ва ривоятлар тарзида бўлсада, дунёвий билимлар, илмий қарашлар ҳам аста-секин шаклланиб бошлаган. умуман, бундай хусусиятни, қадим замондаги барча цивилизацияларга хос дейиш мумкин.

Яхудийлик дини. Уша даврда энг кадимги Шарк халкларидан бири яхудийларнинг миллий мафкураси — иудавийлик шакллана бошлаган. Бу дин, асосан, ана шу миллатга мансуб кишилар уртасида ёйилган булиб, эрамиздан аввалги икки мингинчи йиллар бошида Фаластинда вужудга келган. «ЗабурИ ва «ТавротИ каби мукаддас китоблар бу диннинг асосий манбаларидан хисобланади.

Яхудийлик яхудий ва Фаластин халкларининг баъзи эътикодларини узида акс эттирган диндир. Эрамиздан аввалги X-VI асрларда яхудийлик монотеистик (якка худоликка ишониш) динга айланиб, оламни яратувчи Яхве худосига эътикод килиш унинг асосий тамойили хисобланган. Бу динда Мусо алайхиссалом — пайКамбар, «ТавротИ худо томонидан унга юборилган илохий китоб экани, киёмат кунида барча бирдек тирилиши, жаннат ва дузахнинг мавжудлиги, гунохкорлар жазосиз колмаслиги, савобли ишларни килганлар у дунёда раКбатлантирилишлари хакидаги карашлар илгари сурилган.

Куп йиллик тадкикотлар шуни курсатадики, яхудийлик Шарк халкларидан бири — яхудийларнинг миллий дини булгани боис, ана шу китъада яшовчи бошка халкларга хос булган купгина диний карашлари билан хам бир кадар муштаракликларга эга. Чунончи, унинг зардуштийлик билан ухшаш жихатлари хам йук эмас. Масалан, «ТавротИ ва «АвестоИдаги аксарият конунлар, диний-фалсафий категориялар уртасида якинлик кузга ташланади. Умуман олганда эса, барча динлар орасида илохий кадриятларни мутлоклаштириш, худо Коясини мукаддаслаштириш, бу дунё ва у дунё билан боКлик карашларга купрок эътибор бериш каби ухшаш жихатлар учрайди.

Ўиндистон фалсафаси. Jадимги ўиндистон хам инсоният маданиятининг бешикларидан биридир. Унга хос дастлабки таълимотлар ёзма манба — «ВедаИларда уз аксини топган. «ВедаИлар эрамиздан бир ярим минг йил олдин ёзилган булиб, мутаассиб диндор хинду учун олий мукаддас илм ва башорат китобидир. ўиндулар «ВедаИни олий тангри Брахма томонидан айтилган сузлар деб билади. «ВедаИда хиндуларнинг кадимги тарихи, иктисодиёти, дини, фалсафаси, ахлок ва нафосатига оид фикрлари акс этган. «ВедаИлар бизгача туртта туплам (самхитлар) шаклида етиб келган. Булар — «РигведаИ, «СамаведаИ, «ЯжурведаИ, «АдхарваведаИдир.

ўинд фалсафаси асослари «УпанишадаларИ номи билан машхур булган манбаларда хам уз аксини топган. «Упанишада-

ларИсирли билим деган маънони англатиб, □ВедаИларнинг фалсафий қисмини ташкил этади. □УпанишадаларИяхлит китоб ёки фалсафий рисола бўлмай, балки турли вақтда турли мавзуда ижод этган номаълум муаллифларнинг матнларидан иборатдир. Уларнинг мазмуни ва услуби ҳар хил ва турлича фалсафий қарашлар маҳсулидир. □УпанишадаларИдаги фалсафий мавзулар, асосан, инсонни ўраб турган борлиқ, унинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаси, ташқи олам ва инсон табиати, унинг ҳаёти ва руҳиятининг моҳияти, билиш имкониятининг чегаралари, ахлоқ меъёрлари ҳақидадир. Фалсафий муаммолар асосан диний-мифологик нуқтаи назардан баён этилган.

Қадимги ҳинд фалсафий мактаблар икки гуруҳга бўлинади. Ўиндистонлик файласуфлар бу гуруҳларни астика ва настика деб атайди. Веданта, санкхья, йога, вайшешика, ньяя ва миманса — астика гуруҳига кирувчи фалсафий мактаблар. Ушбу мактабларнинг тарафдорлари □ВедаИнинг мукаддаслигини тан олиб, бирдан-бир ҳақиқат ундагина ифодаланган, дейишади. Чорвака-локаята, буддизм ва жайнизм — настика гуруҳига киради.

Чорвака-локаята тарафдорлари материалистик таълимотни илгари сурганлари учун □ВедаИнинг мукаддаслигини тан олишмайди ҳамда олам илоҳий куч томонидан яратилмаган, □ВедаИ ҳақиқий билим бермайди, деб таъкидлашади. Буддизм ва Жайнизм диний-фалсафий мактаблар бўлишига қарамай, улар ҳам □ВедаИнинг мукаддаслигини тан олмаган. Санкхья қадимги Ўиндистондаги дуалистик фалсафий мактаб бўлиб, олам асосида моддий унсур (пракрити) модда ва руҳ (пуруша) ётади, деб ҳисоблайди. Бу йўналишга, асосан, оламдаги барча нарсалар икки унсурнинг турли тенг миқдорда (пропорцияда) бирикишидан юзага келади, олам сабабият орқали ривожланади, оламда учта сабаб мавжуд, дейилади. Улар қуйидагилардир: моддий сабаб, яратувчи сабаб, алоқадор бўлмаган сабаб. Бу фалсафий мактаб ҳақида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний □Ўиндистон Иасарида атрофлича фикр юритган.

<u>Қадимги Хитой фалсафаси.</u> Қадимги Хитойда фан ва маданият ўзига хос шаклда ривожланган. Эрамиздан аввалги икки мингинчи йилнинг ўрталарига келиб, Юань-инь давлатида муайян ҳужалик шакли юзага келган. Эрамиздан аввалги XII асрда эса, урушлар натижасида давлат Чжоу қабиласининг қулига утган. Бу ҳокимият эрамиздан аввалги III асргача давом этган. Бу вақтда диний мифологик дунёқараш ҳукмронлик қилган. У олам

ва табиатнинг пайдо бўлишини ўзига хос тарзда тушунтирган ва дунёвий билимлар ривожига ўз таъсирини ўтказган.

Бундай руҳдаги фалсафий Коялар айниқса қадимги Хитой донишманди Конфуций (551-479) ижодида яққол акс этган. Унинг ўгитларида, яъни афоризмлари жуда машҳур. Конфуций таълимотида умуминсоний қадриятларнинг хитой халқи турмуш тарзида ўзига хос тарзда намоён бўлиши, бу халққа хос маънавий мезонлар акс этган. Бу таълимот бир неча асрлар давомида ушбу ҳудудда миллий Коялар мажмуи, миллатнинг мафкураси сифатида одамларнинг маънавий онги ва қиёфаси шаклланишига таъсир кўрсатган. у ҳозирги Хитойда ҳам ўзининг муайян аҳамиятини сақлаб қолган.

Конфуций фикрича, оламни осмон бошқаради. Осмон иродаси — тақдирдир. Биз яшаб турган олам, ундаги тартиб осмон ҳукмдори томонидан юборилган. Жамият ҳаётидаги тартибга қаттиқ амал қилиш талаб этилади. Тартиб, Конфуций нуқтаи назарига кўра, илоҳий мазмунга эга ва унинг моҳиятини Ли ифодалашунчаси белгилайди. у, яъни тартиб дунёнинг моҳиятини акс эттиради. Бинобарин, жамиятдаги барча ҳаракатлар унга биноан амалга ошиши лозим. Тартиб — инсоният жамоасининг энг олий ҳаётий қадриятларидан биридир. Конфуцийнинг таъкидлашича, шахс фақат ўзи учун эмас балки жамият учун ҳам яшаши керак. Конфунций таълимотида инсоннинг ҳаётдаги ижтимоий ўрни ниҳоятда улуғ, у ўзига раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмаслиги, ўзига раво кўрган нарсани бошқаларига ҳам раво кўриши лозим.

Конфуцийнинг қарашлари кейинчалик жаҳон фалсафасида ахлоқий тамойиллар ривожида, адолат, биродарлик, эркинлик Коялари такомилида муҳим ўрин тутган. Бу таълимот Хитойда икки минг йил давомида давлат дини даражасига кўтарилган ва халқ ҳаётида муҳим аҳамият касб этган.

Қадимги Хитойнинг ўзга қўринган файласуфларидан бири Лао-Цзидир (VI-V асрлар). Унинг таълимотига кўра, олам, жамият ва инсон ҳаёти Дао қонунига бўйсунмоғи лозим. Даосизм таълимоти ана шу тариқа шаклланган. Дао қонуни — табиатнинг яшаш қонунидир, ундаги ранг-баранглик кураши ва уйғунлиги абадийлигининг эътироф этилишидир. Бу қонунга кўра, оламнинг асосини ташкил этувчи Ци яъни бешта унсур — олов, сув, ҳаво, ер ва ёғоч ёки металл оламдаги барча жисмлар асосини ташкил этади ҳамда уларнинг юзага келишини таъминлайди.

Лао-Цзининг таъкидлашича, оламда хеч бир нарса доимий ва узгармас, харакатсиз холда булиши мумкин эмас.

Даосизмга биноан, дунёдаги хамма нарса бир холатдан иккинчи холатга утиб туради. Jарама-карши кучлар уртасидаги кураш, яъни инь ва Янъ орасидаги муносабат — бизни ураб турган оламни харакатга келтирувчи кучлар манбаидир. Инь ва Янь уртасидаги кураш даони англатади. Одамзод бу кураш жараёнида доимо яхшилик томонида туриши, узини куршаб турган табиат ва атрофдаги оламга мехр курсатиши лозим. Булмаса, Дао конуни бузилади ва бундай жойда бахтсизлик, фожиа юз беради. Лао-Цзи бу уринда экологик фалокатни назарда тутган. Кишилар Дао конунини бузмасликлари керак, акс холда табиат улардан албатта уч олади, деган эди Лао-Цзи. Буни экологик фалокатлар авж олиб бораётган бугунги кун вокелиги хам тасдиклайди.

Умуман, табиат, жамият ва инсонга нисбатан эхтиётkор муносабатда булиш, Она замин ва Ватанни асраб-авайлаш, одамлар уртасидаги муносабатларда яхшилик томонида туриш — кадимги халкларга хос булган фалсафанинг бош Коояларидир. Уша, хамма нарса оддий тушунилган кадим замонлардаёк буюк акл эгалари одамларни табиатни асрашга, инсонни кадрлашга чакиргани беж из эмас. Улар инсоният хаётига хавф соладиган дараж ага етмай туриб, у борадаги муаммоларнинг олдини олиш тугрисида ж уда ибратли угитлар берган. Jадимги дунё фалсафасини чуккурроk ургангап одам уша давр мутафаккирлари хозирги замон цивилизацияси каршисида турган барча умумбашарий муаммолардан одамларни огохлантирганлигининг гувохи булиши мумкин. Гап бу огохлантиришни эшитиш, уларни узлаштириш ва хаётнинг конунига айлантиришда эди, холос. Афсуски, одамзод насли узи яратган буюк дахоларнинг барча угитларига хамма вакт хам кулоk солавермаган. Илм ва фанда неча-неча кашфиётлар килинган, аммо улардан уз вактида кераклн тарзда фойдаланилмаганига кухна тарих гувох. Бугун хам аж додларимизнинг Ватан, табиат, жамиятни асраш, ундаги тартиб ва коидаларни бузмаслик тугрисидаги даъватлари эскиргани йук. Йиллар, асрлар утиши уларнинг кадрини туширмайди. Зеро, бу таълимотлар инсониятнинг утда ёнмас ва сувда чукмас умуминсоний кадриятлари тугрисидадир.

Jадимги Юнонистон ва Рим фалсафаси. Jадимги давр фалсафасининг яна бир силсиласи Юнонистон ва Римга тегишлидир. Бу даврдаги фалсафий карашлар — антик давр фалсафаси деб юритилади. Унда Милет фалсафий мактаби, Элей фалсафий мактаби,

Сукрот, Пифагор, Афлотун, Арасту ва бошкаларнинг фалсафий, табиий — илмий, ижтимоий — ахлокий таълимотлари урганилади.

Юнонистонда дастлабки фалсафий таълимотлар эрамиздан аввалги VII-VI асрлар уртасида Милет шахрида юзага келган ва ривожланган. **Милет мактаби** вакиллари Фалес, Анаксимандр, Анаксименлардир. Унинг асосчиси Фалес (эрамиздан аввалги 624 — 547 йилларда яшаган). У Юнон фани ва фалсафасининг асосчиси булиб, уз даврининг етук сиёсий арбоби, жуКрофи, файласуфи булган. Фалес таълимотига кура, табиатдаги турли-туман жисм ва ходисалар дастлабки ибтидо — сувдан пайдо булган ва яна сувга айланади ва бу моддий бирлик доимо узгаришда булади. Анаксимандр (Фалеснинг шогирди) эрамиздан аввалги VII аср охири ва VI урталарида яшаб ижод этган. У «Табиат хакидаИасарини ёзган, биро асар бизгача ётиб келмаган. Фалес оламнинг асосига сувни куйган булса, Анаксимандр дунё — чексиз, газсимон апейрондан иборат, иссиклик ва совуклик, куруклик ва намлик апейрондан ажралиб чикиб, модданинг бир холатдан иккинчи холатга утишини таъминлайди, деб хисоблаган. Унинг таълимотини замондоши, шогирди Анаксимен давом эттирди. Анаксимен (эрамиздан аввалги 588-525 йиллар) хаво — оламнинг асоси, деб билган. Унингча, хавонинг куюклашишидан сув, ер, тош каби моддалар ташкил топган, сийраклашишидан эса олов пайдо булган.

Яна бир юнон файласуфи **Гераклит** (эрамиздан аввалги 520-460 йиллар) Кичик Осиёнинг Карбий кирКоКидаги Эфес шахрида заргар оиласида дунёга келган. У стихияли диалектикага асос солган, олов — оламнинг асоси, деб билган. унинг фикрича, оламда хамма нарса харакатда. «Окар сувга бир сонияда икки марта тушиш мумкин эмас, чунки сув хар дакикада янгиланиб турадиИ Оламда турКунлик йук. ўаракат бутун табиатга, барча жисм ва ходисаларга хосдир. Абадий харакат — абадий узгаришдир. ўаракат карама-каршилик асосида содир булади. «Кураш хамма нарсанинг отаси, хамма нарсанинг подшосидирИ деган экан Гераклит. Бундан Гераклит кишилар уртасида урушларни тарКиб килган экан-да, дея хулоса чикариш нотугри. Гераклитнинг фикрича, доимий узгариш, харакат ва узаро карама-карши томонларга утиш — жисмлар сифатининг нисбийлиги билан боКлик. Масалан, денгиз суви инсон истеъмоли учун яроксиз булса, баликлар учун айни муддаодир. Гераклитнинг карашлари фалсафий тафаккур ривожига катта таъсир курсатган.

Пифагор (эрамиздан аввалги 580-500 йиллар) Юнонистоннинг Самос оролида яшаб утган. у кадимги Юнонистонда диний-мафкуравий фалсафий мактаб, яъни пифагорчиликка асос солган. Пифагор узининг сиёсий карашлари туфайли подшо Поликрет билан чикиша олмаган ва Самосни тарк этиб, жанубий Италияга кучиб кетган, уша ерда уз уюшмасини ташкил этган. Унингча, дунёни билиш жараёни, аввало, ракамларни билишдан бошланиши керак. Пифагорчиларнинг таълимотига кура, оламнинг асосида модда хам, табиат хам эмас, балки идеаллашган ракамлар ётади; нарса ва ходисалар айнан ана шу ракамлар махсулидир. Пифагорчилар биринчи булиб Юнонистонда табиатдаги нарса ва ходисаларни изохлашда микдор категориясини илгари суради. Пифагор зодагонлар оиласига мансуб булгани боис аристократияни химоя килган. У □тартибИтугрисидаги таълимотини яратиб, факат аристократлар урнатган тартиб ижтимоий хаётда мухим роль уйнайди, деган. Унинг фикрича, демократия бу тартиботнинг бузилишидир.

Элей фалсафий мактаби намояндаси Ксенофан (эрамиздан аввалги YI — V аср) шоир ва файласуф булган. У Кичик Осиёда дунёга келган. Илм олиш максадида Юнонистонга, жанубий Италияга саёхат килиб, умрининг сунгги йилларини Элей шахрида утказган. Тарихчи Диоген Лаэртскийнинг ёзишича, Ксенофант □табиат хакидаИасарининг муаллифидир. Афсуски, ушбу асарнинг ярмигина омон колган, холос. у купхудоликка хамда инсонларга хос сифатларни хайвонларга, усимлик дунёсига дахлдор деб билувчи таълимотга карши чикиб, мифологияни рад этишга харакат килган. унинг фалсафий таълимотига кура, табиат - узгармас ва харакатсиздир, □у амма нарса ердан униб чикади ва пировардида яна ерга кайтадиИ Биз хаммамиз ердан туКилганмиз ва ерга айланамизИ Ксенофан кадимги юнон файласуфларидан биринчи булиб, билишнинг имконияти ва чегараси хакида фикр юритган. Бу кадимги юнон гносеологиясининг ривожига туртки булди.

Ксенофант илгари сурган Коялар унинг шогирди Элей фалсафий мактабининг кузга куринган намояндаларидан бири, эрамиздан аввалги 504 йили туКилган Парменид томонидан ривожлантирилган. Элей фалсафий мактабининг намояндаларидан бири Пармениднинг шогирди ва дусти Зенон (490-430 йиллар) уз устозининг таълимотини химоя килди ва уни ривожлантирди.

Қадимги Юнон маданиятида **<u>софистлар фалсафаси</u>** катта ўрин тутади. Софистлар антропология (инсон ҳақидаги фан) ва гносеология (билиш тўғрисидаги фан) муаммолари билан шуғулланган. Софистлар янги касбларнинг моҳир усталари, яъни ўқитувчилар, дипломатлар, нотиқлар, суд маҳкамаларида ишловчи мутахассислардан иборат бўлиб, ҳақиқат, осойишталик, адолат ўрнатишга хизмат қилган. уларнинг таълимоти Сўқрот фалсафасига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган.

Сўқрот (эрамиздан олдинги 469-399 йиллар.) (асли — Сократ) — қадимги Юнон файласуфи. Афинанинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этган, ёшлар тарбияси билан шуғулланган, ҳурфикрли инсон, камбағалдан чиққан, тош йўнувчининг ўғли, ўта билимдон киши сифатида машҳур бўлган.

Унинг ҳаёти фожиали тугагани тўғрисидаги мисол фалсафий афсонага айланиб кетган. Ўз даврида Афинадаги ҳукмрон тузум тартиб-қоидаларига қарши чиқиб, янги фикрларни илгари сургани учун руҳонийлар уни даҳрийликда ҳамда ёшларни ахлоқан бузишда айблаганлар. Унга шунчаки айб эмас, сиёсий айб қўйилган. Гарчанд қутилиш имкони бўлса-да, қонун ва жамият тартибларини ниҳоятда қаттиқ ҳурмат қилганлиги боис, у жазодан қочишни истамаган ва бир неча заҳар ичиб «ўлган. Сўқрот ва унинг тарафдорлари жамият қонунларига, улар қандай бўлишидан қатъи назар, сўзсиз итоат этишни тарғиб этганлари ғоятда ибратлидир. Ўйлбуки, Сўқрот ва унинг шогирдлари Афинада амал қилган қонунларни нотўғри ва адолатсиз деб ҳисоблаган ҳамда уларни қаттиқ танқид қилган, аммо, шундай бўлса-да, уларга бўйсунган. Шу маънода, Сўқрот ўзини айбдор деб топган суд ҳукмига итоат этган ва ўзини унинг ихтиёрига топширган. Афлотун менинг дўстим, аммо қонун дўстликдан устун туради» деган ҳикматли ибора ўша давр маънавиятининг яққол ифодасидир.

Сўқрот ўз таълимотини оғзаки равишда куча-куйда, майдонларда, хиёбонларда шогирдлари ва издошлари билан бирга шакллантирган ва халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилган, лекин бироита ҳам асар ёзмаган. Унинг фалсафий, ахлоқий таълимотлари моҳиятини шогирдлари Ксенофант, Аристофан ва Афлотунларнинг асарларидан билиб олишимиз мумкин. Ксенофант «Сўқрот ҳақида эсдаликлар»и асарида ўз устози ҳақида илиқ сўзлар айтиб, уни олижаноб, ахлоқ-одоб борасида ҳаққоний фикр юритган инсон сифатида таърифлаган. Ёшларнинг ахлоқини бузган деб унга сиёсий айб қўйиш — туҳмат эканини ало-

хида таъкидлаган. Афлотун эса уни чуқур мулоҳазали, инсонни улуғловчи донишманд, дея таърифлаган, унинг фалсафий қарашларини ўз асарларида Сукрот номидан баён этган. Сукротнинг фикрича, фалсафанинг марказида ахлоқ масалалари турмоғи лозим. Жамиятнинг равнақи, тинчлик ва осойишталиги, фаровон ҳаёти ахлоқ ва одобнинг аҳволига боғлиқ. Бу масалалар Шарқ фалсафасида ҳам катта ўрин тутганли боис халқимиз, буюк алломаларимиз Сукрот номини бенихоя ҳурмат билан тилга олган, унинг ахлоқ-одоб ҳақидаги панд-насиҳатларига амал қилган.

Сукротнинг шогирди **Афлотун** (асли — Платон) жаҳон фалсафаси тарихида ўчмас из қолдирган буюк алломадир. У нафақат файласуф олим, балки санъаткор, шоир ва драматург бўлган, ўз ғояларини диалоглар тарзида баён қилган. Афлотун 428 йил 21 майда Делос оролида туғилган. Ўзидан кейин 35 дан зиёд диалог шаклидаги асарлар ёзиб қолдирган. Арастунинг у ҳақдаги маълумотларини бирдан-бир тўғри далил деб қараш мумкин. Чунки Арасту Афлотуннинг энг яқин дўсти ва шогирди бўлган.

*Афлотун "**Ғоялар дунёси ва соялар дунёси" таълимоти**нинг асосчисидир. Унингча, ғоя ҳақиқий борлиқ, биз биладиган ва яшайдиган дунё эса унинг соясидир. Ўзгариш ва тараққиёт ғоялар дунёсига хос, соялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг аксидир. Ғоялар дунёсининг қонуниятларини ҳамма ҳам билолмайди. Уларни биладиган зотлар нихоятда кам учрайди, улар улкан ақл эгаси бўлади ва тарихда чуқур ном қолдиради. Аксарият кишилар эса, соялар дунёси билан кифояланади*.

Афлотуннинг жамият ва давлат тўғрисидаги таълимоти унинг дунёқарашида марказий ўринлардан бирини ташкил этади. У фақат антик давр фалсафаси — онтология ва гносеологиянинг классиги бўлиб қолмай, мумтоз антик сиёсий назария ва педагогиканинг билимдони ҳам бўлган. Афлотун ижтимоий-сиёсий масалаларга доир "Давлат", "Қонунлар", "Сиёсат" ва "Критий" номли асарлар ёзиб қолдирган. "Давлат" асарида жамият ҳақида, унинг идеал сиёсий тузуми тўғрисидаги қарашларини марказий таълимоти — ғоялар назарияси билан узвий боғлиқ ҳолда илгари сурган. Унинг фикрича, давлатнинг тўртта шакли мавжуд: теократия; олигархия; демократия; тирания. Афлотуннинг идеал давлат тўғрисидаги орзулари негизида адолат ғояси ётади. Афлотун айтганидек, жамият барча аъзоларининг одил жамиятдаги қонунларга бўйсуниши ижтимоий тараққиётнинг асосий гаровидир.

Афлотуннинг шогирди ва сафдоши **Арасту** (384 — 322 йиллар) (асли — Аристотель) кадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи, узининг бетакрор, жахонни лол колдирган илмий мероси билан машхурдир. Ун етти ёшида уз илмини ошириш максадида Афинага келиб, Афлотун асос солган академияга укишга кирган ва 20 йил давомида (Афлотуннинг улимига кадар) шу ерда тахсил олган. Кейинчалик Македония подшоси Филиппнинг II таклифига биноан, унинг уКли Александрга 3 йил мунтазам устозлик килган. Бинобарин, кейинчалик дунёни забт этиб, жахонгирлик макомига кутарилган искандарнинг камолотида Арастунинг хизматлари бекиёс булган. Филиппнинг улимидан кейин Александр тахтга утиргач, Арасту Афинага кайтиб келиб, 50 ёшларида Лик-кейИномли мактаб очган. Илмий фаолиятининг самарали булишида, умуман, Юнонистондаги илм-фан ривожида Александр томонидан курсатилган химмат ва раКбатлар мухим ахамият касб этган. Искандар вафотидан кейин унга карши кучлар бош кутариб, Арастуни дахрийликда айблашган ва судга тортишган. Суддан олдин Эвбей оролига кучиб кетган Арасту куп утмай уша ерда вафот этган.

Арасту забардаст олим булиб, мантик, психология, фалсафа, ахлок, нотиклик санъати, табиий фанлар буйича улмас, бебахо асарлар ёзиб колдирган. Унинг барча асарлари борликни урганишга картилган. Мантиккa оид асарларининг барчасини Органон(ҚуролЙ номли асарига жамлаган. Файласуф барча фанларни икки турга — назарий ва амалий фанларга булган. Амалий фанлар шогирдларга йул-йурик курсатишга, бирор бир фойдали ишни амалга оширишга йуналтирилган. У назарий фанларни уч кисмга - фалсафа (метафизика), математика ва физикага ажратган.

Файласуф оламдаги нарса ва ходисалар туртта сабабга эга. Булар — моддий сабаб, яъни модда (материя); шаклий сабаб ёки шакл; яратувчи сабаб; пировард сабаб ёки максад сабаблардир. Яратувчи сабаб, Арасту талкинича, харакат манбаидир. Масалан, ота ва она боланинг улКайиши сабабчисидир. Арасту пировард сабаб (максад сабаб) воситасида инсонга хос булган максадни табиат ходисаларига хам татбик этмокчи булган. ў аракат олам сингари абадийдир. Айни пайтда, олам узининг абадий сабаби, яъни харакатлантирувчи кучига эга.

Арастунинг жамият ва давлат тугрисидаги таълимоти Давлат Сиёсат каби асарларида баён этилган. Унинг фикрича,

давлат бошқаруви жамиятнинг эркин ва фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши лозим. Бахтли ҳаёт мазмуни фақат моддий мулкулчилик билан белгиланмайди, балки сероблик маънавий бойлик билан уйқун бўлгандагина, жамият бахтли ҳаёт кечиради. Давлатнинг бойлиги, асосан, ўртача мулкка эга бўлган фуқароларнинг меҳнати билан таъминланади. Арастунинг бу борадаги қарашлари бугунги кунда Ватанимизда кичик ва ўрта бизнес сохасини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятига жуда ҳамоҳангдир.

Юнон фалсафасида **Демокрит**нинг қарашлари ҳам муҳим ўрин тутади. У ҳақиқий борлиқ — моддий дунё, абадий ва поёнсиз, чексиз-чегарасиз реалликдир, олам майда моддий заррачалардан, яъни атомлардан ва бўшлиқдан иборат дея таълим беради. Атомлар ва бўшлиқ ўзаро яхлит абадий ибтидодир. Атомлар — бўлинмас ва ўзгармас, сифат жиҳатдан бир хил, унинг миқдори шакли сингари беҳисобдир. Ўзаро ҳаракат, деган эди Демокрит, атомлардан иборат модданинг абадий, табиий ҳолатидир. Демокрит тасодифиятни инкор этган. У «на табиатда на жамиятда хеч бир нарса тасодифан пайдо бўлмайди», деб ёзган. Демокритнинг фалсафий қарашларида ахлоқий таълимот муҳим ўрин тутади. Унинг бу борадаги қарашлари сиёсий қарашлари билан узвий боғлиқдир. Яхши бошқарилаётган давлат — буюк қурғондир. Давлат манфаатлари қолган барча нарсалардан устун турмоғи лозим.

Меъёр, дейди файласуф, ахлоқнинг табиат инсонларга инъом этган куч ва қобилиятга мос келишададир. Донолик учта ҳосил келтиради: яхши фикрлаш; яхши сўзлаш; яхши ҳаракат қилиш. Демокритнинг ахлоқий қарашлари ўз давридаги амалий маънавий муносабатларнинг умумлашмасидир. Унинг таълимоти бугунги кунда инсонларни ахлоқ-одобга, диёнатга даъват этади.

Эпикур (341-270 йиллар) — қадимги Юнон мутафаккири. Демокрит илгари сурган атомчилик таълимотини янада такомиллаштириб, уни юқори поғонага кўтарган ва тегишли қарашлар билан бойитган файласуф. Эпикур таълимотича, олам — моддий, абадий ва чексиз. Атомлар — бўлинмас, олам — жисм ва бўшлиқдан иборат, деб ёзган эди у. Барча жисмларни Эпикур икки гуруҳга бўлган. Биринчи гуруҳга жисмларни ташкил этувчи атомларни киритган бўлса, иккинчи гуруҳга атомларнинг бирлашишидан ташкил топган жисмларни киритган. Эпикур ички ҳаракат қонуниятини кашф этиб, Демокрит илгари сурган атом-

чилик таълимотига улкан хисса кушган. Эпикурнинг фалсафий-ахлоқий таълимоти уз замонасида илКор ахамиятга эга булган. Рохат-фароКат, хурсандчилик деганда, кайф-сафо, маишат, шохона хаётни эмас, балки жисмоний эзилиш хамда рухий ташвишлардан халос булишни, озодликни тушунамиз, дейди Эпикур. унинг фикрича, давлат кишиларнинг узаро келишуви асосида тузилиши лозим. Эпикур илгари сурган ижтимоий келишув Кояси кейинчалик XVIII аср француз маърифатпарварлари хамда XX аср файласуфлари томонидан давом эттирилган.

Эпикур таълимотини римлик **Лукреций Кар** (эрамиздан аввалги 99-55 йиллар) давом эттирган. У Нарсаларнинг табиати тугрисидаИномли асари билан машхур булган. Яшашдан максад, деб ёзган Лукреций, бахтли хаёт кечиришдан иборатдир. Жамият хам, худди табиат сингари, уз конунларига эга хамда табиат конуниятларига таянган холда ривож топади, дейди у. Унинг фалсафий карашлари уз даври ва урта аср фалсафасига уз таъсирини курсатган.

Унинг фикрича, модда (материя) — абадий, бир холатдан иккинчи холатга утиб, шаклини узгартириб яшаш — унинг хоссаси. Оламдаги барча нарсалар иккига — оддий ва мураккаб турга булинади. Лукреций Кар атом харакатининг учта турини санаб утган. Булар — нарсанинг оКирликка эга булгани учун тугри чизикли харакати, нарсанинг узича оКиш харакати, нарсага туртки булган асосга каратилган харакат. Лукрецийнинг назарияси мохиятан содда булсада, табиатшуносликка улкан таъсир курсатган.

Биз хориж ий Шарк ва антик дунё фалсафаси хакида ж уда кис-ка маълумот бердик. Уларга мансуб айрим оким ва машхур файласуфлар таълимоти тугрисида нихоятда мухтасар фикр юритдик. Аслида бу мавзулар ута кенг камровли булиб, уларнинг мохиятига етиб бориш учун куп ва хуб укиб-урганишга тугри келади. Ишончимиз комилки, сиз, азиз талабалар уларни мустакил укиб-ургани ш ж араёнида тулик узлаштириб оласиз.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, биз фалсафа тарихини факат машхур номлар ва улар яратган таълимотларни билиб олиш учунгина урганмаймиз, балки инсоният тарихида учмас из колдирган буюк файласуфларнинг ибратли хаёти, улмас Коялари мохиятини чукур англаш, уларга таяниб, бугунги кун фалсафий муаммоларининг кулай ечимини топиш, шу тарика Ватанимиз ва халкимизга халол хизмат килиш, колаверса, буюк аж додларимизга, элу юртимизга муносиб фарзандлар булиш учун хам пухта ва чукур урганамиз.

Таянч тушунчалар

□Тавротий, □Ведаи — диний китоблар. астика — □Ведаининг мукаддаслигини тан олувчи, настика — унинг мукаддаслигини тан олмайдиган мактаблар. Дао — табиат конуни, Ци — борликнинг асосида ётган беш унсур, ян — ёруклик кучи, ин — зулмат кучи, метафизика — кадимги юнонистонликлар фикрича, борликнинг асосини урганадиган дастлабки фалсафа, атомлар — булинмас деб тасаввур килинган заррачалар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Jадимги Миср фалсафасига хос хусусиятларни санаб беринг.
2. □Ведаилар нима ва качон пайдо булган?
3. Буддавийлик таълимотининг мохияти нимадан иборат?
5. Конфуцийлик нима?
6. Лао Цзи фалсафасида Дао конуни нимани англатади?
7. Милет фалсафий мактаби тугрисида нималарни биласиз?
8. Гераклитнинг □Окар сувга икки марта тушиб булмайди□деган хикматли ибораси фалсафий мохиятини тушунтириб беринг.
9. Сукрот кандай файласуф булган?
10. Афлотуннинг Коялар дунёси хакидаги таълимотининг мохияти нимадан иборат?
11. Арасту хакида нималарни биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. □Истиклол ва маънавият□Т. □Узбекистон□, 1994.
2. Каримов И. □Маънавий юксалиш йули□Т. □Узбекистон□, 1998.
3. Каримов И. □Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман□□Фидокор□газетаси, 2000 йил 8 июнь.
4. □Основы философии□— Т.: □Узбекистон□, 1999.
5. □Христоматия по философии□— М., 1997.
6. Йулдошев С. □Антик фалсафа□— Т., 1999.

3-мавзу. Узбекистондаги илк урта асрлар фалсафаси.

Режа:

1. Илк урта асрлар фалсафасининг мохияти ва узига хос хусусиятлари.
2. Ислом дини ва фалсафаси. Тасаввуф ва унинг окимлари.
3. Дунёвий билимлар ривожи ва фалсафий тафаккур.
4. Илк урта асрлар фалсафасининг узига хос ахамияти.

Мазкур мавзуга асос булган давр фалсафаси араб истилоси ва мамлакатимизда ислом динининг тараккий этиши билан узвий богликдир. Бу фалсафа, баъзи чет эллик мутахассислар айтгани каби, факат араблар маданиятининг бир кисми эмас. Балки биз-нинг Ватанимиз фарзандлари улуК бобокалонларимизнинг ислом динига, ислом фалсафасига, бутун араб дунёси ва жахон цивилиза-циясига катта таъсир курсатган таълимотлари дунёга келган давр фалсафаси хамдир.

Шу билан бирга, бу аж додларимизнинг боскинчиларга карши ку-рашини акс эттирган, халкимиз маданияти ва маънавияти нихоят дараж ада ривожланганини бутун жахонга яккол намоён килган давр фалсафасидир.

Бу Муканна каби миллий кахрамонларимиз кенг халк оммасига бош булиб озодлик кураши олиб борган пайтларда элнинг рухини кутариб, илкомлантирувчи эзгу Коялар шаклланган давр фалсафасидир.

Бу Аму ва Сирдарё буйларида яшаган халкнинг дахоси энг юксак дараж ага кутарилган, унинг атокли намояндалари жахон маданияти сахифаларига узларининг учмас номларини мухрлаб кетган давр фал-сафасидир. Бу фалсафанинг хусусиятлари уша даврда кечган иж ти-моий-сиёсий жараёнларнинг узига хослиги билан белгиланади.

Мазкур мавзуни урганишдан максад, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ёш авлод калбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, Ёшларимизнинг иймон-эътикодини мустахкамлаш, иродасини бакувват килиш, уларни уз мустакил фикрига эга булган баркамол инсонлар этиб тар-биялаш. Уларнинг тафаккурида узлигини унутмаслик, ота-

боболарнинг мукаддас кадриятларини асраб-авайлаш ва хурмат килиш фазилатини карор топтириш Иdан иборат[1].

Араб боскини ва ислом дини. Мовароуннахр араблар томонидан забт этилиши арафасида Турк коКоноти тизимига кирар эди. У майда амирликлардан иборат булиб, улар уртасида тинимсиз тукнашувлар руй бериб турар эди. Айникса, Турк коКоноти билан сосонийлар Эрони уртасидаги тукнашувлар ута шиддатли тусда юз берар эди. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида бу худуд араб халифалиги томонидан босиб олинди. Бунга Мовароуннахр худудида яшовчи халклар, ижтимоий кучлар орасида сиёсий хамжихатликнинг йуклиги, узаро кирКин-баротларнинг авж олиши сабаб булди.

Мовароуннахрга араблар боскини билан бирга ислом дини хам кириб келди. Ислом сузи арабча тангрига узини топшириш, итоат, буйсуниш, тинчлик каби маъноларни англатади. Ислом дини байроКи остида кенг худудда араб кабилалари бирлашган, мавжуд таркокликка чек куйилган, ягона марказлашган араб халифалиги ташкил топган.

Jуръон ва хадисларда исломий таълимотнинг асоси баён килинган. Jуръон — мукаддас китоб. Унда ислом конункоидалари, иймон-эътикод талаблари, хукукий ва ахлокий меъёрлар уз ифодасини топган. У 114 сура ва улар таркибидаги оятлардан ташкил топган.

□СуннаИэса хадислар мажмуи булиб, Jуръондан кейин туради ва уни тулдиради. Унда Мухаммад пайКамбарнинг сузлари, хатти-харакатлари наклар ва хадис шаклида жамланган.

Jуръон ва суннадан кейинги мухим манба — шариатдир. Шариат (тугри йул, илохий йул демакдир) — исломда хукукий, ахлокий меъёр ва амалий талаблар тизимидир. Исломдаги асосий йуналишлар — суннийлик, шиалик ва хорижийлик. Улар диний таълимот, маросимчилик, ахлокий-хукукий меъёрларга оид масалаларда узаро фаркланиб туради.

Хорижийлар йуналиши урта асрлар даврида купгина окимларга булиниб, кейинчалик йуколиб кетган. Факат ибодийлар (абодийлар) окими сакланиб колган.

---

[1] Ислом Каримов. □Донишманд халкимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаманИ – □ФидокорИгазетаси, 2000 йил 8 июн.

Суннийлик ва шиалик хокимият масаласида (суннийлик халифалик хокимияти, шиалик эса имомат хокимияти тарафдори), айрим диний маросим ва анъаналарда бир-биридан фарк килади.

Исломдаги окимлар акидавий таълимот ва маросимчилик масалаларида бир-биридан ажралиб турадиган диний гурухлардир. Шиаликдан карматлар, исмоилийлар, зайдийлар, нусайрийлар, алиилохийлар ва бошкалар ажралиб чиккан.

Суннийликдан равшанийлар, ахмадия, жангари ваххобийлар, махдийлар ажралиб чиккан. Мазхабчилик илохиёт масалалари буйича юзага келган узаро келишмовчиликлар натижасидир.

Исломда ханафийлик, ашъарийлар, жабарийлар, кадарийлар, сифатийлар, муржиъийлар, муътазилийлар каби мазхаблар мавжуд. Jадарийлар инсон ирода эркинлигини ёклаб чикиб, уни тан олмаган жабарийларга карши чиккан. Мутакаллимлар аристотелчилик фалсафаси усул ва воситаларидан фойдаланиб, исломнинг диний-акидавий таълимотини асослаб беришга уринган.

Абу Мансур Мотуридий (мелодий 944 йилда вафот этган) калом илмининг акл макомига алохида эътибор каратган Самаркандда Мотуридия мактабини яратган. Муътазилийлар (ажралиб чиккан-лар) якка худоликнинг адолатли эканини, Jуръоннинг тангри томонидан яратилганлигини, ирода эркинлигини ёклаб чиккан. Унинг асосчиси Восил ибн Атодир (699-748 йиллар). Унинг охирги вакилларидан бири Замахшарийдир.

Калом ислом илохиётининг узига хос фалсафий таълимотидир. У диний акидаларни асослаб беришга уринган. У Қуръонга таяниб, жаннат ва дузахнинг азалий эканлигини, инсонда ирода эркинлигининг йуклигини, лекин инсоннинг Оллох олдида уз килмишлари учун масъул эканлигини асослаб беришга харакат килган.

Бундай маънавий жараёнлар билан ёнма-ён исломда **машшоийунлар ва таббиийунлар**нинг (Арасту фалсафаси ва табиатни урганишга ахд килганларнинг) фалсафий карашлари шаклланa борган. Бу исломий маънавиятнинг дунёвий ва диний масалаларда, жахон фалсафий тафаккурида руй бераётган жараёнларга нисбатан ташаббускор бир куч эканини курсатиб турибди.

Jадимги Юнон фалсафаси анъаналарида сиёсий фаолият ва донишмандлик куп холларда бир-бирига карама-карши куйилган булса, ислом фалсафасида сиёсатга, аксинча, инсон фаолиятининг юксак бир шакли сифатида каралади. Исломда давлатни

бошкариш — бу санъат, аммо у ижтимоий адолат таомилига амал килмоКи зарур, ижтимоий адолат эса тенг хукукийликка амал килиш туфайли баркарор була олади, деб хисобланади.

Ислом фалсафасига кура, инсоният истикболи комил инсонни шакллантириш оркали юзага келади, ахлок-одоб эса инсон тафаккурининг ажралмас таркибий кисмидир. Мусулмон Шаркн мутафаккирларини акл макоми, мантик илми аввалдан кизикгириб келади, чунки мантиккка таянмаган хар кандай билим ишончли ва самарали була олмайди. Бу масала хам ислом фалсафасида уз урнига эга.

Тасаввуф ва унинг тарикатлари. Тасаввуф фалсафий оким ва диний-маънавий ходиса сифатида ислом дини доирасида (купгина ички сабаблар ва баъзи ташки унсурлар — буддавийлик ва хиндийликнинг илк диний тасаввурлари, шаркий христиан таркидунёчилиги, неоплатонизм кабиларнинг таъсири остида) пайдо булди. Тасаввуф учун вахдоният — Оллохнинг бирлиги, Оллох ва оламнинг порлаб туриши, фано булиш, ориф шахсининг тангри таоло билан рухан бирлашиб кетиши каби мушохадалар мухим ахамият касб этади. Бу оким намояндалари ва тарафдорларини суфийлар, деб атаганлар ва суфизмИатамаси шундан пайдо булган. Илк суфийлар ахолининг камбаКал тоифаси орасида шаклланган. Уларнинг карашлари истилочилар зулми, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизликка карши норозилик белгиси сифатида хам юзага келган.

Тасаввуфнинг мухим жихатлари йирик мусулмон илохиётчиси Абу ўомид Мухаммад ибн Мухаммад ал-Fаззолийнинг (1059-1111) Диний илмларнинг тирилтирилиши Иасарида баён этилган. Ул зот дунё конуниятларини акл оркали билишни эътироф этган, лекин Оллохни акл билан англаш мумкин эмаслигини таъкидлаганлар. У факат калб, махсус рухий харакатлар — илтижо-ибодатлар кумагида билиб борилади. Мантик, табиатни билиш Оллохни танишга халал бермаса, улар ахамиятлидир, агар аксинча булса, уларнинг макоми чегараланади.

Расмиятчилик, акидачиликни тасаввуф ахли кабул килмаган. Уларнинг фикрича, иймон-эътикоднинг мохияти Оллохдан бошка нарсага мухтож булмаслик, хеч кандай мулкнинг кулига айланмаслик, борига сабр-каноат килиб яшашдир. Оллохга етишиш учун калбни поклаш, нафс балосидан озод булиш даркор. Ана шундагина инсон дили нур билан тулади, нуксонларни

бошкалардан эмас, узидан излайдиган даражага кутарилади, ўак сари якинлашади, бемаъни караш ва тушунчаларнинг куллик кишанидан узини озод килади, чунки инсон калби хурдир.

Тасаввуфда **кубравия, яссавия, накшбандия** тарикатсулуклари кенг таркалган.

Кубравия тарикатининг асосчиси **Нажмиддин Кубро**дир (1154-1226). Хевада туКилган, ёзган асарлари орасида "Шархус-сунна вал-масолих", "Усули ашараИ, "Фавоихул-жамолИкабилар машхурдир. Кубравия тарикатининг мохияти унта усулда мужассамлашган. Булар — тангрига уз хохиши билан юзлашиш, зухд фи дунё — хар кандай лаззатдан узини тийиш, таваккул — Оллохга эътикоди поклиги учун барча нарсалардан воз кечиш, каноат, узлат — хилватни ихтиёр килиш, мулозамат аз-зикр — узлуксиз зикр, таважжух — ўакка мухаббат куйиш, сабр — нафс балосидан озод булиш, муроаба — тафаккурга Карк булиш, ризо — тангри хушнудлигини козонишдан иборат.

Кубро муКуллар билан булган жангларда жасорат курсатган ва шахид булган. МуКуллар Кубронинг номи улуКлиги, обруси баландлигини хисобга олиб, унга озод булиши, омон колиши мумкинлигини, бунинг учун эса камал килинган калъадан чикиб кетиши кифоя эканини билдирган. Аммо Кубро бундай жон саклагандан кура, уз халки билан бирга юрт химояси йулида жон беришни афзал курган. Ривоят килишларича, ул зот картайиб колганига карамай, жангчиларга фаол кумак берган. Буни курган шогирдларидан бири "Устоз, анчадан бери байрок кутариб чарчадингиз, уни менга беринг", деганида, у "Агар кучим булганида килич ёки камон олган булар эдим. Байрокни бизга куйингда, сиз ё килич ёки найза билан ёКийга карши курашинг", деган экан. У байрокни шунчалик махкам ушлаган эканки, халок булганидан кейин кулидан байрокни олишнинг илож и булмаганидан, бир муКул Кубронинг кулини кесиб олган экан.

Яссавия тарикатининг асосчиси **Хожа Ахмад Яссавий**дир (1166 йилда вафот этган). У Туркистоннинг Сайрам музофотида туКилган, машхур мутасаввиф Юсуф ўамадонийнинг (1140 йилда вафот этган) таълим-тарбияси билан вояга етган, ориф макомига эришган. Яссавий устозининг вафотидан кейин муайян бир муддат унинг макомида турган, сунг эса бу макомни Абдухолик Fиждувонийга колдириб, Ясси — Туркистон шахрига кайтади ва уз тарикати, йул-йурикларини ташвик этиш билан машКул булади.

Яссавийнинг оддий халқ тушунадиган услубда ёзилган, тасаввуфий қарашларини акс эттирган ҳикматлари девонида уз аксини топган. Унда илоҳий ишқ, ўзак васлига етишиш, унинг ишқида парвона бўлиш, ундан бошқа нарсага кўнгил қўймаслик ҳақида фикр юритилган. Яссавий риёзат, чилла, зикрга алоҳида аҳамият бериб, ҳаётининг аксариятини чиллахонада ўтказган. Яссавий тариқати Туркистон улкаси, Озарбойжон, Туркия, Шимолда — Жозонгача, Ғарбда — Болқонгача кенг тарқалган.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389 йиллар) нақшбандия тариқатининг асосчисидир. Бу таълимотнинг моҳияти □Дил — ба ёру даст — ба корИшиорида яккол ифодасини топган. Инсон Оллоҳ иноятн натижаси бўлиб, бу дунёни унутиб қўймаслиги лозим, унинг қалби доимо Оллоҳда, қули эса меҳнатда бўлмоқи лозим. У тасаввуфнинг барча тариқатлари сингари шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мақомларини эътироф этади.

Нақшбанднинг таъкидлашича, шариат — аҳдга вафо, ислом-нинг бешта асосий талабига риоя қилиш, дил ва тил бирлиги. Тариқат эса, узидан кечиш, фано бўлишдир. ўзакиқат — бехуда ишлардан узоқлашиш, ҳақ ишларга боқланиш. Демак, шариат — қонун, тариқат — йўл. Жонун вужуд ва қалбни тарбиялайди. Йўл эса кўнгилни поклаб, рухни илоҳий қувватдан баҳраманд қилади.

Кубравия, яссавия ва нақшбандия таълимотлари маънавиятимиз тарихида жуда катта урин тутган. Улар маънавий тараққиётда муҳим аҳамиятга молик бўлиб, уз таъсирини ҳалигача йўқотмаган.

Ватанимиз цивилизациясининг шарқ халқлари, араб маданияти ва ислом фалсафаси ривожига таъсири ниҳоятда катта бўлган. Унинг ҳудудида араб халифалигидан нисбий мустақилликка эришган давлатларнинг ташкил топиши, халқимизнинг бақрикенглиги туфайли янги марраларга эришилди. Дунёвий ва диний соҳалардаги маданий-маънавий юксалиш мазкур уйқониш даврининг ёркин тимсолидир. □Авесто□ анъаналари, табиатни ўрганишдаги ютуқлар, гуманитар соҳадаги ижобий силжишлар, Шарқ халқлари, араб маданияти ва ислом фалсафаси ривожига самарали таъсир кўрсатди. Уша даврда жаҳон миқёсида Ватанимизнинг маънавий-интеллектуал нуфузи ортиб борди. У жаҳондаги йирик маданият ва илм-фан марказига айланди.

<u>Диний бақрикенглик ва дунёвий билимлар такомили.</u> Мусулмон Шарқи, жумладан ислом жорий этилганидан кейин Ватанимиз ҳудудидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ижодида Ол-

лох, инсон ва табиат масалалари илохиёт ва дунёвий фалсафанинг мухим муаммоларидан бири булиб келган. Бирон та буюк аллома ва мутафаккир исломий кадриятлар мавзуини четлаб утмаган.

Диний илмлар сохаларида имом Бухорий, имом Термизий, имом Абу ўанифа, имом Мотуридий ва имом Бурхониддин МарКинонийлар пешкадамлик килганлар.

Имом Бухорий (810-870йиллар) йирик илохиётчи, мухаддис сифатида 60 мингга якин хадис туплаган, улардан ишончли деб топганлирини махсус туплам холига келтирган. Бу туплам «Сахихи БухорийИ номи билан машхурдир.

Имом исо Термизийдан (824-892) «ТайКамбарнинг алохида фазилатлариИ «ўадислардаги ихтилоф ва бахслар хакида рисолаИ «ТарихИ ва бошка асарлар мерос булиб колган. Имом Термизий хадисларни мунтазам равишда туплаб, муайян тартибга солган ва яхлит бир китоб шаклига келтирган.

Абу ўанифа ан-Нуъмон ханафия мазхабига асос солган, барча ислом таркалган худудларда уз мавкеига эга булган. Бу мазхабнинг мухим жихатлари калом ва илохиёт сохаларининг пири Абу Мансур Мотуридий (вафоти 944 й.) нинг «ТавхидИ ва «ТаъвилотИ асарларида ва Бурхониддин ал-МарКиноний (1123-1197) нинг «ўидояИ тупламида узининг ёркин ифодасини топган. Уларнинг асарларида акл макоми ва мантик илмига, илм ва далилга кенг урин берилган.

Мухаммад ал-Хоразмий (783-850) ва Ахмад ал-ФарКоний (тахм. 797-865) бутун мусулмон Шаркн ва жахонда табиий ва аник фанлар ривожига салмокли хисса кушган буюк алломалардир. Мухаммад ал-Хоразмий араб халифалигининг пойтахти БаКдодда «Донишмандлик маскани И («Байт ул-хикмаИ) га рахбарлик килган. Унинг «АстрономияжадвалиИ «ўинд хисоби тугрисида рисолаИ «Jуёш соати тугрисида рисолаИ «Мусика хакида рисолаИ «Тиклаш ва карши куйиш хисобига оид мухтасар китобИ каби асарларида алгебра сохасига асос солинди.

Шарк халклари орасида «Буюк математикИ унвонига сазовор булган Ахмад ал-ФарКоний (тахм. 798 й. да Jувада туКилган) астрономия ва математика сохаларида ном таратди. Унинг «Самовий жисмлар харакати ва юлдузлар фанининг мажмуаси хакида китобИ «АстрономияасосларИ асарларида коинот харитаси тузилди. Ер ва фазовий сайёралар хажми, иклимлар, жуКрофий

кенгликлар тугрисида кузатувчилар оркали асосланган янги маълумотлар берилган, илм-фаннинг янги йуналишларига асос солинган. Jулга киритилган маълумотларни умумлаштириш, тадкикотда хиссий ва аклий мушохада муштараклиги алломага хос хусусиятлар сифатида дунёкарашни шакллантиришнинг мухим омиллари булиб келди ва ундан кейин яшаган илм ахлига таъсири сезилиб турди.

Фалсафа, табиатшунослик ва тиббиёт тарихини Форобий, Беруний ва Ибн Синосиз тасаввур килиб булмайди. **Абу Наср Форобий** (873-950) – мусулмон Шаркида Арастудан кейин □ик-кинчи устозИунвонига муяссар булган йирик мутафаккир ва аллома. Унинг каламига 160 дан зиёд асар мансуб булиб, улар асосан кадимги юнон олимлари асарларидаги табиий-илмий ва фалсафий муаммолар шархлаш хамда бу сохаларнинг долзарб масалаларини тахлил килишга баКишланган. Мутафаккир оламни икки куринишда: □Вужуду вожибИ(оллох) ва □вужуди мумкинИ(барча моддий ва рухий нарсалар) мисолида талкин килади, барча нарсалар □вужуди вожибИтуфайли яшаш хукукига эга булади. Улар узаро бир-бири билан сабабий тарзда боКланади. Сабабсиз окибат булмаганидек, окибатсиз сабаб хам булмайди, дейди Форобий.

Олам сифат, микдор, жавхар, акциденция (мухим булмаган хосса), имконият, зарурият ва тасодифият, макон ва замон, харакат ва ривожланиш каби тушунчаларда ифодаланади. Улар фазовий жисмлар, аклли махлук (инсон), аклсиз жониворлар, усимликлар, минераллар ва туртта унсур-сув, олов, хаво ва тупрок каби олтита куринишда намоён булади.

Билиш жараёни акл ва сезгилар оркали юзага келади. Билишда акл ва мантик илмининг макоми бекиёсдир. Акл воситасида инсон илм-фанни яратади. Фан туфайли ходисалар мохияти очиб берилади. ўар бир фан инсоннинг муайян эхтиёжларини кондиришга хизмат килади.

Мутафаккир уз асарларида комил инсон, фозил фукаро, одил хукмдор, бахт-саодат, унга эришиш йуллари, давлатнинг хусусиятлари, ахлокий ва аклий тарбия, ижтимоий истикбол тугрисида илКор Кояларни илгари сурган. Форобийнинг Шарк халклари фалсафий тафаккури ривожига булган таъсири сезиларли булган.

Абу Райхон Беруний (973 — 1048) деярли барча фан соҳаларида ижод этган буюк комусий аллома ва машҳур мутафаккирдир. У яратган 152 та асардан 28 таси бизгача етиб келган. Унинг табиатни урганишдаги хизмати каттадир. Аллома жисмларнинг узаро тортишуви, Jуёш ва Ойнинг тутилиши, зарра, инерция ва сунъий танланиш, ривожланиш аномалияси, Ер каърида руй берадиган геотектоник силжишлар, Ер киёфасининг тадрижий тарзда узгариб туриши, хилма — хил оламлар тугрисида илмий башоратларни илгари сурган. Унинг фалсафий карашлари табиий-илмий карашлари таъсирида шаклланди. У модда ва замон, конуният, зарурият ва тасодифият, харакат ва ривожланиш, зиддият, сабаб ва окибат каби фалсафий муаммоларга катта эътибор берган.

Берунийнинг асарларида билиш масалалари мухим макомга эгадир. Билишга булган кизикишнинг иккита сабаби бор. Биринчидан, бу узига хос лаззатдир. Иккинчидан, билишдан максад одамлар эҳтиёжларини кондиришдир. Билиш сезгилар етказиб берган маълумотлардан бошланади. Улар билишнинг юкори босκичи аклий билиш учун узига хос кумакчи ва асос булиб хизмат килади. Билимнинг чинлиги кузатув ва синов — тажриба оркали белгиланади. Улар туфайли ашёларнинг мухим жихатлари урганилади, уларнинг микдорий томонлари аникланади, билиш жараёнининг самарадорлиги ошиб боради.

Берунийга кура, инсон киёфаси табиат таъсирининг натижасидир. Унинг ички киёфасига келсак, уни инсон чексиз саъй-харакатлар окибатида тубдан узгартириши мумкин. Ўар бир киши уз хулк-атворининг сохибидир. Жамият тадрижий узгаришлар оркали ривожланиб боради. Адолат, фукаро учун Камхурлик, зулмни бартараф этиш, жамиятни акл ва адолат туКи остида бошкариш мутафаккирнинг идеалидир.

Абу Али ибн Сино (980-1037) буюк аллома ва мутафаккир. У Бухоро якинидаги Афшона кишлоКида туКилиб, ўамадон шахрида вафот этган. Ибн Синодан колган маънавий меърос тахминан 280 номдан зиёдрокдир. Улар тиббиёт, фалсафа, мантик, психология, ахлок, мусика, фармакология ва бошка сохаларга баКишланган. Олимнинг □Шифо китобиИ□Тиб конунлариИ, □Билимлар китобиИ, □Табиат дурдонасиИкаби асарлари машхурдир. Борликни талкин этишда Ибн Сино Форобий изидан бориб, уни □вужуди вожибИва □вужуди мумкинИдан иборат, деб эътироф этади. □Вужуди вожиби

биринчи сабаб вазифасини бажаради. Вужуди мумкин Иэса унинг окибатидир. Яратилиши доимий булганлиги учун яратилган вужуди мумкин Их ам абадийдир. Олимнинг сабабиятга оид мулохазалари эътиборга моликдир. Унга кура, сабаблар моддий (муайян холатни келтириб чикарувчи сабаб), фаол (муайян холатни узгартирувчи сабаб), шаклий (турли хил кувватлар билан боКланган сабаб) ва тугалловчи (барча сабабларнинг пировард максади) сабаблардан иборатдир.

Ибн Сино Закариё ар-Розий ва Беруний каби жахон фалсафий тафаккури тарихида биринчилардан булиб кузатув ва тажрибага мухим эътибор каратди. Масалан, аллома улар кумагида хастанинг холати, келажакда кутилаётган кайфияти, дори-дармонлар таркиби, инсон ва атроф-мухит узаро муносабати муаммоларини хал этишга уринади.

Мутафаккир уз асарларида илм ва ахлок-одоб уйКунлиги, инсон камолоти, бахт-саодат, ижтимоий адолат, кишиларнинг узаро хамкорлиги, хукмдорнинг бурчи тугрисида кизикарли Коялярни илгари сурган. Унинг таъкидлашича, барчани бир хил ижтимоий мавкега эриштириб булмайди. Аслида улар учун муайян шароит яратиб бермок лозим. Барчанинг бой ва мансабдор булиши ёки хамманинг кашшок булиши жамиятнинг таназзули ва инкирозидир. Лекин инсон узгаларга мехр-окибатли, Камхур булмоКи, керак вактда саховат ва мурувват кулини ночорларга узатиши зарурдир.

Марказий Осиёда илк урта асрлар даврида кенг таркалган тасаввуф таълимотидаги комил инсон макоми, нафсни тийиш, баКрикенглик, диний донишмандлик, Мусо ал-Хоразмий ва Ахмад ал-ФарКоний тадкикотларида илгари сурилган табиий-илмий Коялар, Форобий, Беруний ва Ибн Синонинг табиий-илмий ва фалсафий карашлари, фандаги янги йуналишлар биринчи галда мусулмон Шаркн, колаверса, бутун жахон табиий-илмий ва фалсафий тафаккурининг равнакига хаётбахш таъсир утказиб келди.

XIV асрнинг охири-XV асрнинг бошларида Амир Темур амалга оширган харбий юришлар натижасида улка мустакиллиги кулга киритилди. Темур ва темурийлар даврида уйКониш даврининг иккинчи боскичи бошланди. Бу илм-фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаш боскичи булди. Маънавиятга хомийлик харакати авж олди. Бунга Самаркандда УлуКбек астрономия мактабининг вужудга келиши, расадхонанинг курилиши, машхур олимлар Козизода Румий, ал-Коший,

Али Jушчи ва бошқаларнинг фандаги жонбозлиги яққол мисолдир. Бу масала кейинги маъруза учун мавзу бўлиб хисобланади.

Афсуски, бу маданий уйқониш муКул боскини туфайли таназзулга юз тутди. Амир ва султонлар уртасидаги узаро ихтилофлар, ноахиллик Чингизхон босқинига кул келди. Бу босқин м«Кулларнинг 1218 йилда Утрор шахрини босиб олиши, унинг хокими, Хоразмшохнинг қайноКаси, Инолчиқни банди қилиши ва қулоКига қайнаб турган кумушни қуйиб юборишдек хунрезликдан бошланди. М«Кулларнинг хукмронлиги даврида ана шундай қонхурлик тинимсиз давом этди. Куркам шахар ва қишлоқлар вайронага айланди, иқтисодиёт таназзулга юз тутди. Илм-фан, маданият, жумладан фалсафа илми хам инқирозга учради.

Халқимиз муКул боскинини қаттиқ қаршилик билан кутиб олди. Гарчанд уқувсиз хукмдор Мухаммад Хоразмшох салтанатни сақлаб қола олмаган бўлса-да, халқимизнинг боскинчиларга қарши кураши асло тухтагани йўқ. Баъзи тарихий манбаларга кура, уша даврда нихоятда катта худуддан 600 мингга якин кушин туплаш мумкин эди. Бу кушин тупланганида ва тажрибали лашкарбошига топширилганида Чингизхон салтанатни босиб олиши гумон эди. Инсониятнинг утмишини яхши биладиган баъзи олим ва мутахассисларнинг фикрича, агар шох узининг ёвкур уКли Жалолиддинни аввал бошданоқ тахт вориси этиб тайинлаганида ва кушиннининг ихтиёрини унга топширганида, нафақат Осиё тарихи, балки жахон тарихи бошқачароқ йўлдан кетиши мумкин эди.

Афсуски, тарих □Агар ундай бўлмаганида эди...□ қабилидаги тамойилларни тан олмайди. Чингизийлар боскини Ватанимиз маданий тараққиётини бир неча асрлар орқага суриб юборди. Уша даврда боскинчиларга қарши курашнинг энг атоқли вакили Жалолиддин Мангуберди эса миллатимиз уз озодлиги учун олиб борган курашнинг тимсоли сифатида тарихимиз сахифаларида абадий қолди. Бу миллий қахрамонимизнинг таваллуд куни 1999 йилда кенг нишонлангани унинг рухини шод қилиш ва Жалолиддин Мангубердини курашга отлантирган эзгу Коялар бизнинг кунларимизда амалга ошганлигининг рамзидир.

Маъруза нихоясида, алохида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг □Оллох калбимизда, юрагимиздаИтамойили урта асрлар фалсафасини урганишда мухим ахамият касб этади. Буюк аждодларимизнинг баКрик енглиги, мазхабпарастликка берилмаганлиги, улар дунёқарашида дунёвий ва диний илмларнинг

муштараклиги, сабр-каноатлилиги барчамизга намуна — ибратдир. Бу бой маънавий хазина ёшлар онгига миллий Коя ва истиклол мафкурасини сингдиришга хизмат килади, уларни мустакил фикрлаш, дустни душмандан фарк килишга ундайди, юртим деб, элим деб яшашга чорлайди.

Таянч тушунчалар

Илк урта асрлар фалсафаси, □J уръонИ, хадислар, ислом фалсафаси, исломдаги мазхаблар, тасаввуф, тасаввуф окимлари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ислом дини тугрисида нималарни биласиз?
2. Тасаввуфда комил инсон таомилини Сиз кандай тасаввур киласиз?
3. Тасаввуфдаги кубравия, яссавия ва накшбандия тарикатлари тугрисида нималарни биласиз?
4. Машхур мухаддислардан кимларни биласиз?
5. Сизнинг назарингизда диний баКрикенглик нима?
6. □Маънавий меросни билмай туриб, мустакилликнинг мафкурасини яратиб булмайдиИдеган фикрни кандай тушунасиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Оллох калбимизда юрагимизда. — Т., Узбекистон, 1999.
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йук. // Мулокот. 1998. №5.
3. Каримов □. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман. //Фидокор. 2000. 8 июнь.
4. Каримов И. Узбекистон XXI асрга интилмо□да. — Т.: Узбекистон, 1999.
5. Узбекистон XXI асрга интилмо□да. — Т.: Узбекистон, 2000.
6. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-том. — Т.: Фан, 1968.
7. Муминов И.М. Узбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавхалар. — Т.: Фан, 1998.
8. Носиров Р.Н. Урта Осиё халклари ижтимоий-фалсафий тарихи буйича махсус курс. — Т.: 1992.

4-мавзу. Темурийлар даври ва урта асрлар фалсафаси

Режа:

1. Темур ва темурийлар даври фалсафаси, унинг ахамияти.
2. Темурнинг хаёти, фаолияти, жахон ва Ватан тарихидаги урни.
3. УлуКбек — урта аср маданиятининг атокли вакили.
4. Алишер Навоийнинг фалсафий карашлари.
5. Бобур ва бобурийлар давридаги фалсафий карашлар.
6. Темурийлар даври ва урта аср фалсафасини урганишнинг ахамияти.

Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр миллатлар, узининг йулбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян кискa боскичларида минг йилларда кулга киритиш мумкин булган натижаларга эришганлар. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг учмас номини битади, жахон маданиятини бойитади, умумбашарий тараккиётга катта хисса булиб кушилади.

Темур ва темурийлар даври худди ана шундай, м«Кул боскинчиларидан озод булган халкимизнинг миллий дахоси энг юксак чуккига кутарилган даврдир. Бу давр фалсафаси халкимизнинг сохибкирон Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустакилликни саклаш хамда мустахкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир. Бу халкимизнинг марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчилигини тиклаш ва баркарор килиш, мустакил яшаш орзуларининг ушалган давридир. Унинг фалсафасида хам ана шу жихатлар яккол кузга ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ва истиклол мафкурасининг фалсафий негизлари орасида алохида урин тутади.

Урта Осиёнинг муКуллар томонидан босиб олиниши мамлакатни Корат килди, иктисод, маданият, санъат ва илм — фан сохасида таназзул руй берди. Жабр, зулм, зуравонлик натижасида халкнинг турмуши кескин ёмонлашди.

МуКуллар зулмига чек куйишда халк оммасининг норозилиги, сарбадорлар бошчилигидаги оммавий кузКолонлар, айникса, сохибкирон Амир Темурнинг фаолияти мухим ахамиятга эга булди. МуКуллар урнатган мустабид тузумнинг Амир Темур дунёга келган даврида ерли ахоли уртасида чукур иж тимоий ва маънавий уйКониш жараёни бораётган эди. Бу жараён, Тарихи, уша даврдаёк, минг йилликлар каърига кетган буюк халк мустамлакачилик азоби-

да ётаверадими?□ёки □Мустақиллик учун кураш олиб боришда давом этади ва озодликка эришадими?□ деган асосий саволлар атрофида руй бераётган эди.

М«Куллар мамлакатимизни сиёсий ва харбий жиҳатдан истило килган эдилар, аммо уни маънавий буйсундириш, маданий жиҳатдан м«Кулларнинг устунлиги тугрисида гап хам булиши мумкин эмас эди. Кучманчилик ва шахарларни Корат килишдан бошкасига ярамайдиган, утрок хаётга менсимай карайдиган Чингиз авлодлари маънавий ва маданий жиҳатдан узларидан устун булган халкка нима хам бера олар эдилар? улар уз хукмронлигининг охиригача хам Ватанимизда бирорта тузукрок яшаш мумкин булган янги шахар барпо этмадилар, маданият учокларининг юксалиши учун имкон бермадилар, ерли ахоли орасидан чиккан баркамол кишиларни киличдан утказиб турдилар. Аммо халк иродасини бука олмадилар, унинг озодлик ва мустақилликка интилишини тухтатиб куя олмадилар. Амир Темур ана шу харакатнинг натижаси, халкининг миллий Кояларини руёбга чикариш учун тарихий шаклланган зарурият, уша пайтда харбий уюшкоклик, сиёсий хушёрлик, Калабалар учун фодокорлик жиҳатидан жахонда тенги йук миллатга айланган халк дахоси яратган буюк жахонгир эди. Халк жахонгирга айланганида узининг жахонгирини яратади. Гохида бир жахонгир миллат бошкасини уйКотиб юборади. Бу эса тарихнинг муайян худуддаги энг бурилиш нукталарига тугри келади.

Баъзилар Темур фалсафий асарлар ёзмаган-ку, унинг фалсафага алокаси борми, деб уйлайди. Аслида Темурнинг хаёти ва фаолияти фалсафадан иборат эмасми? у фалсафий хулосалар чикариш учун бошка кишиларнинг хаёти ва асарларидан хам мазмунлирок хаёт эмасми? Фалсафани факат китоблардангина урганиш мумкинми? Аслида, фалсафани тула-тукис китобга тушириб булмайди. Китобга тушурилган фалсафа муайян тизимга келтирилган фалсафий билимлар ситемаси холос. Темур ва темурийлар даврини тарих фалсафаси ва фалсафа тарихини уйКун тарзда ёзиш оркали нисбатан тугри ифодалаш мумкин. Амир Темурнинг хаёти, унинг фаалияти, темурийлар давридаги маданий жараёнлар, илм-фан ривожи каби масалалар эса бир неча фалсафий китоблар, унлаб тадкикотлар учун мавзу эканлиги аник. Jолаверса, Темур ва темурийлар каби илм-фан, маданият ва санъатни, фалсафа ва адабиётни нозиктаъб тушунган, узлари хам бу сохаларда ажойиб ютукларга эришган сиёсий сулолаларни жахон тарихидан топиш кийин. Бу сулола вакиллари орасида шеър ёзмаган, адабий машклар килма-

ган, фан-маданиятга кизикмаган бирор темурийзода булмаса керак. Тарих шундан далолат берадики, юртбошликлари фан ва маданиятга кизиккан, маънавиятни юксакликка кутариш учун курашган улкада бу сохаларда хакикий юксалиш булади. Сиёсий таъминланганлик, бошка сохалар билан биргаликда, маданий тараккиётнинг энг асосий омили эканлигини рад килиш унчалик уринли эмас. Маданиятпарвар ва миллатпарвар Амир Темур ва темурийзодалар уша давр маънавий тараккиёти учун сиёсий ва иктисодий асосларни тула-тукис яратган арбоблар эди. Халкимизнинг асрлар оша улар рухига миннатдорлик туйКуси билан ёндашуви, халигача уз фарзандларига бу сулола вакиллари номларини куйиб юриши, бугунги кунларда хам уша замондан ташбехлар излаётганининг сабабларидан бири хам ана шунда.

Амир Темур ибн ТараКай Баходир (1336-1405) Кеш (Шахрисабз) шахри якинидаги Хужа илКор кишлоКида дунёга келди. Унинг энг асосий тарихий хизматлари шундан иборатки, у муКулларнинг боскинчилик ва вайронкорликларига карши курашиб, Урта Осиёни улардан халос этди. Майда феодал ва мулкдорларнинг узаро низоларига бархам бериб, кучли марказлашган давлат барпо килди. Мамлакатда тартиб-интизом ва конун устуворлигини таъминлади. Унинг даврида Куч — адолатдаИ тамойили амалга ошди, иктисод ва маданият юксалди, узга мамлакатлар билан мустахкам алокалар урнатилди.

Амир Темур мохир харбий саркарда сифатида ном козонди. У «з хаётини Мовароуннахр халкининг фаровонлиги, юрт ободончилиги учун сарфлади, унинг даврида хашаматли бинолар, курилиш иншоотлари, гузал боКлар бунёд килинди, мактаб ва мадрасалар, масжидлар курилди, мамлакатимиз Шаркнинг гузал худудига айланди.

Темурнинг яна бир улкан хизмати шуки, у маданият ва илм-фан хомийси сифатида машхур булди, уз саройига олиму фузало ва дин арбобларини туплади. Хожа Афзал, Жалол Хокий, Мавлоно Хоразмий, Мавлоно Мунший ва бошкалар унинг саройида илм-фан ва бадиий ижод билан машКул булдилар. Бобур Мирзонинг хабар беришича, уша даврда Самарканд энг гузал шахар эди. Испан сайёхи Р. Г. Клавихо Самаркандннинг гузаллигига койил колган эди. Темур хукмронлиги даврида ички ва ташки савдо кучайди. Айникса, Ўиндистон, Хитой, Русия, араб мамлакатлари билан алокаларнинг кучайиши Темур салтанати иктисодий кудратини оширди. Темур ва темурийлар даврида ислом ди-

ни ва тасаввуфга катта эътибор берилди. Ислом дини уша давр-да асосий мафкура булиб, марказлашган давлат барпо этишда, иктисод, маданият ва илм-фан сохасидаги максад ва вазифаларни амалга оширишда назарий асос булиб хизмат килди. Темур уз фаолиятида унга таяниб иш курди.

Темурийлар даврида тасаввуф таълимоти кенг кулоч ёйди. Сохибкирон тасаввуф коидаларидан мамлакатдаги салбий иллатларни йукотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф килишда, хакикат ва адолат урнатишда, инсонпарварлик Кояларини таркатишда фойдаланган. Темур тасаввуфдаги покланиш, тугри ва софдил булиш, зино ва фахш ишлар билан шуКулланмаслик, харом-хариш ишлардан кочиш, халол мехнат килиш, бирор касбни эгаллаш, мухтожларга мехр-шафкат курсатиш каби Кояларни халкка сингдириш учун кураш олиб борди. Накшбандлик тарикатининг йирик шайхлари булмиш Саййид Амир Кулол, Шайх Абу Бакр Тайободий, Мир Саййид Баракалар Темурнинг пирлари булиб, сохибкирон улар билан тез-тез мулокот килиб турган.

Темурийлардан Шохрух, УлуКбек, Хусайн Бойкаро, Бобур Мирзолар давлатни бошкаришда, дин ва тасаввуф коидаларига амал килишда, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг анъаналарини изчил равишда давом эттирдилар. Бу даврда меъморчилик санъати юксак даражага кутарилди. Амир Темур Куксарой масжиди, Шохизинда, Бибихоним мадрасасини курдирди. Кешда (Шахрисабз) Оксарой барпо кила бошлади. Мирзо УлуКбек даврида 1417-1420 йилларда Регистонда, кейинчалик Бухорода, 1432-1433 йилларда Fиждувонда мадрасалар курилди, Бибихоним масжиди, Гури Амир макбараси куриб битказилди. 1429 йили эса УлуЎбекнинг фалакиёт расадхонаси нихоясига етди. Хиротда хам куплаб меъморчилик бинолари барпо килинди. Улар жумласига масжид, мадраса ва хонакохлардан иборат булган Гумбази сабз, Алишер Навоий курдирган ЎИхлосияЎ, ЎНизомияЎ, ЎШифоияЎ мадрасалари, Марв шахридаги ЎХусравияЎ мадрасаси ва бошкалар киради. Навоий яшаган замонда Хиротда ЎШаркЎ РафаэлиЎ деб ном олган Камолиддин Бехзод (1456-1535) ва шох Музаффар каби дунёга машхур рассомлар ижод килди. Бехзод ЎЗафарномаЎ китобига, Хусрав Дехлавийнинг ЎУ амсаЎ, Саъдийнинг ЎБустонЎ асарларига накш берган ва Хусайн Бойкаро, Хотифий, Жомий ва бошкаларнинг расмини

чизган, халқнинг меҳнатини, табиат манзараларини ҳаққоний тасвирлаган.

XIV-XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-фаннинг кўп соҳаларида юксалиш юз берди. Жаҳонга машҳур олимлар, табиатшунослар ва шоирлар етишиб чиқди. Тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, тарих, адабиёт, жуғрофия, педогогика, мантиқ, фалсафа, ахлоқшунослик ва бошқаларга эътибор берилди. Айниқса, бадиий адабиёт ва адабиётшунослик тез ривож топа бошлади, уларда уша даврнинг муҳим ижтимоий муаммолари ва инсонпарварлик ғоялари олға сурилди. «Гул ва Наврўз» муаллифи Лутфий (1366-1465), «Беҳр«з ва Баҳром» асарини ёзган Биноий (1453-1512), «Тазкират уш-шуаро» (шоирлар ҳақида тазкира) нинг муаллифи Давлатшоҳ Самарқандий, «Юсуф ва Зулайхо», «Маҳзан ул-асрор» (Сирлар хазинаси) асарларининг муаллифлари Дурбек (XIV-XV асрлар), ўайдар Хоразмий ҳамда Камол Хужандий (1402 йилда вафот этган), ўофиз Хоразмий (XIV-XV асрлар), Исмат Бухорий (1365-1436), Якиний (XV аср), ўилолий (XV аср), Атоий (XV аср) ва бошқалар уша даврда яшаб ижод этдилар.

Бу даврда тарих фанига эътибор кучайди, йирик тарихнавислар пайдо бўлди. Темурийлар даврида Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413-1482) «Матлаа ас-саъдайн ва мажмаъ ал-баҳрайн» («Икки денгизнинг қушилиши», ўофизи Абрунинг (1361-1430) «Зубдат ат-таворих» («Тарихларнинг сараси», Муйиниддин Исфизорийнинг (1494 да вафот этган) «Равзат ал — жаннат фи авсоф мадинат» Фосиҳ ўавофийнинг (1375-1442) «Мужмали фосиҳий» Шарафиддин Али Яздийнинг (1454да вафот этган) «Зафарнома» Исфи, Низомиддин Шомийнинг (X1V аср «V асрнинг боши) «Зафарнома» Исфи ва бошқалар машҳур эди.

Уша замоннинг энг машҳур тарихчилари **Мирхонд (1433-1498) ва Хондамир (1475-1535)** эдилар. Мирхонд ўиротда таваллуд топиб, шу ерда ижод қилган. Унинг асосий тарихий асари 7 жилддан иборат бўлиб, «Набиралар, подшоҳлар ва халифалар таржимаи ҳоллари ҳақида поклик боқлари» деб аталади. У олти жилдини ёзиб вафот этади, еттинчисини набираси Хондамир ёзиб тугатади.

Хондамир ҳам ўиротда туғилиб, ёшлигидан тарихнависликка ҳавас қуяди. У Аградa вафот этади. Унинг муҳим рисолалари «Макорим ул-ахлоқ», «ўабиб ус-сияр», «Вазирлар учун қўлланма» ва бошқалардир.

XIV-XV асрларда мантиқ, табий-илмий фанлар, айниқса фалакиёт, фалсафа ва ахлоқшуносликка катта эътибор берилди. Мантиқ илмининг йирик вакилларидан бири **Саъдиддин Тафтазоний**дир (1322-1392) у Нисо вилоятига қарашли Тафтазон қишлоқида дунёга келади. Ёшлигидан илоҳиёт фанлари, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ билан шуғулланади. Тафтазоний мадрасаларда мударрислик қилди. Туркистон, ўрот, Жом, Фиждувон мадрасаларида талабаларга дарс берди. Тафтазоний шуҳрати, илмий ишлари Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларига кенг тарқалди. Темурнинг таклифи билан аллома Самарқандга келиб, шу ерда умрининг охиригача яшади.

Тафтазоний 40 дан ортиқ рисолаларнинг муаллифидир. Муҳимлари: «Тахзиб ал-мантиқ вал-каломи» («Мантиқ ва каломга сайқал бериш»), «Мухтасар ал-маонийи» (Риторикага оид «Жискача маънолар»), «Ал-иршод ал-ҳодий» (Араб тили грамматикасига оид «Йул бошловчи раҳбар»), «Ал-мақосид ат-толибин» («Фалсафа ва каломга оид «Толиби илмларнинг мақсадлари») ва бошқалар. Тафтазоний ўтмиш олимларининг жуда куп асарларига шарҳлар ҳам битган.

Аллома сабаб ва оқибат, ирода эркинлиги, билиш, онг, мантиқ фани ва унинг вазифалари ҳақида ўз фикрини баён қилган. Масалан, у табиатда сабаб ва оқибат муносабатларининг мавжудлигини эътироф этади. Тафтазоний ирода эркинлигига тўхталиб, ҳар қандай ҳаракат ишлар худонинг моҳиятидан келиб чиқади. худо яратувчи сифатида инсонларни ёмон хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлайди, инсонни куп ҳолларда хайрли ишлар қилишга чорлайди, гуноҳ ишлардан қочишга даъват этади, деб айтади.

Ўша даврнинг яна бир атоқли алломаси **Мир Саййид Шариф Журжоний** Астробод шаҳри яқинида туғилган. Журжоний Истамбул, Жоҳира, ўрот, Шероз шаҳарларида бўлиб, улардаги олимлардан илм сирларини ўрганади. 1387 йилдан бошлаб Самарқанд мадрасаларида мантиқ, фалсафа, фалакиёт, фиқҳ ва адабиёт, мунозара илми ва бошқалардан дарс беради.

Журжоний 50дан ортиқ рисолаларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг аксарияти мантиқ, фиқҳ, фалсафа ва табиатшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишланган. Олимнинг «Ат-таърифот»и («Таърифлар»), «Одоб ул-мунозара»и («Мунозара олиб боришнинг қоидалари ҳақида рисола»), «Суғро»и («Кичик далил бўла оладиган ҳукм»), «Кубро»и («Катта далил бўла оладиган ҳукм»), «Авсат дар мантиқ»и («Мантиқда ўрта ҳулоса»), «Рисо-

лайи вужудияИ (Борлик хакида рисолаИ) ва бошка асарлари мавжуд. Булардан ташкари, Журжоний салафларининг, хусусан ибн Сино, ЧаКминий ва Насриддин Тусийларнинг асарларига шархлар ёзганлиги маълум.

Мутафаккир рисолаларида борлик, модда ва унинг шакллари, жисмоний ва рухий муносабатлар, мантикий фикрлаш, тил ва тафаккурнинг узаро алокаси, коинот, инсон, акл ва билиш масалалари ёритилади. Журжоний, худди Тафтазоний сингари, хамма нарса ва жисмлар бир-бирига сабаб-окибат нисбатида булади, деб хисоблади. Оддий нарсалар асосида турт унсур, яъни сув, олов, хаво ва тупрок ётади. Металл, усимликлар ва хайвонот дунёси турт унсурнинг коришиши натижасида пайдо булади.

Мир Саййид Шариф Журжоний мантик илми сохасида хам уз фикрларини баён килган. Узининг карашларида мантик илмини фалсафадан ажратмай, айни бир вактда унинг хукук ва тил билан хам чамбарчас боКлик эканлигини исботлаб беради. Шунинг учун хам, X1V-XV асрдан бошлаб ислом мадрасаларида мантик илмини укитиш хукук ва тилшунослик фанлари билан боКлик холда олиб борилди. Журжоний хулосанинг уч тури: киёс (силлогизм), индукция ва аналогияни хар кайсисига таъриф беради, уларнинг хар бирини тахлил килиб чикади. Умуман олганда, Тафтазоний ва Журжонийнинг фалсафий ва мантикий карашлари илм-фан ривожида катта хисса булиб кушилди ва кейинги даврларда яшаган мутафаккирларнинг дунёкарашига самарали таъсир курсатди.

Жахон илм-фани тараккиётига катта улуш кушган буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби **Мухаммад ТараКай УлуЌбек** (1394-1449) математика ва фалакиёт сохасида баркамол ижод килган. Унинг отаси, Амир Темурнинг уКли Шохрух Мирзо эди. УлуКбек ёшлигидан илм билан кизикди. унга таникли олимлар Jозизода Румий ва Fиёсиддин Жамшид устозлик килдилар. У гарчи давлат арбоби булса хам, маданият ва илм-фан равнакига куп кучини сарфлади, математика, астрономия, геометрия, тарих, кимё ва бошка сохаларда илмий тадкикотлар олиб борди. Олимнинг дунёкарашида Афлотун, Арасту, Птолемей, Мухаммад Хоразмий, ал-ФарКоний, Форобий, ибн Сино, Беруний ва бошкаларнинг асарлари мухим урин эгаллади.

УлуЌбекнинг улкан ишларидан бири унинг Самаркандда, Кухак тепалигида, Оби Рахмат ариКининг буйида, расадхона барпо этганлигидир. Ушбу расадхона курилиши 1424 йилда бошланиб,

1429 йилда тугалланди. Олимнинг энг мухим асари «Зижи жадиди Курагонийдеб аталади. Ундан ташкари, УлуКбек математикага оид «Бир даража синусни аниклаш хакида рисола», астрономияга баКишланган «Рисолайи Улубек» ва тарихга оид «Турт улус тарихи» китобларини ёзди. УлуКбек мантик илми, фи«хшунослик, мусика ва адабиёт назариясини яхши билар эди. Олимнинг «Зижи» икки кисм, мукаддима ва 1118 юлдузнинг урни ва холати аниклаб берилган жадваллардан иборат.

УлуКбек сайёраларни урганишда турли услубларни куллайди, булар кузатиш, эксперимент, жонли мушохада, исботлаш, киёслаш, индукция, дедукция ва бошкалардир. Шуни айтиш лозимки, УлуКбек кузатиш ва улчаш асбоблари такомиллашмаган булса хам, куёш ва ой харакатларини, уларнинг тутилиши ва вактларини тугри хисоблаб чикди. у уз атрофига кобилиятли олимларни туплади, узга мамлакатлардан иктидорли олимларни таклиф этди.

Ана шундай олимлардан бири **Гиёсиддин Жамшид ал-Коший** (1430 йилда вафот этган) булиб, у йирик риёзиётчи ва фалакиётчидир. Унинг асарлари «Мифтох ул-хисоб» («Хисоб калиди»), «Рисола ал-мухитийа» («Доира хакида рисола») ва бошкалардир. XVI асрдан бошлаб Европа мамлакатларида унинг кашфиётидан фойдалана бошладилар.

Тарихда Али Jушчи номи билан машхур булган **Алоуддин Али ибн Мухаммад Jушчи** (1403-1474) УлуКбекнинг шогирдидир. У илмий ишларини фалакиёт ва риёзиёт сохасида олиб борди. Унинг асарлари: «Арифметика илми хакида рисола», «Мантик рисоласи», «Астрономияга оид рисола» ва бошкалардир.

Али Jушчи «Астрономияга оид рисола»сида Ой ва Jуёш тутилиши конуниятларини илмий асослаб берди. Олим табиат сирлари ва унинг конуниятларини урганди, жисмлар харакати ва уларнинг оддийдан мураккабга утиши тугрисида уз фикрини илгари сурди.

Умуман шуни таъкидлаш лозимки, УлуКбек ва у асос солган астрономия мактаби коинотдаги ходисаларни урганишда мухим рол уйнади, уша вактгача фанга маълум булмаган ходисаларни идрок килиб, инсон акл-заковатининг билиш имкониятларини кенгайтирди, кейинги даврларда яшаган олимларга самарали таъсир курсатди. УлуКбекнинг астрономия сохасидаги Коялари-ни Европада XV1 асрдан бошлаб Коперник, Галилей ва бошкалар ривожлантирдилар.

Улуғбек ислом динига чуқур эътиқод қуйган, илоҳиёт ривожига муносиб ҳисса қушган, мактаб ва мадрасалар қуришга эътибор берган жаҳонга машҳур олим эди. Лекин собиқ шуролар даврида унинг табиий-илмий қарашлари ислом динига қарши қаратилди, ҳатто уни атеист даражасига кутаришга уринишлар ҳам бўлди. "Улуғбек Мирзо — деб таъкидлаган эди Алишер Навоий, — донишманд подшоҳ эди. Камолоти баҳоят куп эрди". XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўирот маданий ва илмий марказга айланди. Айниқса, Темурийлардан Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида бу ерда илм-фан, адабиёт соҳасида юксалиш юз берди. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби жаҳонга машҳур мутафаккирлар етишиб чиқди. Урта аср мумтоз адабиётининг вакили, улуғ шоир ва мутафаккир **Абдураҳмон Жомий** (1414-1492) дир. Жомийни Навоий устоз деб ҳисоблар эди. унинг қаламига мансуб асарлар "Нафаҳот ул-унс", "Ўужжат ул-асрор", "Мусиқа ҳақида рисола", "Нақши фусус", "Воҳид атамаси ҳақида рисола", "Ўаж қилиш йуллари ҳақида рисола", "Баҳористон" ва бошқалардир.

Жомийнинг энг йирик асари "Ўафт авранг" бўлиб, унга "Туҳфат ул-аҳрор", "Сухбат ул-аброр", "Юсуф ва Зулайхо", "Сухбат ул-асрор", "Лайли ва Мажнун", "Саламон ва Абсол", "Хирадномайи искандарий" достонлари киради.

Барча мусулмон мутафаккирлари каби Жомий ҳам худо абадий, мутлақ ва дунёдаги ҳамма нарсаларнинг сабабчисидир, худо мавжуд бўлганда, борлиқ йуқ эди, дунё ўзининг бошланқичини Оллоҳдан олган, демак, худо ҳамма нарсанинг яратувчисидир, деб ҳисоблайди. Жомийнинг фалсафий қарашлари унинг инсонпарварлик қоялари билан чамбарчас боқланиб кетади. Мутафаккирнинг кўпгина асарларида инсон, адолат, муҳаббат, эзгулик қоялари тасвирланади.

Жомий нақшбандийлик таълимотига эътиқод қилиб, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантиради. Суфий, унингча, ҳалол ва пок бўлиши, бирор касб-ҳунарни эгаллаши, қаноатли ва олижаноб бўлиши, тамагирликдан узоқ юриши, нафсини жиловлаши лозим. Жомий худони "гузал маъшуқа" сифатида тасвирлаб инсоннинг мақсади унинг васлига етишдир, дейди.

Жомий ўзининг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларида мукаммал жамият, адолатли шох тугрисидаги орзу-умидларини илгари сурди, тенглик, эркинлик, инсоф ва диёнатга асосланган давлат тузуми тугрисида суз юритди. "Ўафт аврангига кирган

«Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун», «Хирадномайи искандарий» достонларида ишк ва мухаббат, дустлик ва бародарлик, мехр-шафкат, узаро ёрдам, билимдонлик ва бошка инсоний кадриятларни тасвирлади.

Жахон маданияти равнакига улкан хисса кушган сиймолардан бири, улуғ узбек шоири ва мутафаккири **Низомиддин Мир Алишер Навоий**дир (1441-1501). У Темурийлар хонадонига тааллукли булиб, отаси Fиёсиддин кичкина Шахрисабздан Jобулга бориб колган барлос бекларидан эди. Навоий ўиротда Хусайн Бойкаро саройида турли лавозимларда ишлади, 1472 йилдан бошлаб вазир этиб тайинланди. Шоир мамлакат ободончилиги, равнаки ва осойишталиги йулида куп ишлар килди. Мактаб, мадраса, масжид ва хонаколар, куприк, работлар, шифохоналар курдирди, мухтож ва камбағалларга ёрдам берди, олиму шоирларга хомийлик килди.

Навоий ижоди бой булиб, асарлари турли мавзуларга бағишланган. «Хамса»яъни «Ғайратул аброр», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонлари хамда «Лисон ут — тайр», «Мажолисун нафоис», «Махбубул кулуб», «Ғаройиботи Пахлавон Мухаммад», «Мезон ул-авзон», «Мухокамат ул-лугатайн» ва бошкалар. Булардан ташкари, Навоий «Хазойинул маоний» («Маънолар хазинаси») номли шеърий туплам яратган булиб, у 45 минг мисрага якин Казал, рубоий, китъа ва фардлардан ташкил топган.

Навоийнинг ижоди фалсафий фикрларга бой булиб, унда жамият ва инсон муносабати, инсоннинг бахт-саодати, комил инсон ва фозил жамоа, таълим-тарбия хакидаги фикр-ғойлари уз ифодасини топган.

Шоир ижтимоий-фалсафий карашларининг мухим хусусияти шундан иборатки, унда фалсафий фикрлар мажозий тарзда, бадиий ухшатиш ва рамзий иборалар ёрдамида, зохирий ва ботиний маъноларда баён килинади.

Навоийнинг ижодий меросида инсонпарварлик ва комил инсон Кояси мухим уринни эгаллайди — шоирнинг «Хамса»сига кирган «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» каби достонларининг асосий кахрамонлари Искандар, Фарход, Ширин, Лайли, Мажнун ва бошкалар комил инсон сифатида талкин килинади. Улар мехнатсевар, уз касбини устаси, доимо узгаларга ёрдам берувчи, шижоаткор ва жасур, аклли ва билимдон, саховатли, тугри суз, софдил, камтар, узида хулк-

одоб, адолат, сабр-тоқат, нафсни тийиш, олижаноблик каби фазилатларни мужассамлаштирган шахслардир.

Навоий халқ орасида инсонпарварлик Қояларини тарқатди, турли миллат ва элатлар уртасидаги дустликни улуғлади. Форобий, ибн Сино, Беруний ва бошқалар сингари, мукаммал жамият ҳақида фикр юритди. Халқни фаровонликка, бахт-саодатга элтувчи, ҳамма тенг, зулм-истибдоддан ҳоли булган давлат тузумини орзу қилди. У илм-фан эгаллашни афзал билди, молмулкка, бойликка ҳирс қуйишни, тамагирликни қоралади. Навоийнинг яхшилик, эзгулик, муҳаббат, дустлик, адолат, тинчлик, осойишталик ва бошқа гузал фазилатлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар тугрисидаги қимматли фикрлари, насиҳатомуз сузлари республикамиз мустақилликка эришгандан сунг ҳам баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Уша даврнинг кузга куринган мутафаккирларидан бири **Камолиддин ўусайн Воиз Кошифий** (тахм.1440/1450 — 1505 йилларда яшаган) булиб, Урта Осиё ва Хуросонда ахлоқ фалсафаси ривожига ҳисса кушган.

Кошифий Сабзавор шаҳрида таваллуд топади, кейинчалик Абдураҳмон Жомийнинг таклифи билан ўиротга кучиб келади. У қолган умрини ўиротда утказади ва шу ерда вафот этади. Кошифий катта олим ва мударрис булиб етишади, бутун умрини илм-фан ва насру-назм равнақига баҚишлайди. У Навоий ва Жомий билан дустона алоқада булади. ☐Мавлоно ўусайн Воиз Кошифий тахаллус қилур, сабзаворликдур. Йигирма йилҚа яқин борким, шаҳардадур ва мавлоно зуфундун ва рангин ва пуркор воқеъ булубтур. Оз фан булҚайким, дахли булмаҚай. Хусусан, ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида машҳур ишлари бор...И— деган эди Навоий унинг ҳақида.

Воиз Кошифий илмнинг куп сохаларида ижод қилган. У воизлик санъатини пухта эгаллаган, иншо, илоҳиёт, фалақиёт, адабиёт, фалсафа, ахлоқ ва педагогика сохаларида ишлари бор. Олимнинг муҳим рисолалари ☐Ахлоқи мухсинийИ☐Футувватномайи султонийИ ☐Анвари СухайлиИ ☐Махзанул-иншоИ ☐Рисолайи хотамияИ ва бошқалардир. Ушбу асарларда мутафаккир давлатни оқилона бошқариш, инсонга гузал ҳулқ-одоб қоидаларини сингдириш, илм-фан ва касб-ҳунарни эгаллаш, тижоратчи ва савдогарлар ҳулқ-одоби, умуман таълим-тарбия ҳақида қимматли фикрларни илгари суради. Олим уз асарларида ҳукмронлардан ҳалққа Камхурлик қилишни, уларни ҳаксизлик ва узбо-

шимчаликдан мухофаза килишни куркмасдан талаб килади. Унинг ижтимоий фалсафий ва ахлокий Коялари хозир хам уз тарбиявий кимматини йукотмай келмокда.

XV асрнинг охиридан бошлаб Темурийлар давлати секин-аста инкирозга юз тута бошлади. Бунга темурий шахзодаларининг узаро уруш-жанжаллари, таркокликнинг кучайиши, узаро низолар, тахт учун курашлар натижасида мамлакатнинг булиниб кетиши, иктисоднинг тушкунликка учраши сабаб булди. Натижада Мавороуннахр Шайбонийхон томонидан босиб олинди.

Темур авлодидан булган **Захириддин Мухаммад Бобур** (1483-1530) уша даврнинг энг маърифатли подшоларидан бири эди. Андижонда Умаршайх Мирзо хонадонида туКилган Бобур кейинчалик ўиндистонда улкан салтанатга асос солди. Бобур даврида хинд диёри гуллаб яшнади, ундаги маданият юксак даражага кутарилди. ўиндистоннинг XX асрдаги энг атокли кишилари Махатма Ганди ва Жавохарлал Неру хам Бобур ва бобурийлар — Шох Жахон, Аврангзеб ва Акбар каби темурийзодаларга жуда катта бахо берганлар.

Ички келишмовчиликлар натижасида уз юртини ташлаб кетишга мажбур булган Бобур аввал Jобулда, сунгра эса 1526 йилги Панипат жангида иброхим Луди устидан Калаба козониб, ўиндистонда уз хукмронлигини урнатди. Бобурийлар сулоласиИ ўиндистонда 300 йилдан ортик хукмронлик килиб, темурийлар давлати ва маданиятининг давомчиси сифатида машхур булди.

Бобурнинг хизмати шундаки, у ўиндистонни марказлашган давлатга айлантирди, мамлакатда тинчлик урнатди, ободонлаштириш ва курилиш ишларини ривожлантирди, карвонсаройлар, меъморий ёдгорликлар, боКчалар, кутубхоналар барпо килди, маданият, санъат, адабиёт ва илм-фанни юксалтирди. Бобур илм-фан, санъатга катта кизикиш билан караган, юксак акл эгаси, комусий билимга эга булган давлат арбоби, олим ва шоирдир.

Бобурийларнинг купчилиги маърифатчилик билан машКул булдилар, олиму фузалолар билан маслахатлашиб турдилар. Уларнинг яна бир хизмати ислом ва будда динига эътикод килувчи мусулмон ва хиндуларни келиштиришга, ахил яшашга чакиришда б«лди.

Бобурнинг машхур тарихий асари Бобурномаидир. Булардан ташкари, у хукукшуносликка оид МубаййинИ, аруз илмига оид МуфассалИ, мусика буйича МусикийИ, харбий ишларга оид ўарб ишиИ рисолаларини ёзган. БобурномаИ уша даврдаги

Марказий Осиё, ўиндистон, АфКонистон, Эроннинг сиёсий, иктисодий, ижтимоий хаётини, савдо муносабатлари, жуКрофияси, хайвонот ва наботот оламини, иклими, кабила ва элатларнинг урф-одатлари, маросимлари, турмуш тарзини ва маросимларини акс эттирган асардир.

Бобур узининг лирик шеърларида ишк, мухаббат, Ватан соКинчи, мехр, вафо, инсонийлик, дустлик, яхшилик ва мехрокибатни куйлади.

Жавохарлал Неру Бобурнинг ўиндистондаги фаолиятига катта бахо берган эди. Неру Бобурнинг дилбар шахс эканлиги, мард ва тадбиркорлигини, санъатни севганини ва умуман, ўиндистон учун куп иш килганлигини таъкидлаган эди. Бобур ва бобурийларнинг сиёсий, маданий фаолиятлари ўиндистон ва Узбекистон уртасидаги дустлик ришталарини мустахкамлашда хозир хам мухим рол уйнамокда.

Шундай килиб, XIV-XV асарларда Мовароуннахр ва Хуросонда маданий юксалиш юз берди. Буни олимлар Ренессанс даври хам деб атамокдалар. Баъзи олимлар эса, бу атаманинг Шарк мамлакатларига тугри келмаслиги тугрисида уз фикрларини айтмокдалар. Нима булганда хам Европада XV-XVI асарлардаги кутаринкилик, Ренессанснинг мухим хусусиятлари Марказий Осиёда руй берган маданий юксалиш бир-бирига куп томонлари билан ухшаб кетади. Булар орасида муштаракликлар куп.

XIV-XV асрлар моддий ва маънавий юксалишининг мухим хусусияти яна шундан иборатки, бу даврда ишлаб чикариш усди, ички ва ташки савдо, хунармандчилик, дехкончилик ривожланди, хорижий мамлакатлар билан дипломатик ва маданий алокалар урнатилди, инсон акл-заковати ва унинг энг яхши фазилатларига эътибор кучайди, илм-фан ва санъат ривож топди, комусий олимлар етишиб чикди, маданий меросни урганишга кизикиш ортди. Темур ва темурийлар давридаги маданий юксалиш хозир хам уз ахамиятини йукотгани йук. Улар мустакил давлатимизни мустахкамлашда, маданий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда, миллий Коя ва мафкурани шакллантиришда маънавий озука вазифасини утамокда.

Таянч тушунчалар

Амир Темур, сарбадорлар, мустакил давлат, Темур тузуклари, Мирзо Улукбек, Зичи Курагонийи, Алишер Навоий, комил инсон, Бобур Мирзо, Бобурнома.

Такрорлаш учун саволлари

1. Амир Темурнинг хаёти ва фаолияти тугрисида нималарни биласиз?
2. Темур тузукларини укиганмисиз, у тугрида нималарни биласиз?
3. Мирзо Улукбек ва унинг Зичи Курагонийи асари тугрисида нималарни биласиз?
4. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий дустлиги тугрисида сузлаб беринг.
5. Алишер Навоийнинг комил инсон тугрисидаги Коялари мазмунини биласизми?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Маънавий юксалиш йулида. Т.: Узбекистон, 1998.
2. Каримов И. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман. - Фидокори, 2000 й. 8 июнь.
3. Каримов И. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Узбекистон, 1999.
4. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Узбекистон, 2000. — 352 б.
5. Маънавият юлдузлари. Т., Узбекистон, 1999.
6. И.Муминов. Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни ва роли. Т. 1968.
7. Темур тузуклари. Т. 1991.
8. Бобурнома. Т. 1989.
9. Мустакиллик изохли илмий-оммабоп лугат. Т. Шарқ, 1998.

5-мавзу. Урта асрлар ва янги давр Европа фалсафаси

Режа:

1. Рим империясининг кулаши ва «рта асрларда Европа маданияти.
2. Европада уйКониш даври ва ундаги фалсафий тафаккур такомили.
3. XVII-XIX аср Европа фалсафасидаги окимлар ва фалсафий мактаблар.
4. Урта асрлар ва янги давр Европа фалсафасини урганишнинг ахамияти.

Европада J адимги Юнон ва Римдан «рта асрлар фалсафасигача, яъни милоддан илгариги 1 асрдан милоднинг X1V асригача, бир ярим минг йил давомида бир канча окимлар пайдо булди ва амал килди. Бу давр фалсафасида икки хил жараённи куриш мумкин: 1. Хиристианликнинг шаклланиб давлат дини ва мафкурасига айланиши; 2. Урта асрларга келиб инквизициянинг устивор йуналишга айланиши. Гностика, апологетика, патристика, реализм, номинализм ва бошка окимлар уша давр фалсафасининг киёфасини белгилайди.

Гностиклар. Бу давр фалсафасида уз урнига эга булган гностицизм эрамизнинг 150 йилларида узининг юксак равнакига эришади. Улар шундай фалсафий таълимот яратдиларки, уларнинг фикрича Худо рух сифатида ёвузликда мутлако соф, инсон эса уз табиатинниг рухий жихати билан худога мослашган. Бу масалада гностицизм файласуфлари христианликни юнон фалсафаси билан бирлаштиришга харакат килдилар. Агар бу уринишда гностицизм Калаба килса, христианлик кадимги дунёнинг навбатдаги фалсафий дини булиб колар эди ва шундай булди хам. 354 йилда Помпей собори христианликни Рим империясининг асосий дини деб эълон килди.

Дуализм — гностицизмнинг асосий йуналиши, бу оким тарафдорлари моддий ва рухий дунё уртасида мустахкам чегара мавжуд деб таъкидлайдилар. Улар таълимотида материя хамма вакт ёвузлик тимсолидир. Бундан улар худо хеч махал моддий дунёни яратиши мумкин эмас, деб хисоблайдилар. Гностиклар томонидан эълон килинган дарвешлик (аскетизм) урта асрларда монахчиликнинг вужудга келишига сабаб булди.

Апологетлар христианлик тарихида 1 ва III асрларда вужудга келди. Апологетика сузининг луКавий маъноси □химоя ки-

лиш» — демакдир. Апологетлар хукуматнинг христианликка булган душманлигини бартараф килишга, Рим давлатининг христианликни таъкиб килиши хеч кандай оклашга лойик эмаслигини исботлашга харакат килганлар, уз асарларида мушриклик (куп худолик) адабиётларидан олинган бахслашиш (диалог) шаклидан, ёки апологетиканинг мумтоз шаклидан фойдаланганлар.

Апологетлар асарларида икки анъана яккол сезилиб туради. Яъни инкор килиш ва тасдиклаш. Улар энг аввал мушриклар томонидан христианликка куйилган айблар — Кайриодатий харакатлар, дабдабабозлик кабиларни инкор килганлар. Христианликнинг софлигини эса тасдиклаганлар. Бу сохада Юстиннинг «Биринчи апологея», «Иккинчи апологея» асарларини, Тулеан ва Анаксагор каби файласуфлар фаолиятини таъкидлаш лозим.

«Патристика» — сузи «ота» («падре») сузидан келиб чиккан. Бу ном билан одатда Fарбда епископларни уларга хурмат сифатида атаганлар. Шаркда машхур булган черков оталаридан бири Иоан Златоуст (347-407) эди. Унинг 640та даъватларидан купчилиги авлиё Павел номаларининг шархи эди. Унинг асарларида инжилни амалий куллаш соф ахлокий масалалар билан коришиб кетган.

Fарбда энг йирик черков оталаридан бири «Пок» деган унвонга сазовор булган Аврелий Августин (354-430) булиб хисобланади. У файласуф ва ислохиётчи булган. Августин уз хаётини епископликка, тадкикотчиликка, адабиётга бакишлайди. У 100 га якин китоб, 500 та даъват ва 200 га якин номалар ёзади. Унинг уша даврдаги энг машхур асарларидан бири «Сикиниш» 401 йилда ёзилган. Бу асарда у узининг христианликкача булган хаётини ёзади. Мукаддас китоб «Библия» оятлари рамзий — тимсолий баён килинади. У мушриклик фалсафасини коралайди. Унингча, бу фалсафа инсонни христиан диничалик хеч махал хакикатга олиб келмайди. Августин бахс шаклида бошка (диалог) фалсафий асарлар ёзган.

«Схоластика» — сузи юнонча «школа» дан («shola») олинган булиб, «укиш жойи» «мактаб» маъноларини англатади. Буюк Карл саройида укитувчилик килганларни, ёки умуман сарой мактабидаги укитувчиларни схоластлар деб атаганлар. Шунингдек, динни урганишда фалсафани татбик килган урта аср олимларини хам схоластлар деб атаганлар. Схоластикани маълум даражада илохиётни аклга мослаштириш, динни тафаккур ёрдамида кувватлашга булган интилиш деб хам бахолаш мумкин. Уша даврда илохиётни мукаддас китоблар акидалари асосида эмас, балки фалсафий нуктаи назардан тадкик килиш токозо килинар-

ди. Схоластларнинг мақсади эътиқод ақлга мувофиқми деган саволга жавоб бериш бўлган.

Реализм. Унинг йирик вакилларидан бири Ангельм Кеттерберийский (1038-1109) дир. У Шимолий Италияда туКилган, 1093 йилда Кеттерберийск шаҳрининг архиепископи этиб тайинланади. Ангельм ўзининг икки асари билан машҳур.

Биринчиси «МонополияИ — худонинг борлигини сабаб оқибат муносабатлари тизимида исбот қилиш. Бу исбот — космологик исботнинг шакли сифатида шундай талқин қилинади: инсон ҳаётда кўп неъматлардан фойдаланади. Бу неъматлар эса энг олий илоҳий неъматларнинг аксидир. Улар орқали ҳамма нарсалар мавжуддир. Узлуксиз таназзулни тасаввур қилиб бўлмагани сабабли, ҳамма нарсанинг бир сабабчиси бўлиши керакки, биз уни худо деб атаймиз.

Ангельмнинг иккинчи асари «ПрологионИхудо борлигининг дедуктив исботидир. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одам учун олий ва комил моҳият ҳақида Коя мавжуддир. Бу Коя эса объектив мавжудликка эга бўлган реалликка мос келади. Чунки агар борлиқ мавжуд бўлмаганда эди, нарса комил бўлмас эди. Агар худодан юқорироқ олий нарсани тасаввур қилиш мумкин эмас экан, демак, худо реалликда мавжуддир.

Арасту таълимотининг кўп томонларини қабул қилган ўрта аср схоластлари муътадил реалистлар деб аталганлар. Уларнинг йирик вакиллари Пьер Абеляр ва Фома Аквинскийлар бўлган.

Британияда туКилган **П. Абеляр** (1079-1142) жуда ёшлигиданоқ ўз билими билан машҳур эди. Абеляр — муътадил реалистдир. Унинг таъкидлашича, реаллик ёки универсалий дастлаб худо ақлида мавжуддир, ундан кейин нарсаларнинг ўзида мавжуддир ва ниҳоят, одамларнинг онгида мавжуддир. Абеляр «Мен эътиқод қилиш учун биламанИдеган Кояни илгари сурган. Яъни билмайдиган, билимсиз кишидан кўра, дин ва унинг асосий тамойилларини яхши ўрганган киши абзал. Бундай киши ақидапараст эмас, балки ўзи билган нарсанинг қадрини биладиган инсондир.

Абеляр ҳақиқатни топишда тафаккурнинг хизматини таъкидлаб, унга ҳамма вақт мурожаат қилади. Унинг таъкидлашича, шубҳа ҳамма вақт тадқиқотга йўллайди, тадқиқот эса ҳақиқатни топади. Унинг фикрича, инсоннинг улими худони рози қилиш учун эмас, балки одамларни худога бўлган муҳаббат билан таажжубга солиш ва одамларга ахлоқий таъсир кўрсатиш мақсадида содир бўлади. Бу билан одамлар ўз хаётини худога бўйсундирадилар. Бу қараш ахлоқий таъсир қилиш назарияси деб аталади.

Фома Аквинский (1224-1292) муътадил реализмнинг яна бир йирик вакили булиб хисобланади. Фома уша давр учун Арасту натур фалсафасини илохиёт билан бирлаштиришга харакат килган. Бунда у муътадил реализм позициясида турган ва схоластиканинг энг йирик намояндаси булган. Унинг фикрича, натурал фалсафада тафаккур ва Арасту мантикий таълимоти ёрдамида худо мавжудлиги хакидаги хакикатга эришиши мумкин.

Фоманинг «Илохий суммалар»и асари 3000 маколадан иборат булиб, 600 масалани ёритишга бағишланган. У илохиётнинг системали баён килиниши вазифасини бажаради. «Илохий суммалар»нинг биринчи кисми худонинг мавжудлиги ва борлиги масаласида бахс юритади. Иккинчи кисми «худога караб харакат»и хакида хикоя килади.

Аквинский таълимотича, дунё иерархик нарвондан иборатдир. Унинг энг куйи кисмида ер ва 4 элементдан иборат булган хамма нарсалар мавжуддир. Одам рухи худо ва моддий дунё уртасидаги жойни эгаллайди. Дунёвий жамият тепасида эса, папа бошчилигидаги илохий давлат туради. Ердан узоклашган сари у илохийлашиб боради. Сайёрамиз дунёсиннинг тепасида фаришталар дунёси мавжуддир. Бутун коинот тузилиши уч шахсни бирлаштирган ягона худо томонидан бошкарилиб туради. Аквинский таълимотидан кейинчалик «томизм»и шаклланди ва у «неотомизм»и тарзида Карбда хозир хам сакланиб колган.

Уша даврнинг машхур файласуфларидан бири **Вильям Оккам**дир (1309-1349). Унинг фикрича, илохиёт акидалари рационал (акл) йул билан исботланиши мумкин эмас. Улар факат Муккаддас китоб нуфузи туфайлигина кабул килиниши мумкин. Бу караш эътикод ва тафаккурни бир-биридан ажратарди, уларни омухта килишни кораларди. Оккам, шунингдек, универсалийларнинг объектив мавжудлигини инкор килади. Унингча, универсалийлар тафаккур тушунчалари учун факат исмдирлар. Бу тушунчаларни одам уз онгида яратган. Унингча, алохида одам инсонга нисбатан реалрок ва мухимрокдир.

Роджер Бэкон (1214-1292) хам Оккам мансуб булган оким вакилларидандир. У уз хаётини илмий тажрибаларга бағишлаган. Улар ёрдамида у тажрибавий фанга асос солди. Бундай методни XYII асрда Френсис Бэкон ишлаб чикди. Ўз акикатни топишда табиатни тажрибавий урганиш методини куллаш номиналистлар карашларига тулик мос келарди. Номиналистлар ва реалистлар уртасидаги карама-каршилик урта аср схоластикасининг мухим муаммоларидан бири эди. Бутун урта асрларда схоластиканинг бу

икки оқими уртасида кураш кетган. Схоластиканинг авжга чиққан даври — 1150 ва 1300 йилларда — Фома Аквинийскийнинг муътадил реализми номинализм устидан Қалаба қозонди. Лекин 1300 йилдан кейин черков илоҳиётчилари тафаккурида номинализм юқори мавқени эгаллай бошлади. Бу куп жиҳатдан уйҚониш даври фалсафасига таъсир курсатди. Шунингдек, ҳақиқатга эришишнинг тажрибавий методини (рационализм) вужудга келишида катта хизмат қилди.

Европа фалсафасининг ривожида университетлар муҳим урин тутади. Улар билим ва маърифатнинг учоҚи сифатида 1200 йилларда вужудга келди. 1400 йилларга келиб, Европада 23 та университет мавжуд булган. Университет дастурининг жуда катта қисмини схоластика билан шуҚулланиш ташкил этар эди.

Университетларнинг вужудга келишининг сабаби машҳур олимларнинг фаолиятидир. XII асрда Итерий Рим ҳуқуқининг буюк тадқиқотчиси сифатида машҳур булади ва талабалар уни эшитиш учун Болонья шаҳрига оқиб кела бошлайдилар. Натижада Болонья шаҳри университети муваффақиятли фаолият курсата бошлайди. Абелярнинг уқитувчи сифатидаги шуҳрати куп жиҳатдан Париж университетининг вужудга келишига сабаб булди. Университетлар, шунингдек, талабаларнинг чиқишлари натижасида ҳам вужудга келган. Масалан, XII асрда Англия ва Франция қироллари орасидаги низо оқибатида, Англия талабаларига яхши муносабат билдирилмаганлиги уларнинг Париждан Англиянинг Оксфорд шаҳрига кучиб утишларига сабаб булди. Бунинг натижасида машҳур Оксфорд университети ташкил топди. Кембридж университети эса Оксфорд университети талабаларининг қузҚолон кутариши ва 1209 йилда уларнинг Оксфорддан Кембриджга кучиб утишлари натижасида вужудга келди.

Университетлар Jадимги Юнонистон ва Римда, шу билан бирга бизнинг мамлакатимизда ҳам машҳур булган устоз ва шогирдлар тупланиб илм урганадиган, ургатиладиган ва илмий баҳслар олиб бориладиган мактаблар тарзида шаклланган булсалар-да, аммо фан соҳаларининг куплиги туфайли алоҳида илм учоҚига айланиб қолдилар. Уларнинг тажрибаси кейинроқ бутун дунёга таркалиб кетди.

УйҚониш даври фалсафаси. Бу инсоният тарихида юз берган энг буюк илҚор тараққиёт даврларидан бири эди. УйҚониш даврида ҳаётнинг ҳамма тармоҚида муҳим, илҚор, ҳатто айтиш мумкинки, инқилобий узгаришлар юз бераётган эди.

УйКониш даврида Европада фалсафанинг ривожланишига катта хисса кушганлардан бири немис **Николай Кузанский**дир (1401-1464). Кузанский таълимотича, худо хамма нарсаларда мавжуд, шунингдек, хамма нарсалар худода мавжуд. Энг олий хакикатларни билиш, схоластик фикрлаш билан эмас, балки, тажриба асосида амалга ошади.

У худони борликнинг олий ва ягона асоси деб хисоблайди. Бу масалада Кузанский шундай мухим космологик фикрларни баён киладики, хатто маълум даражада уни Коперник ва Бруноларнинг утмишдоши деб хисоблаш мумкин. Иккинчи масала эса билиш назариясига нисбатан унинг бутунлай янгича ёндошишидир. Ушбу масалалар буйича Кузанский томонидан илгари сурилган Коялар айрим холларда XVIII аср охири ва XIX аср бошидаги немис философлари томонидан баён килинган фикрларнинг дебочаси эди.

Философия ва фан ривожланишига энг катта хисса кушган уйКониш давринининг мутафаккирларидан бири поляк олими **Николай Коперник**дир (1473-1543). Маълумки, фан тарихида Коперник узининг фанда туб узгариш ясаган гелиоцентрик таълимоти билан машхур булган. Унинг таълимотича, инсонлар томонидан кузатиладиган куёш ва юлдузларнинг харакатлари аслида Ернинг уз уки атрофида кундалик айланишидан ва куёш атрофида йиллик айланишидан иборат. Бизнинг планетамизнинг маркази Ер эмас, куёшдир. Коперникнинг буюк кашфиёти дунёга теологик карашга зарба бериб, табиатшуносликда тунтариш ясади. Бу кашфиёт Библиянинг дунё тузилиши хакидаги ва узгармас деб танилган таълимотига зарба берди. Агар ер оламнинг маркази эмас, балки Jуёш атрофида айланувчи планеталарнинг бири булса, унда дунёни, коинотни максадга мувофик худо томонидан одамлар учун яратилганлиги хакидаги талимот асоссиз булиб коларди.

Коперникнинг гелиоцентрик назариясидан чукур илмий хулосалар чикарган мутафаккирлардан бири италиялик **Жордано Бруно**дир (1548-1600). У Неапол якинида туКилган. Узининг илКор фикрлари учун Бруно дахрийликда айбланади ва черковдан хайдалади. Италиядан кочишга мажбур булади. Узок вакт Швецария, Франция, Англия ва Германияда кувКинда юради. 1592 йилда Бруно италияга кайтиб келади, лекин черков инквизицияси томонидан ушланиб турмага солинади. Jийнокларга карамасдан, у узининг таълимотидан воз кечмайди, натижада катл

этишга хукм килинади, 1660 йил 17 февралда Римда Гуллар майдонида ёкиб улдирилади.

Бруно гелиоцентрик назарияни химоя килиш ва тарКиб килиш билан чекланиб колмайди. У табиатшунослик тажрибаларини хисобга олиб, бир неча мухим назарий хулосалар килдики, улар философияни яна хам бойитдилар. Бруно таълимотича, хакикий философия илмий тажрибага суяниши керак, схоластикани тугатиш керак. унинг таълмотича, коинот ягона, моддий, чексиз ва абадий. Жуда куп дунёлар бизнинг куёш системасидан ташкарида мавжуддир. Биз куриб турган нарсалар коинотининг энг кичик бир кисмидир. Юлдузлар — бу бошка планета системаларининг куёши. Ер — чексиз дунёнинг кичик бир зарраси. Демак, Бруно табиий — илмий карашларида Коперникдан илгарилаб кетиб, коинотнинг чексизлиги хаКидаги фикрни айтади, Коперник эса коинотни чекли деб хисоблаган эди. Бруно Коперник таълимотини куёш системасининг тузилиши хакидаги янги карашлар билан бойитди.

УйКониш давриниг натиж аси сифатида намоён булган Fарбий Европа мамлакатларидаги туб иж тимоий-сиёсий узгаришлар Нидерландияда XYI асрнинг 60-70 йилларида, Англияда XYII асрнинг 40-50 — йилларида булиб утди. Бу даврга келиб, Европада алохида миллатларнинг шаклланиши юз берди, миллий давлатлар пайдо булди. Энди монархия тузуми ж амиятнинг илКор табакалари назарида факат тарихан уз умрини утаб колмасдан, балки Кайритабиий, Кайриаклий булиб курина бошлади. Уша даврнинг идеологлари илгари тан олинмаган инсоннинг табиий хукуклари масаласини уртага куйдилар. Улар иж тимоий тартиблар инсон табиатига мос келишини талаб кила бошладилар. Бор-йуКи 50-60 йил илгари инквизиторлар Жордано Брунони ёкиб юборганларида лом-мим демаган Европа, энди узининг хаётида марказий уринни инсон хукуклари эгаллаши кераклигини хис эта бошлади. ўатто худониг номидан булса-да, инсон умрига зомин булишга хеч кимнинг хаккки йуклиги, одамзоднинг яшаш, фикр юритиш эркинлигининг табиийлиги англаб олина бошлади. Албатта, бунгача инквизиция бир неча асрлар бу худудни акидапарстлик чангалида ушлаб турган, не-не аклли кишиларни уз домига тортиб улгурган эди.

Маънавий уйКонаётган миллат ва худудда хеч качон акидапарастлик уз таъсирини тула — тукис саклаб кола олмайди. Европада хам худди шундай булди. Маънан камолга етган, миллий давлатчилигига эга булган ва энди ана шу мустакил давлатларини камолга етиши учун карздор эканлигини англаб олган Европа мил-

латлари узларининг комил инсонларини энди инквизициянинг, акидапарастларнинг хукмига топширишга сира хам хаклари йук эканлигини англадилар.

Европада Рим империясидан кейин бир неча асрлар утиб, айнан ана шу даврда илгариги, бутун минтака хаёти учун христианлик ва унинг хилма-хил окимлари умумий мафкура ролини утаб келган давр тугади. Энди диний окимлараро кураш, христианликнинг софлигини саклашга уринишнинг мутлаклаштирилиши натижасида вужудга келган инквизиция хам уз даврини утаб булди. Бутун Европани бошкариб келган кон-кардош ва бир-бирига душман кироллар даври хам утмишга айлана бошлади. ***Европа уйКонди.*** *Илм-фан сохасида чукур узгаришлар руй берди. Одамларнинг дунёкараши кескин узгара бошлади. Эндиликда миллий давлатларнинг хар бири учун мухим булган мафкуранинг шаклланиши зарурият га айланиб колди. Албатта бунда биз санаб утган омиллар, яъни кироллик анъаналари, христианлик ва унинг окимлари таъсири, умумевропага хос хусусиятлар, Рим империяси даврида бир оила булиб яшаган халклар уртасидаги худудий ва маънавий якинлик уз таъсирини утказди. Аммо, асосийси, бу даврда миллий Коялар тула-тукис амалга ошиши учун иж тимоий шароит етилди, италия, инглиз, француз ва бошка халклар уз давлатчилик анъаналарини тула-тукис тикладилар. Бу давлатларда шаклланган фалсафий мактаблар факат миллий кобиккa уралиб колмадилар, балки умумевропа ва бутун ж ахон тараккиётининг умумбашарий муаммоларини фалсафий ж ихатдан изохлаш, илмий урганиш ва асослашга харакат кила бошладилар. ушбу давр фалсафаси хам олдингига нисбатан катта кадам ташлади. Фанда кулга киритилган ютукларнинг фалсафий изохланиши, кашф этилаётган илмий усул ва услубларнинг фалсафага тадбик этилиши, фалсафий конунларни фаннинг турли сохаларида синаб курилиши уша давр файласуфлари учун одатий холга айланди. Бу тамойиллар эса миллий чегараларни билмайдиган, умуминсоний кадриятлар хусусиятига эгадир. УйКониш даври Европа фани ва фалсафаси хам инсоният тарихида энг буюк кутарилиш даврларидан бири булиб колди.*

Инглиз фалсафаси. Уша давр фалсафасининг асосий вакилларидан бири Ф. Бэкон (1561-1626) юкоридаги масала хаКида шундай деган эди: КМоддий дунё, мамлакатлар, денгизлар, планета жуда кенг булгани холда инсонларнинг маънавий дунёсини эски чегаралар билан ураб куйилиши шармандаликдан бошка нарса эмасИ (КЯнги ОрганонИкитоби). Бэкон инглиз фалсафасининг «рта асрлардаги тараКиётига энг катта хисса Кшган

олимлардан биридир. Унинг таълимотича, фаннинг янги биносини куриш учун, тугри фикрлашга ургаииш керак. Бэкон таълимотича, табиатни билишда бир неча □идоллар Иинсонга халакит беради. Улар инсон аклини ураб ташлайди. Улар асосан туртта. Биринчиси уруК идоллари, булар инсон зотига, бутун одамларга хосдир. Масалан, Бэкон шундай дейди: □инсоннинг акли кийшик кузгуга ухшайди. У нарсаларнинг табиати билан уз табиатини аралаштириб юбориб нарсаларни кийшик, бузук курсатади. Иккинчиси, Кор идоллари. Бу хар бир одамннинг уз специфик хусусиятлари натижасида янглишиши. Улар фикрлаш уфкининг чекланишидан туКилади. Бу нарса хамма нарсани уз нуктаи-назари билан ифодалаш, узинниг тор доираси билан улчаш натижасида вужудга келади. Учинчиси, майдон идоллари, б«либ, у маълум булган тасаввурларга таяниш одати, нотугри ёки ноаник термонологияларга танкидий ёндошмаслик окибатида вужудга келади. Бу масалага Бэкон жуда хам катта ахамият беради. Масалан, у шуни таъкидлайдики, реал борликни ифодаламайдиган ёки уни ноаник, мавхум ифодалайдиган сузлар сохта тушунчаларни туКдирадики, улар тафаккурга тескари таъсир килади. Туртинчиси, театр идоллари: улар авторитетлар фикрига кур-курона эргашиб кадимгиларнинг фалсафий системаларини давом эттираверадилар.

Бэкон томонидан схоластикага карши каратилган идолларнинг танкиди катта метотологик ахамиятга эгадир. Бэкон билиш назариясининг биринчи боскичи эса тажрибадир, иккинчи боскичи аклдир. У тажриба маълумотларини рационал кайта ишлайди ва умумлаштиради. Бэкон таълимотича, олим чумолига ухшаб факат йиКиш ва йиКилганлар билан кифояланмаслиги керак, ургимчакка ухшаб хаётдан ажраб, факат узининг шахсий акли билан узининг макрли фалсафасини тукимаслиги керак. Бэкон таълимотича, олим асаларига ухшаб гуллардан олиб кейин уларни асалга айлантириши лозим.

Бэкон узининг ижтимоий-сиёсий карашлари буйича кучли марказлашган давлат тарафдори булган. Жамият хаётида асосий ролни Бэкон фикрича санъат ва савдо ривожланиши уйнайди.

Унинг таълимотини **Томас Гоббс** (1588-1679) такомиллаштирган ва ривожлаштирган. Гоббс моддийликни асосий субстанция деб хисоблаган, материянинг абадийлиги, харакатнинг эса механистик тарзда амалга ошишининг тарафдори б«лган олимдир. У математик сифатида борли□нинг намоён б«лишини геометрия фани ну□таи назаридан тушунтирган. Билиш назариясида Гоббс к«про□

эмпирик жиҳатларга «з эътиборини қаратган, сезгиларнинг билимлар ҳосил қилиш жараёнидаги аҳамиятини таҳлил қилган. Жамият тараққиёти ва унда давлатнинг «рни ҳамда келиб чиқиши масаласида Гоббс к«про ҳусусий мулкчиликка асосланади. Шу билан бирга унинг фикрича давлатнинг монархия шакли мақсадга мувофиқ б«либ ҳисобланади.

Инглиз фалсафасида **Жон Локк** (1632-1704) қарашлари алоҳида «рин тутади. У тажрибани билишнинг асосий манбаи деб ҳисоблайди. Бунда ички ва ташқи тажриба ажратиб к«рсатилади. 1690 йилда Локк томонидан ёзилган «Инсон ақли ҳақида тажрибаИ номли асарида Р. Декартнинг «туғма ғоялариИ т«ғрисидаги қарашларига қарши чиқади. Локкнинг фикрича билиш табиат ва инсон «ртасидаги муносабатлардан иборат б«либ, ҳақиқатлар эса кишиларнинг бу жараёнда ҳосил қилган тушунчалари, ғоялари ва хулосаларининг оламга мос келишидан иборатдир.

Ижтимоий-сиёсий қарашларига к«ра Локк давлатнинг «зига хос қуйидаги тамойилларини таърифлайди: 1. ўқонимиятни қонун чиқарувчи тизими; 2. ўқонимиятнинг ижро этувчи органлари; 3. Иттифоқ федератив ҳокимияти. Ана шу тамойиллар уйғун б«лганида давлатнинг фаолияти самарали амалга ошади.

Француз фалсафаси. Урта асрлардаги Европа фалсафаси тараққиётида Францияда шаклланган миллий фалсафа мактаби нихоятда катта «рин тутади. Бу борада Р. Декарт, Ламетри, Гельвеций, Дидро, Голбах ва Руссоларнинг қарашлари нихоятда муҳим.

Р. Декарт (1596-1650) фалсафасида дуализм асосий «рин тутади. Унинг фикрича материя ва руҳ борлиғнинг асосида ётади ва худога б«йсунади. Олам, Декарт фикрича чексиз ва абадий, у инсон тафаккурига боғлиқ б«лмаган ҳолда ривожланади ва такомиллашади. Р. Декартнинг «Мен фикр қилаяпман, демак мен мавжудманИ деган фикри файласуфлар орасида машҳур б«либ ҳисобланади. Билишда фикр ва сезгиларнинг аҳамиятини нихоятда ортиқча деб билган Р. Декарт рационализм таълимотининг асосчиси б«либ ҳисобланади. Унингча инсоннинг фикрлаши ва мулоҳаза қилиши шубҳа остига олиб б«лмайдиган жараёндир, ундан бошқа ҳамма нарсани текшириш шубҳа остига олиш мумкин. Декарт «ша замоннинг энг буюк математикларидан бири б«либ, «з даврида аниқ фанлар соҳасида катта аҳамият касб этган дедукция усулини фалсафага киритган олим б«либ ҳисобланади.

Ламетри ва Гельвеций, Дидро ва Голбах «з даврида француз ҳаётида нихоятда катта аҳамиятга эга б«лган миллий давлатчи-

лик, инсон эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари муаммоларига алоҳида эътибор қаратганлар. Француз миллатини маънавий жиҳатдан юксакликка кўтариш ва маърифатли халқ қилиб айлантириш учун ўз асарларида ана шу қадриятларга эришишнинг йўллари ва усулларини кўсатиб берганлар.

Улар томонидан яратилган кўп томлик «Энциклопедия»ни замоннинг маънавий муаммоларини маърифатли йўл билан ҳал қилиш усуллари ва имкониятлари кўрсатиб берилган «Европа қомуси» даражасига кўтарилган эди. Бу китобни яратишда бошқа кўпгина маърифатпарвар француз олим ва мутахассислари ҳам қатнашган бўлиб, «зининг аҳамияти, муаммоларининг умуминсоний нуқтаи назаридан ечилиши, халқчиллиги ва тилининг француз миллати ҳаёт тарзига яқинлиги билан энциклопедия XVIII аср Европасининг тенги йўқ китоби эди. Айнан ана шу китоб муаллифлари «зларининг бошқа асарлари ва фаолиятлари билан 1789-1884 йиллардаги Француз инқилоби қабул қилган «Инсон ва гражданлар ҳуқуқлар декларацияси»да илгари сурилган умуминсоний қадриятларни жамиият тараққиётининг энг устивор маънавий мезонларига айлантирдилар.

Немис фалсафаси. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Германия бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қолоқ эди. Аммо француз инқилобининг кучли таъсири остида шундай фалсафий таълимот вужудга келдики, унинг шаклланишида табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг ривожи асосий ўринни эгаллади. Физика ва химия фанлари ютуқларга эришди, табиатни ўрганишга катта эътибор берила бошланди. Математика фанида янги ихтиролар қилинди. Бу ихтиро ва ютуқлар ҳамда инсоният жамиятининг ривожи ҳақидаги назариялар борлиқни ўрганишнинг услуби ва назарияси бўлиб хизмат қиладиган ривожланиш ҳақидаги Қояларни ишлаб чиқишни тарихий бир зарурият қилиб қўйди. Мана шундай тарихий шароитлар тақазоси билан XVIII асрнинг II ярми ва XIX аср бошларида немис фалсафаси вужудга келди.

Немис фалсафасининг асосчиларидан бири **Иммануил Кант** (1724-1804) фақат машҳур файласуфгина бўлиб қолмасдан, йирик табиатшунос олим ҳамдир. Кант томонидан яратилган газ ҳолатидаги улкан туманликдан қуёш системасининг келиб чиқиши ҳақидаги назария ҳозирги даврда ҳам астрономия соҳасидаги энг муҳим таълимотлардан биридир. Кантнинг табиий-илмий қарашлари табиат ҳодисаларини метафизик руҳда тушунтирувчи таълимотларга

зарба берди. Кант уз даври табиатшунослиги эришган ютуқларни фақат Коинот тузилиши масаласига эмас, шу билан бирга Коинот генезиси ва ривожланиши масалаларига ҳам татбиқ қилди. Кантнинг инсон ирқларининг табиий келиб чиқиши ҳақидаги назарияси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кант таълимоти буйича, фалсафанинг энг муҳим муаммолари булмиш — борлиқ, ахлоқ, деган масалаларини тахлил қилиш учун энг аввало, инсон билимининг имкониятлари ва чегараларини аниқламоқ керак. Бизнинг билимларимиз нарсанинг ходисасини, яъни бизга қандай ҳолатда намоён була олишини (феномен) била олади. Улар бизнинг тажрибамиз мазмунини ташкил қилади. Нарса узидаИнинг бизнинг сезги аъзоларимизга таъсири натижасида сезгилар хаоси вужудга келади. Бу хаос бизнинг ақлимиз қуввати билан тартибга солинади ва бир бутунга айлантирилади. Биз табиат қонунлари деб билган нарсалар аслида ақл томонидан ходисалар дунёсига киритилган алоқадир. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг ақлимиз табиатга қонунлар киритади. Лекин ходисалар дунёсига инсон онгига боқлиқ булмаган нарсаларнинг моҳияти, яъни нарса узидаИмос келади. Уларни мутлақ билиш мумкин эмас. Нарса узидаИбиз учун фақат ақл билан билиш мумкин булган, лекин тажрибадан келиб чиқмайдиган моҳиятдир. Кант инсон ақлининг чексиз қудратига ишончсиз қарайди. Инсон билимининг нисбатан чекланганлигига у маълум ахлоқий маъно беради. Унингча, агар инсон мутлақ билимга эга булса, унда ахлоқий бурчни бажариши учун кураш ҳам, интилиш ҳам булмасди.

Кант таълимоти буйича, макон ва замон Коялари инсонга унинг тасаввурларидан олдин маълумдир. Макон ва замон реал эмас, балки фақат тушунчада, Коялардадир.

Билиш назариясида Кант диалектикага катта урин беради. Jарама-қаршиликни билишнинг зарурий омили сифатида қарайди.

Кант фалсафада катта урин қолдирди. Унинг вафотидан кейин немис фалсафасининг ривожи **ўегел** (1770-1831) ижодида узининг юксак чуққисига эришади. ўегел диалектиканинг қонунлари ва категориялари ҳақидаги таълимотни ривожлантирди. Фалсафа тарихида биринчи марта бир тизимга солган ҳолда диалектик логиканинг асосий қоидаларини ишлаб чиқди. Уша даврларда ҳукмрон булган метафизик фикрлаш услубини танқид қилди. Кантнинг нарса узидаИ ҳақидаги таълимотига қарама-қарши қилиб, шундай таълимотни илгари сурди: Моҳият намоён булади, ходиса моҳиятдан ажралмасдирИ ўегелнинг таъкид-

лашича, категориялар борликнинг объектив шаклларидир. Борликнинг асосида эса, дунёвий акл, мутлак Коя Иёки дунё рухи Иётади. Уз-узини англаш жараёнида дунёвий акл уч боскични босиб утади:

1. Уз-узини англовчи мутлак Коянинг уз хусусий кобиКида булиш боскичи; тафаккур жараёнида, яъни бу холатда Коя диалектика категориялари ва конунлари тизимида уз мазмунини, мохиятини намоён килади. Бу боскич ўегел фалсафасининг мантик боскичидир;

2. Фояннинг узидан бегоналашуви Ияъни табиат ходисалари шаклида намоён булиш боскичи, яъни бу боскичда табиатнинг узи ривожланмайди, факат категориялар сифатида ривожланади. Бу боскич ўегелда табиат фалсафа боскичидир;

3. Фоянинг тафаккурда ва инсоният тарихида ривожланиш боскичи. Бу боскич ўегел фалсафасида рух фалсафаси боскичидир. Мана шу якуний боскичда мутлак Коя узига кайтади ва узининг инсон онги ва уз-узини англаш шаклида уз мохиятига кайтади.

Ривожланиш Кояси ўегел фалсафасини камраб олган. Унинг таъкидлашича, ривожланиш тор доира ичида эмас, доимий, куйидан юкорига караб боради. Мана шу жараёнда микдор узгаришларининг туб сифат узгаришларига утиши юз беради. Ривожланишнинг манбаи эса хар кандай уз-узидан харакатнинг сабаби булган карама-каршиликдир. ўегел фалсафасида борлик диалектик утишлар занжири сифатида баён килинган.

ўегел фикрича, тарих дунёвий рухнинг ёки мутлак Коянинг ривожи сифатида намоён булади. Умуман тарих бу мохиятан фикрнинг, аклнинг уз-узидан ривожи тарихидир. ўегел таълимотича, акл тарихда шундай намоён буладики, унда хар бир халк рух уз-узини англаб, тобора юкорилаб боришига уз хиссасини кушиш хукукини олади. Лекин бу жараён кандайдир тартибсиз (хаотик) амалга ошмайди. ўегел умумжахон тарихини турт боскичга булади: 1. Шарк дунёси; 2. Юнон дунёси; 3. Румо дунёси; 4. Герман дунёси:

Инсоният тарихини мана шундай боскичларга булиб, уларга бахо беришда ўегел очикдан-очик иркчилик рухидаги таълимотга юз тутади. Унингча, шарк халкларида эркинлик булган, факат ягона зуравон хукмроннинг эркинлиги тан олинган. Шунинг учун бу халклардаги эркинлик — бир томондан хукмроннинг зулми, хирсларнинг кенг кулоч ёйиши, иккинчи томондан куркурона, сузсиз буйсуниш халк рухига хос булган бир хусусият

булган. У юнон-румо дунёсида эса, эркинлик булган, лекин улар жуда чекланган, факат айрим кишилар учун амал □илган. Шунинг учун юнон-румо дунёсининг давлатчилиги кулликни инкор килмаган. Лекин юнон ва румо дунёси халк рухи хар хил йуналишда булган. Агар юнон дунёсига хос булган нарса □гузал шахслилик Ипринципи булса, румо дунёсига хос булган принцип мавхум умумийликдир. ўегелнинг даъвосича, факат герман халкларида тулик эркинлик булган. Бу халклар уз тарихий ривожланишларида ислохотчилик (реформация), 1789 йил Француз инкилоби меваларидан бахраманд булганлар. Факат уларгина умумий фукаролик ва сиёсий эркинликка эришганлар. ўегелнинг таъкидлашича, аклга мувофик давлатчиликни урнатган факат герман халкигина умумжахон — тарихий жараённинг хакикий тимсолидир.

ўегел умумий фалсафий системаси хам, унинг яратган методи хам бошка камчиликлардан, ички карама-каршиликлардан холи эмас эди. Чунки унинг фалсафий таълимотида билимнинг объектив асоси мутлак рухдир, максади эса шу мутлак рухнинг уз-узини англашидир, охирги боскич уз-узини англаш билан якунланади. ўегел фалсафаси мана шу масалани амалга оширишга каратилган. Шундай килиб ўегелнинг системаси ва методи уртасидаги карама-каршилик чекланганлик ва чексизлик уртасидаги карама-каршиликдир.

XIX асрнинг охиридан бошлаб Карб мамлакатларида ўегел фалсафаси атрофида турли фалсафий мактаблар ва окимлар вужудга келади. Бу фалсафий мактаблар ичида маълум нуфуз ва таъсирга эга булган оким □ёш хегелчилар Иокими эди. Бу окимнинг уша даврдаги асосий намояндалари орасида ака-ука Бруно ва Эдгар Бауэрлар алохида ажралиб турар эди.

Дастлаб мана шу окимга мансуб булган К. Маркс (1818-1883) ва Ф. Энгельс (1820-1895) кейинчалик материалистик жихат ва атеистик тамойиллар устувор булган, карама-каршиликларнинг кураши тамойили мутлаклаштирилган уз таълимотини ишлаб чикдилар. Унинг асосий назарияларини хаётга татбик килишга даъват килдилар. Уларнинг таълимоти марксизм фалсафаси деган ном олди. Кейинчалик бу фалсафа социалистик лагер деб аталган мамлакатларда давлатнинг мафкуравий доктринасига айланди, □илмий коммунизм И Коялари асосида инсоният тарихининг табиий жараёнини пролетариат диктатураси деб аталган давлат ва хокимият юритиш усули оркали зурлик билан узгарти-

риш таълимотини купчилик оммага, сиёсий партияларга, мафкурага сингдиришга харакат килди.

XX асрнинг бошларидан 80 — йилларнинг охиригача дунёнинг жуда катта худудида хукмронлик килган бу мафкура собик Иттифок таркалиши билан унинг худудида уз устуворлигини йукотди. Унинг катта салбий окибати айникса утмиш маданий ва фалсафий меросига булган муносабатда яккол намоён булди. Бу фалсафанинг методологик принциплари — синфийлик ва партиявийлик холис хулосалар чикаришга имкон колдирмас эди. уларга мос келмайдиган хар кандай таълимот кораланар, хатто бутунлай инкор килинарди. Утмиш меросининг кай даражада умумбашарий, умумжахон ахамиятига эга эканлиги эътибордан четда коларди. Бу нафакат умуминсоний кадриятларнинг ахамиятини менсимасликка олиб келарди, шу билан бирга, маълум даражада халкларда миллийлик рухини, миллий меросдан Курурланиш рухини тугатишга карши харакат эди. Утмиш меросига бундай ёндошишнинг зарарли томонларидан яна бири шунда эдики, охир-окибатда утмиш мероси бир ёклама талкин килинарди, купинча эса очикдан-очик сохталаштириларди. Ижтимоий-иктисодий, тарихий, маънавий, мафкуравий шароитларни хисобга олмаган холда, утмиш меросини юкорида эслатиб утган принциплар колипига солиб талкин килинарди.

Сунгги йилларда социалистик лагернинг парокандаликка учраши, собик иттифок таркибига кирган купгина жумхуриятларда, шу жумладан, Узбекистонда мустакил миллий давлатларнинг вужудга келиши, уларнинг уз халки миллий рухига хос ва мос мафкура методологияси асосида муваффакиятли ижтимоий-иктисодий ривожланиб бораётганлиги марксистик фалсафанинг хаёт талабларига жавоб бераолмайдиган, халкларнинг рухига ёт булган Кайримиллий таълимот эканлигидан далолат беради.

Бу таълимотнинг баъзи тарафдорлари Fарбда □неомарксизмИ окимига бирлашганлар. Уларнинг бир кисми марксизмни ислох килиш, замонга мослаштиришга харакат килсалар, бошкалари эса яна Марксга кайтиш лозим, деб хисоблайдилар. Кези келганда таъкидлаш жоизки, марксизмга вакт уз бахосини берди. Ана шу бахони холис кайд этиш бу таълимотнинг мустабид тузум мафкурасига айлантирилиши кандай окибатларга олиб келганини яккол курсатиш учун асос булади. Бу эса уз навбатида мазкур таълимот тугрисида умуман гапирмаслик эмас, балки уни танкидий тахлил этиш оркали, мохият ва мазмунини очиб бериш, окибатларини яккол курсатишга имкон яратади.

Таянч тушунчалар

Схоластика, апологетика, реализм, номинализм, уйКониш даври, миллий давлатлар, миллий фалсафий мактаблар, мутлак рух, метод, система, тарих фалсафаси, диалектика.

Такрорлаш учун саволлар

1. Рим империяси хаётининг сунгги даврларидаги фалсафий окимларни санаб беринг.
2. УйКониш даврИтушунчасини кандай талкин этасиз?
3. Миллий фалсафий мактаблар деганда нимани тушунасиз?
4. Миллий фалсафий мактабларнинг умуминсоний ютуклари нималарда намоён булади?
5. Немис классик фалсафасиИми ёки Немис миллий фалсафасиИми? Бу масалага сизнинг муносабатингиз кандай?
6. Нега марксистик фалсафа миллий фалсафа була олмас эди?
7. Европа уйКониш даври фалсафасини урганишимизнинг ахамияти нималарда деб уйлайсиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Бунёдкорлик йулидан. — Т. Узбекистон 1998.
2. Каримов И. Истиклол ва маънавият. — Т. Узбекистон, 1994.
3. Каримов И. Маънавий юксалиш йулида. — Т. Узбекистон, 1998.
3. Антология мировой философии в 4-х томах. Том 3. М. 1971.
4. Мир философии в 2-х томах. Т. 2. М.1990.
5. Основа философии. Т. Узбекистон 1998.

6-мавзу. XVI асрдан XX аср бошларигача Узбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур

Режа:

1. Темурийлар давлатидан кейинги ижтимоий жараёнлар.
2. Амирлик ва хонликлар даври фалсафаси.
3. Миллатнинг Коявий таркоклиги ва мафкуравий таназзул окибатлари.
4. Жадидчилик-миллий Коялар учун кураш фалсафаси.

Темурийлардан кейинги ижтимоий жараёнлар. XVI асрдан бошлаб Мавороуннахрда узаро урушлар, низолар авжга чикди, Темурийлар давлати инкирозга юз тутиб, майда давлатларга булиниб кетди. Натижада Шайбонийлар давлати тузилди, 1510 йилда Шайбонийхон Исмоил Сафавий лашкарлари томонидан улдирилганидан сунг, марказлашган давлат инкирозга юз тутди.

Шайбонийлардан Абдуллахон ва унинг уКли Абдулмумин вафотидан сунг, XVI аср охирида бу давлат бархам топиб, хокимият аштархонийлар сулоласига утди. Имомокулихон (1611-1642) даврида давлат бирмунча мустахкамланган булса-да, кейинги даврларда тахт учун курашлар давом этди. Бу эса иктисод, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат равнакига уз таъсирини курсатди. Айникса, табиий-илмий фанлар ривожи заифлашди, дунёвий билимда таназзул руй берди.

XVI-XVII асрларда фалсафий ва ахлокий фикр сохасида Пошохужа, Мирзажон аш-Шерозий ал-БоКнавий, ибн Мухаммаджон Юсуф ал-JорабоКий, Мухаммад Шариф ал-Бухорий ва бошкаларнинг асарларини курсатиш мумкин.

Пошохужа (1480-1547) Нисо шахрида туКилиб, Бухорода вафот этади. у □Мифтох ул-адлИ (□Адолат калитИ) ва □ГулзорИ хикоялар т«пламини яратган булиб, уларда инсоф, адолат, диёнат, саховат, донолик ва акл-заковат, ростгуйлик, рухий комиллик, халоллик, мехр-окибат, камтарлик ва бошка маънавий-ахлокий фазилатларни тахлил килади, салбий иллатлар, инсонийликка зид хатти-харакатларни коралайди.

XVII асрнинг машхур мутафаккири, файласуфи **Юсуф ал-JорабоКий** (1563-1647) асли Озарбайжондан булиб, кейинчалик Бухорога келади. У ёшлигидан фикх, фалсафа, тасаввуф билан

шуКулланади. Унинг мухим рисолалари Рисолайи ботинийаИ Рисолайи хилватийаИ Фи таърифи илмИва бошкалардир. Булардан ташкари у Давоний, Тафтазоний, Шахобиддин Сухравардийларнинг китобларига шархлар битган.

JорабоКий уз салафлари сингари дунёни, бутун оламни бир-бири билан чамбарчас боКлик булган ягона жисм деб билади. Унингча, Олам ягона жисм, ундаги барча мавжуд нарсалар унинг аъзоларидир. Оламдаги бутун нарсаларни Худо яратган, у биринчи сабабдир. Борликдаги хамма нарсалар сабаб-окибат оркали бир-бири билан боКланган. Шунингдек, олим харакат ва унинг турлари, турт унсур хакида хам уз фикрини билдиради.

Бу даврда Бобораким Машраб, Суфи Оллоёр, Турди ФароКий ва бошкаларнинг ижтимоий-фалсафий карашлари мухим уринни эгаллади. Булар орасида Машрабнинг хурфикрлик рухи билан суКорилган ижтимоий-фалсафий ва ахлокий фикрлари эътиборга сазовордир.

Бобораким Машраб (1640-1711) Наманганда таваллуд топади. У Мулла Бозор Охунддан диний-тасаввуфий таълимот сирларини урганади. Кейинчалик эса кошКарлик Офок Хожага мурид-лик килади, 1675 йилда Наманганга кайтади. Машраб узининг кейинги хаётида Якин ва Урта Шарк мамлакатларининг куп жойларида хусусан, Тошкент, Туркистон, Самарканд, Бухоро, Андижон, Хужанд, Бадахшон ва бошка ерларда булади. У умрининг охирида Балхда булиб, Jундузда Махмуд JатаКон томонидан катл килинади.

Машраб Казал ва рубоийларида илохий севги, яъни Оллохга мухаббатни тасвирлайди. Машраб тасаввуфнинг каландарлик тарикатини танлайди, халкни эзгуликка, инсоф ва диёнатга, тугриликка чакиради. Умуман олганда, шоир ислом акидаларини инкор этмагани холда, унинг баъзи коидалари мукаддаслигига гумонсираб карайди. Булар айникса, Машрабнинг руза, жаннат, дузах, намоз, макка, каъба тугрисидаги шеърларида намоён булади.

Машрабнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлокий карашларида хукмдорларни инсофга, халкка ёрдам беришга даъват этиш ётади. Инсонийлик, пок мухаббатни куйлаш, кишиларни дустликка, вафодорликка чакириш, такаббурлик ва ёлКон сузлашдан сакланиш, насл-насабга ишонмаслик, имон-эътикодини сотмас-

лик, ота-онани хурмат килиш каби Коялар Машраб дунёкарашининг маКзини ташкил килади.

Машраб мураккаб, карама-каршиликларга бой даврда яшади. Бу хол унинг дунёкарашида хам билиниб туради. У бир тарафдан адолатли жамият, инсоннинг гузал фазилатлари хакида фикр юритса, иккинчи томондан яхши жамиятга эришиб булмаслиги хакида гапириб, умидсизликка, таркидунёчиликка берилади. Булардан катъи назар, унинг ажойиб шеърлари ва ундаги Коялар хозир хам уз кимматини йукотгани йук.

Узининг ижтимоий-фалсафий фикрлари билан Марказий Осиё маданиятига катта таъсир курсатган шоир ва файласуф **Мирза Абдулкодир Бедил**дир (1644-1721). Мирза Бедил илмнинг куп сохалари, хусусан фалсафа, адабиёт, санъатшунослик буйича ижод килди. У хинд, араб, эрон, куплаб Осиё халкларининг илмий меросини чукур узлаштирган етук олимдир. Булардан ташкари, Мирза Бедил Саъдий, Аттор, Жомий, ў офиз, Навоийларнинг шеърияти, дунёкарашини пухта билган.

Унинг мухим асарлари ☐Чор унсурИ, ☐ИрфонИ, ☐РубоиётИ, ☐ҒазалиётИ ва бошкалардир. Вахдати-мавжуд окими тарафдорлари табиатнинг абадийлигини материя ва рухнинг бирлигини тан олиб, худони оламнинг узида деб биладилар. Мирза Бедил ана шу таълимот тарафдори эди. Бедил узининг ☐Чор унсурИ, ☐ИрфонИ асарларида хамма нарсаларнинг асосида хаво ётади, деб хисоблади.

Унингча, хаво абадий, мутлак, харакатчан, узгарувчан, рангсиз ва енгилдир. У юкори ва куйи томон харакат килади. У рухлар тугрисида суз юритиб, нозик буК-бухори латиф хаводан келиб чиккиб, табиий рух, наботот рухи, инсон рухи, хайвоний рухни пайдо килади, дейди. Хуллас, у табиатни рухлантиради, рухлар моддий дунёдан ташкарида эмаслигини алохида таъкидлайди.

Мирза Бедил билиш хакида фикр юритар экан, билишнинг биринчи боскичи хис-туйКулар билан боКликлигини, билишда инсон тафаккурининг кудрати кучли эканлигини ёзади. Бедил инсон уз килмишлари, хатти-харакатида эркиндир, деган коидани хаётий мисоллар оркали асослаб беришга интилади, мехнат ва хунарни, илм ва касб эгаллашни улуКлайди.

Маълумки, таносух-рухнинг кучиб юришига ишониш уша даврда ў индистонда кенг таркалган эди. ☐ў индларнинг тасаввурича, — дейди Бедил, — рух бутунлай мустакил холатда мавжуд-

дир ва хар бир нарсага, жисмларга утиш — кучиш кобилиятига эгаИ Шуни алохида таъкидлаш жоизки, Бедил таносух назариясининг хакикий мохиятини очишга уринган.

Мирза Бедил ижтимоий-сиёсий карашларида жамият, инсон, давлат ва унинг келиб чикиши, уни бошқариш йуллари, дехкончилик ва унинг фойдаси хакида фикр юритди. Айникса, у инсонни юксак даражага кутарди, унинг ирки, дини ва миллатидан катъи назар хурматга сазовор эканлигини уктирди. У одамлардаги ватанпарварлик, мехнатсеварлик, вафодорлик, сахийлик, самимийликни кадрлади, дангасалик, такаббурлик, очкузлик, ёлКончилик, маккорликни коралади.

Хуллас, Мирза Бедилнинг инсонпарварлик рухи билан суКорилган ижтимоий ва фалсафий Коялари уша даврда мухим ахамиятга эга булди. Олим узининг фалсафий карашлари билан Узбекистон ва ў индистон уртасидаги маданий, илмий ва дустлик алокаларини мустахкамлашга катта хисса кушди.

XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Марказий Осиёда уч давлат — J укон ва Хива хонлиги хамда Бухоро амирликлари пайдо булди. улар даврида илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантирган баъзи мутафаккирлар етишди. J укон хонлиги худудида яшаб ижод этган шоиралар Нодира (1792-1843), Увайсий (1789-1850), Дилшод Барно (1800-1906) ва бошкалар ижтимоий фалсафий фикр ривожига муносиб хисса кушдилар.

Булар орасида Нодира (Мохларойим) алохида уринни эгаллайди. Шоира ун минг мисрадан ортик Казалларнинг муаллифи булиб, уларда замонасининг мухим муаммоларини кутариб чикади. Нодира мамлакатни бошкаришда фаоллик курсатади, давлатни тадбир ва адолат асосида бошкаришга интилади, бу борада уз уКлига кумакдош булади, унга хомийлик килади. Шоира ижодида инсон ва унинг фазилатларини куйлаш асосий уринни эгаллайди: севги, мухаббат, химмат, сабр-каноат, хаё каби инсоний кадриятлар тахлил килинади. У уз ижодида дунёвийлик билан бир каторда тасаввуфнинг накшбандия йуналишига асосланган бир бутунлик билан инсоннинг жамият ва табиатга муносабатини хам, илохий мухаббат йулидаги рухий дунёсини хам жуда гузал ва жонли мисраларда ифодалаб беради.

Мустақиллик шарофати билан Нодира ва бошқа шоираларнинг ижодий мероси яна ҳам чуқур ўрганила бошланди, шеърий туплам-лари чоп этилиб, халқнинг маънавий мулкига айлантирилди.

Бу даврда Хоразмда Комил Хоразмий, Огаҳий ва Мунис ка-би шоирлар ижод қилдилар:

Огаҳий — Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли 1809 йилда Жиёт қишлоғида туғилиб, 1874 йилда вафот этган.

Шоирнинг муҳим асарлари «Гулшани давлат», «Риёз ул-давла», «Жомеъ ул воқеоти Султони», «Зубдат ут-таворих», «Шоҳиди иқбол», «Баёзи мутафарриқаи форсий», «Фирдавс ул-иқбол» ва бошқалардир. Булардан ташқари, Огаҳий Саъдий Ше-розий, Низомий, Кайковус, Жомий ва Кошифийнинг бадиий, тарихий, фалсафий, ахлоқий-дидактик асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Огаҳий ўзининг «Жасидаи насиҳат» номли асари ва бошқа-ларда давлатни бошқариш йўлларини курсатади, Хива хони Фе-рузга мамлакатни одилона бошқаришнинг йул-йўриқларини ай-тади. Огаҳий ўзининг ижтимоий қарашларида инсонпарварлик ғояларини илгари сурди, одамларни яхшилик ва эзгуликка, хайрли ишлар билан шуғулланишга, маърифатпарварликка даъват этди. Унинг тарихий рисолалари ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Мутафаккир Хива хонлигининг 1813-1873 йил-лар тарихини ёзиб қолдирган. Ўзбекистон мустақиллиги ва-ктида, тарихимизни хо-лисона яратишга интилиш кучайган бир шароитда, Огаҳий асарларининг аҳамияти ошиб бормоқда.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон рус чоризми томо-нидан босиб олинди. Ўтган асрнинг 60-70 йилларида халқнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, Русия аскарлари зўравонлик, қурол ишлатиш йўли билан Туркистон шаҳар ва қишлоқларини ишғол қилдилар. Бундан асосий мақсад бу ўлкани хомашё базасига ай-лантириш, маҳаллий бойликларни талон-тарож қилиш, уларни хорижий мамлакатларга сотиш ва ўз саноатини ривожланти-ришда фойдаланиш эди. Рус буржуазияси ерли амалдорлар би-лан келишиб иш юритди. Бу эса халқнинг икки томонлама эзи-лишига олиб келди. Рус саноатининг кириб келиши, қуплаб рус аҳолисининг Туркистонга кучиб келиши, аҳолини «руслашти-риш» сиёсати — буларнинг ҳаммаси Европа ва рус маданиятини тарқалишига сабабчи бўлди. Почта, телеграф, телефон, электр,

темир йуллар курилиши йулга куйила бошлагани, банклар очилгани аслида ерли халкни эзиш, уни узлигидан жудо килиш оркали амалга оширилди.

Ерли халклар орасида мустамлакачиликка карши маърифатчилик Коялари таркала бошлади, янги таълим-тарбия шохобчалари, янги мактаб, маориф, маданий тарКибот, жадидчилик харакати ривож топди. Мана шундай шароитда Туркистонда куплаб маърифатчилар етишиб чикди. Маърифатпарварлик мафкурасининг кузга куринган вакилларидан бири **Ахмад Дониш** (1827-1897) булиб, у фалсафа, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт, тарих сохасида асарлар ёзган.

У мамлакатни одилона бошкариш учун ислохот зарурлигини уктиради. Давлат, олимнинг нуктаи назарича, халкнинг манфаатини химоя килиши, хукмдор эса, билимдон, аклли булиб уз атрофидагилар билан кенгашиб давлатни идора килиши лозим. Бундай фикрлар, ижтимоий-сиёсий карашлар олимнинг «Наводирул-вакоеИ ва бошка рисолаларида уз ифодасини топган. Олимнинг асарлари уз тадкикотчиларини кутмокда.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ижод этган кораКалпок шоири ва мутафаккири **Бердак** (1827-1900) «Омонгелди», «Халк учун», «Ахмок подшо», «Яхшироки», «Булган эмас», «Ерназарбий» каби асарларнинг муаллифидир. Ушбу асарларда мутафаккир кораКалпок халкининг турмуш тарзини, уша замондаги хаётини мохирона тасвирлайди. Бердак асарларида ахлок ва хулк-одоб, нафосат ва гузаллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, тенглик, кахрамонлик ва мардлик, мустакиллик, хакикат учун кураш каби миллий ва умуминсоний кадриятлар кенг урин олган.

Унинг ижтимоий-фалсафий ва ахлокий карашлари ёшлар онгида маънавият ва миллий мафкурани шакллантиришда мухим тарбиявий кучга эга.

Маърифатпарварлик харакатининг йирик намояндаларидан бири **Фуркат**дир (1859-1909). Зокиржон Ўолмухаммад уКли Фуркат Jуконда дунёга келади. У «Илм хосияти», «Акт мажлиси хусусида», Тошкент шахрида булКон наКма базми хусусида», «Виставка хусусида», «Шоир ахволи ва шеър муболаКаси хусусида» ва бошка куплаб асарларида маърифатпарварлик Кояларини илгари суради.

Фуркат ута мураккаб даврнинг зиддиятли томонларини, мамлакат колоклигининг туб сабабларини хаккоий идрок килади. Бу ко-

локликнинг асл сабаби жахолатда, уруш-жанжалларда деб билди. Хон ва бекларнинг узаро низолари, уларнинг саводсизлиги ва жохиллиги, очкуз ва тамагирлиги, текинхурлиги мамлакат ва халкка офат ва кулфат келтираётганини у кура билди.

Фуркат жамиятдаги салбий иллатлар ва адолатсизликларни бартараф этишда, маърифат, илм-фан, таълим-тарбия мухим ахамиятга эга эканлигини чукур тушуниб етди.

Уша давр маърифатпарварлик харакатининг йирик намояндалари **Мукимий** (1850-1903), Завкий (1853-1921), Анбар Отин (1870-1914), Ўамза (1889-1929) ижтимоий зиддиятлар кучайган даврда яшадилар. Улар жамиятдаги иллатларни танкид килиш билан ажралиб турадилар.

Мукимий уз дунёкарашида эркин жамият, инсоф ва адолат, инсонийлик, иймон-эътикод, эрк, баркамол инсон хакида фикр юритди, адолатсизлик, зуравонликка асосланган жамиятни коралади.

У ЂВексельЋ ЂУруКЋ ЂАсроркулЋ ЂДодхохимЋ ЂТ«йЋ ЂТанобчиларЋ ЂМосковчи бойЋва бошка хажвий асарларида ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, узбошимчалик ва зуравонлик, оКир соликларни хаккоий равишда тасвирлайди.

Узбек адабиёти ва маданиятининг йирик вакили Ўамза Ўакимзода Ниёзий дунёкарашининг шаклланишида Фузулий, Навоий, Ўофиз, Фуркат ва Мукимийларнинг адабий мероси мухим рол уйнади. Ўамза ЂМайсаранинг ишиЋ ЂИстибдод курбонлариЋ ЂЗахарли хаёт ёхуд ишк курбонлариЋва бошка куплаб асарларнинг муаллифидир. У маърифат, билим эгаллаш, бахтли ва фаровон хаётга интилиш Кояларини илгари суради. Ўамза жахолат, билимсизлик, фирибгарликни коралади, рус амалдорларининг ярамас хатти-харакатларини фош этди.

Ўамза мактаб ва маориф ишларида фаол катнашиб, болаларни билим эгаллаши учун жонбозлик курсатди, доимо хакикат учун кураш олиб борди. Унинг маърифатчилик Коялари ижтимоий-фалсафий фикр ва маънавият ривожига мухим хисса булиб кушилди.

Туркистонда маърифатчилик харакатининг авж олиши жадидчилик Кояларининг вужудга келишида мухим урин эгаллади. Лекин Шуролар даврида жадидчилик купинча бир томонлама талкин килинди, унинг Коя ва максадларини сохталаштириш ва хатто уни миллатчилик харакати деб бахолаш холлари хам булди. Мустакилликка эришилгандан сунг бу харакатни холисона

ва илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш имконияти туғилди. Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари Туркистонда мустақиллик, миллий тараққиёт учун, халқнинг манфаатлари учун кураш олиб бордилар. Жадидчилик ҳаракатининг муҳим хусусияти уни миллий-озодлик ҳаракати ва Туркистонда миллий буржуазияни вужудга келиши билан чамбарчас боғлиқлиги эди.

Уша даврда жадидчилик ҳаракатининг қатор вакиллари етишиб чиқди. Булар Мунаввар Қори, Авлоний, Беҳбудий, Фитрат, Чулпон ва бошқалардир.

Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919) жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири бўлиб, янги мактаблар қуриш, ёш авлодни мустақиллик руҳида тарбиялаш, уларни илмли қилиш, маърифат ва тараққиёт учун курашга катта ҳисса қўшган мутафаккирдир.

Беҳбудий янги мактаблар учун «Рисолайи асбоби савод», «Рисолайи жуғрофияи умроний», «Китобат ул-атфол», «Амалиёти ислом», «Рисолаи жуғрофияи русий» ва бошқа дарсликларни ёзади. Унинг асосий асари «Падаркуш» драмасидир. Булардан ташқари, Беҳбудий кўплаб публицистик мақолалар ёзди, матбуотда хизмат қилди, нашр ишлари билан машғул бўлди. Унинг мақолаларида миллат ва Ватан тақдири, мустақиллик ғояси, ахлоқ ва таълим-тарбия ва бошқа масалалар ўрин олган.

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири **Абдулла Авлоний**дир (1878-1934). У педагогик фаолият ва бадиий ижодни қўшиб олиб борди. Авлоний очган мактабларда дунёвий фанларни болаларга ўқитиш йўлга қўйилди. Мутафаккир «Иккинчи муаллим», «Биринчи муаллим», «Алифбедан сўнгги ўқув китоби» каби дарсликларни яратди.

Айниқса, олимнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» дарслиги болалар дунёқараши, миллий онги ва мафкурасининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда болаларга илм-фан сирларини ўргатиш, яхши хулқ-одоб қоидаларини сингдириш, Туркистон халқини асрий қолоқликдан қутқариш йўллари, иқтисод, тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатни хомашё қарамлигидан халос этиш, маърифат ва маънавиятни юксалтириш масалалари ёритилган.

Авлоний «Адвокатлик осонми», «Биз ва Сиз», «Португалия инқилоби», «Икки севги» ва бошқа драматик асарлар ёзиб, ўзбек театри ва драматургияси ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Жадидчилик характининг яна бир ёркин вакили **Абдурауф Фитрат** (1884-1939) булиб, илмнинг куп сохаларида ижод килган мутафаккирдир. Олим Сайхаи(Бонги, Ўзбек сайёхининг киссаси, Учкун туплами, Чин севиш, Ўзбек ихтилочилари, Узбек тили грамматикаси, ЧиКатой адабиёти ва бошка куплаб асарлар ёзди. Фитратнинг асарларида халкни жахолат ва нодонликдан кутказиш, илм-маърифатга чорлаш, миллий мустакилликка эришиш, халкнинг узлигини таниши, онгининг усиши, кучли ва ривожланган давлат тузиш, халкнинг билимдон б«либ, тижорат ва тадбиркорлик билан шуКулланиши, Европанинг фан ва техника ютукларини урганиш каби Коялар илгари сурилади. Унинг юкоридаги миллатпарварлик ва ватанпарварлик рухи билан суКорилган Коялари хозир хам тадбиркорлик, маънавият ва маърифатни равнак топтиришда, миллий Коя ва мафкурани шакллантиришда, халкнинг узлигини англашида мухим ахамиятга эга.

Хуллас, Узбекистон худудидаги темурийлардан кейинги ижтимоий-фалсафий фикр тарихини киска ёритиш шундан далолат беради, у бизнинг давримизгача узлуксиз равишда маданият, инсон тафаккури ва акл-заковатининг юксалишида мухим ахамиятга эга булган. Лекин мустабид тузум даврида ижтимоий-фалсафий фикр тарихига бир томонлама, синфий нуктаи назардан ёндашилди, факат коммунистик партия мафкураси талабларига тугри келадиган Коя ва фикрларга эътибор берилди. 1917 йилдаги Октябрь тунтаришидан сунг аста-секин утмиш маънавияти, фалсафий фикри урнини марксча-ленинча мафкура эгаллай бошлади. Олий укув юртлари, кенг халк оммаси орасида диалектик ва тарихий материализм ва илмий атеизм тарКиб килинди, уларга тугри келмайдиган таълимотлар каттик танкид остига олинди. Энг ачинарлиси шуки, уз миллий маданияти, урф-одати ва анаъаналарига содик булган, уларни саклаб колишга интилган зиёлилар, шоир ва ёзувчилар кувКинга учраб, катаКон килинди.

Лекин юкоридан булган тазийкларга карамай, маданий-маънавий ва ижтимоий-фалсафий меросимизни урганиш, тадкик килиш тамоман тухтаб колмади. 60-70 йилларда И.М. Муминов, В. Зохидовларнинг ижтимоий-фалсафий фикр тарихи буйича тадкикотлари ахамиятга эга булди. Улар Форо-

бий, Беруний, ибн Сино, Навоий, Али Jушчи, Мирза Бедил ва бошқаларнинг фалсафий дунёқарашини тадқиқ қилдилар.

Узбекистоннинг мустақилликка эришуви маданий меросимизни холисона, ҳаққоний ва янгича тафаккур асосида тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар яратди. Эндиги вазифа собиқ мафкуранинг асоратларини бартараф қилиб, миллий мафкурамизга таяниб бой маънавий ва маданий қадриятларни, ижтимоий фалсафий тафаккур тарихини чуқур ва ҳар томонлама урганишдир.

Таянч тушунчалар

Маърифатпарварлик, Темурийлар давлатининг инқирози, Шайбонийлар давлати, хонлик ва амирликлар даври фалсафаси, жадидчилик, жадидлар фалсафаси.

Такрорлаш учун саволлари

1. Пошохужа ижтимоий қарашларининг хусусиятлари нимада?
2. Юсуф JорабоКийнинг илмга кушган ҳиссасини сузлаб беринг.
3. Ахмад Дониш узининг «Наводирул-вақоеИасарида қандай ижтимоий-фалсафий Қояларни илгари сурган?
4. Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқИасари тугрисида нималарни биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Узбекистон, 1999.
2. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Узбекистон, 2000. - 352 б.
3. Маънавият юлдузлари. Т. 1999.
4. Узбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т. 1995.
5. Урта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Т. 1996.
6. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т. 1992.
7. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луқат. Т. 1998.
8. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т. 1999.

7-мавзу. ўзозирги замон фалсафаси ва унинг асосий окимлари

Режа:

1. ўзозирги замон фалсафаси: ворислик ва янгиланиш.
2. XX аср фалсафасининг асосий оким ва йуналишлари.
3. XX аср фалсафасида инсон ва жамият муаммолари.
4. ўзозирги замон фалсафасини урганишнинг ахамияти.

Маълумки, хамма замонларда хам фалсафа уз даврининг долзарб муаммоларини хал этиш йулларини топишга харакат килган. XX асрга келиб инсоният фан ва техника тараккиёти сохасида улкан ютукларни кулга киритди. Лекин шу билан бирга, айнан ушбу аср иж тимоий силсилалар, иккита ж ахон уруши, экологик инкироз, оКир йукотишлар даври хам булди. Бу эса фалсафий фикрнинг тараккиётида уз аксини топди, унинг турли йуналиш ва окимлари шуКулланган муаммоларнинг салмоКи, максад-муддаосини аник белгилади. Бунинг натиж аси сифатида, хозирги давр фалсафасида нихоятда хилма — хил оким ва йуналишлар мавж уд. Уз навбатида бу илм-фан ва амалиётнинг хамда XIX асрнинг иккинчи ярми ва хозиргача булган фалсафа илми ривож ининг асосий хусусиятларини белгилайди.

ўзозирги замон фалсафасининг энг асосий тамойиллари умуминсонийликнинг устуворлиги, унинг миллийлик билан уйКунлиги, демократик эркинликлар, инсон кадри, бирор таълимотни мутлаклаштирмасликдир. БаКрикенглик ва толерантлик хозирги фалсафий таълимотлар ранг-баранглигини таъминлайди.

Анъанавий фалсафада, турли Коявий тизимларга булинишига карамай, мухим муаммоларни хал этишда маълум бир умумийлик мавжуд эди. ўзозирги замон фалсафасида аксинча, фалсафий муаммоларнинг куп хиллиги ва узига хослиги, турлитуманлиги, улар асосида фалсафий окимларнинг мустакил йуналиш сифатида шаклланганлиги яккол кузга ташланади.

Анъанавий фалсафада акл — инсон мохиятининг белгиловчиси, деб талкин этилган булса, энди рационализмга карши инсоннинг мавжудлиги (экзистенциализм) муаммолари, хамда унинг норационал мохияти илгари сурила бошлади. Яъни илгари маърифатпарварлик Кояси устувор булса, эндиликда купрок инсон хукукларига эътибор кучайиб кетди. Фалсафа гуёки, мав-

хумликдан аниқлик томон борди, умумий эмас, аниқ-равшан масалаларни ҳал қилиш бошланди.

Анъанавий фалсафада ҳодисалар механика қонунлари асосида тушунтиришга ҳаракат қилинган бўлса, энди бундай таҳлил доирасидан четда қолган муаммолар ўрганила бошланди.

Бугунги кунга келиб кўпгина фалсафий оқимлар ўзларининг анъанавий фалсафага алоқадор эканликларини ҳамда улардан фарқ қилишларини таъкидлаш мақсадида, номларига **«нео»**, яъни янги, замонавийлашган деган маънони англатувчи қўшимчани қўшганлар. Масалан, неопозитивизм, неотомизм ва бошқалар шулар жумласига киради.

Фаннинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилаш ва унга нисбатан муносабатга қараб, замонавий фалсафий таълимотларни асосан икки йўналишга ажратиш мумкин. Улардан бири — **сциентизм** (лот scientia — фан) яъни фан мавжуд барча ижтимоий муаммоларни ҳал этиши мумкинлигини илм-фан тараққиётининг доимий ижобийлигини асословчи фалсафий дунёқараш. Сциентизм Коялари, неопозитивизм, технологик детерминизм каби таълимотларнинг асосини ташкил этади.

Иккинчиси — **антисциентизм**, яъни фан тараққиёти жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини асословчи фалсафий дунёқараш. Бундай дунёқараш экзистенциализм, франкфурт ижтимоий-фалсафий мактаби, Рим Клубининг бир қатор тармоқларини, баъзи диний-фалсафий оқимларнинг фанга муносабатини ифодалайди. Антисциентизм илм-фан тараққиётининг натижаларини назорат остига олиш, бу масалада жамият ҳаётини хавф остига қўймаслик талаби билан боқлиқдир.

Антисциентизмнинг айрим ўта ашаддий намояндалари фан-техника тараққиётини тамоман тўхтатиб қўйиш Коясини ҳам илгари сурадилар. Умуман олганда, XX аср фалсафасида бир-бирига мукобил бўлган йўналишлар рационализм ва иррационализм, антропологизм ва натурализм, сциентизм ва антисциентизм, материализм ва идеализм ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Янгича фалсафий тафаккурга асос солган олимлар орасида кўпчилик немис олими **Артур Шопенгауэр** (1788 — 1860) қарашларини тилга олади. Шопенгауэр оламдаги барча мавжуд нарсаларни ироданинг намоён бўлиши, иродани эса онгсиз курку-рона интилиш тарзида тушунади. Махлуқотларнинг инстинкт-

лари, хатти-харакатлари — ироданинг намоён булишидир. Инсон фаолияти хам акдан бегона булган ироданинг натижасидир. Шунинг учун инсон мохияти ирроционал асосга эга. Акл эса тасодифийдир. Инсон хаёти доимо айланиб турган ирода Килдирагига боКликдир.

Шопенгауэр таълимотини давом эттирган немис файласуфи **Фридрих Ницше** (1844-1900) фикрича, □борликнинг энг чукур мохияти хокимиятга эришиш учун булган иродадир.И Ницше инсон борлиКида махлуклик ва холикликни бирлашиб кетганини асослаб беришга харакат килди. Унинг диёримизда бундан икки ярим минг йил мукаддам шаклланган зардуштийлик таълимотини урганиб яратган □Зардушт таваллосиИасарида кучли шахсларни тарбиялаш Кояси илгари сурилган. У уз ортидан иродасиз кишилар оммасини етаклашга кодир булган иродаси кучли шахсларни тарбиялаш тарафдори булган. Ницшенинг цивилизация ва маданиятнинг суниши ва бархам топиши тугриси-даги Коясига асосланиб, 1918 йилда Г. Шпенглер □Европанинг сунишиИдеган асарини ёзади.

Утган аср охири олимлари ижтимоий инкироз ва маънавий турКунликдан чикишнинг йулини Fарбда классик фалсафий меросга мурожаат этишда ва уни кайта тиклашда курдилар. Шу зайлда □Оркага КантгаИшиори остида неокантчилик, □Оркага ў егелгаИшиори остида эса неохегелчилик пайдо булди.

Шу билан бирга, фалсафанинг классик илдизларини саклаб колишни диний оким булган неотомизм хам ё□лаб чикди. Неатомизм шу бугунга кадар хам уз мавкеини йукотмаган булиб, католик черкови томонидан куллаб-кувватланади. Бунда айникса Рим папаси рахбарлик киладиган Ватиканнинг фаолияти мухим урин тутади.

Неотомизм — XX асрдаги энг йирик диний-фалсафий оким булиб, у урта асрлардаги (XIII аср) Фома Аквинскийнинг таълимотини кайтадан тиклади. У (нео — янги, томизм — □фомаИ транскрипцияда □томаИ булиб узгарган) Фома Аквинскийнинг янги, замонавий таълимоти демакдир. Бу таълимотга кура, илм ва эътикод уртасида тула мувофи□лик, уйКунлик бор. Улар бир-бирини тулдириб туради, хар иккиси хам худо томонидан берилган хакикат.

Неотомизм вакиллари фикрича, илм етмаган жойда эътикод кулланиши керак. Лекин бу эътиқод кур-курона, шунчаки ишонч булмай, балки мантикан теран англанган эътиқод булиши керак. Худонинг мавжудлигини фалсафа турли мантикий усуллар оркали исбот килиши лозим. Шундай килиб, фалсафанинг вазифаси динга хизмат килишдан иборатдир.

Неотомистлар дунёни, жамиятни худо яратган, жамият тараккиёти худонинг режаси асосида боради, дейдилар. Диний теология окими булганлигидан неотомизм албатта, илохий кадриятларни устувор куяди. Аммо у дин ва унинг жамиятдаги урнига, узининг номи келиб чикишига сабаб булган, Фома Аквинский замонидан фаркли ёндошади. Фомадан кейинги давр Европада христианликнинг софлигини саклаш Кояси, аста-секин мутлаклашиб, урта аср акидапарастлигининг маълум куринишларидан бири-инквизицияга олиб келган эди. Бу эса хурфикрлилик, илм-фандаги янгиликка карши курашга айланиб кетган эди. Лекин инсон хукуклари, фикр эркинлиги демократия белгисига айланган XX асрда бундай утакетган акидапарстликка урин йук. Неотомизм хозирги цивилизацияли дунёда цивилизациялашган таълимот сифатида майдонга чикмокда. Уз навбатида бу демократия устивор булган хаёт тарзига муайян даражада мос келади.

Неокантчилик XIX аср урталарида шаклланган ва XX аср бошларида ривожланган эди. Унинг вакиллари И. Кант уз даврида куйган илмий билишнинг умумийлиги ва зарурияти хакидаги хамда тажрибавий акл хакидаги муаммоларни тахлил этадилар. Бу таълимотга кура, инсон дунёга бир марта келади, шунинг учун хар бир инсоннинг хаёти узи учун энг олий максаддир. Шундай экан, инсон хаётидан кимдир уз максадларини амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланиши мумкин эмас. Эркин мавжудот деганда, Кант издошлари узи хохлаган ишларни килувчи кишини эмас, балки жамотчилик манфаатига карши юрмайдиган, унга зид иш килмайдиган, аммо уз хак-хукукларини яхши биладиган инсонни назарда тутадилар.

XX асрга келиб, фан ва техника тараккиёти билан илмий тафаккур ва тил муаммоларини фалсафий тахлил килишга кизикиш нихоятда ортди. Бу йуналишда ишлаётган энг йирик оким-

ларга неопозитивизм, структурализм ва герменевтика каби фалсафий караш намоёндалари мисол булади.

Неопозитивизм окимининг йирик намояндалари Карнап, Айер, Рассел, Витгенштейн ва бошкалардир. Нео — янги; позитив — ижобий деган маънони англатади. Непозитивизм Гарбда XIX асрнинг 20 — йилларида пайдо булган, асосчиси XIX асрда яшаган Огюст Контдир. Унинг фикрича, фалсафа аник фанлар тараккиётисиз мавжуд була олмайди. Фалсафа — объектив реалликни эмас, балки аник фанлар килаётган илмий, яъни ижобий (позитив) хулосаларни уриганиб, тахлил килиб уларни мантикан бир тартибга, системага солиши керак.

Конт фалсафанинг узи мустакил равишда объектив дунё тугрисида хеч кандай аник билимлар бериши мумкин эмас, у шу пайтгача йиКилган билимларни формал логика конунлари асосида тахлил этиши ва кайта бахолаши, уни □абсолют Коя, рухИ тугрисидаги орти□ча фикрлардан тозалаши керак ва янги фалсафани яратиши керак, деб таълим берган.

Неопозитивистлар **верификация принципини** илгари сурадилар (лот. Veritas — хакикат.) уларнинг фикрича, факат тажрибада уз тасдиКини топган билимгина хакикийдир. Лекин назарий, мавхум билимларнинг хаммасини хам тажрибада эквивалентини топиш, айнан шундай эканлигини исбот килиш мумкин эмаслиги туфайли бу принцип кейинчалик инкор этилди.

Шундан сунг **постпозитивизм** (яъни кейинги позитивизм) вакили К. Поппер **фальсификациялаш методини** илгари сурди. Бунга кура, инсон баъзи назарий билимларнинг хакикатлигини эмас, хато эканлигини исботлаши керак. Охир-окибатда неопозитивизм вакиллари фалсафа билимларнинг хакикийлигини мантикий — лингвистик усул оркали исботлаши ва системалаштириши керак, деган хулосага келдилар. XX асрнинг 60 — 70 йилларига келиб, неопозитивизмнинг мавкеи камайиб, асосий уринга структурализм ва герменевтика чикди.

Структурализм (асосий вакиллари Леви — Стросс ва Фуко) билишда структуравий усулнинг ахамиятини мутлаклаштиради. Бу оким тарафдорлари нарса ва ходисанинг структурасини билиш унинг объектив мохиятини билиш демакдир, деб хисоблайдилар. Масалан Леви-Стросс мифологик тафаккурни тахлил этиб, турли жойларда яшаган кадимги □абилалар ва хал□лар

яратган афсоналарнинг умумий структурага эга эканлигини исбот килди. Унинг фикрича, бу афсоналарнинг асосий мазмуни бир-бирига тула мувофик келади. Инсониятнинг илмий тафаккури хам бу таълимотга кура шундай принципга, умумий мантик□а эга.

Герменевтика — кадимги юнон афсоналаридаги худоларнинг хохиш ва иродасини инсониятга тушунтириб бериш учун ерга юборилган элчиси — Гермес номи билан аталади. Демак, герменевтика — тушуниш, тушунтириш, тахлил этиш Кояларига асосий диккатини каратади.

Жамият, бу таълимотга кура, кишилар уртасидаги мулокотга асосланади. Мулоқот жараёнида маданий, тарихий ва илмий □адриятлар яратилади. Шунинг учун фалсафанинг асосий вазифаси хаётнинг маъносини, мохиятини кишилар уртасидаги мулоқотдан □идиришдан иборат.

Бу оким вакиллари Шлейермахер ва Дильтей фикрича, бирор бир тарихий манбанинг тугри тахлил этилиши тад□иқотчининг давр хусусиятларини тула хис этиши, тушуниши билан боКлик. ў озирги даврда бу таълимотнинг куплаб тарафдорлари мавжуд.

XX асрнинг 30 — йилларига келиб **□экзистенциал фалсафа□** ривожланди. Экзистенция — том маънода мавжуд булмок демакдир. Экзестенциализм нихоятда хилма-хил йуналишдаги таълимотларни инсоннинг маънавий дунёси, инсон такдири, эркинлиги Коялари асосида умумлаштирди.

Бу муаммоларнинг талкини, айникса, ижодкор зиёлилар уртасида оммавий тус олди. Шунинг учун экзистенциал фалсафа бу даврда энг кенг таркалган оким булиб колди.

Экзистенциализм вакиллари асосан икки йуналишга булинадилар. Бири — дунёвий (Хайдегер, Сартр, Камю) ва иккинчиси диний (Ясперс, Марсель) булиб бундай булиниш нисбийдир.

Хайдегер, Сартр, Камюларнинг таълимотига кура, инсон узининг яратиш жараёнини «зи эркин амалга оширади. Инсоният олдида улкан имкониятлар мавжуд булиб, улардан кайси бирини танлашда у эркиндир. Демак, инсон уз мохиятини узи эркин белгилайди, унинг ким булиб етишиши факат унинг узига боКлик. Шу маънода, инсон доимо ривожланиб борадиган, тугалланмаган лойихага ухшатилади. Эркинлик инсоннинг узи томонидан яратиладиган ички рухий холати тарзида талкин эти-

лади. Инсонга берилган имкониятларни танлаш нихоятда масъулиятлидир, чунки бунда инсон узи, бошкаларни хамда уни «раб турган оламни хам кайта яратади.

Диний экзистенциализм вакиллари Ясперс ва Марсель фикрича, инсон уз эркин фаолияти давомида худога караб унга етишиш учун, камолот томон харакат килади. Ўакикий эркинлик инсонга тахликали онларда, ташвишда, ёлКизликда намоён булади. Тахлика, масъулият соф эркинликнинг узидир, факат шундай шароитда инсон узини тулалигича англайди. Ўаёт ва улим, куркинч, дахшат тушунчалари бу таълимотнинг марказий тушунчаларидир. Экзистенциалистлар фикрича, олам маъносиз ва уни билиб булмаслиги абадий, инсон умри уткинчи булганлиги учун хам дахшатлидир.

Янги замон фалсафасининг яна бир окими **прагматизм** АЈШда кенг таркалган. Умуман олганда, Прагматизм Ифойдали фаолиятга ундовчи, Фойдага Икандай килиб эришиш йуллари ва усуллари хакида мулохаза юритувчи таълимотдир. Бунда Фойда Итушунчаси Тажриба Ив Хакикат Итушунчалари билан айнанлаштирилади.

Прагматизм таълимотининг йирик намояндалари Ч. Пирс, У. Джемс, Ж. Дьюи ва бошкалардир. Уларнинг таълимотида оламнинг узгарувчанлиги уз ифодасини топган. Улар тажрибани турли тасодиф ва кутилмаган вазиятларни узида мужассамлаштирган, онгимиздан тезкор карорларни кабул килишни талаб этувчи ходисалар мажмуи сифатида таърифлайдилар.

Инсоннинг хатосиз фаолият курсатиши учун унинг хатти-харакатларини бошкариб турувчи восита — интеллектдир. Ж. Дьюи фикрича, интеллект инсонни ураб турган оламдан нусха олади, хамда унга мухитга мослашишга ёрдам беради. Прагматизм фалсафасининг максади инсонга оламда уз урнини топишга ёрдам беришдан иборат. Дьюи тажриба натижасининг Фойдали Итомонига эътиборини каратади. Джемс фикрича, хакикат фойдали булган нарса ёки ходисадир.

Прагматизм АЈШ иж тимоий-маданий хаётининг кадриятларини ифода этиб, у ердаги ишбилармонлар, менедж ерлар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари уртасида кенг таркалган. Америкаликлар бу таълимотнинг назариётчиларини халкнинг дунёкараши узгаришида, хозирги америкача хаёт тамойилларини кенг оммага син-

гдиришда катта хизмат килган файласуфлар сифатида кадрлайдилар. Масалан, Ж. Дьюини "Американинг Арастуси" дея хурмат билан тилга оладилар.

Жамият тараккиётига оид Коялар тахлили фалсафада антик даврлардан, Сукрот ва Афлотун замонларидан бошлаб шакллана бошлаган. Бу Кояларнинг ривожида XVII-XVIII асрларда яшаган италиялик файласуф Дж. Вико, XVIII асрда яшаган И.Г. Гердер ва айникса, немис фалсафасининг йирик намоёндаси Хегел катта хисса кушганлар. Жамият тараккиёти тугрисидаги таълимотлар орасида тадрижий тараккиёт ва инкилобий сакрашлар йулидан боришни илгари сурадиган таълимотлар талайгина. Купчилик тадрижий йулни маъкул куради ва биз юкорида тилга олган файласуфларнинг аксарияти ана шундай караш тарафдори.

Афсуски, бошкача карайдиган таълимотлар хам бор. Янги давр фалсафасида таркалган ана шундай окимлардан бири ***марксизм*** *булиб, унинг асосчиси немис иктисодчиси ва файласуфи К. Марксдир (1818 — 1883). Унинг ижтимоий фалсафаси капитализмда синфий курашнинг мутлак антогонизм даражасига кутарилиши, охир-окибат пролетариат диктатурасининг урнатилиши ва шу йул билан синфсиз жамиятга утишни тарКиб киладиган ва реал хаётни акс эттирмайдиган назариядир.*

Кейинчалик собик иттифокда хукмрон мафкурага айланган бу таълимот дастлаб К. Маркс ва Ф. Энгелс ёзган "Коммунистик партия манифести"да баён килинган. Унинг назарий асослари К. Марксниг "Капитал", Ф. Энгелснинг "Анти-Дюринг" ва "Табиат диалектикаси" асарларида таърифлаб берилган булиб, ижтимоий хаётда салбий окибатларга олиб келди. У борлик тушунчасини материя билан айнанлаштирган, рухни бутунлай инкор килган, материализм ва атеизмни мутлаклаштирган.

Бу таълимотнинг К. Каутский, В. Плеханов бошлик муътадил тарофдорлари кейинчалик социал-демократияга купрок мойил булишди. Россияда В. Ленин бошчилигидаги тарафдорлари эса синфий кураш ва пролетариат диктатурасини мутлаклаштириш йулидан бордилар. Бу уз навбатида, инклобий сакраш йулини танлашга олиб келди ва Россияни террор йулига бошлади. Окибатда эса бу типдаги дунёкараш жамият ва халклар такдирида Коят салбий урин тутиши маълум булди. Гарбда Марксниг хозирги даврдаги тарофдорлари ***"неомарксизм"*** *окимини ташкил этадилар. Купгина неомарксистлар*

синфий курашни мутлақлаштирмаслик, инқлобий эмас, тадрижий сакраш йўлидан бориш устувор бўлиши лозимлигини эътироф эта бошладилар. Аммо уларнинг асл қарашларини жамият, миллат эмас, синф ва улар ўртасидаги кураш тараққиёти белгилайди, деган ўша таълимотга боғлиқлигича қолмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, якингача собиқ Иттифоқ ва унинг иттифоқчилари ҳудудида мутлақ ҳукмрон бўлган мафкуранинг тақдирини ўрганиш, унинг тарихидан холисона хулоса чиқариш, бу таълимотнинг қандай аянчли натижаларга олиб келганини билиб қўйиш ҳам фойдадан холи эмас. Бу борада лом-мим демаслик фойда бермайди. Зеро, таълимотлар тарихи — инсонлар, уларнинг тақдири, юксалиши ёки таназзули тарихидир. Бу юксалиш ёки таназзул куп ҳолларда муайян Қоялар, мафкуралар таъсирида рўй беради. Гоҳида минглаб, миллионлаб кишиларни мафтун қилган баъзи Қоялар ёки мафкуралар охир-оқибат ана шу миллионларнинг заволига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Биз қисқа таҳлил қилган марксизм ва кейинроқ у пайдо бўлган ҳудудда шаклланган национал социализм (фашизм) назариялари ана шу тарихий ҳақиқатни исботлайди. Бу ҳақиқатнинг остида эса бирор таълимот қадриятларини мутлақлаштириш, албатта, муайян ғизмга, ақидапарастликка олиб келади, бу ўз навбатида жаҳолат ва қабоҳатга элтувчи йўлдир, деган умуминсоний тамойил ётади.

XX асрга келиб жамият тарихий тараққиётига оид таълимотларни умумлаштириш натижасида ижтимоий тараққиётнинг плюралистик модели, ғлокал маданиятларИ ҳамда ғцивилизацияларнинг хилма-хиллигиИконцепциялари шаклланди. Уларга кура, жамият тарихи — узига хос маданиятларнинг бирлиги эмас, хилма-хиллигидан иборат. Шу маънода у органик табиатдаги ҳаёт шаклларининг ранг-баранглигига қиёсланади. Демак, табиат қандай хилма-хилликнинг бирлиги бўлса, жамият ҳам ана шундай ранг-барангликнинг уйқунлигидир. Жамиятда ҳам ҳамма ва ҳар бир нарсанинг уз урни бор.

Бу Қоялар немис файласуфи ва социологи О. Шпенглер (1880-1936) ва инглиз тарихчиси А. Тойнби (1889-1975) таълимотларида ҳар томонлама асослаб беришга ҳаракат қилинди. О. Шпенглер узининг ғЕвропанинг сунишиИномли асарида тарихни бир — биридан мустасно бўлган маданиятлар мажмуидан иборат, деб ҳисоблайди ҳамда мукаммал ривожланган 8 хил ма-

даниятни курсатади. Булар: араб, хинд, вавилон, хитой, юнон-рим, византия-араб маданиятлари, майя ва русс-сибир маданиятларидир. Маданиятлар узига хос диний асосга эга булиб, уларнинг хар бири □атъий биологик маромга (ритмга) буйсунади. Ва куйидаги асосий даврларни босиб утади: туКилиш ва болалик, ёшлик ва камолот, карилик ва суниш. Бунинг асосида маданиятлар ривожининг икки боскичи мавжуд, деб к«рсатилади. Биринчи боскич — маданият равнаки (соф маданият) ва иккинчиси — унинг таназзули (□ивилизацияИ).

О. Шпенглер европоцентризмга, яъни барча маданиятларни европалаштириш Коясига карши чикди. ў ар бир маданиятнинг узига хослиги, бир-биридан мустасно холда ривожланиш Коясини мутлаклаштирди. Улар уртасидаги узаро алокадорлик хам мавжудлигига кам эътибор каратди.

Яна бир олим А. Тойнби эса узининг 12 жилдлик □арихни урганишИасарида маданиятларнинг локал ривожланиш Коясини давом эттирди. Биро□ унинг таълимоти Шпенглер концепциясидан узининг икки жихати билан фаркланади. Биринчидан, инсонда уз хаётини эркин белгилаш имконияти мавжудлигини, тарихий тараккиёт зарурият ва эркинликнинг узаро бирлигидан иборат эканлигини назарда тутса, иккинчидан, тарихий тараккиётнинг даврий модели дунёвий динлар (буддизм, христианлик, ислом) нинг барча хал□арни якинлаштирувчи ва жипслаштирувчи бош омил Кояси билан бойитилган.

Тойнби Fарб христиан цивилизациясининг таназзулга караб бораётганлигини курсатиб, унинг олдини олиш йулини маънавий бирликда, жахон халкларининг ягона динни кабул килишларида, деб хисоблайди.

Умуман олганда, хозирги пайтда жамият тараккиётининг цивилизацион концепцияси купчилик файласуфлар томонидан тан олинмокда. Хусусан, индустриал ва постиндустриал жамият Коялари, айникса, оммавийлашиб бормокда. Унга кура, жамият тараккиётининг бош мезони — саноатнинг ривожланиш даражасидир.

Шундай килиб, XX асрга келиб ранг-баранг фалсафий таълимотлар шаклланди. Уларнинг барчасини мазкур мавзуда куриб чикиш имконияти булмаса-да, юкорида баён этилган маълумотлардан фалсафий плюрализм хакида, фалсафа замон ва макон билан боКлик мураккаб фан эканлиги тугрисида муайян

хулосага келиш мумкин. Бу соҳадаги билимларимиз, уз навбатида бизнинг миллий Коя ва мафкурамизни шакллантиришга, маънавиятимизнинг бойиб, мустаҳкамланиб боришига, интеллектуал камолотимизга хизмат килади.

Таянч тушунчалар

Сциентизм, антисциентизм, неотомизм, неопозитивизм, прагматизм, герменевтика, структурализм, экзистенциализм.

Такрорлаш учун саволлар

1. XX аср фалсафасининг характерли хусусиятлари нималарда куринади?
2. Экзистенциал фалсафанинг моҳияти нимадан иборат?
3. Неопозитивизмнинг асосий хусусиятлари кандай?
4. Структурализмнинг моҳияти нима?
5. Герменевтика нима?
6. Сциентизм ва антисциентизм нима?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йук. Т.: «Шарк», 1998.
2. Каримов И. Донишманд халкимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. — «Фидокор» 2000 й. 8 июн.
3. Каримов И. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Узбекистон, 1999.
4. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Узбекистон, 2000. — 352 б.
5. XVII — XX аср Fарб фалсафаси. — Т.: Мирзо УлуКбек номидаги Узбекистон миллий университети, 2000. 14 — 41 бетлар.
6. Основы философии. (Под ред. Ахмедовой. М.А и Хана. В.С.) — Т: «Узбекистон», 1998. 190-202 бетлар.
7. Канке В.А Философия. — М: «Логос», 1999. 112 — 137 бетлар.
8. Философский энциклопедический словарь. М 1999.

УЧИНЧИ БЎЛИМ.
ОЛАМ ВА ОДАМ. ДУНЁНИ ФАЛСАФИЙ ТУШУНИШ

1-мавзу. Олам ва одам: фалсафий талқин

Режа:

1. Оламнинг моҳияти ва унда одамнинг ўрни.
2. Оламнинг хилма-хиллиги ва мураккаблиги.
3. Олам ва одам муносабатларини ўрганишнинг аҳамияти.

Олам ва одам муаммоларининг тарихий илдизлари. Бу мавзуга оид масалалар оламда одамнинг мавжудлиги ва яшаши, ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Олам тўғрисидаги қарашлар одамзоднинг тарихи қанчалик қадимий бўлса, шунчалик қадимийдир.

Сиз билан биз яшаётган шу дунё ўзининг барча мураккаблиги ва муаммолари, жозибадорлиги ва бутун гўзаллиги билан ягона оламни ташкил этади. Олам тушунчаси, энг аввало, одам ва унинг фаолияти кечадиган маконни акс эттиради. Агар одам бўлмаганида эди, бу олам ҳақидаги тасаввурлар ҳам бўлмас эди. Демак, олам одам билан мазмундордир. Олам уни ташкил этувчи нарсалар билан биргаликда намоён бўлади. Ўеч нарсаси йўқ олам йўқликдир. У мавҳум тушунча, яъни абстракциядир.

Ҷадимги даврлардан буён одам ўзини англагач, оламнинг таркибий қисми эканлигини тушуна бошлади. Дастлаб, унинг ҳаётини таъминловчи тирикчилик воситаларининг аҳамиятини тушуниб етди ва уларни эъзозлаш, авайлаб-асраш туйғуси шаклана бошлади.

Шу туфайли, олам асосида ётувчи турт элементни: ҳавони, сувни, тупроқни ва оловни муқаддаслаштириш сингари қоялар вужудга келди ҳамда олам тўғрисидаги содда космологик қарашлар пайдо бўлган. Айрим кишилар одамнинг тирикчилигини таъминловчи нарсаларни одам учун, унинг яшаши учун худо томонидан яратилган неъматлар деб билди. Бундай қарашдан олам одам учун яратилган деган маъно келиб чиқади. Аслида қандай? Бу фалсафий муаммодир.

Оламда одам яшаши учун қулай бўлган шароит бўлмаса-чи? Одамлар қаҳратон совуқ ҳукмронлик қиладиган доимий музликлар бағрида ҳам, ҳар доим иссиқлик тафтидан қовжираб ётувчи

иссиқ улкаларда ҳам яшашади-ку. ўр ар бир жойда одам ўзига қулай шароит яратиб олишга интилади.

Одам ҳайвонлардек табиатдаги бор нарсалардан озиқланиш билангина чегараланиб қолмасдан, уларни ўзига мослаштиришга, совуқ бўлса — иситишга, хом бўлса - пиширишга, иссиқ бўлса — совутишга интилади. Бу эса одамнинг оламга мослашишга интилиши оқибатидир. Яъни, оламни одам ўзига, ўз эҳтиёжларига мослаштиришга интилиб келган. Ш у тарзда одам ҳам, олам ҳам такомиллашиб, ер юзи ўта □хонакилаштирилган Иоламга айланган.

Олам, энг аввало, тор маънода бу одам яшайдиган жой. Аслида одамзод ва ҳайвонот олами, ўсимлик ва ҳашаротлар дунёси, жисмоний, руҳий, маънавий олам ва бошқа шу сингари куплаб тушунчалар бор. Улар дунёда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисалар номи билан аталади. Масалан, одамнинг руҳий олами унинг билим, тажриба ва хаёлотини ўз ичига олувчи ўта кенг қамровли тушунчадир. Бунда биз олам одам яшайдиган жой, деган маънога қараганда янада кенгроқ мазмунга эга бўламиз.

Нимаики мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси биргаликда сиз билан биз мансуб бўлган дунёни ифодалайди. Аммо табиат, жамият ва инсон тафаккурининг асосида ётувчи ва уларни бирлаштирувчи шундай бир умумлаштирувчи тушунча ҳам борки, у объектив оламнинг мазмунини ифода этади. Бундай тушунча ҳақидаги тасаввурлар бутун фан тарихи мобайнида ривожланиб келган. Дастлаб, бу умумлаштирувчи тушунча, нарсаларнинг асосида нима ётади, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб, субстанция (лотинча, substantia — ниманингдир асосида ётувчи моҳият деган маънони беради) деб аталди.

Субстанция — муайян нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ва жараёнларнинг хилма-хил кўринишлари ички бирлигини ифода этувчи ва улар орқали намоён бўлувчи моҳиятдир. Оламнинг асосида битта моҳият — субстанция ётади, деб ҳисобловчи таълимотни монизм деб аташади. Файласуфлар субстанция сифатида бирор жисмни, ҳодисани, материяни, Қояни ёки руҳни олишган. Субстанция сифатида моддий жисмларни, материяни олувчилар — материалистик монизм тарафдорлари. Ғояни, руҳни олувчилар эса — идеалистик монизм тарафдорлари ҳисобланадилар. Ш унингдек, оламнинг асосида ҳам моддий жисм ёки материя, ҳам Қоя ёки руҳ ётади деб ҳисобловчи файласуфлар дуалистлар (дуализм лотинча, dualis — иккиланган деган тушунчани англатади) деб

хисобланади. Арасту, Моний, Р. Декарт ва бошқалар дуалистлардир. Оламнинг асосида куп субстанциялар ётади деб хисобловчиларни эса плюрализм (лотинча pluralis — купчилик сузидан олинган) тарафдорлари деб аташади.

Оламнинг асосида ётувчи мохиятни ахтариш тарихи хам фаннинг узок утмишига бориб такалади. Масалан, Jадимги ўиндистон ва Хитойда, Миср ва Бобилда, Jадимги Урта Осиё ва Юнонистонда баъзи файласуфлар оламнинг асосида кандайдир модда ёки муайян унсур ётади, деб хисоблашган. Уларнинг баъзилари бу унсурни олов, бошкалари сув ёки хаво, айримлари эса — тупрокдан иборат деб хисоблашган. Баъзи бир фалсафий таълимотларда эса, оламнинг асосида — олов, хаво, сув ва тупрок ётади, барча нарсалар ана шу туртта унсурнинг бирикишидан хосил булган, дейилган.

Оламнинг асосида ётувчи субстанцияни ахтаришнинг яна бир йули нарсаларнинг таркибидаги булинмас энг кичик унсурни, яъни нарсаларнинг таркибидаги умумий субстрат (лотинча substratum — асос маъносини англатади) ни ахтаришдир. Бундай йуналишга мансуб окимлардан бири атомистик оким хисобланади. Масалан, Jадимги Юнон файласуфлари Левкипп, Эпикур, Демокрит ва Лукрецийлар нарсаларнинг ва бутун оламнинг асосида энг кичик булинмас унсурлар атомлар ётади, улар узларининг шакли, харакатланиши ва вазнлари билан бир-бирларидан фарк килади, деб хисоблашган.

Оламни англаш тугрисида турлича, хатто бир-бирига карама-карши карашлар мавжуд. Бундай карашлар одамларнинг оламга уз улчовлари билан карашлари окибатида пайдо булади. Биров учун олам яхши ва ёмон, оппок ва кора ранглардан ташкил топган, бошка рангларнинг булишини у тасаввурига хам сиКдира олмасли-ги мумкин. Бошкалар эса, оламни хилма-хил рангда, кирраларда куради. Улар ок билан кора оралиКида окимтирроқ ёки кораок ранглар хам булиши мумкинлигига эътибор килишади.

Олам тушунчаси кенг камровли ва кенг йуналишли тушунча булиб, маълум маънода вокеликка тизимли, яъни системали ёндошишни талаб килади. Масалан, элементар заррачалар олами тушунчаси одамга маълум булган ва хали маълум булмаган барча элементар заррачаларни камраб олади.

Агар биз яшаётган бутун коинотни элементар заррачалардан ташкил топган деб хисобласак, бу тушунча бутун коинотни хам акс эттириши мумкин. Ёки усимликлар олами тушунчасини

олайлик. Бу тушунчага фақатгина усимликлар киради, хайвонлар ва одамлар бу оламдан четда қолади.

Шу нуқтаи назардан олам тушунчаси нисбий моҳиятга эга. Баъзи кишилар олам деганда барча нарсаларни, жисмларни, ҳодисаларни қамраб олувчи универсал системани тушунади. Бу маънода олам космологик коинот тушунчасига мос келади. Айримлар уни чексиз ва чегарасиз, бошқалар эса коинот маъносидаги оламни чекланган объект сифатида талқин этади. Чексизлик ва чегарасизлик тушунчалари нисбий маънога эга, бир системада чексиз ҳисобланган объект бошқа системада чекли булиши мумкин ва аксинча.

Диний-космологик қарашларда олам илоҳий қудрат кучи билан яратилган деб талқин этилади. Бу оламнинг вақтда бошланиши борлигига, яъни унинг чекли эканлигига ишорадир. Ислом динидаги космологик қарашларда ун саккиз минг олам ҳақида гапирилади ва мазкур қараш буйича биз яшаётган моддий оламдан ташқари, ундан мустақил булган куплаб бошқа оламлар ҳам мавжуддир, дейилади.

ўзозирги замон космологиясида ҳам фанга асосланган бир қанча концепцияларда олам уткинчи, табиий равишда пайдо булган, деган Коя илгари сурилади. Бу нуқтаи назарларда оламнинг пайдо булишидан олдинги ҳолати □ҳеч нимаИ ва □йуқликИ тушунчалари билан изоҳланади. Англиялик олим Стивен Локинг □Олам вужудга келмасдан илгари нима булган?И деган саволнинг мантиқсизлигини, вақтнинг фақатгина келажакка йуналган оқимини ифодаловчи модели воситасида асослашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, бу шимолий қутб нуқтасидан туриб қараганда, ҳамма нуқталар фақат жанубга олиб борадиган ҳолатни эслатади. Бундай ҳолат оламнинг бошланКич ҳолатидир. Вақтнинг келажакка олиб борувчи йуналишигина мавжуд булган ҳолати оламнинг бошланишидир. Бу ҳолатда утмиш йуқ, фақат келажак мавжуд.

Олам ҳақидаги диний тасаввурлар унинг келажаги, яратилиши ёки утмишига оид мураккаб масалаларни, асосан, илоҳий қудратнинг ҳосиласи сифатида талқин этади. Динда оламни □бу дунёИ— уткинчи олам ва □нариги дунёИ— абадий оламга ажратиб тушунтиришади. Бу дунёдаги машаққатлари эвазига одам нариги дунёда роҳат-фароКатга муяссар булади, деган Кояга асосланилади.

Фан олам тугрисида узига хос фикр юритади. Унда оламга оид мураккаб масалаларни амалий тажрибалардан келиб чиқув-

чи мантиқий далиллар асосида исботлашга уринилади. Мавжуд илмий мантиқ доирасидан четга чиқувчи ҳодисалар эса изоҳланмайди. Айрим ажойибот ҳодисаларининг фан тадқиқот объектига киритилмаганининг сабаби ана шунда.

Фалсафа оламни изоҳлашда фаннинг, диннинг, санъат ва адабиётнинг, хуллас, фан билан биргаликда бошқа хилма-хил билимларга таяниб, умумлашган хулосалар чиқаради. Демак, фалсафадаги олам тушунчаси космологиядаги, диндаги ва бошқа билим соҳаларидаги олам тушунчаларига нисбатан бойроқ, сермазмунроқ ва кенгроқдир.

Оламнинг намоён бўлиш шакллари хилма хилдир. Фақат моддий жисмларнигина ўзига қамраб олувчи оламни моддий олам дейишади. Айрим кишилар уни жисмоний, яъни физик олам деб аташади. Одамнинг маънавий, руҳий дунёсини қамраб олувчи оламни маънавий олам дейишади. Айнан шу пайтда биз билан биргаликда мавжуд бўлган олам актуал олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиш имконияти бор ва бўлиши мумкин бўлган олам потенциал олам дейилади. Масалан, сизнинг бугунги кундаги талабалигингиз актуал оламга мансуб бўлса, келажакда мутахассис бўлиб етишишингиз эса потенциал оламга мансубдир.

Оламнинг мавжудлиги шубҳасиз бўлган ва барча эътироф этадиган қисми реал олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиши эҳтимоли бўлган олам виртуал олам деб аталади (виртуал сўзи лотинча virtualis — эҳтимолдаги деган маънони беради). Аниқ маълум бўлган олам конкрет олам дейилади, хаёлдаги, тасаввурдаги, идеалдаги олам образи абстракт олам дейилади.

Одамнинг кундалик ҳаётидаги ҳаммага маълум бўлган, тан олинган ҳаёти реал оламга мансуб бўлса, унинг хаёлий режалари виртуал оламга, унинг ўзи ва атрофидагилар конкрет оламга, келажакка йўналган орзу-умидлари эса абстракт оламга мансубдир. Одам ўз режаларини реал оламга асосланиб тузса, потенциал оламининг конкрет реалликка айланиш эҳтимоллиги ошади.

Одам оламда бошқалардан ажралиб, якқаю ягона бўлиб эмас, балки ижтимоий ҳаёт кечиради ва жамоа бўлиб яшайди. Одамлар жамоаси жамиятни ташкил этади. Одамлар жамиятдаги ўзаро муносабатлари, фаолиятлари, уй-хаёллари, идеаллари, мақсад ва маслаклари билан биргаликда ижтимоий оламни ташкил этишади. Одамнинг жамиятдаги бошқалар билан биргаликдаги ижтимоий фаолияти, уларнинг ҳар бирига хос бўлган такрорланмас индивидуал оламларига боқлиқдир. Индивидуал олам,

айни пайтда ташқи оламни ҳам, ижтимоий оламни ҳам акс эттиради, ўзида ифодалайди. Булар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Хуллас, олам ҳақидаги хилма-хил тасаввурлар мавжудликнинг энг умумий фалсафий тушунчаси шаклланишига асос бўлиб келди. Бундай тушунча борлиқ ҳақидаги тушунчадир.

Таянч тушунчалар

Олам, одам, монизм, дуализм, плюрализм, субстанция, субстрат, индивидуал олам, ижтимоий олам, реал олам, виртуал олам.

Такрорлаш учун саволлар

1. Олам тушунчасининг моҳияти ва мазмунини айтиб беринг
2. Оламнинг мураккаб тузилиши деганда нима тушунилади?
3. Реал, конкрет ва виртуал оламнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг?
4. Оламда одамнинг ўрни қандай?
5. Одам ва олам муносабатлари деганда нималар назарда тутилади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман: «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берилган жавоблар. — «Фидокор», 2000 йил 8 июн.
3. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.
5. Основы философии. (Под ред. Ахмедовой. М.А и Хана. В.С.) — Т: «Ўзбекистон», 1998.
6. Философский энциклопедический словарь. М. 1999.

2-мавзу. Борлиқ фалсафаси

Режа:

1. Борлиқ ва унинг мавжудлик шакллари.
2. Борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва реаллик.
3. Ўзаракат, фазо ва вақт, макон ва замон.
4. Борлиқ фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти.

Борлиқ тушунчаси. Файласуфлар қадим замонлардан буён □борлиқИва □йўқликИҳақида баҳс юритишган. Улар борлиқнинг вужудга келиши, моҳияти, хусусиятлари ва шакллари ҳақида куплаб асарлар ёзишган. Хуш, борлиқ нима? Бу савол бир қарашда жуда оддий куринган билан унга шу чоққача барча кишиларни бирдай қаноатлантирадиган жавоб топилгани йўқ. Бу ҳолат борликка турлича нуқтаи назарлардан қарашларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Масалан, айрим файласуфлар борлиқни моддийлик, моддий жисмлар билан боКлаб тушунтиришади. Уларнинг нуқтаи назарларича, борлиқ — объектив реалликнигина қамраб олувчи тушунчадир. У ҳолда фикр, инсон тафаккури, уй-хаёлларимиз борлиқ тушунчасидан четда қолар эканда, деган саволга улар, бундай тушунчалар объектив реалликнинг ҳосиласидир, деб жавоб беришади.

Фалсафанинг борлиқ ҳақидаги таълимотни изоҳлайдиган қисми — **онтология** деб аталади. (Бу тушунчани фалсафада биринчи бор Х. Вольф қуллаган). Олам ва борлиқ масалаларини фалсафанинг ана шу соҳаси ўрганади.

Йўқлик ҳеч нима демакдир. Ўз амма нарсани ҳеч нарсага айлантирувчи, ҳамма нарсанинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўкликдир. Бу маънода йўқлик чексизлик, ниҳоясизлик ва мангулик билан бирдир. Йўқлик чекинган жойда борлиқ пайдо бўлади. Демак, борлиқнинг бунёдкори ҳам, кушандаси ҳам йўкликдир. Борлиқ йўкликдан йўкликкача бўлган мавжудликдир. Йўкликни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Фанда йўқлик нима, деган саволга жавоб йўқ.

Борлиқ ҳақидаги концепциялар. Тарихдан маълумки, файласуфлар борлиқ ҳақида турлича Қояларни илгари суришган. Марказий Осиё тупроКида вужудга келган зардуштийлик таълимотида борлиқ қуёш ва оловнинг ҳосиласидир, алангаланиб турган олов борлиқнинг асосий моҳиятини ташкил этади, деб ҳисобланган. Чунки бу Қоя буйича, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракатнинг асосида олов ётади ва у борликка мавжудлик бахш этади.

Қадимги юнон файласуфи Сукрот борликни билим билан киёслайди ва унингча, бирор нарса, биз уни билсаккина бор булади, инсоннинг билими канча кенг булса, у шунча кенг борликни камраб олади, деб хисоблайди.

Қадимги дунёнинг атомист олими Демокрит борлик атомлар мажмуасидан иборат деб тушунтирган. Унинг фикрича, борликнинг мохияти унинг мавжудлигидадир. Мавжуд булмаган нарса йуклиқдир.

Ислом таълимотида эса борлик бу илохий вокеликдир. Яъни у Оллох яратган мавжудликдир. Бу борада вахдати вужуд ва вахдати мавжуд таълимотлари булган.

Ислом динига мансуб мутафаккирлар борлик хакидаги таълимотни хар тарафлама ривожлантирганлар. Масалан, Форобий фикрича, илк борлик азалий Оллохнинг узидир. Беруний фикрича, борлик шундай умумийликки, у хамма нарсанинг асосида ётади, демак, борлик хамма нарсанинг асосидир. Европада утган олимлар Давид Юм ва Жорж Беркли борликни сезгиларимиз мажмуаси деб талкин этишган.

Ўегел эса борликни мавхумлик, мутлак рухнинг намоён булиши, деб таърифлайди. Купгина натурфалсафий карашларда борликни хозирги замон билан, яъни шу актуал оламга боКлаб тушунтирдилар.

Аслида, борлик кенг фалсафий тушунча булиб узига бутун мавжудликни, унинг утмиши, хозир ва келажагини хам камраб олади. Файласуфлар борликни тушунтириш учун йуклик тушунчасини унга антипод килиб олишган ва шу асосда борликнинг зарурий мохиятини очишга интилганлар. Материалистик адабиётларда борликни объектив реаллик билан, материя билан айнанлаштириб тушунтиришади.

Борлик узига объектив ва субъектив реалликни, мавжуд булган ва мавжуд буладиган оламларни, моддийлик ва маънавийликни, утмиш ва келажакни, улимни ва хаётни, рух ва жисмни камраб олувчи умумий тушунчадир.

Борлик ва мавжудлик. Атрофимиздаги одам, олам, табиат, жамият, тафаккур, Коялар, уй-хаёлларимиз барчаси бирдай мавжуддир, улар турли тарзда ва шаклларда намоён булиб, хаммаси мавжудлик белгиси остида умумлашиб, борлик тушунчасига киради.

Материалистик мазмундаги борлик тушунчаси таърифига факат объектив реал олам, онгдан ташкаридаги, унга боКлик булмаган жисмоний мохиятга эга булган нарсаларгина киритилади. Борликнинг идеал, виртуал, потенциал, абстракт, маънавий шакллари бу таърифдан ташкарида колади.

Аслида эса, борлиқ категорияси умумий абстракция бўлиб, мавжудлик белгиси билан барча нарса ва ҳодисаларни ўзига қамраб олувчи ўта кенг тушунчадир. У ўзига нафақат объектив реалликни, балки субъектив реалликни ҳам қамраб олади.

Борлиқ мавжудлик ва реаллик тушунчаларига қараганда ҳам кенгроқ тушунчадир. Мавжудлик — борлиқнинг ҳозирги пайтда намоён бўлиб турган қисми бўлиб, ўтган ва мавжуд бўладиган нарса ва ҳодисалар ҳам борлиқ тушунчасига киради. Реаллик эса, мавжудликнинг ҳаммага аён бўлган, улар томонидан тан олинган қисми. Борлиқ ўзига реалликни ҳам, мавжудликни ҳам қамраб олади. Анъанавий фалсафий қарашларда борлиқнинг учта соҳаси ажратиб кўрсатилади. Уларга: табиат борлиқи, жамият борлиқи, онг борлиқи киради. Булар учун энг умумий белги, уларнинг мавжудлигидир.

Шунингдек, фалсафий адабиётларда табиат борлиқи ва жамият борлиқининг қуйидаги шакллари ҳам фарқланади. **Табиат борлиқи** одатда табиатдаги нарсалар (жисмлар), жараёнлар, ҳолатлар борлиқи сифатида тушунилади. У иккига бўлинади: азалий табиат борлиқи (ёки табиий табиат борлиқи, у инсондан илгари ва унинг иштирокисиз ҳам мавжуд бўлган) ва одам меҳнати билан ишлаб чиқарилган нарсалар борлиқи (□иккинчи табиатИборлиқи, яъни маданият). Иккинчи табиат борлиқи эса, ўз навбатида, қуйидаги қуринишларда учрайди:

- **инсон борлиқи** (инсоннинг нарсалар оламидаги борлиқи ва одамнинг ўзига хос бўлган инсоний борлиқи);

- **маънавий борлиқ** (индивидуаллашган ва объективлашган маънавий борлиқ);

- **социал борлиқ** (айрим одамнинг тарихий жараёндаги борлиқи ва жамият борлиқи), у ижтимоий борлиқ ҳам деб аталади.

Борлиқнинг моддий шакли материя ўзига барча жисмларни, ҳодисаларни, жараёнларни ва уларнинг хусусиятларини қамраб олади. Бундан ташқари у тафаккурни ҳам, оламда мавжуд бўлган барча алоқадорликларни ва муносабатларни ҳам қамраб олувчи умумий фалсафий тушунчадир. Борлиқнинг моддий шаклига хос умумийликни ахтаришнинг бир йўналиши моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш йўли бўлиб, юқорида қайд этганимиздек, субстанцияни аниқлаш йўлидир. Иккинчи йўл эса — моддий оламнинг асосий таркибига кирувчи □курилиш элементларинИ субстратни ахтариш йўли. Учинчи йўл — ҳамма нарсанинг вужудга келтирувчи бош сабабчисини, ота

моддани, яъни праматерияни ахтариш йули. Мана шу йул хакида махсус тухтаб «тайлик.

Оламнинг субстанциясини ахтаришнинг бу усули гуёки мева истеъмол килаётган киши, унинг келиб чикишини ахтариб, дастлаб дарахтга, сунгра унинг гулига, баргига, кучатига ва уруКига назар солганидек, атрофимиздаги моддий оламнинг узагида дастлабки яратувчи модда сифатида нима ётишини, яъни илк материяни, азалий материянинг □бобоколонииИ, □праматерияниИахтариш усулидир.

Моддий оламнинг асосида ётувчи умумий мохиятни ахтариш фалсафада материя хакидаги тасаввурларнинг майдонга келишига ва ривожланишига сабабчи булди. Материя тушунчаси моддий унсурга нисбатан хам, атомга нисбатан хам, праматерияга нисбатан хам умумийрок булган тушунчадир. Материя оламдаги барча моддий объектларни, бутун объектив реалликни ифода этувчи энг умумий тушунчадир. Файласуфлар □Том маънодаги материя факат фикрнинг махсули ва абстракциясидирИдеб ёзишади. Файласуфлар барча моддий объектларга хос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун куллайдиган тушунча материя деб аталади. Демак, материя моддий объектларга хос энг умумий тушунча, фалсафий категориядир.

Албатта бу таърифларни бир ёклама мутлаклаштириб тушунмаслик лозим. Бу таърифларда купрок сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этиши мумкин булган реаллик назарда тутилган.

XX асрнинг урталарига келиб, квант механикаси, нисбийлик назарияси ва хозирги замон космологияси сохаларидаги илмий ютуклар кишиларнинг объектив олам хакидаги тасаввурларини тубдан узгартириб юборди. Натижада, табиатшунос олимлар сезгиларимизга бевосита таъсир этишининг имкони булмайдиган реалликлар хакида хам тадкикотлар олиб бора бошлади.

Оламнинг классик механика нуктаи назаридан келиб чикиб, нисбатан кичик тезликда харакатланувчи системалар хакидаги илмий манзараси урнини янгича илмий манзаралар эгаллай бошлади. Бу эса материя хакидаги тасаввурларнинг янада ривожланишига шароит туКдирди. Бу узгаришларни хисобга олиб, марксист-файласуфлар бу таърифга сезгиларимизга бевосита ёки билвосита (яъни турли асбоблар; курилмалар воситасида) таъсир этувчи, деган кушимча киритишди. Шундай килиб, бу таъриф гуё материянинг моддавий ва номоддавий шаклларини, яъни модда ва антимодда куринишларини камраб олувчи таърифга айланди.

Материалистлар материяни объектив реаллик, деб таърифлашади. Объектив реаллик инсон сезгиларига боқлиқ бўлмаган ҳолда, ундан ташқарида мавжуд бўлган воқеликдир. Бу бутун мавжудликнинг субъектив реалликдан ташқаридаги қисми ҳисобланади. Объектив реалликнинг мавжудлиги қандай намоён бўлади? Бу саволга жавоб топишда, борлиқнинг ажралмас хусусиятларини ўрганишга тўғри келади. Ўзар қандай жисмнинг ажралмас хусусияти лотинча «атрибут» сўзи билан аталади.

Борлиқнинг атрибутлари. Муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусиятлари унинг атрибутлари бўлади. Борлиқнинг ҳам бир қанча атрибутлари мавжуддир. Улар: ҳаракат, фазо, вақт, инъикос, онг ва бошқалар. Борлиқ ўзининг хоссалари, хусусиятлари орқали намоён бўлади. Энди борлиқнинг атрибутлари, яъни ажралмас туб хусусиятлари ҳақида тўхтаб «тайлик.

Ўзаракат. Борлиқнинг атрибутлари ичида унинг асосий мавжудлик усулини ифода этувчи хусусияти ҳаракат ҳисобланади. Чунки борлиқ ҳаракатсиз ўзининг структуравий яхлитлигини сақлай олмайди.

Буни моддий борлиқ мисолида қараб чиқайлик. Фараз қилинг, қаршимизда бирор жисм турибди. Агар ҳаракат бўлмаганида эди, ёруғлик нурлари шу жисмга урилиб бизга қайтмаган бўлар эди, яъни биз уни кўрмаган бўлар эдик. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган молекулалар, атомлар, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди. Натижада бу жисмнинг структуравий бирлигига путур етган бўлар эди. Теварак-атрофимиздаги предметлар ва ҳодисалар ҳаракат туфайли ўзининг муайян тартибини ва бирлигини сақлаб туради, шу туфайли, ўсиш, улғайиш, равнақ топиш, ривожланиш мавжуддир.

Ўзаракат, бир томондан, моддий жисмлар ўртасидаги ва уларни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги алоқадорликларнинг натижаси, бошқа томондан эса, улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам фалсафанинг ҳаракат бу умуман ҳар қандай ўзгаришдир, дейилган таърифи жуда ўринлидир. Ўзаракатнинг манбаи ҳақида гап кетганда, ана шу ўзгаришларнинг асосида ётувчи ўзаро таъсирлар ва улар орасидаги муносабатлар назарда тутилади.

Демак, ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи шу системадаги ички ўзаро таъсирлар экан, ҳар қандай жисмнинг мавжудлигини, энг аввало, унинг ички алоқадорликлари таъминлайди.

ўаракатнинг турлари хакидаги мулохаза, асосан, узгаришларнинг хусусиятига асосланган. Узгаришлар оддий фазовий силжишдан тортиб, мураккаб ижтимоий узгаришларгача такомиллашиб борган. Шу туфайли харакатга факатгина фазовий силжиш, деб карамаслик лозим. Бундай караш оламдаги барча жараёнларга механик харакат нуктаи назаридан ёндашишни вужудга келтиради. Аслида оламда узгаришнинг хилма-хил куринишлари мавжуд булиб, улар бир-биридан сифатий фарк килади.

Механик, химиявий, биологик, физик узгаришлар билан ижтимоий узгаришларни асло таккослаб булмайди. Тугри, бу узгаришлар учун умумий булган фазовий силжишлар харакат шаклларининг хаммасида хам, у ёки бу куринишда намоён булиши мумкин. Лекин хамма узгаришни хам, факатгина фазовий силжишдан иборат, деб булмайди. Масалан, Ернинг Jуёш атрофидаги, Ойнинг Ер атрофидаги харакатини фазовий силжишнинг яккол куриниши дейишимиз мумкин. Лекин Ер баКрида руй бераётган мураккаб геологик жараёнларни, Ер сиртидаги биосферанинг яшаш усулини биргина механик силжиш билан изохлаб булмайди. ўаракатнинг шакли канчалик мураккаб булса, у билан боКлик булган узгаришлар хам шу кадар мураккаб булади. Материянинг ташкилий структура даражаси канчалик юкори даражада булса, унда фазовий силжиш хам шу кадар кам сезилади.

Узгаришларнинг шундай бир шакли борки, уни фалсафада ривожланиш деб аталади. **Ривожланиш** бу — муайян системанинг муайян вакт ва фазодаги яхлит, комплекс, оркага кайтмайдиган, илгариланма йуналишга эга булган, микдорий ва сифатий узгаришидир.

Шу жихатдан харакатнинг икки хил тури бир-биридан фарк килинади. ўаракатнинг биринчи тури жисмда унинг сифати ва турКунлигини саклаган холда руй берадиган ички узгаришларни уз ичига олади. Яъни хар кандай жисмда бетухтов ички узгаришлар руй бериб туради, лекин бу узгаришлар шу жисмнинг ташки сифатига жиддий таъсир курсатмайди.

Атрофимизни куршаб турган хар бир жисм молекулалардан, молекулалар эса атомлар ва элементар заррачалардан ташкил топган экан, бу жисмларнинг молекуляр ва атом тузилиш даражасида хам бетухтов узгаришлар руй бериб туради. Шунингдек, хар бир жисм узининг атрофидаги бошка жисмларнинг ва улардан таркалаётган нурланишларнинг таъсирига хам учраб туради. Бундай ташки таъсирларни узида инъикос эттириш жараёнида руй берадиган узгаришлар хам бу жисмнинг сифатий узгариб

кетишига олиб келмаслиги, унинг турКунлиги ва асосий сифати сақланиб қолиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Биз юқорида қайд этган ички ва ташқи таъсирлар оқибатида руй берувчи ўзгаришлар аста-секин тўпланиб, кейинчалик жисмда кескин сифатий ўзгаришнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шундай ўзгариш, яъни жисмнинг сифатини ўзгартирувчи ҳаракат иккинчи турдаги ҳаракатга киради ва у ривожланиш деб аталади.

Ривожланиш жараёни ҳам икки турда бўлади. Биринчи турдаги ривожланиш бўйича, жисмда ҳар қандай сифатий ўзгариш руй беришига қарамасдан, уни ташкил этган материянинг сифатий тузилиш даражаси ўзгармасдан қолаверади.

Масалан, нотирик табиатга мансуб бўлган J уёшдаги равожланишни олиб қарайлик. Олимларнинг тахминларига кўра, ҳозир сиртида 6 минг, ичида эса бир неча млн. даражали ҳароратга эга бўлган J уёш бориб-бориб совийди ва қизил гигантга айланади, яъни J уёшнинг марказидаги термоядро энергияси сўнгач, ички зичлиги пасаяди ва марказдаги тортишиш қуввати сусаяди. Оқибатда J уёш шиша бошлайди ва Ер орбитасини ҳам ўз ичига олган улкан қизил юлдуз вужудга келади, у аста-секин совиб, қизил карликка, сўнгра эса □қора карликкаИ, кейин бўлса нейтрон юлдузга айланади. Бундай ўзгаришлар натижасида борликнинг ташкилий структура даражаси ўзгармайди, яъни жонсиз табиат шаклидаги даражаси сақланади.

Жонли табиатнинг вужудга келиши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши, одамнинг шаклланиши, жамиятнинг вужудга келиши сингари сифатий ўзгаришлар эса, ривожланишнинг иккинчи турига киради.

Фалсафа фанида ҳаракатнинг бир-биридан сифатий фарқ қилувчи бир қанча бошқа шакллари ҳам урганилади.

Материалист бўлган файласуфлар ҳаракат шаклларини туркумлаганида, қуйидаги мулоҳазаларга таяниб иш юритадилар:

1) ҳаракат шакллари бир-бирлари билан сифат жиҳатидан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиши даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади;

2) материянинг ҳаракат шакллари бир-бири билан генетик жиҳатидан, келиб чиқиши жаҳатдан кетма-кет боКланган, яъни ҳаракатнинг мураккаброқ шакллари унинг нисбатан соддароқ шаклларидан келиб чиққандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибидаги қуйи шакллари унинг юқори шаклларига ҳам мансубдир, аммо ҳаракатнинг

юкори шакли узидан куйи шаклдаги харакатга мансуб эмасдир. Шу мулохазаларга таянган холда, харакатнинг бешта шаклини ажратиб олиш мумкин. Улар — механик, физик, химиявий, биологик ва ижтимоий харакатлардир.

Фалсафада харакат шаклларини туркумлашнинг бир канча бошка куринишлари хам бор. Айрим олимлар харакат шаклларини хар бир фаннинг номи билан боКлаш керак, деб хисоблашади. Бундай карашнинг хатолиги шундаки, фанларнинг купчилиги харакат шаклини эмас, балки микдорий муносабатлар ва холатларни акс эттиради. Масалан геодезия ёки геометрия, тригонометрия ёки топография, чизикли алгебра кандай харакат шаклини урганади? Кибернетика эса хам табиатда, хам жамиятда амал килувчи бошкариш жараёнларини урганади, яъни бу фан битта эмас, балки бир канча харакат шаклларини камраб олади.

Ўаракат шаклларини турлаш буйича куйидаги табиий-илмий концепция хам диккатга сазовордир. Мазкур концепция буйича харакат шакллари куйидагича турланади: физик харакат (элементар заррачалар, майдон ва атомларнинг харакати), химиявий харакат (атомлар ва молекулаларнинг харакати) ва бунда харакатнинг ривожланиши икки йуналишга ажралади, 1) харакат ривожланишининг юкори йуналишида биологик харакат шакланади; 2) харакат ривожланишининг куйи йуналишида эса геологик харакат шаклланади, биологик харакатнинг тараккиёти ижтимоий харакатга олиб боради.

Яна бир бошка концепцияда эса харакат борликнинг ташкилий тузилиш даражаларига мос равишда турланган. Бу концепцияда харакат шакллари учта синфга ажратилади: нотирик табиатда — элементар заррачалар ва майдон харакати, тирик табиатда — хаётнинг намоён булиши, жамиятда — одамнинг фаолияти.

Ижтимоий харакат бизга маълум булган харакат шакллари ичида энг мураккаби булиб, унда инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гурухларнинг фаолияти, узаро муносабатлари, жамият микёсидаги ижтимоий фикр биргаликда харакатга келади. Бу харакатни чизикли, батартиб харакатлар билан мутлако таккослаб булмайди. Унинг келажагини башорат килиш хам ута мураккабдир.

Борликнинг асосий яшаш шаклларига фазо ва вакт киради. **Фазо** нарсаларнинг куламини, хажмини, узаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, **вакт** ходисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди.

Маълумки, хар кандай моддий жисм жойга, куламга, хажмга эга. Фазо — вактнинг муайян лахзасида оламни ташкил этган нукталарнинг узаро жойлашиш тартибини акс эттирса, вакт эса фазонинг муайян нуктасида руй берувчи ходисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди.

Фазо ва вакт тушунчалари, куп холларда, форсий тил таъсирида ёзилган адабиётларда макон ва замон деб хам аталади. Бу тушунчалар фазо ва вактнинг ташки, нисбий хусусиятларинигина акс эттиради, холос. Фазо нарсалар жойлашадиган жой маъносида, вакт эса ходисалар булиб утадиган муддат маъносида ишлатилади.

Фазо ва вактни тушуниш б«йича субстанциал ва реляцион ёндашишлар мавжуд. Субстанциал концепция тарафдорлари фазони нарсалар жойлашадиган идиш, бушлик деб билишади. Уларнинг фикрича, хамма нарса фазо ичига жойлаштирилган. Фазо узига нарсаларни сиКдирувчи субстанция. ўеч нарсаси йук, яъни нарсалар солинмаган фазо хам булиши мумкин, дейилади. Реляцион концепция тарафдорлари эса, нарсалар фазовий улчамга эга, дейишади.

ўеч нарсасиз фазонинг булиши мумкин эмас. Бу фаркни релятивистик физика асосчиси Альберт Эйнштейн шундай тушунтирган эди. Фараз килиб, бир казарма солдатларни куз олдингизга келтиринг. Илгариги, Ньютон физикасига кура, солдатлар чикиб кетиши билан казарма буш колади, ана шу субстанциал концепциядаги фазодир. Янги физикага кура, солдатлар чикиб кетиши билан казарма хам йуколади. Бу реляцион концепциядаги фазодир.

Фазо ва вактнинг хусусиятлари. Фазо ва вакт борлик микдорий ва сифатий жихатларни ифодалашига караб, метрик ва топологик хусусиятларга эга. Фазо ва вактнинг метрик хусусиятлари борликнинг микдорий муносабатларини акс эттириб, улчанадиган, кузга ташланадиган ва нисбий табиатли хусусиятларидир. Уларга кулам, бир жинслилик, изотроплик (анизотроплик) каби хусусиятлар киради.

Фазо ва вактнинг топологик хусусиятлари эса, борликнинг туб сифатий жихатларини ифодалайди. Бундай хусусиятларга узуксизлик, боКланганлик, улчамлилик, компактлик, тартибланганлик сингари хусусиятлар киради. Вактнинг топологик хусусиятларига оркага кайтмаслик, бир улчамлилик каби хусусиятлар кушилади.

Фазо (вакт) нинг метрик узгаришлари борлик структурасини жиддий узгартира олмайди, топологик узгаришлар эса борликнинг сифатий узгаришига сабабчи булади. Масалан, бир боК-

ланган системанинг куп боКланган системага утиши фазо топологиясини тубдан узгартиради, яъни фазонинг икки нукгасини туташтирувчи турлича йуллар пайдо булади. Бундай фазода катта идишнинг ичига кичик идишни сиКдириш мумкин булади. Улчам даражаси куп булган система улчов даражаси кам булган системага нисбатан куринмас ва мураккаб булади. Шунингдек, фазо ва вакгнинг метрик хусусиятларини кучли узгариши топологик хусусиятларининг узгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, фазонинг эгрилик даражаси кучли узгарса, бир боКланган фазо куп боКланган фазога айланиши мумкин.

Асосий тушунчалар

Борлик, йуклик, мавжудлик, реаллик, материя, харакат, ривожланиш, фазо, вакт.

Такрорлаш учун саволлар

1. Борлик ва йуклик тушунчалари тугрисида нималарни биласиз?
2. Мавжудлик ва реаллик нима?
3. ў аракат ва унинг асосий шакллари тугрисида сузлаб беринг.
4. Фазо ва вакт, макон ва замон кандай маъноларни англатади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йук. — Т.: □ШаркИ, 1998.
2. Каримов И. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман: □ФидокорИ газетаси мухбири саволларига берган жавоблар. – □ФидокорИ 2000 йил 8 июн.
3. Основы философии. — Т: □УзбекистонИ, 1999.
4. Канке В.А. Философия. — М: □ЛогосИ, 1999.
5. Философский энциклопедический словарь. М. 1999.

3-мавзу. Табиат фалсафаси

Режа:

2. Табиат, унинг тузилиши ва ривожланиши.
3. Табиат ва жамият, уларнинг узаро алокаси.
4. Ердаги хаёт ва биосоциал эволюция.
5. Табиатни фалсафий тушунишнинг ахамияти ва экологик тарбия.

Табиат ва жамият хакидаги конкрет фанлар борликнинг уз предметларига мос келувчи муайян хусусиятларинигина урганади. Борликнинг умумий хоссалари хакида эса, фалсафа фани тадкикот олиб боради.

Табиат объектларининг тузилиши хакида. Бизнинг теварак-атрофимизни хилма-хил куринишдаги, шаклдаги турли-туман моддий объектлар ураб олган. Улар турли хил хоссаларга ва хусусиятларга эгадир. Бир пайтлар хамма жисмлар материянинг булинмас шакли атомлардан ташкил топгандир, деган тасаввур хукмрон эди. Атомларнинг мураккаб тузилганлиги хакидаги фаразлар бизнинг асримизга келиб узил-кесил тасдикланди.

Ўзирги замон фанларининг хулосаларига кура, атрофимиздаги хар кандай жисм молекулалардан ташкил топган, молекулалар эса атомлардан тузилган. Атомлар мураккаб тузилган ядро ва электрон кобиклардан иборат. Атомнинг электрон каватлари бир-биридан ва атом ядросидан муайян узокликда жойлашган булади. Энг содда атом хисобланувчи водород атомининг ядроси битта протондан, мураккаброк атомларнинг ядроси эса, протон ва нейтронлардан ташкил топади, протон ва нейтронлар кваркклар ва уларни туташтириб турувчи глюонлар (глюон-ёпиштирувчи деган маънони беради) дан ташкил топгандир.

Протон ва нейтрон нуклонлар (лот. nucleus — ядро, узак) хисобланади, нуклонлар ва хиперон (юн. hiper-устида, юкоридан ташкари) лар, барионлар (юн. barys-оКир) дейилади. Булар оКир заррачалар сифатида кучли узаро таъсирлар майдонида булиб, адронлар (юн. adros-кучли) группасига мансуб.

Органик ва анорганик моддалар молекула тузилиши билан бир-биридан фарк килади. Жонли организмлар органик моддалардан ташкил топган б«лади. Жонли организмларнинг таркиби

асосида ҳужайралар ва ҳужайра системалари ётади. Ер шари атрофини қуршаб турувчи биосферани бир бутун жонли система деб олиш мумкин. Микроорганизмлар, ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси ва инсоннинг ўзаро алоқадорликлари бу биосферанинг мавжудлигини таъминлаб туради.

Ер шари ва ўз атрофида ҳаракатланувчи Ой билан бирга йилда бир марта Ҷуёш атрофини айланиб чиқади. Бу система ҳам биосферага ўз таъсирини ўтказади. Ер юзида минтақаларнинг фарқ қилиши, фаслларнинг алмашинуви ана шу система ҳаракати билан боҚлангандир. Ҷуёш ва унинг атрофида ҳаракатланувчи сайёралар, уларнинг йўлдошлари, астероидлар, метеоритлар, кометалар ва кичик планеталар биргаликда Ҷуёш системасини ташкил этади. Ҷуёшдан энг узоқда жойлашган планета Плутон унинг атрофини 247 ярим йилда бир марта тўлиқ айланиб чиқади, яъни Ер йили — 365,25 кунга тенг бўлса, — Плутон йили 247та Ер йилига тенгдир.

Ҷуёш системаси миллионлаб юлдузларни ўз ичига олувчи Галактика (Сомон йўли) таркибига киради. Унинг диаметри 94,6 млн. ёруқлик йилига тенг. Ундан кейинги система галактикалар тўпи бўлиб, унинг диаметри 1 мегапарсекка тенг, у 30 тагача галактикани ўз ичига олади (1 парсек (3,26 ё. й). Кейинги система — галактикаларнинг маҳаллий тўпи, унга 2 та гипергалектика ва 27 та митти галактикалар киради. Мажмуада 500 тагача галактика бўлади, унинг диаметри -5 мегапарсек. Галактикалар мажмуаси галактикаларнинг ўта мажмуасига бирлашади, унинг диаметри 40 мегапарсек бўлиб, ўзида 10 мингдан зиёд галактикани бирлаштиради. Ўта йирик мажмуалар коинотнинг бошқа структуравий бирликларига киради. Коинотнинг радиуси эса 15 — 20 млрд. ё.й. тенгдир.

Бу системаларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, борликнинг моддий куринишларини турли хил структура даражаларига ажратиш мумкин.

Сифатий жиҳатдан материя икки хил шаклда, куринишда учрайди: моддасимон ва номодда куринишида. Материянинг моддасимон куринишдаги шакллари иккига, модда ва антимоддага ажралади. Булар бир-бири билан чамбарчас боқланган бўлиб, улар тукнашганда кескин сифатий ўзгариш руй беради, яъни модданинг моддавий куриниши номоддавий куринишга

айланади. Материянинг номоддавий куриниши хам икки хил шаклда учрайди: майдон ва нурланиш. Муайян майдондаги нурланишлар физик вакуумда (физик вакуум физик жисмлардан холи булган жой) моддий заррачаларнинг хосил булишига имкон беради. Хуллас, булар хам бир-бири билан чамбарчас боКлангандир. Материянинг биз юкорида кайд этган куринишларидан бошкача куринишдаги турлари хам булиши мумкин. Уларнинг табиати хали фанга маълум эмас. Агар биз борликнинг моддий куринишларини тузилиши жихатидан туркумлаштирсак, борликнинг структура даржалари хакидаги хулоса хосил булади.

Табиат борликининг структура даражалари. Биз теварак атрофимизга назар ташласак, умуман борликка эмас, балки, муайян жисмларга, нарса ва ходисаларга кузимиз тушади. Сиз билан биз инсон сифатида Ер шарида истикомат киламиз, узимизга мос келувчи улчовлар билан иш юритамиз. Биз одатланган улчовдаги катталикларни макроскопик катталиклар, деб хисоблаймиз ва бу **макродунё**ни ташкил килади.

Шу нуктаи назардан борликнинг структура даражаларини микёсий-структура ва ташкилий-структура даржаларига ажратамиз. Борликдаги объектлар микёси билан фарк килувчи учта микёсий структура даражаларига ажралади. Улар: микродунё, макродунё ва мегадунё. **Микродунё** атом микёсидан кичик булган дунёдир. Бу дунёга атом структураси ва элементар заррачалар, атом ядроси, кварклар, кернлар киради. Бу дунёнинг яхлитлигини ва турКунлигини саклаб турувчи иккита фундаментал куч мавжуддир, улар кучли ва кучсиз ядровий узаро таъсирлардир.

Кучли узаро таъсирлар атом ядросининг структуравий яхлитлигини саклаб турса, кучсиз узаро таъсирлар атом структурасининг яхлитлигини таъминлайди. Молекулалар тузилишидан тортиб, Ер шарининг яхлитлигини саклашгача хизмат килувчи куч электромагнит узаро таъсирларидир.

Электромагнит узаро таъсирлари туфайли молекулали бирикмалар ва Ердаги барча хаётий жараёнлар узининг структуравий бирликларини саклайди. Агар электромагнит узаро таъсирлари булмаганда эди — Jуёш нурлари (яъни электромагнит нурланишлари) Ерга етиб келмаган булар эди ва Ерда хаётий жараёнлар шаклланмаган булар эди.

Ер, унинг табиий йулдоши Ой ва бошка сайёралар Қуёш атрофида харакатланади. Бу системанинг ва умуман бутун Коинотнинг структуравий яхлитлиги эса гравитацион узаро таъсирлари туфайли сакланади. Гравитацион узаро таъсирлари бирик-тириб турган дунё — **мегадунё** деб аталади.

Улар бир-бири билан чамбарчас боКлангандир, шунингдек, улар бир-бирига алмашиниши хам мумкин. Ўзозир мегадунё хисобланган коинотимиз бундан 15-20 млрд. йил мукаддам ута кичик микроскопик объект булган, деган тахминлар бор. Шунингдек, биз микрообъект деб хисоблаётган элементар заррача нейтрон узининг ичида миллиардлаб юлдуз ва галактикаларига эга булган бутун бошли Коинот булиши ва аксинча, диаметри бир неча миллиард ёруКлик йилига тенг булган улкан Коинотимиз хам четдан кузатаётган кишига ута кичик элементар заррача хисобланиши хам мумкин. Борликнинг структуравий тузилишини унинг сифатий ривожланиши нуктаи назаридан олиб карасак, моддий олам бу холда хам учта даражага ажралади. Унинг ташкилий структура даражаларини: анорганик дунё (нотирик табиат), органик дунё (тирик табиат) ва ижтимоий дунё (жамият) га ажратилади. Улар бир-биридан хилма-хиллиги, уюшганлиги, нисбий мустакиллиги ва фаоллиги билан фарк килади.

Анорганик дунё ёки нотирик табиатда физикавий ва химиявий алокадорликлар хукмронлик килади, шу туфайли нотирик табиатдаги конуниятлар шу табиат фанлари доирасида чекланган булиб, тирик дунёга нисбатан пассив ва ташкилий уюшганлиги паст даражада булади.

Тирик табиатда яъни органик дунёда эса биологик алокадорликлар хам катнашганлиги сабабли унинг уюшганлик даражаси юкорирок, фаолрок ва мураккаброк тузилган булади.

Ижтимоий дунё даражасида эса, юкорида айтилган алокадорликлардан ташкари, жамиятга хос булган ижтимоий алокадорликлар хам иштирок этади. Бундай дунёнинг тузилиши нихоятда мураккаб булиб, борлик бу даражада узининг ута уюшганлигини, нисбий мустакиллигини ва юкори даражада фаоллигини намойиш килади. Бу дунёнинг структуравий элементи булган хар бир инсон жамиятга хос булган барча алокадорликларни узида акс эттиради ва ижтимоий муносабатларда, алокадорлик-

ларда онгли равишда, максадга биноан, муайян мулжалларни олдиндан белгилаган холда харакат килади.

Бу борада оддий бир мисол келтирайлик. Масалан, кулингиздаги китобни хам хар хил, бир-бирига ухшамайдиган, аммо бир касбдаги олим ва мутахассислар ёзишган. Агар сиз, масалага иж тимоий дунёнинг тузилиши нуктаи назаридан бахо бермокчи булсангиз, унда мазкур китобнинг кайси кисми кандай ёзилгани, кимнинг кандай фикрлаши, мавзуни содда ва халкчил тушунтира олиши ёки мураккаб тилда баён килишига эътибор беринг. Шунда масала бироз ойдинлашади. Худди шундай холни сизга турли фанлардан дарс бераётган укитувчилар мисолида хам кузатишингиз мумкин. Кейин эса, узингиз ва уртокларингизнинг дарсларга, китобларга, уларни узлаштириб, укиб ва укиб олишга, хаётга муносабатингизга виждонан бахо бера олсангиз, бу борадаги мураккаб жараёнларни муайян дараж ада тугри англаб олишингиз мумкин. Ўолбуки бу — борйуКи сиз, укитувчиларингиз ва мазкур китобни ёзган кишилар хаётининг кичик бир кисмидаги жараёнлар, холос. Ўаёт эса нихоятда мураккаб, унда бир вактнинг узида, бирваракайига канчадан-канча вокеа ва ходисалар кечади. Масалан, сиз хозир ана шу сатрларни укияпсиз, жисмингиз ва хаёлингизда, атрофингизда, сиз билан бирга яшаётган, сиз биладиган ва билмайдиган одамлар жисми, онги ва калбида не-не узгаришлар, жараёнлар кечмокда... Демак, табиат доимий узгаришда ва харакатда, бир холатдан иккинчи холатга утишда, ривожланишда ва тараккиётда. Сиз ва бизнинг умримиз эса, ана шу чексизликнинг бир лахзаси, жисмимиз ва жонимиз хам азалий ва абадий узгаришлар жараёнидаги оламнинг муж изасидир. Бу оламда айнан сиз ва бизнинг дунёга келганимиз хам ана шундай муж изадир. Биз эса мана шу ёруК оламда утганларнинг келаж акдаги авлодлар билан боКланишида бир халкамиз, холос ва айнан ана шундай булганлиги учун хам табиат, жамият, ривожланиш ва тараккиёт каршисида доимий карздормиз. Бу карздорлик дунёга бизгача келганлар ва кетганлар, келадиганлар ва келмайдиганлар, кела олганлар ва кела олмаганлар рухи каршисидаги чукур масъулият хиссидир.

Инсон томонидан ном куйилган дунёлар хеч качон бир-биридан аж ралиб, алохида холда мавж уд булмаган. Улар хам бир-бири билан узвий алокадорликларда булади ва уларнинг бири иккинчисидан келиб чикади. Одатда, камрок алокадорликларга эга булган система унга нисбатан купрок алокадорликларга эга булган

системага қарганда мураккаброқ ва ташкилий жиҳатдан уюшганроқ бўлади. Бу ерда ҳам ана шу қоида амал қилади.

Анорганик дунёда инъикоснинг энг содда ва қуйи шакли — механик инъикос фаолият кўрсатса, органик дунёда унга нисбатан мураккаброқ куринишдаги биологик инъикос намоён бўлади. Бундай инъикоснинг ўзига хос бўлган томони танловчанлик, сесканувчанлик ва мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишдир, жамиятда эса, инъикоснинг энг олий шакли социал инъикос фаолият кўрсатади. Бу инъикос ўзида инъикоснинг бошқа шаклларини ҳам қамраб олган бўлади. Онгли ва юқори доирада уюшган фаол инъикос, алоқадорлик, хатти-ҳаракатлар ижтимоий дунёга хосдир.

Борлиқ шаклий структура даржаларининг балки биз ҳали билмайдиган янада мураккаброқ турлари ҳам бордир, лекин улар ҳали бизнинг тушунчаларимиз доирасига сиҚмайди. Хуллас, борлиқнинг ташкилий структура даражалари бир-биридан алоқадорликларининг сони ва сифати жиҳатидан, энергия ва информация алмашиш хусусияти билан, фаоллиги ва уюшганлиги даражаси билан фарқ қилади.

Ўаёт нима? Борлиқнинг энг мураккаб шаклларидан бири ҳаёт ва унинг моҳияти ҳақида тўхталайлик. Биз ҳаёт эканмиз, оламни биламиз. Ўаётнинг хилма-хил турлари, шакллари борки, улар борлиқнинг моддий шаклини ҳаракатга келтиришда, бошқаришда асосий ўрин тутади. Ўаётнинг энг мураккаб шакли инсон ҳаётидир. Бу инсон руҳияти, онги, тафаккури билан чамбарчас боҚланган. Ўар бир одамга бир маротабагина ҳаёт кечириш имконияти берилган. Инсоннинг қадр-қиммати шу ҳаётни қандай ўтказганлиги билан ўлчанади.

Одамнинг табиати ва ҳаёти у яшаётган жамиятдаги ижтимоий муҳитга ҳам боҚлиқ. Фаровон жамиятда инсонлар ҳам фаровон ҳаёт кечиришади. Jашоқ жамиятда эса қашоқлик томир отади. Демак, жамиятимизни қанчалик фаровон қилсак, унда яшайдиган инсонларнинг, келгуси авлодларимизнинг ҳаёти ҳам шунчалик бахтли ва фаровон бўлади.

Ўаётнинг вужудга келиши ва моҳияти ҳақида ҳанузгача олимлар бир нуқтаи назарга келишмаган. Ўар бир инсоннинг ҳаёти такрорланмас ва ўзига хосдир. Балки станокнинг бир детали ўрнига бошқа детални қуйиш билан натижа ўзгармас ёки

бир ишчининг урнига бошка ишчини к«йиш билан станок тухтаб колмас. Аммо бир отанинг урнини бошка ота, бир дустнинг урнини бошка дуст бола олармикин? Шундай экан, хар бир одам такрорланмас ва уз урнида кадрли. Инсонни, унинг хаётини кадрлаш мухим ижтимоий вазифадир.

Инсоннинг яхши хаёт кечириши, бир томондан, у яшаётган жамиятга боКлик булса, иккинчи томондан, табиий мухитга боКлик. Бутун тарихий таракkиёт давомида инсон билан табиат уртасидаги муносабат такомиллашиб борган. Инсон табиий мухитсиз, сув, хаво, куёш ва тупроксиз яшай олмайди. Бу унсурлар унинг тирикчилигини таъминлайди. Бундай кулай шароит инсон учун факат Ер шарида мавжуддир.

Ернинг хаёт таркалган кисми биосфера деб аталади. **Биосфера** тирик организмларнинг хаёт кечириш мухитидир. Агар Ер шари J уёшга якинрок жойлашганида, ер юзасидаги харорат кутарилиб кетган булар эди ва окибатда ердаги намлик, сув йуколар эди. Агар у J уёшдан узокда жойлашганида, ер юзасидаги харорат пасайиб, хамма жой мангу музлик билан копланар эди.

Хуллас, хар иккала холатда хам ер юзасида хаётнинг пайдо булишига имконият йуколган буларди. Яна бошка холни олайлик: J уёш системаси Галактика марказига янада якинрок жойлашганда эди, ер юзасида кучли гравитация таъсирида нарсаларнинг вазни оКирлашиб, инсондек мураккаб жонзоднинг, балки умуман хаётнинг пайдо булишига шароит булмаган булар эди. Аксинча, J уёш системаси Галактикамиз марказидан хозиргига нисбатан четда жойлашганда хам, гравитация кучининг заифлиги айрим химиявий ва биологик жараёнларнинг руй беришига халакит берган булар эди. Бунинг окибатида ер юзасида хаёт пайдо булмас эди. Демак, инсон узи учун энг кулай булган жойда яшайди ва бунга шукур килса арзийди.

Инсоннинг табиий мухитга таъсири кадимги даврларда ута кучсиз булган. Даврлар утиши билан инсон кулида кудратли куч ва кувват манбалари туплангач, унинг табиатга таъсири сезиларли даражада узгара бошлади. Инсон атроф-мухитни ифлослантириб, биосферадаги табиий мувозанатни издан чикара бошлади.

Бу масаланинг ечилиши инсоннинг акл-идрок кучи билан боКлангандир. Инсон акл-идрокининг оламга таъсир курсатиш чегараси **ноосфера** деб аталади. Инсон узлигини англамас экан,

унинг сайёрамизга халокатли таъсири кучайгандан кучайиб, охир-окибатда унинг узини хам халокатга олиб бориши мумкин, деган илмий башоратлар бор. Ўзакикатан хам инсон фаолияти акл-идрок билан окилона бошкарилмас экан, у ер юзининг халокатини тезлаштириши мукаррардир.

Ўзирги замондаги экологик муаммолардан бири хам инсон фаолияти томонидан атроф-мухит ифлосланишининг олдини олиш ва бу халокатни тухтатиб колишдан иборат. Бу оламни кай даражада яхши билиб олишимиз ва унинг хаётига нисбатан масъулиятни англашимизга боКликдир. Инсон жамиятда ва табиатда тутган уз урнини тугри англаса, атроф мухитни хам авайлаб-асрайди, ер юзини гуллатиб яшнатади.

Таянч тушунчалар

Табиат, табиий мухит, биосфера, ноосфера, хаёт, экология.

Такрорлаш учун саволлар

1. Табиат деганда нимани тушунасиз?
2. Жонли ва жонсиз табиат тушунчаларининг маъносини тушунтириб беринг.
3. Табиат ва жамият алокалари деганда нималар назарда тутилади?
4. Биосфера ва ноосфера нима?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Узбекистон XXI асрга интилмо□да. — Т.: Узбекистон, 1999.
2. Ислом Каримов. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман: □ФидокорИгазетаси мухбири саволларига жавоблар. – □ФидокорИ2000 й. 8 июн.
3. Узбекистон XXI асрга интилмо□да. — Т.: Узбекистон, 2000. - 352 б.
4. Основы философии. — Т: □УзбекистонИ, 1998.
5. Канке В.А Философия. — М: □ЛогосИ, 1999.
6. Философский энциклопедический словарь.. М. 1999.

4-мавзу. Ривожланиш ва «заро алоқадорликнинг умумий қонуниятлари. Фалсафий □онунлар.

Режа:

1. Узгариш ва тараққиёт жараёнида такрорланиш тамойили. J онун тушунчаси, унинг моҳияти ва фалсафий талқини.
2. Воқелик ва узгариш жараёнида айният ва зиддият диалектикаси. Унинг табиат ва жамиятдаги хусусиятлари.
3. Оламнинг мавжудлиги — миқдор ва сифат воқелиги тарзида. Тараққиётда тадрижийлик тамойили.
4. Узгариш ва ривожланиш жараёнида уз-узини инкор этиш тамойили. Ворислик ва янгиланиш.

Оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, узгариши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга утиб туриши, ривожланиши, улар уртасидаги алоқадорлик ва узаро таъсир каби масалалар қадимдан мутафаккирлар, олимлар, файласуфлар уртасида турли баҳс, мунозара, тортишувларга сабаб булган. Чунки улар тугрисида аниқ билимга эга булмасдан туриб, олам ва унинг тараққиёти, ривожланиш манбаи, ҳаракатлантирувчи кучлари тугрисида ҳамда, энг асосийси, келажак ҳақида илмий тасаввурга эга булиш қийин.

Атрофимиздаги жамики нарса-ҳодисалар, яъни энг майда заррачалардан тортиб то Ер, J уёш, К оинотгача барчаси, шу жумладан, кишилик жамияти ҳам, доимо ҳаракат, узгариш ва ривожланишдадир. Улар уртасида абадий узаро боКлиқлик, узаро таъсир ва алоқадорлик мавжуд. Оламда уз-узидан, тасодифий равишда ҳеч қандай ҳаракат ҳам, узгариш ҳам юз бермайди.

БоКланишларнинг турлари. Биз нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, узгариши ва ривожланишига улар уртасидаги боКланиш ва алоқадорлик, таъсир ва акс таъсир асос булади, деймиз. Албатта, оламдаги ҳар қандай боКланиш ҳам ривожланишга сабаб булавермайди. Чунки бу боКланишларнинг кулами, моҳияти, таъсир кучи ва доираси турлича. БоКланишларнинг ана шу хусусиятларига қараб, зарурий ва тасодифий, ички ва таш□и, бевосита ва билвосита, мухим ва мухим булмаган ва ҳоказо боКланишларга ажратиш мумкин.

Шунингдек, оламда бошқа воқеа ёки ҳодисалардан алоҳида, улар билан боКлиқ, узаро алоқадорликда ва таъсирда булмаган бирорта ҳам воқеа ёки ҳодиса мавжуд эмас. Демак, узаро боКланиш ва таъсир натижасида нарса-ҳодисаларда узгариш содир

булади. Лекин, барча узгаришни хар доим хам бирданига, яккол сезиш мумкин эмас. Чунки оламнинг намоён булиши турли даражада булганлиги сабабли, узгаришлар хам турличадир.

Масалан, янги туКилган чакалокнинг бир хафта, бир ой, ярим йил мобайнидаги узгаришини, яъни улКайишини ёки булмаса, табиатдаги киш фаслидан бахор фаслига утишдаги узгаришларни оддий куз билан яккол сезиш мумкин. Лекин бирон жонсиз предмет, масалан, Ер каъридаги ички жараёнларни маълум даврдан кейин сезиш мумкин. Ана шу сабабдан хам одамлар зилзилалар, вулконлар отилиши каби офатлар каршисида лол, гохида эса Кафлатда колиб келмокдалар. Яъни ташки факторлар (инсон фаолияти, ёруКлик, иссиклик, намлик, атмосфера босими) натижасида руй берган узгаришларни куз куради, кулок эшитади. Хуллас, улар осон англаб олинади, очик-ойдин намоён булади. улардаги узаро боКликликни хам осон куриш, илКаш мумкин. Ана шундай осон куриш ва илКаш мумкин булган, очик-ойдин руй берадиган вокеа, ходиса, натижага нисбатан «зохирийлик» тушунчаси, мохиятини илКаш кийин булган ва мураккаб ички сабаблар натижасида кечадиган жараёнлар ва узгаришларга нисбатан «ботинийлик» тушунчаси кулланилади. Урта асрларда, айникса тасаввуф фалсафасида бу икки тушунчага алохида эътибор берилган.

«Харакат» тушунчаси «Борлик фалсафаси» мавзуида ёритилганлиги сабабли, бу ерда унинг куйидаги кискa таърифи билан чекланамиз: харакат деб оламдаги хар кандай узгаришга айтилади. Ривожланиш тушунчаси эса куйидан юкорига, оддийдан мураккабга томон илгарилаб борувчи харакатни ифодалайди. Лекин бу жараён гох тугри чизикли, гох аста-секин кенгайиб борадиган спиралсимон шаклдаги харакатдан иборат булиши мумкин.

Бунда доимий бир томонга, масалан, вактнинг утмишдан келажакка томон утиши хам, лекин маконда вокеа ва ходисаларнинг такрорланиши, замонда оркага кайтишлар хам содир булиб туради. Баъзида тараккиётнинг маълум бир боскичида олдинги босиб утилган давр такрорлангандек булади, аммо бу илгаригидан фарк киладиган, бошкачарок тарздаги такрорланишдир.

ўеч качон бир хил тонг отмайди, деб беж из айтмайдилар. ўолбуки, хар куни тонгда уша Јуёш чикади, уша тоКу тошларни, боКу биёбонларни, биз яшаётган заминни ёритади. Одамлар хам, иш ва ташвишлар хам хамон уша-ушадек. Кимдир ишга шошади, кимдир укишга, кимдир яна илгариги кундек бекорчиликдан зерикади...

Аммо дунё ўзгармадими бу бир куннинг ичида? унда минглаб болалар туғилмадими, сон-саноқсиз жараёнлар рўй бериб, Ер сайёрасининг турли бурчакларидан бошқа жойларга қанчадан-қанча ахборотлар тарқатилмадими? Она замин ўз ўқи ва Ғуёш атрофида айланишини давом эттирмадими? Буларнинг барчаси бир куну-тунда рўй берган ботиний ва зоҳирий ўзгаришларнинг намоён бўлишидир.

Ғонун тушунчаси. Дунёнинг мавжудлиги ана шундай ботиний ва зоҳирий ўзгаришларнинг абадий такрорланиб туришидан иборатдир. Бу такрорланишлар эса ўз моҳияти ва хусусиятларини сақлаб қолганликларидан қонун ва қонуният тусини олган.

Масалан, биз Ньютон томонидан кашф этилган бутун олам тортишиш қонунини ўрганганимизда ана шундай ҳолни идрок этганмиз. Бу қонуннинг асосий моҳияти бутун оламдаги нарсаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги тамойилининг доимий такрорланиши, ҳар сония ва ҳар дақиқада бу ҳолатнинг содир бўлиб туришини исботлайди.

Ҳўш, қонун ўзи нима? У киши ва умуман, жамият ҳаётида қандай аҳамиятга эга? Ғонунни билмасдан, ўрганмасдан туриб яшаш мумкинми? Ғонун тушунчаси кундалик ҳаётимизда нисбатан тез-тез ишлатиб туриладиган тушунчадир. Хусусан, физика ёки кимё қонунлари деймиз, табиат қонуни ёки бўлмаса, иқтисодий қонунлар, юридик қонунлар ва ҳ. к. Бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг учинчиси ҳам қонун тугрисида бўлиб, унда барча соҳада қонуннинг устуворлиги таъминланиши таъкидланади. Ю қоридагиларни бирлаштириб турадиган, барчаси учун ҳам умумий бўлган хосса, хусусиятлар борми?

Энг аввало, шуни айтиш керакки, оламдаги барча нарса — табиат, жамият ва инсон тараққиёти маълум қонунлар асосида амалга ошади. Фанларнинг (ижтимоий, гуманитар, табиий ва ҳ. к.) асосий вазифаси ҳар бир соҳа буйича тадқиқот ўтказиб, қонунларни кашф қилиш ёки уларнинг амал қилиш хусусиятларини ўрганиш ва очиб беришдан иборат.

Ғанча куп қонун кашф қилинса, тараққиёт шунча тез бўлади. Тараққиёт қонунларини билмасдан туриб, ривожланишга эришиш қийин. Я□ин «тмишда иқтисодиётнинг ўзига хос қонунларини писанд қилмай, турли хил съезд, пленум, конференция қарорлари асосида экспериментлар ўтказиб, барча учун фаровон ҳаёт — коммунизм жамиятини барпо қилмоқчи бўлишганини ва бундай сиёсат қандай оқибатларга олиб келгани барчага маълум.

ўзир мустақил Узбекистон барча ривожланган мамлакатлар сингари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлидан бормоқда. Бунда умумбашарий қонунлар ва мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган.

Энди шундай савол: **Нима учун инсон қонунни билиши керак?** Бунда оддий мисолларга мурожаат қиламиз: ёз ойларида барча одамлар иссиқ кийимлар (этик, пальто, кулқоп ва ҳ. к.) сотиб олишади, ўтин ёки кўмир қамлаб қуйишади ва ҳ. к. Нима учун? Чунки улар табиатнинг битта қонунини, яъни фасларнинг ўзгаришини, ёздан кейин куз, ундан кейин қиш келишини жуда яхши билишади.

Ёки яна бир, жўнроқ бўлса-да, мисол: сизга биров уйнинг 5-қаватидан ташласанг, фалон пул бераман деса, рози бўлмайсиз. Нима учун? Чунки сиз И. Ньютон кашф қилган Бутун олам тортишиш қонунини яхши биласиз. Балки билмассиз ҳам, ҳавонинг ўз жисмингиздан зичлиги камлигига эътибор қилмассиз ҳам, дейлик. Аммо сиз бу ҳолда омон қолишингиз қийинлигини, майиб бўлишингизни яққол тасаввур қиласиз.

Инсон қонунларни билиши, уларга амал қилиши доирасида эркиндир. Эркинлик нима? Эркинлик англаб олинган зарурият-дир. Ўзар қандай қонунга хос белгилардан бири зарурийлик, яъни объектив тарзда амалга ошиш, ўз-ўзидан намоён бўлишдир. Эркинлик эса ана шу зарурийликни англаб олиш ва унга амал қилишдан иборат фаолиятни англатади.

Юристларда шундай ибора бор: Қонунни билмаслик жавобгарликдан холос қилмайди. Ана шу туфайли сиз юридик қонунларни қанча яхши билсангиз, ўзингизнинг фаолиятингизни шунга мослаб олиб борасиз. Демак, шунча эркин бўласиз. Бу ҳолда сиз нима қонуний, нима эса қонуний эмаслигини яхши биласиз, қонунга хилоф қадамлар қўймайсиз.

Юқоридаги фикрларни хулоса қилиб, қонунга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Қонун** оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий ва такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Энди қонуннинг белгиларига тўхталамиз:

- қонун турли-туман алоқадорликлар, боғланишлардан фақат муҳимларини, яъни шундай боғланишларни ифодалайдики, бу-

лар оламнинг мавжудлиги, узгаришлари ва ундаги нарса хамда ходисаларнинг мохиятидан келиб чиккан булади;

- конун зарурий боКланишларни ифодалайди, яъни тасодифий боКланишлар, гох пайдо булиб, гох йуколиб кетадиган боКланишларга асосланмайди.

- конун нарса ва ходисаларнинг умумий боКланишларини ифодалайди.

Jонун нисбатан баркарор, такрорланиб турувчи боКланишларни (муносабатларни) ифодалайди, яъни бир сафар юз бериб, иккинчи сафар юз бермайдиган боКланишларни конун камраб олмайди. Масалан, 2001 йили кишдан кейин бахор келиб, 2002 йилда кишдан кейин бирданига ёз келишини тасаввур килиб булмайди. Чунки, бу табиат конуни — фасллар узгариши конуни доирасига кирмайди.

Табиат конунларининг яна бир энг мухим хусусияти — у объектив характерга эга, яъни у инсонга хам, инсониятга хам боКлик эмас. Бирор киши, хатто миллатнинг иродаси билан хам, табиат конунига туб узгартириш киритиш ёки уни бутунлай йук килиш мумкин эмас. Чунки бу конунларнинг асосини ташкил килган боКланишлар, муносабатлар объектив хусусиятга эга.

Оламдаги хар бир нарса ва ходиса бир-бирини такозо киладиган ва шу билан бирга, бир-бирини истисно киладиган карама-карши томонлар бирлигидан иборат. Демак, вокелик ва узгариш жараёнида айният ва зиддиятнинг булиши хам одатий хол. Масалан, иссик ва совук, ок ва кора, кеча ва кундуз, электрнинг мусбат ва манфий зарядлари, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва жахолат ва х. к. Jарама-карши томонлар бир-бирини инкор этади ва шу билан бирга бири иккинчисини такозо этади, бири иккинчисисиз мавжуд була олмайди. Фараз килайлик, магнитнинг манфий заряди булмаса, у холда ушбу нарса магнит булолмайди.

Борлик нарса, вокеа-ходисаларнинг турли-туманлигидан иборат. Лекин нарсалар канчалик хилма-хил, турли-туман булмасин, улар уртасида якинлик, айнанлик мавжуддир. Масалан, стол ва стул сифат жихатидан турли нарсалардир. Лекин барибир улар уртасида ухшаш томонлар, белгилар бор. Айтайлик, уларнинг ё ранги ёки бир хил материалдан ясалганлиги ёки булмаса, вазни ухшаш булиши мумкин ва х.к.

Айният тушунчаси нарса ва ходисалар уртасидаги ухшаш томонларни ифодалайди. Шу билан бирга нарса-ходисалар бир-

биридан фарқ қиладиган томонлар, хусусиятлар, белгиларга ҳам эгадир. Айнан бир хил бўлган нарсанинг ўзи йўқ. Ўатто дарахтнинг бир шохида ёнма-ён турган 2 барг хам бир-биридан фарқ қилувчи баъзи жиҳатларга эга. Ўеч бўлмаганда, улар бир-биридан мақондаги ўрни билан фарқ қилади.

Ўаётдан мисол келтирадиган бўлсак, бир-бирига ташқи томондан тамомила ўхшаш бўлган ўасан ва ўусанларда ҳам жуда кўп фарқ қилувчи хусусиятлар бор. Масалан, уларда феъл-атвор, қизиқиш тури, дунёқарашлар ҳар хил бўлиши, яъни уларнинг ички дунёлари фарқ қилиши мумкин. Демак, **тафовут** нарса — ҳодисаларнинг фарқ қилувчи томонларини ифодаловчи тушунчадир.

Jарама-қаршилик деб эса, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи ва шу билан бирга бир-бирини инкор этувчи томонлари, кучларининг ўзаро муносабатига айтилади.

Jарама-қаршиликлар ўртасидаги муносабатни **зиддият** деган тушунча ифодалайди. Кўп ҳолларда айният ва тафовутнинг зидлиги ва уларнинг бир махражга келиши, меъёрий ўзгаришлар туфайли ривожланиш, тараққиёт, янгиланиш жараёнлари амалга ошади. Тараққиёт шу маънода айният, тафовут ва зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳал қилинишидан иборат бўлган абадий ва азалий мураккаб жараёндир.

Собиқ Иттифоқнинг мафкураси даражасига кўтарилган марксизмда асосан зиддиятга кўпроқ эътибор берилар эди. У мутлақлаштирилар ва жамиятга кўчирилиб, асосан, антогонистик зиддиятлар тўғрисида гапирилар ва уларнинг ечилиши инсониятни бахтли ҳаётга олиб боради, дея хаёл қилинар эди. Ўолбуки, инсоният пайдо бўлибдики, унинг ҳаётида айният ва тафовут ҳам, зиддият ва қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлиб келмоқда. Одамзод зиддиятлар камроқ бўлган, кишиларнинг хилма-хил интилиш ва мақсадлари, бир-биридан фарқ қиладиган Қоялари уйҚунлашган, барқарорлик устувор бўлган жамиятни қуриш учун бош қотириб келмоқда.

Ану шундай интилишлар фанда ***Конфликтология*** *(конфликт — зиддият, логос- таълимот) деб аталадиган фалсафий йўналиши пайдо бўлишига олиб келган. Бу соҳа билан шуҚулланадиган олим ва мутахассислар конфликтологлар деб аталади. Улар конфликтларни келтириб чиқариш эмас, балки уларнинг олдини олиш ва жамият учун фойдали тарзда ҳал қилиш йўллари ва усуллари устида бош қотиришади.*

ўар бир зиддиятнинг аникланиши, хал килиниши узгаришга, янгиланишга, бир сифатдан иккинчи сифатга, эскидан янгига утишга сабаб б«лади. Олам турли-туман булганлиги учун зиддиятлар хам хилма-хилдир. Масалан, ички ва ташки зиддиятлар, асосий ва асосий булмаган зиддиятлар мавжуд. Улар уртасида фарк булгани билан бирга, мутлак чегара хам йук. Чунки амалда, хаётда улар бир-бирига утиши, биргалашиб кетиши ва тараккиётда турли хил урин тутишлари мумкин.

Оламнинг мавжудлиги — микдор ва сифат вокелиги тарзида хам намоён булади. Бунинг мохияти шундан иборатки, нарса ва ходисалардаги сезиларли булмаган микдорий узгаришлар аста-секин туплана бориб, тараккиётнинг маълум бир боскичида меъёрни бузади ва сакраш йули билан туб сифат узгаришларига олиб келади.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ходисалар бир-биридан уз сифати билан ажралиб туради. **Сифат** — нарсаларнинг ички ва ташки муайянлиги булиб, унинг катор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини ифодалайди. Сифат нарса кандай булса, уни шундайлигича курсатиб беради, жисмнинг барча ташки хоссаларини боКликликда намоён килади.

Демак, сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий баркарорлигини, бир-бирига ухшашлиги ёки ухшамаслигини ифодалайди. У кенг маънода нарсаларнинг турли-туман хоссалари йиКиндисидир. Лекин сифат ва хосса айнан бир хил маънодаги тушунчалар эмас. Сифатнинг узгариши, муккаррар суръатда, хоссанинг узгаришига олиб келади. Бирок хоссанинг узгариши хар доим сифатнинг узгаришига таъсир этавермайди, айрим хоссалар нарсаларнинг сифатига таъсир этмасдан йук булиб кетиши мумкин. Сифат предметнинг доимийлигини, нисбий баркарорлигини ифода этади.

Нарсалар сифат муайянлигидан ташкари, бир-биридан микдорий томонлари билан хам фарк килади. **Микдор** предметнинг хажми, улчови, оКирлиги, харакат тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланади. Табиат ходисалари каби ижтимоий ходисалар хам микдорий томонга эга. Чунончи, сув уз солиштирма оКирлигига, кайнаш ва музлаш даражасига эга. Бир ижтимоий тузум бошкасидан хусусияти жихатидангина эмас, балки ишлаб чикарувчи кучлар тараккиёти, мехнат унумдорлиги, маданияти ва хоказолар билан хам фарк килади. ўар кандай нарса микдор ва сифат бирлигига эга. Табиатда факат микдорга ёки сифатга эга

булган, яъни сифати булиб миқдори, миқдори булиб аксинча, сифати булмаган нарсанинг узи йук.

Миқдор ва сифатнинг бирлиги, узаро боКликлиги **меъёр** тушунчасида ифодаланади. Меъёрнинг бузилиши предмет мавжудлиги мумкин булмаган холатга олиб келади.

Ўар кандай нарса ва ходисага миқдор ва сифат узгаришлари хосдир. Миқдор узгаришлари билан сифат узгаришлари уртасида катъий конуният мавжуд булиб, бу конуният куйидагича ифодаланади: миқдорий узгаришлар сифат узгаришларини тайёрлаб, хар бир аник холатда муайян туб сифат узгаришларини келтириб чикаради ва шу холатда миқдор узгаришларининг сифат узгаришларига утиши содир булади. Оламдаги барча узгаришлар аста-секин содир буладиган миқдор узгаришларидан бошланади. Миқдор узгаришлари муайян чегарада сифатнинг баркарорлигига таъсир этмайди. Миқдорий узгаришлар чегарадан чикиши билан сифатнинг баркарорлиги бузилади. Натижада сифат йуколиб, янги сифат юзага келади. Тараккиёт жараёнида миқдор узгаришлари туб сифат узгаришларига утиши билан бирга сифат узгаришлари миқдор узгаришларига хам утади. Миқдор узгаришлари билан сифат узгаришлари узаро чамбарчас боКланган булишига карамай, улар айрим узига хос хусуссиятларга хам эга. Чунончи:

- биринчидан, миқдор узгаришлари доимо юз бериб туради. Ўатто ходисалар сифатининг нисбий баркарорлиги даврида хам миқдорий узгаришлар аста-секин юз беради. Сифат узгаришларига утиш факат маълум бир даврда бошланади;

- иккинчидан, миқдор узгаришлари маълум вактгача нарсаларга мухим таъсир курсатмайди. Сув нормал атмосфера босимида 100□гача суюклик холатини йукотмайди, кейин эса буКга айланади, сифатини узгартиради. Демак, сифат узгаришлари ходисаларни тубдан узгартириб, унинг бошка ходисага айланишини такозо килади;

- учинчидан, миқдор узгаришлари аста-секин амалга ошади ва куп холларда сезилмасдан утади. Сифат узгаришлари эса анча тез, айрим холатда тусатдан содир булади;

- туртинчидан, сифат узгаришлари миқдор узгаришларига караганда туб узгариш булиб хисобланади.

Сакраш нима? Сакраш табиат ва жамиятда содир буладиган сифат узгаришларини англатадиган фалсафий тушунча булиб,

тараққиётнинг узлуксиз куринишига караганда анча тез утадиган жараёндир.

Сакраш микдор узгаришларидан сифат узгаришларига утишда узлуксизликнинг узилишини билдиради. Сакраш нарса ва ходисаларнинг узлуксиз ривожланиш давомида тайёрланиб, шу узлуксиз ривожланиш моменти тугаб, узилиш содир булиши билан зарурий равишда юз беради. Сакраш бирданига, тусатдан буладиган холатгина эмас, балки янги сифат элементлари купайиши оркали юз берадиган тадрижий жараён хамдир.

Сакрашнинг турлари уз характерига кура табиат ва жамиятда хилма-хил булиб, улар бир-бирларидан фарк киладилар. Жамият тараққиётидаги сакрашларнинг узига хос томони шуки, бу сакрашлар эски ижтимоий тузумни йук килиш ва янги ижтимоий тузумни урнатадиган ижтимоий жараёнлар, тадрижий ривожланиш оркали амалга ошади. Бундай сакрашларни икки турга булиш мумкин: биринчиси — портлаш йули билан буладиган сакрашлар, иккинчиси секин-аста, тадрижий йул билан буладиган сакрашлар. Биринчи тур сакрашларнинг узига хос хусусияти шундан иборатки, бунда нарса ва ходисаларнинг янги сифатга утиши нихоятда тезлик билан юз беради ва кутилмаган натижаларни, тасодифий жараёнларни бошлаб юбориши, хатто салбий холатларни келтириб чикариши хам мумкин.

Сакрашнинг иккинчи турида эса, эски сифат элементларининг аста-секин йуколиб бориши ва янги сифат элементларининг аста-секин тупланиши натижасида янги сифат пайдо булади.

Шундай килиб сакраш куйидаги жихатларга эга:

- биринчидан, сакраш тараққиёт натижасида амалга ошадиган объектив ва конуний жараёндир;

- иккинчидан, сакраш тадрижийликнинг узилиб, микдор узгаришларидан туб сифат узгаришларига утишидир;

- учинчидан, сакраш эскини тугатиш ва янги сифатга мос келадиган холатларнинг вужудга келиши туфайли пайдо буладиган зиддиятларни хал килишдир;

- туртинчидан, сакраш оламнинг ривожланиб, илгарилаб боришидир.

Ўзаро ходисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боКлик равишда эски сифатдан янги сифатга утиш турли шаклларда содир булади. Ўзаро бир нарса, ходиса

узининг аниқ инкор қилиш усулига, уз навбатида аниқ сакраш шаклига эгадир.

Демак, хар кандай узгариш, хар кандай ривожланиш миқдор ва сифат узгаришларининг узаро бир-бирига утиши орқали содир буладиган жараёнлардан иборат. Борликнинг хамма сохасида доимо эски, умри тугаётган нарса ва ходисаларнинг барҳам топиши, янги нарса ва ходисаларнинг вужудга келиш жараёни содир булиб туради. Бундаги эскининг янги билан алмашиниши инкор деб аталади.

Узгариш ва ривожланиш жараёнида **уз-узини инкор этиш тамойили** нихоятда мухим. Бунда **ворислик** — эскининг инкори ва янгиликнинг шаклланиши сифатида намоён булади. Ана шу жараёнларнинг доимий такрорланиши **инкорни инкор конуни**нинг мохиятини билдиради.

Мазкур конунга мувофиқ объектив воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг ривожланиши жараёнида эскининг янги томонидан инкор қилиниши руй беради. Бироқ, аксарият холларда, эскилик бутунлигича инкор қилинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади.

Инкор тушунчаси кундалик онгда □йукИ сузи билан кушилиб кетади, инкор қилмоқ — □йукИдемакдир, бирор нарсани рад этмоқдир. Лекин диалектикада инкор кундалик онгда ишлатиладиган тушунчадан фарқ қилади. Диалектикада инкор қилиш тугридан-тугри □йукИ дегани эмас, яъни нарсани мавжуд эмас, деб эълон қилмоқ ёки уни хар кандай усул билан йукотиб ташламоқ эмас.

Инкорни диалектик тушуниш янгининг эски билан оддий алмашуви булмасдан, балки эскининг баКрида вужудга келиб, ундан фойдаланиб, қарор топишини тан олишдир. Диалектик инкорнинг мухим икки жихати мавжуд: биринчиси, эскининг урнига янгининг келиши табиий-тарихий жараён булганлиги учун тараққиётнинг мухим шарти хисобланса; иккинчиси, у янгини эски билан ворисий боКлиқ эканлигини хам ифодалайди.

Инкорни инкор қонунини тушуниш учун уни нега шундай деб аталишини изохламоқ лозим. Фалсафанинг бу таълимотини икки марта такрорланувчи инкорда ифодаланиши оламдаги нарса ва ходисаларнинг доимий равишда узгариб, бир холатдан иккинчи холатга утиб бориши ва окибатда, ривожланиш узлуксиз эканлигидан келиб чиқади.

Бу конунга кура, хар бир мавжуд булган нарса ва ходиса узигача булган сифат ва микдор инкор этилишининг махсули, шу билан бирга, ана шу нарса ва ходисаларнинг узи хам шароитнинг узгариши, вактнинг утиши билан инкор этилишга махкумдир. Демак, хар бир нарса ва ходисанинг узгариши ва ривожланиши хамиша икки ва ундан купрок инкор этишлар билан амалга ошади. Инсоният тарихи — авлодлар алмашинуви тарихидир, дейилганида хам ана шундай хол назарда тутилади.

Инкорни инкорнинг яна бир мухим белгиси шуки, тараккиётдаги даврийликнинг муайян халкасида, яъни навбатдаги инкор боскичида унинг олдинги боскичидаги баъзи белгилар такрорланади. Масалан, дон усимликдан яна донларга айланади, кейинрок яна усимликка ва хоказо.

Инкорни инкорнинг амал килиши туфайли тараккиёт тугри чизик шаклида эмас, доира шаклида булади, унинг охирги нуктаси бошланКич нуктага якинлашади. Лекин бу якинлашув унинг охирги нукта билан туташиши булмасдан, балки юкори боскичда содир булиши сабабли тараккиёт спирал шаклга эга булади. Бу спиралнинг хар бир янги урами олдинги урамига нисбатан юкорирок боскичда юзага келади.

Диалектик инкор янги билан эски уртасидаги боКланишни буткул рад килади, деб тушунмаслик керак. Янги канчалик илКор булмасин, у йук жойдан пайдо булмайди, балки эскининг кобиКида аста-секин шаклланади. Шунинг учун хам куп холларда эскидан янгига утилаётганда эски бутунлай ташлаб юборилмайди, балки унинг ижобий томонлари сакланиб колади ва ривожланиш давом эттирилади. Демак, янги билан эски уртасида ворислик мавжуддир. Инкорни инкор конуни тараккиётда ворислик ва кайтарилувчанликнинг бирлигини тавсифлайди. Диалектик инкорнинг мухим хусусияти ана шундан иборат.

Инкорни инкор конуни мустакиллик ва бозор иктисодиёти жараёнида руй бераётган ходисалар мохиятини илмий англашда катта ахамият касб этади. Янги жамиятни барпо этишга каратилган узгаришлар хамма нарсани бутунлай йук килишни билдирмайди. Аксинча, бу — халкимиз тараккиёти жараёнида эришилган ижтимоий-иктисодий, маданий, маънавий ютукларни саклаб колиб, уларни янада бойитиб, ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур жараённинг асосий тамойили Ислом Каримов-

нинг янгисини кўрмасдан, эскини бузмаслик лозимлиги тўғрисидаги хулосасида якқол ўз асосини топган.

Таянч тушунчалар

Боқланиш, алоқадорлик, такрорланиш, қонун, қонуният, айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият, миқдор, сифат, инкор, инкорни инкор, ворислик, янгиланиш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қонун нима?
2. Табиат ва жамият қонунларининг қандай хусусиятлари бор?
3. Оламдаги айният ва зиддият ҳолатларига мисоллар келтира оласизми?
4. Миқдор ва сифат нима? Меъёр-чи?
5. Инкор нима? Инкорни инкор-чи?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т., «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «FIDOKOR» газетаси, 2000 йил 8 июн.
5. Основы философии. — Т., Ўзбекистон, 1998.
6. Фалсафа. — Т., Шарқ, 1999.

5-мавзу. Мавжудлик, «згариш, боКликликнинг асосий шакллари. Фалсафий категориялар

Режа:

1. Мавжудлик, узгариш ва узаро алокадорлик намоён булишининг асосий тамойиллари.
2. Фалсафий категориялар тизими, уларнинг мазмуни.
3. Фалсафа категориялари уртасидаги боКланишлар ва уларнинг хозирги даврда намоён булиши.
4. Ёшлар тарбиясида фалсафий категориялар тугрисидаги билимларнинг ахамияти.

Ўар кандай фаннинг узига хос конунлари ва асосий тушунчалари булади. Масалан, физикада физик конунлар, оКирлик, тезлик, куч каби тушунчаларга жуда куп дуч келиш мумкин. Уларнинг аксарияти бу фан тарихида чукур из колдирган машхур олимларнининг номи билан боКланган. Масалан, физикада Ньютон, Фарадей, Авагадро ва хоказо. Математикани эса Пифагор, ал-Хоразмий, Карл Гауснинг конунларисиз тасаввур килиш кийин. Худди шундай фалсафанинг фанлик макомини белгилайдиган асосий тамойиллар, конунлар ва категориялар тизими хам бор. Уларни урганишдан аввал, конун ва категория тушунчаларининг мазмунини аниклаб олиш зарур. Анъанавий тавсифларга кура, □Конун□ фалсафий категория сифатида нарса ва ходисалар ривожланиши жараёнидаги энг мухим, зарурий, нисбатан баркарор, доимий такрорланиб турувчи, ички узаро боКланишлар, алокалар, муносабатларнинг мантикий ифодаси эканлигини куриб утдик. Энди категорияларнинг мохияти ва мазмуни билан кискача танишайлик.

Категория узи нима? Бу суз кадимги юнон тилидан олинган булиб: □изохлаш□, □тушунтириш□, □курсатиш□ деган маъноларни англатади. Унинг мазмунидаги бундай хилма-хиллик кадимги даврларданок илмий тадкикот йуналишига айланган.

Фалсафа тарихида уларни биринчи булиб, Арасту таърифлаб берган. У узининг □КатегорияларИ деган асарида уларни объектив вокеликнинг умумлашган инъкоси сифатида караб, туркумлаштиришга харакат килган. Хусусан, унингча куйидаги категориялар мавжуд: □мохиятИ (субстанция), □микдорИ, □сифатИ, □муносабатИ, □уринИ, □вактИ, □холатИ, □мавкеИ, □харакатИ, □азоб-укубатИ Бу туркумлаштириш, уз вактида илмий билишда жуда катта ахамиятга

эга булган. Кейинчалик Арасту □МетафизикаИасарида □моҳиятИ, □ҳолатИва □муносабатИкатегорияларини ҳам изоҳлаган.

Умуман, категорияларни фалсафа тарихида илмий мавзу сифатида ўрганишни айнан Арасту бошлаб берганлиги эътироф қилинади. Маълумки, унгача Юнонистонда куприк политика ва риторика (нотиқлик санъати) фанлари системалашган, яъни фан сифатида тизимга туширилган эди. Чунки ўша даврда кўшинни, мамлакатни ва одамларни бошқариш учун сиёсат ва нутқ маданияти сирларини билиш катта аҳамиятга эга булган. Аммо ўша даврларда фалсафанинг қонунлари, категориялари ва асосий таянч тушунчалари муайян тизимга туширилмаган, изчил баён қилинган билимлар системаси сифатида шакллантирилмаган эди. Ўатто Юнонистоннинг машҳур олими ва мутафаккири Сукротни ҳам ана шундай, хали ғуёки шаклланмаган фан билан шуКулланган ани ва ёшларни бу илм йўлига бошлаб, уларнинг нотугри тарбиясига сабаб булганликда айблаган ҳам эдилар. Бу ҳол Сукротнинг буюк шогирди Арастунинг мазкур фанни аниқ система тарзида ифодалашга киришиши учун туртки булган. Олим фалсафанинг қонун ва категорияларини биринчи марта системалаштирган, таърифлаган ва фалсафани фан дараж асига кутарган. Уша даврдан бошлаб фалсафа уз қонунлари, тамойиллари, категориал тушунчаларига эга булган фанга айланган. Шарқда бу масалага Форобий, Беруний ва ибн Синолар ҳам катта аҳамият берганлар.

XVII-XIX асрларга келиб, фалсафий категориялар таҳлилида янги давр вужудга келди. Хусусан, И. Кант қарашларида категориялар □сифатИ(реаллик, инкор, чегаралаш), □миқдорИ(бирлик, куплик, яхлитлик), □муносабатИ(субстанция ва хусусият, сабаб ва ҳаракат, узаро таъсир), □модалликИ(имконият ва имкониятсизлик, воқелик ва новоқелик, зарурият ва тасодиф) тарзида изоҳланган. Кантдан фарқли уларок, ўегел эса мантиқий категорияларни: □борликИ(сифат, миқдор, меъёр), □моҳиятИ(асос, ҳодиса, мавжудлик), □тушунчаИ (объектив, субъектив, абсолют Коя) тарзида изоҳлаган.

Фалсафа фанининг категориялари ҳақидаги турли қарашларни умумлаштириб айтганда, уларнинг мантиқий тушунчалар сифатидаги куйидаги тавсифлари бор: 1) объектив воқеликнинг инъикоси; 2) нарса ва ҳодисаларнинг узаро боКланиш ва алоқадорлигини мантиқий умумлаштирувчи билиш усули; 3) нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши билан узгариб турувчи мантиқий тушунча; 4) борликнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган тари-

хий — мантиқий билиш даражаларидан бири. Купчилик мутахассислар категориялар олам, ундаги нарса ва воқеалар, уларнинг асосий ва такрорланиб турувчи алоқадорлигини ифодалайдиган кенг мазмундаги тушунчалардир, деган фикрга қушиладилар. Бу маънода борлиқ, воқелик, ҳаракат, макон, замон, миқдор, сифат ва бошқалар фалсафанинг ана шундай категорияларидир.

Фалсафада уз хусусиятларига кура, «**жуфт категориялар**» деб аталадиган; умумий боКланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодаловчи тушунчалар ҳам бор. Улар нарса ва ҳодисаларнинг муайян йуналишдаги энг мухим, зарурий, нисбатан барқарор, даврий такрорланиб турувчи боКланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодалайди. Фалсафа категориялари мазмунидаги ички бирлик, боКланиш, алоқадорлик ва муносабатларнинг яхлитлиги билиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайдиган умумий қонуният тарзида вужудга келган.

Алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик. Улар нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон-замон муносабатларини конкрет тарзда намоён қилади. Умумийлик — оламдаги алоҳида, индивидуал тарзда намоён булаётган нарса — ҳодисаларнинг турфа, хилма-хил умумлаштирувчи хосса ҳамда хусусиятларнинг муштараклашган ҳолда намоён булишидир. Алоҳидалик ва умумийлик уртасидаги боКланиш, алоқадорлик ва муносабат «ҳусусийлик» категорияси орқали ифодаланади. Биринчидан, бу категорияларнинг мазмуни оламнинг бирлиги, уларнинг мантиқий ифодаси конкретлик булиб ҳисобланади. Иккинчидан, «алоҳидалик», «ҳусусийлик», «умумийлик» нарса ва ҳодисаларнинг макон-замон конкретлигини ифодалайдиган, нисбатан мустақил мантиқий тушунчалар тарзидагина намоён булиши мумкин. Зеро, уларнинг нисбатан мустақиллиги, ички бирлигининг намоён булиш шаклидир.

Фалсафий адабиётларда, билишнинг умумий тенденциясини алоҳидаликдан хусусийликка ва шу боскич орқали умумийликка утиш тарзида ёки аксинча, изоҳлаш кенг тарқалган. Ваҳоланки, фалсафий билишнинг асосий хусусияти ва мақсади ҳар қандай алоҳидаликнинг индивидуал хусусиятларини умумийликдан фарқлашдан иборатдир. Масалан, бозор иқтисодиёти муносабатларига утиш жамият тараққиётининг умумий қонунияти булса ҳам, бу жараён турли ижтимоий-тарихий макон ва замонда ҳар бир давлат учун узига хос булган моделни тақозо қилади. Алоҳи-

даликнинг умумийликдан фаркини аниклаш асосида, махсус усул ва воситаларини куллаш бозор стратегияси ва тактикасининг миллий хусусиятларини белгилашга ёрдам беради.

Алохидалик ёки, баъзи фалсафий адабиётларда курсатилганидек, яккаликни муайян хосса хамда хусусиятга эга булган нарса ва ходисаларнинг макон ва замондаги чегараланган конкрет холати, бошкача килиб айтганда, хар кандай ходиса ва нарсанинг ички сифат муайянлиги, индивидуаллиги дейиш мумкин.

Антик фалсафада алохидалик категориясининг мазмуни муайян турКунликка эга булган бирлик сифатида каралган (Афлотун, Арасту). Ўегел, алохидаликни вокеаларнинг зарурий шакли, макон ва замондаги тафовутларнинг намоён булиш моменти сифатида карайди.

Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик масаласида алохидаликнинг умумийликдан фаркини мутлаклаштириш натижасида муайян карашлар вужудга келиши мумкин (Бу хакда □Осиёцентризм Ива □Европацентризм Итугрисида эслаш кифоя).

Вахоланки, умуминсоният цивилизациясининг тадрижий ривожланишида муайян ички бирлик мавжуд булиб, маданият тарихида хар бир халк, миллат уз урни ва ахамиятини намоён килади. Шунинг учун умуминсоният цивилизацияси таркибидаги миллий маданиятни мутлаклаштириш, муайян сиёсий манфаатларга асосланган булиб, буюк давлатчилик, шовинистик карашлардан бошка нарса эмас. Бу XX асрнинг 30-йилларида фашизм мафкурасини шакллантирган асосий сабабалардан бири эди.

Алохидаликни, умумий конуниятлар таркибидаги, элементларнинг индивидуал ривожланиш жараёни сифатида олиб караш керак. Чунки хар кандай умумийлик, дастлаб вокеликнинг алохидалиги тарзида вужудга келади. Шунга кура, хар кандай система уз таркибидаги нисбатан янги, алохида ходисаларнинг индивидуал ривожланишисиз содир була олмайди. Шундай килиб, алохидалик вокелик ривожланишининг хилма-хил шаклларини вужудга келтиради.

Нарса ва ходисаларда алохидаликларнинг конкрет хусусиятлари уртасидаги боКланишлар, бир томондан, умумийликни намоён килиш билан бир каторда, уларнинг муайянлиги ва мазмунини хам белгилайди. Иккинчи томондан эса, умумийликнинг конкретлиги алохидаликлар системаси тарзида намоён булади. Бу системага структурали ёндашиш билишнинг нисбатан тулаконли б«лишини таъминлайди. Масалан, муайян жамиятдаги

кишиларнинг ижтимоий муносабатлари ўзига хос бўлган йўналишларини вужудга келтирган. Яъни, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, диний экологик ва бошқа шу каби ижтимоий муносабатлар умумий маданият таркибида иқтисодий маданият, ҳуқуқий маданият, сиёсий маданият, экологик маданият ва бошқа нисбатан мустақил йўналишларга асос бўлган. Бу маданият йўналишлари нисбатан мустақил бўлса ҳам, бир-бирини тақозо қилади. Уларнинг ички бирлиги ва ривожланиш тенденцияси умуминсоният цивилизацияси манфаатларидан келиб чиқиб, умумий тараққиёт даражасига мос келади.

Фалсафанинг бу категорияси билан бутун, қисм, структура, система, элемент категориялари ўртасида узвий боғлиқлик ва муайян фарқлар мавжуд. Яъни алоҳидалик, ҳусусийлик, умумийлик нарса ва ҳодисалар ривожланиш жараёнидаги боғланиш, алоқадорлик муносабатларининг яхлитлигини нисбатан мустақил ифодалаш бўлса, бутун, қисм, структура, система, элемент категориялари эса, уларнинг макон ва замондаги боғланиш муносабатларини жараён тарзида ифодалашдир. Шу нуқтаи назардан, бутунни — умумийлик, қисмни ёки элементни — алоҳидалик тарзида олиб қараш ҳолатлари учрайди. Шунингдек, муайян ўхшашлик бўлишига қарамасдан, системани умумийлик тарзида қабул қилиш мумкин эмас. Бунда система турли даражадаги умумийликларнинг мажмуи ҳам бўлиши мумкин. Умуман, нарса ва ҳодисаларни таркибий жиҳатдан бутун, қисм, элементларга ажратиш билишга хос нисбий ҳодиса бўлиб, унинг самарадорлигини таъминлайдиган зарурий шартдир. Шунга кўра, юқорида айтилган ҳар иккала категориялар тизими билишнинг босқичи сифатида эмас, балки усули сифатида олиб қаралиши керак.

Система, структура, элемент фалсафанинг муҳим категорияларидан бўлиб ҳисобланади. Система — грекча сўз бўлиб, мантиқий маъноси бутунлик, яхлитлик, элементлардан ташкил топган бирикма, деган маъноларни англатади.

Система категориясининг мазмуни, уни ташкил қилган элементларнинг структуравий муносабатларига мос келади. Шу нуқтаи назардан, билиш жараёнидаги системалаштириш, назарий фаолият сифатида, уларнинг ташкил қилинган таркибий элементларини тарихий-мантиқий изчил тартибга келтириш билан изоҳланади. Хусусан, бу элементларнинг функционал фаолиятини, аҳамиятига кўра туркумлаштириш, муҳим методологик

аҳамиятга эга, чунки инсоннинг борлиқни билиш фаолияти система структурасидаги элементларнинг мавжудлик ҳолати ва ривожланиши объектив қонуниятларини ўрганиш асосида, уларни мақсадга мувофиқ ташкил қилишга қаратилган. Яъни, инсоннинг объектив реалликни назарий билишга асосланган: ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш фаолиятлари самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги турли категориялардан унумли фойдаланиши билан характерланади.

Система — нарса ва ҳодисаларнинг боҚланишлари, алоқадорлиги ва муносабатининг тартибли тадрижий ривожланишини ифодалайди. Структура эса, нарса ҳодисалар боҚланиши, алоқадорлиги ва муносабатлари тизимининг макон ва замондаги бирлигини таъминлайдиган системанинг мавжудлик ҳолатидир. Умуман, структура (лотин тилида тузилиш, тартиб деган маънони англатиб), системани ташкил қилган элементларнинг нисбатан турҚун боҚланиш, алоқадорлиги ва муносабатидир. Ўзоирги мавжуд фалсафий қарашларда структурани системанинг аспекти сифатида қараш устувордир. Системани ташкил қилган элементларнинг структуравий тузилиши унинг мавжудлик ҳолатини ҳамда ривожланиш истиқболларини белгилаб туради. Масалан, табиатдаги атомларнинг таркибий тузилишлари хусусиятларига қараб, моддий оламнинг хилма-хил қуринишлари, ДНК ёки РНК ларнинг ўзаро ички муносабатлари, хромосомалар хилма-хиллиги, тирик организмлар турли-туманлиги аниқланган. Улар умумлашган холда, моддий оламнинг объектив реаллиги тарзида мавжуд бўлса ҳам, моддийликнинг конкрет структурасига эга бўлган системалардир. Борлиқни ташкил қилган элементларнинг муносабатларига, макон ва замон хусусиятларига қараб, уларни ички структураИва ташқи структураИга ажратиш мумкин.

Элемент системани ташкил қилган структуранинг ўзаро боҚланиш, алоқадорлик, муносабат жиҳатларини таъминлайдиган нисбатан мустақил таркибий қисмидир. Жамиятда элемент ижтимоий муносабатларнинг конкрет қуринишлари тарзида намоён бўлади. Масалан, жамиятни яхлит система деб оладиган бўлсак, ундаги элемент алоҳида индивидлар, ижтимоий қатламлар, табақаларнинг онгли муносабатлари тарзида қўзга ташланади. Яъни, жамиятнинг ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатлари структуравий тузилишни ташкил қилган. Уз навбатида, системани тўлалигича билиш, унинг стуктуравий ту-

зилишидаги хар бир элементнинг функционал фаолиятини алохида тахлил килишни такозо этади.

Шуни алохида таъкидлаш кераки, инсонларнинг нарса хамда ходисаларга муайян манфаатлари ва эхтиёжларига кура ёндашишига караб, хар бир элементни нисбатан мустакил система сифатида олиб караш мумкин. Масалан, маънавият жамият структурасида, уни ташкил килувчи мухим элементларнинг бири хисобланади, лекин маънавиятни, махсус ижтимоий ходиса сифатида алохида олиб тахлил киладиган булсак, унинг ички элементлардан иборат мустакил системалигини курамиз. Шунга кура, система, структура ва элемент нисбий тушунчалар булиб, категориялар сифатида, унга булган муносабат доирасида конкретлашади.

Шунинг учун «система», «структура», «элемент» каби фалсафий категориялар нарса ва ходисаларни билишга системали ёндашиш, структуравий тахлил усулларининг умумметодологик асоси булиб хисобланади.

Элементларни системани ташкил килишдаги структуравий ахамиятига кура: мухим ва мухим булмаган, асосий ва асосий булмаган элементларга ажратиб урганиш алохида ахамиятга эга. Чунки хар кандай конкрет элемент, муайян системада макон-замон хусусиятларига кура, уз ахамиятига эга булади. Бирок, уларнинг ахамиятини, юкорида курсатилганидек, туркумлаштириш мутлако нисбий хамда шартли характерга эга булиб, муайян манфаатлар ва эхтиёжлар асосида ёндашишдан келиб чикади. Шунга кура, конкрет макон ва замонда системани ташкил килишдаги элементларнинг ахамияти структуравий функциясида мукобилликлар вужудга келиб туриши билан изохланади. Яъни, системадаги унинг характерини белгилаб турган мухим элемент, маълум вактга келиб мухим булмаган элементга айланиши ёки аксинча булиши мумкин.

Умуман, фалсафанинг система, структура, элемент категориялари нарса ва ходисаларнинг мазмунини, шаклини очиб беришда методологик асос булади.

Фалсафа фанидаги анъанавий тарзда ёзилган дарсликлар, укув куланмаларидан фаркли уларок, бу категорияларни киёсий тахлил килишимиздан максад, бошка жуфт категорияларнинг мазмунини очиб бериш имкониятини яратишдир. Чунки, «мохият ва ходиса», «мазмун ва шакл», «сабаб ва окибат», «зарурият ва тасодиф», «имконият ва вокелик» категорияларининг мазмуни, юкорида курсатилган «алохидалик», «хусусийлик» «уму-

мийлик», «бутун», «қисм», «структура», «элемент» категориялари мазмуни билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун биз фалсафа категорияларини бир-бирини тақозо қилувчи, нисбатан мустақил билиш усулларининг яхлит системаси тарзида олиб қарашни лозим топдик. Лекин, бунинг учун ҳар бир категориянинг мазмунини алоҳида таҳлил қилиш зарур.

«Моҳият ва ҳодиса» категориясини олиб қурайлик. Моҳият-ўзида алоҳидалик, махсуслик, умумийликнинг мазмунини, сабабини, заруриятини, имкониятини, бутун, қисм, система, структура, элемент тарзида намоён қилади. Ҳодиса эса, уларнинг боғланиши, алоқадорлик ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Моҳиятни алоҳидалик, махсуслик, умумийлик, бутун, қисмга мос келишига қараб, туркумлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, субъект назарида аҳамиятига ва функциясига кўра, асосий ва асосий бўлмаган, нисбатан барқарор ёки ўзгарувчан моҳиятларга ажратиб, уларнинг ривожланиши жараёнида ўрнини алмаштириб туришларини эътиборга олиш зарур.

Нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш уларнинг инсон эҳтиёжларини қондириш вазифаси ва мақсадларини конкретлаштиришдан иборат. Масалан, жамият устқурмасининг сиёсий элементи бўлган давлатнинг мақсади ва вазифаси, уларни амалга ошириш усул ҳамда воситалари мамлакат ҳудудида яшаётган кишиларнинг муайян ҳаёт шароитларини таъминлашдан иборат бўлиб, унинг моҳиятини ташкил қилади. Шунга кўра, ҳар қандай моҳиятни одамларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига, цивилизация келажагига боғлаб таҳлил қилгандагина, у аҳамиятга эга бўлади.

Нарса ва ҳодисаларни билиш ҳамда ўзгартиришга инсон муайян эҳтиёжлар асосида ёндошади. Бу ёндошиш субъектив характерга эга бўлиб, унинг конкрет эҳтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан баҳоланади. Масалан, чанқаган киши учун сув унинг чанқоғини қондириш, физик учун-агрегат ҳолати, электр токини ўтказиши ёки оптик хусусиятлари, химик учун, унинг H_2O кимёвий бирикма сифати, тегирмончи учун-тегирмон паррагини айлантириш хусусиятлари асосий моҳият ҳисобланади.

Нарса ва ҳодисалар доимий ривожланиб туриши жараёнида, уларнинг моҳияти ҳам, шунга мос тарзда ҳодиса ҳам ўзгариб туради. Моҳиятдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш ҳам, унинг муқаррар ўзгарган ҳодисасида ифодаланади. Масалан, сувнинг электр

токини утказиш хусусияти, унинг температурасига боКликлиги аникланган. Агар биз сувнинг температурасини маълум даражада кутарсак, унинг электр токини утказиш хусусиятини улчайдиган асбоблар бу узгаришларни кайд килмаслиги мумкин. Лекин, бундан сувнинг мохиятини ифодалайдиган электр токини утказувчанлик хусусияти йуколган, деган хулоса келиб чикмайди.

Нарса ва ходисаларнинг мохият ва ходиса тарзида боКланишлари макон ва замондаги муайян конкретлиги билан ажралиб туради. Мохият ва ходиса уз хусусиятларига кура система, структура ва элементларда узига хос тарзда намоён булади. Шунинг учун хар кандай ходисани ва мохиятни тахлил килишда аник тамойилларга асосланиш лозим.

Мазмун ва шакл. Фалсафада мазмун ва шакл категорияси нарса, ходисаларнинг мавжудлиги ва ривожланиш жараёнини билиш усули сифатида мухим ахамиятга эга. Мазмун - нарса ва ходисаларнинг ривожланиш жараёнидаги системани ташкил килган элементларнинг структуравий боКланиши булиб, уни бошка системалардан фаркини белгилайдиган алокадорликлар ва муносабатларини ифодалайди.

Шакл эса — системани ташкил килган элементларнинг структуравий боКланишлари, алокадорликлари, муносабатларининг ифодаланишидир. Ўзиргача фалсафий адабиётларда мазмун ва шакл уртасидаги боКланишларни бир-биридан ажратиб тахлил килиш анъанавий характерга эга. Яъни, мазмуннинг узгариши шаклнинг узгаришига олиб келади, деган хулоса устувор булган. Вахоланки, системанинг элементлари структуравий боКланишларсиз, алокадорликларсиз мавжуд булиш мумкин булмаганлигидек мазмун ва шакл хам бир-бирисиз мавжуд була олмайди. Биз факат нисбатан мустакил булган мазмун ва шаклни билиш хусусиятига караб, шундай мантикий хулосага келишимиз мумкин. Бошкача килиб айтганда, мазмун ва шаклдаги хар кандай жузъий узгариш хам бир-биридаги узгаришларни такозо килади, факатгина биз уларни билиб олган ёки билмаган булишимиз мумкин. Масалан, сувнинг агрегат холати, шакли узгариши билан унинг мазмуни хам узгаради. Яъни, сув буК холатида чанкокни кондирмайди, усимликларни суКориш учун яramайди. Бундан ташкари, элементларнинг структуравий боКланишлари системанинг характерини белгилашидан келиб чикиб айтадиган булсак, структуравий боКланишлар шакл сифатида

системанинг мазмунини хам белгилаб туради. Шунга кура, шаклни мазмунга нисбатан □иккиламчиИ дейиш ноуриндир. Бунга ижтимоий хаётдан мисол келтирадиган булсак, демократия бошкаришнинг шакли сифатида жамиятнинг мазмунини белгилаб туради.

Фалсафада мазмун ва шакл категориясини бошка категориялар тизимидан ажратиб олиб, нисбатан мустакил тахлил килганда, унга инсонларнинг муайян манфаатлар ва эхтиёжлар асосида ёндашишларини алохида эътиборга олиш керак. Бу умуман мазмун ва шаклнинг объектив характерига путур етказа олмаса хам, уларни бахолашдаги субъектив, мукобил карашларда уз ифодасини топади.

Сабаб ва окибат. Нарса ва ходисаларнинг ички бирлиги, яхлитлиги ва тарихий-тадрижий ривожланиш тамойилига кура, уларнинг мазмуни ва шакли узгариб туради. Уз навбатида, хар кандай системанинг элементлари уртасидаги структуравий боКланиш конкрет мазмунга эга булиб, унга мос мазмунларда уз ифодасини топади. Бошкача килиб айтганда, мазмун ва шакл уртасидаги алокадорлик, боКланиш, муносабатнинг характери муайян сабабга асосланади. Яъни, нарса ва ходисаларнинг система шаклида намоён булиши, муайян сабаб окибатидир. Демак, нарса ва ходисаларнинг тадрижий ривожланиши сабаб-окибат муносабатлари тарзида намоён булади. Шунга кура, сабаб — бирор нарса ва ходиса ривожланиш жараёнининг окибатидир.

Нарса ва ходисаларнинг ривожланиши жараёнидаги сабаб ва окибат муносабатларини билишда, уларнинг макон ва замондаги тарихий ва мантикий изчиллиги мухимдир. Бошкача килиб айтганда, бир томондан, хар кандай сабаб аввалги ходисалар ёки уларнинг ривожланиш окибати тарзида намоён булади. Иккинчи томондан эса, бу окибат кейинги ривожланишнинг сабаби булиб хисобланади.

Нарса ва ходисаларнинг ривожланиши асос булган сабаблар тизими мавжуд. Уларни шартли равишда: асосий ва асосий булмаган, мухим ва мухим булмаган сабабларга ажратиш мумкин.

Сабабнинг мохияти аввалги ходисаларнинг окибати сифатида вужудга келаётган ходисалар учун сабаблигидадир. Шунга кура, сабабни бир вактнинг узида окибат тарзида караш мумкин. Аникрок килиб айтадиган булсак, хар кандай окибат сабаб тарзида намоён булади. Шу билан бирга, сабабни нарса ва ходисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон ва замондаги даврий

такрорланишдан фарқлаш керак. Чунки, сабаб мавжудликнинг генетик боқланишларини, алоқадорликларини ифодалаши билан биргаликда, уларнинг истиқболларини ҳам белгилаб беради. Ўзбегел тили билан айтганда, сабаб-моҳиятнинг ҳаракатдаги мавжудлик ҳолатидир. Сабаб фалсафий категория сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

1) унинг *объектив характери* нарса ва ҳодисаларнинг ички, таркибий элементлари муносабатларига хос бўлиб, моҳиятнинг реал мавжудлик ҳолатини ифодалайди;

2) *сабабнинг конкретлиги* нарса-ҳодисаларнинг хусусиятларидан келиб чиқади, ҳамда унинг индивидуаллигини таъминлайди;

3) *сабаб умумий характерга эга* бўлиб, ҳеч қандай нарса ва ҳодисанинг ривожланиши сабабсиз содир бўлмайди;

4) *сабаб зарурий* бўлиб, муқаррар равишда, муайян оқибатларни келтириб чиқаради;

5) *сабабнинг узлуксизлиги*, бир томондан, турли сабабларнинг изчил боқланишларини, муносабатларини, иккинчи томондан, ҳар бир сабабнинг оқибат тарзида олдинги сабаб билан боқлиқлигини характерлайди.

Зарурият ва тасодиф. Объектив оламни билишда зарурият ва тасодиф категорияси муҳим фалсафий-методологик аҳамиятга эга. Зарурият — нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар, муносабатлар мажмуасидир. Тасодиф эса — заруриятнинг намоён бўлиш шаклидир.

Зарурият ва тасодиф категорияси оламни фалсафий билишнинг муштараклигини ва самарадорлигини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, заруриятни туркумлаштирганда, унинг макон ва замондаги структуравий тузилишини ташкил қилган элементларини системали-структурали таҳлил қилиш лозим. Шунингдек, заруриятни сабаб-оқибат муносабатлари тарзида тушуниш лозим. Зарурият нарса ва ҳодисаларнинг муқаррар ривожланиш қонуниятдан келиб чиқади ҳамда объектив сабаблар тизимига асосланади. Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши тарихий обеъктив заруриятдир, унинг ўзбек моделИ асосида амалга оширилиши заруриятнинг конкрет намоён бўлишидир. Бунда тасодиф субъективлаштирилган Ижараён сифатида ўзга ташланса ҳам, объектив ҳодисадир. Чунки, Ўзбекистоннинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожлани-

шининг миллий хусусиятлари, бозор муносабатларига утишнинг характерини белгилаб беради.

Заруриятлар табиий-тарихий ривожланишнинг объектив конуниятларидан келиб чиқиб, доимий узгариб туради. Заруриятларнинг тасодифлар тарзида намоён булиши, уз навбатида, бошқа ходисалар учун зарурият мақомига эга булади. Бундан куриниб турибдики, зарурият ва тасодиф уртасидаги боКланишлар сабаб-окибат муносабатлари характерига мос келади.

Зарурият ва тасодиф, категориясига бошқа категориялар каби, уни аниқлаш ва бахолашга муайян субъект эхтиёжлари, манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиладиган булса, мукобил карашлар вужудга келади. Масалан, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб, мустақил давлатларнинг вужудга келиши, айрим назариётчилар томонидан тасодифий ходиса деб бахоланиб, унинг зарурий, объектив конуний характери инкор этилмоқда. Вахоланки, жамият тараққиётида хеч кандай империянинг абадий булмаслигини тарихий тажрибалар доимий исботлаб келган. Демак, бунда биз заруриятни куриб турибмиз.

Зарурият ва тасодифнинг алоқадорлиги, боКланиши шундаки, улар бир-бирисиз мавжуд була олмайди, яъни заруриятнинг мукаррарлиги тасодифга хам хосдир. Шунинг учун фалсафий адабиётларда тасодифларнинг мукаррарлиги, тарихийлиги, сабабийлигини, конунийлигини инкор килувчи карашлар Кайриилмийдир.

Имконият ва вокелик – фалсафанинг мухим категорияларидир. Имконият нарса ва ходисаларнинг макон ва замондаги ривожланиш тенденциясини таъминлайдиган, муайян конуниятларга асосланади. Вокелик эса, шу конуниятларга асосланган ривожланишнинг намоён булишидир. Имконият ва вокелик категориясини хам, билишнинг умумий мантикий тамойилларига кура, бошқа категориялар билан боКликликда тахлил килиш мухим ахамиятга эга. Имконият нарса ва ходисалар ривожланиш жараёнининг ички бирлигини ифодалайди ва уларнинг ривожланиш шарт-шароитларини, сабабларини, зарурий конуниятларини, мохиятини узида мужассамлаштирган.

Имкониятнинг вокеликка айланиши конуний ходисадир. Унинг реал, формал, мавхум имконият деб аталадиган шакллари бор. Узбекистон мустакилликка эришгандан кейин демократик хукукий жамият куриши учун реал имкониятлар вужудга келди. Бундай имкониятлар И.А. Каримовнинг "Узбекистон XXI аср

бусаКасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлариИасарида курсатиб берилди.

Имконият категориясини, унинг шарт-шароити билан аралаштирмаслик керак. Шарт-шароитлар окибат, тасодиф, ходиса сифатидагина имкониятга таъсир киладиган омиллар мажмуасидан иборат. Мавжуд вокелик тарихий генезисига кура, узида бошка вокеликнинг имкониятларини мужасамлаштирган булади. Масалан, бозор иктисодиётининг хозирги боскичи реал вокелик сифатида, унинг кейинги ривожланиш имкониятларини намоён килади.

Таянч тушунчалар

Категориялар, алохидалик, умумийлик, сабаб ва окибат, мазмун ва шакл, система ва элемент, бутун ва булак, мохият ва ходиса, зарурият ва тасодиф, имконият ва вокелик.

Такрорлаш учун саволлар

1) Категориялар тушунчасини кандай изохлайсиз?
2) Жуфт категориялар мазмунидаги ички бирликнинг асоси нимада?
3) Ўзбекистонда тараккиёт ва узаро богликлик тамойиллари кандай намоён булмокда?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Узбекистон, 1999.
2. Каримов И. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман. – Ўзидокор2000 й. 8 июн.
3. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Узбекистон, 2000.
4. Основы философии. — Т: Ўзбекистон, 1998.
5. Философский энциклопедический словарь. М. 1999.
6. Мустакиллик: илмий изохли оммабоп луғат. — Т., 1999.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ.
ДУНЁНИ АНГЛАШ: ҒОЯ ВА ЎАҚИҚАТ

1-мавзу. Онг ва рухият

Режа:

1. Онг ва рухиятнинг ижтимоий-тарихий мохияти.
2. Уз-узини англаш, унинг шакллари.
3. Онг ва ахборот. Информацион портлаш.
4. ўзозирги даврда онг ва дунёкарашда туб узгаришларни амалга ошириш зарурияти.

Онг нима? инсон азал-азалдан узигагина хос булган онгнинг нима эканлиги тугрисида уйлаб, бахслашиб келади. Бу бахсларнинг бир жихати, онг табиат махсулими ёки инсон онги илохий яратилганми? деган масаладан иборат. Иккинчи жихати эса, инсон дунёни доимо бир хил англаганми? Яъни асрлар давомида инсон онги такомиллашиб келганми ёки хамон уша-ушами? деган муаммо билан боКлик.

□Узингни билсанг, оламни биласанИ – деган эди Су□рот. Афоризмга айланиб кетган бу фикр ортида олам каби инсон хам сиру синоатларга бой, у узини билиш оркали олам мохиятини англашга йул очиши мумкин, деган Коя ётибди. Шу маънода, инсон узини ташки оламдан ажратиб, алохида бир муъжиза ва тадкикот мавзуи сифатида урганишга харакат кила бошлаган пайтдан буён уни уйлантириб келаётган муаммолардан бири онгнинг мохияти, унинг келиб чикиши масаласидир.

Шу нуктаи назардан караганда, онгнинг табиатини англаш масаласи – энг кадимий фалсафий масалалардан бири, дейиш мумкин. Гарчанд онг ва унинг турли хусусиятлари инсонга хос ходиса сифатида психология, адабиёт, социология каби фанларнинг тадкикот мавзуи доирасига кирган булса-да, онгнинг мохияти, унинг турли куринишлари уртасидаги муносабат каби масалаларни урганиш билан айнан фалсафа шуКулланади.

Онгнинг мохияти масаласи энг кадимий муаммолардан бири экан, уни англаш жараёнида турли хил жавоблар булганлиги табиий. Бу саволга энг кадимий жавоб диний ва мифологик карашлар доирасида берилган.

Онгни диний тушуниш уни илохий ходиса, худо яратган муъжиза тарзида талкин килишга асосланади. Купгина динларда инсон онги буюк илохий аклнинг миттигина акс этиши, унинг намоён

булиш шакли тарзида тавсифланади. Инсон танасидаги рух бизнинг истак ва фикрларимизнинг ташувчисидир. Жон улиши билан онг хам улади. Бундай карашларнинг илдизи жуда кадимий булсада, улар хамон узининг куплаб тарафдорларига эга. Зеро, у олам ва одамнинг яратилганлиги масаласи билан бевосита боКликдир. Кимда-ким олам ва одам яратилганлигини тан олар экан, онг хам яратганнинг кудрати эканлигини тан олиши табиий.

Онг моддийликнинг мияда акс этиши деб тушунишда, унинг мохияти инсон танаси фаолияти билан боКлаб талкин этилади. Бундай карашлар хам кадимий илдизларга эга. XVIII асрга келиб онгни бевосита инсон мияси фаолияти билан боКлашга харакат килган карашлар хам шаклланди. Айни пайтда материалистик йуналиш номини олган бундай ёндашувлар доирасида онгнинг мохиятини бузиб талкин килиш холлари хам пайдо булган. Фалсафа тарихида **Вульгар материализм** деб ном олган оким намояндаларининг карашлари бунга мисол була олади. Уларнинг фикрича, худди жигар сафро ишлаб чикаргани каби, мия хам онгни ишлаб чикаради. Бундай ёндашув натижасида онг идеал эмас, балки моддий ходиса, деган хулоса чикади. Вахоланки, сафрони куриш мумкин, аммо онгни куриб хам, ушлаб хам, улчаб хам булмайди.

Хуш, онг тарихан качон ва кандай омиллар таъсирида шаклланган? У хакикатан хам мия билан боКликми?

Онг тарихи инсоннинг инсон булиб шакллана бошлаши тарихи билан боКликдир. Узок вакт давомида инсон, унинг онги планетар, яъни Ер шари доирасидаги ходиса сифатида караб келинди. Ўозирги замон фани масалага кенгрок доирада ёндашиш зарурлигини курсатмокда. Чунки фан далиллари инсон пайдо булишини факат Ерда кечган жараёнлар билан чеклаб куйиш тугри эмаслигини, у коинот эволюциясининг табиий хосиласи эканлигини тобора чукуррок исботламокда.

Инсон биологик ва ижтимоий харакатнинг ташувчиси экан, харакат шакллари уртасидаги узвий алокадорликни, унинг юкори шакллари куйи шаклларига боКликлигини, таянишини, улардан усиб чикишини унутмаслик лозим. Бошкача айтанда, улар уртасида узвий алокадорлик мавжуд.

Онг тарихи Jуёш системаси ва унда миллионлаб йиллар давомида содир булган узгаришлардан хам айрича олиб каралиши мумкин эмас. Айнан мана шу жихатдан олганда, онгнинг шакланишини космик ходиса сифатида караш хам мумкин.

Инъикос шакллари эволюцияси ва онг. Онг инъикоснинг олий шаклидир. Хуш, инъикос деганда нима тушунилади. Инъикос муайян таъсир натижасида пайдо булади. Бунинг учун эса, хеч булмаганда, иккита объект булиши ва улар уртасида узаро таъсир булиши лозим. Энг умумий маънода, хар кандай предметларнинг у билан таъсирлашувда булган бошка предметларнинг таъсирини муайян тарзда акс эттириши билан боКлик хоссасига инъикос дейилади.

Шу маънода инъикос хамма жойда мавжуд. Айни пайтда хар бир холатда у узига хос хусусиятга эгадир. Чунончи, нотирик табиатдаги инъикос билан тирик табиатдаги инъикос бир-биридан тубдан фарк килади. Нотирик табиатда инъикос оддийлиги билан ажралиб турса, тирик табиатда у мураккаб характер касб этади.

Шу билан бирга, нотирик табиатда инъикос пассивлиги, тирик табиатда эса, фаоллиги билан ажралиб туради. Тирик табиатда инъикос ташки таъсир натижаларидан фаол фойдаланишни келтириб чикарувчи ахборотли инъикос шаклини олади.

Айни пайтда ахборотли инъикоснинг узи тирик табиатнинг хар бир даражасида янада мураккаблашиб, узига хослик касб этади. Мана шундай мураккаблашув жараёни психик инъикоснинг шаклланишига замин яратди. Айнан психик инъикос даражасида вокеликка актив муносабат хам шаклланади, инъикоснинг илгарилаб боришидан эса, уз навбатида, унинг узига хос, юкори шакли булган онгнинг пайдо булишига имконият яратди.

Онг ва мия. Инсон мияси нозик, мураккаб тузилишга эга булган тизимдир. Айнан унинг мураккаблиги онг пайдо булиши мумкинлигининг асосий шартидир. Бундай холат хам узок давом этган эволюциянинг табиий хосиласидир.

Аммо юксак даражада ташкил топган миянинг узи хам хали онг пайдо булиши учун етарли эмаслигини унутмаслик лозим. Бу мия нормал функционал фаолият курсатиши зарур. Ва нихоят, нормал функционал фаолият курсатувчи мия сохиби ижтимоий муносабатларга тортилган булиши шарт.

Шу уринда вульгар материалистлар карашларига яна бир марта мурожаат килиш лозим. Агар улар хак булганида эди, хайвонот оламига тушиб колган инсон болаларида хам онг шаклланган булиши керак эди. Улар хайвонлар орасида булганида хам жигар сафро ишлаб чикараверади. Аммо, мия онгни ишлаб чикармайди. Бундан онгнинг ижтимоий-рухий ходиса эканлиги ва у факат жамиятдагина шаклланиши мумкинлиги хакидаги хулоса келиб чикади.

Онг ва руҳият (психика). Онг психик инъикоснинг ўзига хос, юксак шаклидир. Аммо, бу психика ва онг тушунчаларини айнанлаштириш учун асос бўла олмайди. Негаки, психика ҳайвонларга ҳам хосдир. Гап инсон психикаси ҳақида кетганда ҳам, у онг тушунчасига нисбатан кенг қамровлилик касб этишини унутмаслик лозим. З. Фрейд фикрича, психика онгсизлик, онг ости ҳодисаларини ва онгнинг ўзидан иборат уч қатламдан ташкил топган. Инсон ҳаёти ва фаолиятида онг билан бир қаторда онгсизлик ва онг ости ҳодисалари ҳам муҳим аҳмиятга эга.

Психологлар фикрича, инсон фарзандининг камол топа бориши билан бир қаторда куплаб функциялар онг назорати остидан чиқиб автоматик характер касб этиши билан характерланади. Айтайлик, биринчи марта машинага ўтирганимизда, биринчи марта сурат олаётганмизда деярли барча ҳаракатларимиз онгнинг қаттиқ назорати остида бўлади. Вақт ўтиши билан эса кўпгина ҳаракатларни онгсиз тарзда, англамаган ҳолда бажара бошлаймиз. Бундай ҳолат инсон фаолиятининг хилма-хил соҳалари, йўналишларида, уларга онгнинг фаол тарзда аралашишини, яъни қайта фаолиятни ўз назоратига олиши мумкинлигини инкор этмайди. Хатти-ҳаракатларнинг онгсизлик соҳасига кўчиши бир томондан онг □ЮкиИнинг енгиллашига хизмат қилса, бошқа томондан, онгнинг асосий кучи, қуввати, □диққатиИни, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат, жараёнларга қаратилишига имконият яратади.

Онгсизлик доирасига онг назоратидан ташқарида қолган сезги, тасаввур, инстинкт ва интуиция каби ҳодисалар ҳам киради. Ана шу хусусиятларни инобатга оладиган бўлсак, онгсизлик онг мавжудлиги ва ривожланишининг табиий шарти дейиш мумкин. Онг ости ҳодисалари ҳам психик жараёнларнинг муҳим бўКинидир. З. Фрейд фикрича, улар онгсизлик билан онг ўртасидаги чегаравий соҳадир.

□Гап тагида- гап бор, коса тагида- ним косаИнақлида онг остига хос бўлган хусусиятлар ифодаланган, дейиш мумкин. Негаки, ҳар қандай фаолиятимизда айни вақтда биз учун аҳамияти бўлмаган ҳолатлар бўлади. Аммо, бу улар кузатишдан, назоратдан четда қолади, дегани эмас. Биз учун аҳамиятли характер касб этганда, улар онг остидан онг сферасига кўчиши мумкин. Масалан, бирор жойга бораётганда, асосан, мақсадга томон ҳаракат қилинади, аммо йўлда учраган бошқа нарса ва ҳодисалар ҳам кузатилади, эсда қолади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, онг ости инсон онгли фаолиятининг ўзига хос кузатувчиси, за-

рур булган холларда цензори сифатида чикишдек сифатларга эга, дейиш мумкин.

Онгнинг тузилиши. Онг узаро алокада булган турли унсур (элемент) лардан ташкил топган мураккаб маънавий тузилишга эга.

Онг инъикоснинг узига хос шакли экан, аввало, унда акс эттириладиган объект хакидаги муайян билимлар хиссий ва рационал шаклда уз ифодасини топади. Демак, билим онг тузилишининг асосий унсуридир. Шунинг учун хам билимларнинг бойиб, чукурлашиб бориши онг ривожланишини характерлайдиган мухим белги сифатида юзага чикади.

Онг тузилишининг яна бир унсури хилма-хил куринишларда намоён буладиган кечинмалардир. Уларда инъикос объектига муносабат гавдаланади. Билимларимизнинг чукурлиги ва куламлилиги, хиссиётларимизнинг намоён булиши ёки булмаслиги интилишимиз — иродамизга боЏлик. Ирода кучи оламни англаш жараёнида юзага келадиган хар кандай тусикларни енгиб утишга, кузланган максад йулида тинмай харакат килишга йул очади.

Ирода табиатнинг инъоми эмас экан, уни тарбиялаш, камол топтириш шахс хаётида, унинг жамиятдаги уз урнини топишида мухим ахамиятга эга. Зеро, иродасизлик энг улуК ният ва максадларни барбод килибгина колмай, инсоннинг тугри йулдан тойиб кетишига ва турли салбий окибатларнинг келиб чикишига олиб келиши хам мумкин.

Онг ва тил. Тил онгнинг инсонгагина хослигини исботловчи омиллардан биридир. Хуш, тил деганда узи нима тушунилади? Тил, бу энг аввало, муайян белгилар тизими демакдир. Аммо, тилнинг хусусиятларини шу билангина чеклаш тугри эмас. Негаки, муайян белгилар тизими хайвонларга хам хос, улар ёрдамида жонзодлар уртасида муайян ахборот алмашинуви содир булади.

Айтайлик, кабутарларининг ЏмухаббатИ ракси, жонзодларнинг хавф-хатар пайдо булганда турли товуш — белгилар ёрдамида бир-бирини огохлантириши, айрим хайвонларнинг узи яшайдиган худудни турли йуллар билан ЏчегаралабИчикиши ана шундай белгилар тизимининг узига хос куринишларидир. Лекин, жиддий эътибор бериладиган булса, бу белги — сигналлар тизими узок давом этган эволюция давомида хосил килинган рефлекслар эканлигига ишонч хосил килиш мумкин.

Хатти-харакат ёки бошка белгилар ёрдамида узатилаётган ахборотнинг мазмуни муайян вазиятдаги холат билан белгиланган булади. Бундан фаркли уларок инсон нутки, тили конкрет вазият, макон ва замондан холи булиши, унга боКлик булмаслиги хам

мумкин. Бошкача айтганда, у узида утмишни, хозирги холатни ва истикболни хам ифодалаши мумкин. Бу инсон тилининг белгилар тизими сифатида хайвонот дунёсида амал киладиган белгилардан туб фаркини курсатувчи мухим хусусиятидир.

Тил кайд килинганидек, белгилар тизимидир. Фан юксак тараккий килган хайвонларда ахборот узатишга хизмат киладиган мураккаб белгилар тизими мавжуд эканлиги ва у хайвонот олами эволюцияси билан бир пайтда такомиллашиб борганлигини исботламокда. Демак, тил йук жойдан, бирданига пайдо булиб колмаган. Онг инъикос шаклларнинг узок давом этган эволюциясининг табиий хосиласи булганидек, у билан узвий боКлик булган инсон нутки хам ахборот узатишга хизмат киладиган белгиларнинг мураккаблашиб бориши жараёнининг зарурий натижасидир.

Демак, тил белгилар тизими сифатида келиб чикишидан катъий назар факат инсонгагина хос ва у онг билан узвий боКликдир. Негаки, тилда онг гавдаланади. Тил ёрдамидагина онг кишининг узи ва бошкалар учун вокеликка айланади. Тилда ифодаланаётган маъно — мазмуннинг англаниши инсоннинг умумий билим даражаси, кизикиши, кобилияти, конкрет шароитдаги кайфияти каби омилларга хам боКлик булади. Тил фикрлаш куроли, мулокот воситаси сифатида доимий такомиллашув жараёнини бошидан кечирмокда. Айни пайтда инсоният биз кундалик хаётда куллайдиган табиий тил билан бир каторда мулокотнинг ранг — баранглигини таъминлайдиган, фикрни ифодалашга хизмат киладиган узига хос имо-ишоралар ракс, мусика тилигаИхам эга. Шундай булса-да, улар сузга кучгандагина англашилади, ундаги мазмун тушунарли булади.

Шу билан бирга миллий тиллар билан бир каторда илм- фан ютукларининг тез таркалишида мухим роль уйнайдиган интернационал тил-фан тили, унинг тушунчалари ва формулалари хам борлигини унутмаслик керак. XX асрда кулланиш доираси тобора кенгайиб бораётган электрон хисоблаш машиналарининг бейсикИ фортанИкаби тиллари яратилди. Комьпютерларнинг ижтимоий хаётдаги роли тез усиб бораётган хозирги даврда бу тилИлар ахборотларнинг узатилиши хамда кабул килинишида катта ахамият касб этмокда ва вакт бу жараёнларнинг янада тезлашаётганлигини курсатмокда

Онг ва тил муносабати хакида гап кетар экан, тил узига хос тарихий хотира ролини уташини хам унутмаслик керак. Бу миллий тиллар мисолида айникса, яккол куринади. Зеро, миллат тилида унинг узлиги, босиб утган тарихий йули, тафаккур тарзи

акс этади, мустахкамланади. «Она тили, — деб ёзади Президентимиз, бу миллатнинг рухидир. Уз тилини йукотган хар кандай миллат узлигидан жудо булиши мукаррар».

Шундай экан, мустакиллик шароитида миллий тилимиз ривожига алохида эътибор берилаётганлиги миллий узлигимизни англашимизнинг утиш жараёнида миллий истикболимизни белгилашнинг узвий кисми сифатида каралмоки лозим.

Уз-узини англаш, унинг шакллари. Инсон объектив вокеликни акс эттириш билан бир каторда узи хакида фикр юритиш, рухида кечаётган жараёнларни тахлил килиш, хатти-харакатларини назарий тахлил килишдек кобилиятга хам эга.

Узини узгалардан ажрата билиш, узига муносабат, имкониятларини бахолаш уз-узини англаш сифатида намоён булади. Уз-узини англашда узини билиш, бахолаш ва тартибга солишдек унсурларни ажратиш мумкин. Бу унсурлар уз-узини англашнинг сохибига — субектига кура фаркланувчи муайян шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамиятга хосдир.

Шахснинг уз-узини англаши хакида гап кетар экан, у узини алохида организм, оила, ижтимоий гурух, миллат, маданиятга мансублигини ва юкоридаги хусусиятларидан катъи назар алохида ва бетакрор «Мен» сифатида англашдек боскичларни босиб утишини таъкидлаш зарур.

Инсоннинг камол топиш жараёни, уз-узини англашнинг ривожланиши узига хос характер касб этади. Масалан, дастлабки даврда болада аввало, бошкалар томонидан берилган тасаввур ва бахолар устунлик килади. Боланинг тафаккури усиши билан, у оламни мустакил англай бошлайди ва узининг имкониятларини узи бахолашга ургатиб боради. Айнан мана шу даврда тугри йулга куйилган тарбия мухим ахамиятга эга булади. Чунки, айнан мана шу тарбия таъсирида болада уз имкониятларини тугри бахолаш хам ёки унга ортикча бахо бериб юбориш холати хам шаклланиб колиши мумкин.

Шахснинг уз-узини англаш жараёнида у мансуб булган маданиятнинг урни нихоятда катта. Зеро, айнан маданият халк, миллат туплаган тажриба, билимларни узида мужассамлаштирган холда шахс дунёкараши шаклланишига фаол таъсир утказади. Шунинг учун хам шахс маданияти, хулку одоби, онги, уз-

[1] Каримов И.А. Донишманд халкимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. - Фидокор, 2000 йил 8 июн.

ўзини англашининг даражасини белгиловчи индикатор сифатида намоён б«лади.

Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнига турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий омиллар ҳам кучли даражада таъсир кўрсатади. Ана шундай хилма-хил таъсирлар мавжудлиги шахснинг ўз-ўзини англаши, баҳолаши ва фаолиятини тартибга солиши, назорат қилишини таъминлайди. Акс ҳолда озгина иқтисодий қийинчилик, кичкинагина ижтимоий муаммо шахс ҳаётини издан чиқариб юбориши, турли хил таъсирлар домига тортиши мумкин. "Мана шундай бир вазиятда одам, – деб ёзади И.А. Каримов, – ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амри-маҳол[1]. Буни тушуниб олиш бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш тобора кескинлашиб ва интенсивлашиб бораётган бир шароитда айниқса муҳимдир.

Онг ва ахборот. Кейинги йилларда "Информацион портлаш" тушунчаси ҳам тез-тез ишлатилмоқда. XX асрнинг энг муҳим ютуқларидан бири бу компьютерларнинг яратилганлигидир. Уларнинг яратилиши бир томондан инсон онги, тафаккури, куч - қудратининг, иккинчи томондан, ана шу кучга тушадиган юкнинг енгиллашишига хизмат қиладиган воситани яратиш йўлидаги уринишларнинг натижаси бўлди. Асримизнинг ўртасида пайдо бўлган бу восита шиддатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. Дастлаб секундига минглаб операциялар бажара оладиган компьютерлар бўлган бўлса, уларнинг бугунги авлоди 10 миллионлаб мураккаб операцияларни қойилмақом қилиб уддалайди.

Хуш, буларнинг инсон онги ва тафаккурининг моҳияти билан нима алоқаси бор? Гап шундаки, ЭЎМ лар ҳам инсон тафаккурига хос бўлган хусусиятларга эга. Бундай хусусиятларга, унинг тобора кўпроқ эга бўлиб бориши, ЭЎМ фикрлай олади-ми, агар инсон ўзига хос хусусиятларини уларга тобора кўпроқ кўчириб бораверса, охир оқибатда, бир вақт келиб, у ўзи яратган ана шу қуролнинг қулига айланиб қолмайдими, деган саволларнинг кун тартибига қўйилишига олиб келди. Айтайлик, компьютер албатта олдиндан программалаштирилган операцияларни,

[1] Каримов И.А Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга ҳизмат этсин. - Т: "Ўзбекистон, 1998. 6-бет.

миллионлаб марта тез бажариши мумкин. Уларнинг □хотираИ кудрати нихоятда юксак ва х. к. Аммо булар Эў Мларнинг фикрлашидан, уларнинг инсон устидан хукмронлик килишидан далолат берадими? Албатта, йук. Компьютерлар канчалик мураккаб операцияларни бажармасинлар, инсон томонидан программалаштирилган жараёнларнигина амалга оширадилар, ундан ташкарига чика олмайдилар. Инсоннинг фикрлаш жараёни онгсизлик, онглилик, кечинмалар, ижод каби ходисаларни камраб олади. Компьютер эса бундай хусусиятларга эга эмас. Шундай экан, компьютерлар инсоннинг муайян йуналишлардаги аклий фаолиятини енгиллаштиришга хизмат килади ва узининг яратувчиси устидан хукмрон була олмайди.

Айрим тадкикотлар натижаларига кура, хозирги даврда фан сохасида эришилган натижалар хар ун йилда, информация олиш эса хар 3-4 йилда икки баробарга ошмокда. Ана шундай шароитда инсон онги, унинг хотира кудрати бу ахборотларни узлаштира оладими, деган савол кундаланг булмокда. Янги билимлар, ахборот окими унчалик кучли булмаган якин утмишда тиришкок киши инсоният билими эришган асосий натижаларни узлаштира олар эди. Бугунги кунда факат фаннинг турли йуналишлари буйича йилига бир неча миллион китоб нашр этилмокда. ў исоб-китобларга кура, инсон энг янги адабиётларни урганиб боришга харакат килганда хам, унинг хар бир укиган бетига ун минг укилмаган сахифа тугри келар экан.

Кишиларнинг пайдо булган янги китобларнинг аксариятини жисмонан укиб улгурмаганлиги □информацион портлашИ келтириб чикараётган окибатларнинг бир куриниши, холос. Масаланинг яна бир жихати борки, бу инсон туплаган билим, ахборотнинг маънавий эскириши, кераксиз булиб колаётганлигидир. Бундай эскириш суръати тобора тезлашиб бормокда. Масалан, олий — таълим сохасида бу жараён олти — етти йил, компьютер технологияси сохасида эса бир йил давомида содир булаётганлиги хакида фикрлар билдирилмокда. Бу агар сиз олий укув юртини битирганингизга етти йил булган булса, уз вактида олган билимларингизнинг аксарияти бугунги кун талабига жавоб бермаслигини билдиради. Ана шундай шароитда кишиларнинг уз билимларини юкори даражада ушлаб туришлари улардан доимий диккатэътиборни, уз устида ишлашни талаб килади. Акс холда, таълим даргохини энг юкори натижалар билан битирган мутахассис хам тез орада чаласавод булиб колиши мумкин.

Умумлаштириб айтганимизда, онгнинг моҳиятини, унинг коинот эволюциясининг табиий натижаси эканлигини тушуниш, у билан боғлиқ бўлган жараёнларни илмий талқин этиш олам ва одам бирлигини англаш имконини беради. Айни пайтда, онгнинг моҳиятини англаш инсоннинг ўзлигини, яшашдан мақсади, ҳаётининг маъно-мазмуни каби масалаларни чуқурроқ тушунишга йўл очади. Бу онг ва у билан боғлиқ масалалар амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Таянч тушунчалар

Дунёни англаш, инъикос, психика, онг, тил, онгнинг тузилиши, ўз-ўзини англаш, Информацион портлаш

Такрорлаш учун саволлар

1. Психика ва онг коинот эволюциясининг табиий натижаси деганда нимани тушунасиз?
2. Онг нима? Нега у ижтимоий-тарихий характерга эга дейилади?
3. Онг ва тилнинг бирлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Ўз — ўзини англаш нима?
5. Информацион портлаш нимани англатади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. — Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. — Фидокор, 2000 йил 8 июн.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. — Т.: Ўқитувчи, 1993.

2-мавзу. Ижтимоий онг

Режа:

1. Ижтимоий онг тушунчаси, унинг мазмуни, таркибий кисмлари.
2. Ижтимоий ва индивидуал онг, уларнинг намоён булиш хусусиятлари.
3. Ахборот дунёсининг глобаллашуви ва инсон онги имкониятларининг кенгайиши.
4. Ижтимоий онгнинг мохияти ва намоён булиш хусусиятларини урганишнинг ахамияти.

Ўар бир кишига хос индивидуал онг булиши исбот талаб килмайдига хол. Шу билан бирга хилма-хил кишилар, турли-туман сохалар, гурух, партия, миллат каби ижтимоий бирликлардан иборат жамият учун хам умумий англаш мезонлари ва меъёрлари борми? Жамият ягона жисм эмас-ку, унда яхлит англаш усули ва умумий онг булиши тугрисида гапириш кандай буларкин? деган саволлар хам учрайди. Бу саволларнинг тарихи узок.

Одамзод бир-бири билан алокаларини тартибга солиб турадиган маънавий, ахлокий мезонлар, умумий караш ва интилишлар, манфаат ва максадлар хам борлигини англаганидаёк, ижтимоий онг мавжудлигига ишонган.

Жамият мураккаб ва серкирра ходиса. Унинг хилма-хил сохаларида содир булаётган узгаришлар кишилар онгида уз аксини топмаслиги мумкин эмас. Ана шу жараённи ифодалаш учун, одатда, ижтимоий ва индивидуал онг тушунчаларини ишлатамиз. Хуш бу тушунчаларнинг фаркн нимада, улар кандай конуниятлар асосида ривожланади?

Ижтимоий онг табиий ва ижтимоий вокеликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки кисмига тегишли булган умумий хистуйКулар, кайфиятлар, карашлар, Коялар, назариялар мажмуидир.

Ижтимоий онг туфайли жамиятнинг уз-узини англаши содир булади, кечаётган жараёнларга муносабати шаклланади. Ижтимоий узгаришлар билан бир каторда ижтимоий онг хам узгариб ривожланиб бораверади. Аммо бундан, асло, ижтимоий онгнинг тараккиёти факат ижтимоий вокеликдаги узгаришларгагина боКлик экан-да, деган хулоса келиб чикмайди. Зеро, ижтимоий онг уз тараккиётида нисбий мустакиллик характерига ва ижтимоий вокеликка фаол акс таъсир эта олиш хусусиятига хам эгадир.

Ижтимоий онгнинг бундай хусусиятлари нималарда куринади?

Аввало, ижтимоий онгга ворислик хос эканлигини таъкидлаш лозим. Бу ижтимоий онг шаклларининг уз ривожланиш мантикига, конуниятларига эга эканлигида яккол намоён булади. Бундан ташкари, ижтимоий онг ривожида унинг турли шаклларининг узаро таъсири хам мухим рол уйнайди.

Ижтимоий онг, ундаги узгаришлар вокеликка хамма вакт акс таъсир этиб келган. Билимлар кулами, тарихий тажриба хар бир даврда айрича булганидек, бу таъсирнинг кучи хам турлича булган. Ижтимоий онгнинг мохияти уни индивидуал онг билан солиштирганда янада яккол намоён булади.

Индивидуал онг муайян, гурух, элат, миллатга мансуб булган айрим кишининг онги булиб, жамиятдаги вокелик ва реал борликнинг алохида олинган шахснинг онгида акс этишдир.

Ижтимоий ва индивидуал онгнинг мохиятини чукурроқ англаш учун улар уртасидаги ухшаш ва фаркли томонларни тушуниб олиш максадга мувофикдир.

Ижтимоий ва индивидуал онг уртасидаги ухшашлик бир томондан, хар иккаласининг хам ижтимоий вокеликни акс эттиришида куринади. Бошка томондан, ижтимоий онг вокеликни индивид онги оркали акс эттиради. Чунки, ижтимоий вокеликда юз берадиган узгаришлар аввало, алохида кишилар онгида уз аксини топади ва ундан сунггина ижтимоий онгда гавдаланади.

Ижтимоий онг билан индивидуал онг уртасида фаркли томонлар хам мавжудки, улар куйидагиларда куринади:

Биринчидан, индивидуал онгнинг сохиби, субъекти алохида олинган индивид булса, ижтимоий онгнинг субъекти жамиятдир.

Иккинчидан, уларнинг фарки шаклланиш шарт-шароитларида куринади. Зеро, ижтимоий онг ижтимоий вокеликнинг инъкоси булса, индивидуал онг тараккиётига ижтимоий онг билан бир каторда шу шахсгагина хос булган темперамент, характер каби хусусиятлар, унинг моддий ахволи, оилавий, диний, миллий-маданий мансублиги каби омиллар, хамда у бевосита тортилган ижтимоий муносабатларнинг характери хам муайян даражада таъсир курсатади. Бошкача айтганда, ижтимоий онгга куламлилик, кенг камровлилик, индивидуал онгга эса узига хослик, бетакрорлик хосдир.

Учинчидан, ижтимоий онг ижтимоий вокеликни акс эттирганлиги учун муайян конуниятларга буйсунади, улар асосида ривожланади. Индивидуал онг эса, айрим индивиднинг туКилиши билан шаклланиб, тараккий килиб бориб, унинг вафоти

билан барҳам топади. Аммо бу индивид онгининг бутунлай барҳам топишини ҳамма вақт ҳам англатавермайди. Чунки индивид онги у яратган асарлар, кашфиётлар шаклини олиб, кейинги авлодлар томонидан мерос сифатида қабул қилиб олиниши мумкин. Масалан, Гиппократ ва ибн Сино таълимотлари, Афлотун ва Берунийнинг Коялари, Навоий ва Гандининг гуманизми кишилар учун ҳамон катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Туртинчидан, индивидуал онг айрим соҳаларда ижтимоий онгдан узиб кетиши ёки орқада қолиши мумкин. Фан тарихида кескин бурилишлар ясаган олимларнинг, жамият тараққиётининг истиқболларини олдиндан айтиб берган мутафаккирларнинг қарашлари индивидуал онг баъзан ижтимоий онгдан нечоқлик илгарилаб кетиши мумкинлигига ёрқин мисол бўла олади.

Ижтимоий онгнинг структураси ижтимоий муносабатлар ва кишилар фаолиятининг турлари билан белгиланади. Одамлар фаолияти қанчалик хилма-хил, уларнинг ижтимоий муносабатлари қанчалик бой бўлса, ижтимоий онг ҳам шунчалик бой ва мураккаб бўлади. Воқеликни акс эттириш даражасига кўра, ижтимоий онг одатий ва назарий онгга бўлинади.

Одатий онг ҳаётий тажриба асосида вужудга келган оддий хулосалар, қарашлар мажмуидан иборат бўлиб, кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеаларни акс эттиради ва ривожланади. Унинг соҳиблари — субъектлари алоҳида олинган шахсларнинг ҳаётий тажрибаси, қизиқишлари, қобилиятлари, билимлари, ҳаётда эгалланган мавқелари ҳеч қачон бир хил бўлмайди.

Одатий онгда назарий билимларга далил ва асос бўлиб хизмат қиладиган элементлар бўлади. Олимлар, санъаткорлар турли назариялар, бадиий образлар яратишда ҳаётий-кундалик онгга асосланадилар, ундан маънавий озиқ оладилар.

Одатий онгда халқ донишмандлиги, анъана ва урф-одатлар, кундалик турмуш қоида ва талаблари, табиат ҳақидаги билимлар, шунингдек турли уйдирмалар, нотўғри қарашлар ҳам ўз ифодасини топади. Кўп асрлик ҳаётий тажрибани ихчам шаклда ўзида мужассамлаштирган халқ мақоллари бунга мисол бўла олади. Одатий онг соф ҳолда учрамайди. Чунки, инсон фарзанди мураккаблик даврида ҳам ўз атрофидагилар, сўнгра китоблар, таълим тизими ёрдамида инсон заковати эришган илмий билимларни ҳам ўзлаштиришга киришади. Бошқача айтганда, содир бўлаётган воқеаларга нафақат ўз тажрибаси, балки илмий билимлар

нуқтаи назаридан ҳам баҳо бера бошлайди, назарий онг таъсирида бўлади.

Хўш, назарий онг деганда нимани тушуниш керак?

Назарий онг деганда назариётчилар, олимлар ишлаб чиққан назарий қарашлар ва илмий билимлар тизими тушунилади. Одатий онгдан фарқли ўлароқ назарий онг ўзгарувчан характерга эга. Бу ўзгарувчанлик илмий билимларнинг шиддатли ривожланиши, воқелик ҳақидаги билимларнинг доимий чуқурлашиб ва кенгайиб бориши билан белгиланади. Шунингдек, одатий онгга воқеаларнинг ташқи томонини ифодалаш хос бўлса, назарий онг воқеаларнинг моҳиятини, ривожланиш қонуниятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам у одатий онгга фаол таъсир қила олади ва кундалик тажриба асосида ҳосил қилинган билимларни саралашга ёрдам беради.

Ижтимоий психология социал муҳит, кундалик турмуш шароитлари таъсири остида вужудга келади ва ривожланади. Уни субектига кўра муайян ижтимоий гуруҳ, элат, миллат психологияси каби турларга бўлиш мумкин.

Миллатларнинг этносоциал бирлик сифатида шаклланишида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар устувор аҳамиятга эга. Тарихга назар ташлар эканмиз, айрим ҳудудда яшаган аҳолининг доимий алоқада бўлиши, ўзаро таъсири, муносабати натижасида тилда, маданиятда умумийликнинг шаклланишга таъсир қилганлигини кўрамиз. Бундай шароитда психологияда ҳам ўхшаш томонлар юзага кела борганлиги табиий, албатта.

Алоҳида олинган бир миллатга хос бўлган психологик жиҳатларни ушбу миллат босиб ўтган тарихий йўлдан, халқаро иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлардан қидириш зарур. Ижтимоий воқеликнинг ўзгариши билан миллий психологияга хос бўлган хусусиятлар ҳам ўзгариб боради. Аммо бу ўзгаришлар нисбатан секин кечганлиги туфайли, у ҳамма вақт ҳам тезда кўзга ташланавермайди.

Миллий психологияга хос жиҳатларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда инобатга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу амалга оширилаётган сиёсатнинг халқ кўнглидан чуқур жой олишини ҳамда ушбу ўзгаришларнинг муваффақиятини таъминлайди.

Ижтимоий мафкура (идеология) ижтимоий психологиядан тубдан фарқ қилади. Ижтимоий психология социал гуруҳлар ҳаётини муайян ҳис-туйғулар, кайфиятларда бевосита акс эт-

тирса, ижтимоий идеология социал гуруҳлар эҳтиёжлари, манфаатларининг ички моҳиятини, сабабини ҳар хил Қоялар, назариялар, таълимотлар шаклида акс эттиради. Шунинг учун ҳам у ижтимоий ҳаётга акс таъсир утказа олиш хусусиятига эга булади. Айни пайтда, идеологиянинг Қоялар тизими сифатида чиқишида, унинг узи учун катта хавф ҳам яширинганлигини таъкидлаш зарур. У реал воқеликдан, шу жумладан, кишилар руҳиятида содир булаётган жараёнлардан узоқлашиб ҳаётилигини йуқотган Қоялар-догмалар системасига ҳам айланиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда мафкура тараққиёт тормозига айланиб, охир-оқибатда ҳалокатга юз тутади.

Ижтимоий онг шаклларини фарқлаш мезонлари. Ижтимоий онг ва унинг даражалари ҳақидаги мулоҳазалар якунида ижтимоий онгнинг ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, фан, фалсафа каби шакллари ажратилишини таъкидлаш лозим.

Нима учун ижтимоий онгнинг айнан юқоридаги шакллари ажратилади? Бошқача айтганда, улар қандай мезонлар асосида фарқланади? илмий адабиётларда ижтимоий онг шаклларини фарқлашнинг турт мезони ажратилган.

Аввало, ижтимоий онг шаклларининг хилма-хиллиги объектив оламнинг турли-туманлигидан, воқеликнинг муайян томонларинигина акс эттиришидан келиб чиқишини курсатиш зарур. Содда қилиб айтганда, ижтимоий онг шакллари, биринчи навбатда, узларининг акс эттириш объектига кура фарқланади.

Айни пайтда, ижтимоий онг шакллари бир-биридан воқеликни акс эттириш усулига кура ҳам ажралиб туради. Масалан, ҳуқуқий онг нормалар, қонунлар, қоидалар воситасида, эстетик онг эса- бадиий образлар ёрдамида воқеликни акс эттиришини бир қарашдаёқ сезиш мумкин.

Ижтимоий онг шакллари уртасидаги фарқни улар ривожланишининг узига хослигида ҳам кузатиш мумкин. Фан тараққиёти объектив олам ҳақидаги янгидан-янги билимларнинг юзага келиши, чуқурлашиб, кенгайиб бориши билан диннинг ривожланиши эса, унинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига, кишилар фаолияти ва турмуш тарзига таъсирининг усиб бориши билан характерланиши фикримизга далил була олади.

Ва ниҳоят, ижтимоий онг шакллари бажарадиган функцияларининг узига хослиги билан ҳам ажралиб туришини таъкидлаш зарур. Бунда, ҳар бир ижтимоий онг шакли бажарадиган функциялар тизимида биттаси асосий, марказий, система яра-

тувчи функция сифатида чиқиши кузатиладики, бошқа функциялар ана шу функция атрофида бирлашади. Фанда — билиш, ахлоқда — тартибга солиш, динда — дунёқараш, санъатда — тарбиявий функциялар ана шундай система яратувчи функциялар сифатида чиқишини кўриш мумкин.

Ижтимоий онгнинг барча шаклларига билиш, тарбиялаш, қадрлаш каби функцияларнинг хослиги, айни пайтда, бундай ўхшашликнинг дин ва фалсафа, ахлоқий ва ҳуқуқий онг ўртасида яна ҳам кучлилиги бунга мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд этилган мезонлар фақат биргаликда олингандагина, ижтимоий онг шаклларини фарқлашга хизмат қилиши, методологик аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида ижтимоий онгнинг ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, фан, фалсафа каби шаклларининг ҳаммаси ҳам бўлмаган. Жамиятда муайян эҳтиёжлар ва маънавий ишлаб чиқаришнинг янги соҳалари пайдо бўлиши билан ижтимоий онгнинг янги шакллари ажралиб чиқа бошлайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юқорида айтилган ижтимоий онг шаклларини тугал деб ҳисоблаш хато бўлур эди. Жумладан, сўнгги пайтда кўпгина илмий адабиётларда экологик онгни ижтимоий онгнинг мустақил шакли сифатида ажратишга уриниш расм бўлаётганлигини таъкидлаш зарур.

Ахборот дунёсининг глобаллашуви ва унинг ижтимоий онгга таъсири катта бўлмоқда. XX аср ахборот узатишга хизмат қиладиган техник воситаларнинг кескин ва шиддатли тараққий этишига йўл очди. Айни пайтда, улар маданият ривожига таъсир қилиш имкониятларини ҳам ўстириб юборди. Шундан келиб чиққан ҳолда, маданият ютуқларини тезлик билан оммалаштириш, тарқата олиш имконияти яратилмоқда. Планетанинг турли бурчакларида дунёга келаётган маданият намуналарини миллионларнинг маънавий озиқига айлантираётган оммавий ахборот воситаларининг — газета, журналлар, радио, телевидение, видеотехника, кино каби ҳодисаларнинг роли бу жараёнда катта бўлмоқда, ахборот соҳасида глобаллашув содир бўлганлигини кўрсатмоқда. Аммо бу жараёнининг интенсивлашуви ва глобаллашуви юқоридаги каби ижобий жиҳатлар билан бир қаторда айрим салбий натижаларини ҳам намоён этмоқда. Бу тор гурухий, қаразли иқтисодий, сиёсий, геостратегик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, кишилар дунёқараши, ижтимоий онгга

таъсир килишнинг янгидан-янги йуллари ва воситаларидан фойдаланишга уринишда куринмокда.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда кишилар онгида хукмронликка эришиш, уларнинг тафаккур тарзи ва кадриятларини узига буйсундириш турли куринишлардаги максадларга эришишнинг асосий йули булиб колмокда. Ана шундай вазиятда кишилар онгида собитлик, Ватанга мухаббат туйКуси, уз юртининг эртанги кунига ишонч устувор булмоКига эришиш мухим ахамият касб этади.

Таянч тушунчалар

Ижтимоий онг, индивидуал онг, одатий ва назарий онг, ижтимоий психология ва ижтимоий мафкура, миллий мафкура, ахборот дунёсининг глобаллашуви.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ижтимоий онг нима?
2. Индивидуал онг деганда нимани тушинасиз?
3. Оддатий ва назарий онг кандай хусусиятлари билан ажралиб туради?
4. Ижтимоий психология нима?
5. Ахборот дунёсининг глобаллашуви деганда нима тушунилади?

АДАБИЁТЛАР

1. Узбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий конуни), Т., Узбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бусаКасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т., Узбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халкни-халк, миллатни-миллат килишга хизмат этсин. Т., Узбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Уз келажагимизни уз кулимиз билан курмокдамиз. Т., Узбекистон, 2000.
5. Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси халк эътикоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., Узбекистон, 2000.

3-мавзу. Ғоя ва мафкура

Режа:

1. Ғоя, унинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари.
2. Мафкура, унинг мазмуни, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни.
3. Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва мафкуравий жараёнлар.

Ғоя, унинг намоён бўлиш шакллари. «Ғоя», «Ғоявий тарбия», «Мафкура» каби тушунчалар тез-тез ишлатилмоқда. Уларнинг мазмуни нимадан иборат? Кундалик ҳаётимизда кузатилаётган ва ушбу тушунчаларда ўз ифодасини топаётган жараёнларнинг моҳияти, ўзига хослиги нимада?

Масалага, фалсафий ёндашадиган бўлсак, бу саволларга жавоб бериш учун, аввало, «Ғоя» ўзи нима эканлигини тушуниб олиш керак бўлади. Агар эътибор берсак, ҳар биримиз ҳаётимизда қуйидаги ҳолатга куп марта дуч келганмиз. Яъни муайян муаммо, ҳал қилиниши зарур бўлган масала юзага келганда, фикран уни ҳал этиш, ечиш йўлини қидирамиз. Ана шу жараёнда пайдо бўлган хулоса – фикрни «Менда бир Ғоя пайдо бўлди» деган шаклда баён этамиз. Ўз ҳаётий тажрибамизда куп марта кузатилган ана шундай ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, Ғоя бу яхлит фикрдир, дейиш мумкин. Аммо, ана шу тажриба, ҳар қандай фикр ҳам Ғоя бўлолмаслиги ҳақидаги хулосани ҳам чиқариш имконини беради.

Ўз ар куни кимлар биландир муайян воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳақида ўз мулоҳазаларимизни ўртоқлашамиз. Бунда аксарият ҳолларда ўзимизга маълум нарсалар ҳақида фикрлашамиз, холос. Ана шундай ҳолатлардан фарқли ўлароқ Ғояда янгилик мужассамлашган бўлади. Демак, Ғоя ўзида янгиликни ташувчи фикрдир.

Бу Ғояга хос бўлган хусусиятларнинг бир қисми, холос. Ғоя илмий факт, муаммо, фараз, назария каби воқеликни акс эттириш, илмий билишнинг ўзига хос шаклларидан бири эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Ана шу ҳолатга нисбатан оладиган бўлсак, Ғоянинг нафақат воқеликни ўрганиш натижасида бўлган муайян билим сифатида ўзлигини намоён қилишига, балки унда шу воқелик бундан кейин қай йўналишда ўрганилиши зарурлиги ҳақидаги курсатма ботиний тарзда мавжудлигига ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ғоя улкан йўналтирувчилик ролини ўтайди. Масалан, қадимги юнонистонлик файласуфларнинг атомлар ҳақидаги Ғояси асрлар давомида илмий изланиш-

ларни уни топишга, хусусиятларини тадкик этишга, дунёнинг тузилишидаги урнини аниклашга йуналтириб келди. Ана шу изланишларнинг натижаси уларок утган асрда атом кашф килинди. Бу кашфиёт инсониятнинг олам тузилиши тугрисидаги тасаввурларининг бутунлай узгаришига олиб келди. Аммо инсоният тарихига назар ташлайдиган булсак, илмийликка даъвогарлик килган булса-да, уз мохиятига кура Кайрилмий булган ва илм-фан тараккиётида ута салбий из колдирган Коялар хам куп булганлигини куриш мумкин. Масалан, уз даврида собик иттифокда кибернетика ва генетикани ёлКон фанИнигини асослашга каратилган Коялар устувор булганлиги бу фанлар ривожини бир неча ун йилларга оркага суриб юборди.

Табиий-илмий Коялар хакида фикр юритар эканмиз, яна бир холатга диккатни каратиш лозим булади. Улар тараккиёт омилига айланиши учун маълум бир шарт-шароит булиши керак. Яъни, биринчидан, жамиятнинг умумий билим даражаси юзага келган янги билимни кабул килишга тайёр булиши ва иккинчидан, уни текшириб куриш, тасдиклаш ёки инкор этиш имкониятига — куроллар, воситалар, моддий-молиявий ресурсларга эга булиши лозим. Акс холда у маълум маданий-маърифий ходиса сифатида колиб кетади. Буюк бобоколонимиз Абу Райхон Берунийнинг □Fарбий ярим шарда куруклик борИ деган фикрлари та□дири ана шундай булди. Жамиятнинг бундай Кояни кабул килишга тайёр эмаслиги туфайли уша пайтда бу Коя узининг хакли бахосини топмади. Орадан бир неча аср утгандан сунг Fарбий ярим шарда курукликнинг борлиги хакикатан тасдикланди. Бу курукликнинг — материк кейинчалик Америка номи билан юритила бошланди. Ажойиб шоиримизнинг □Колумбда бор аламим манимИ деган утли мисраларида ана шу тарихий фактга узига хос муносабат ифодасини топган, дейиш мумкин.

Fоянинг яна бир узига хос куриниши бу **ижтимоий Коя**дир. У табиий-илмий Кояга хос булган юкоридаги хусусиятлар билан бир каторда улкан уюштирувчилик ролини хам утайди. Шу билан бирга табиий-илмий Кояларнинг жамият тараккиётидаги урни аксарият холларда бевосита булса, ижтимоий Коялар ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир утказа олади ва айтиш мумкинки, узига хос катализатор сифатида чикади. Аммо куйидагини унутмаслик лозим. Ижтимоий Коя синфий, миллий ёки бошка шаклларда намоён б«лмасин, улар уз мохиятидан келиб чиккан холда жамият тараккиётига турлича, хусусан, ута салбий таъсир килиши хам мумкин. Тарихга назар ташлайдиган булсак, миллатни халокат ёкасига келтириб куйган бундай бузКунчи

Коялар куплаб булганлигини куришимиз мумкин. Чунончи, немис миллатининг олий иркка мансублиги ва шу туфайли дунёда хукмронлик килиши зарурлиги хакидаги Коя нафакат бу халк, балки бутун инсоният такдирида хам фожиали из колдирганлиги фикримизга далил була олади.

Ижтимоий Коя хакида гап кетар экан, унда ифодаланаётган мазмун турлича ахамият касб этиши мумкинлигини таъкидлаш зарур. Бунда Коянинг конкрет миллат, жамият ёки умуман инсоният такдирига дахлдорлигида куринади.

Инсоният халклар, миллатлар мажмуидир. Шундай экан, том маънодаги Коя охир-окибатда, озми-купми инсоният такдирига таъсир килади.

Fоя, унинг шаклларии хакида гап кетар экан, энг аввало у **диний ва дунёвий Коя** куринишида намоён булганлигини эътироф этиш керак. Уларнинг кай бири олдин пайдо булган, деган саволга аник жавоб бериш кийин. Биламизки, инсон тафаккурида хамма вакт бир-бирига зид булган карашлар, ёндашувлар мавжуд булади. Ана шу холатни инобатга оладиган булсак, олам мохиятини илохий ирода, куч фаолияти билан боКлайдиган диний ва теварак-олам сирларини табиий омиллар асосида тушунтирган ва илмий билимларнинг юзага келишига замин яратган дунёвий Коялар бир пайтда шакллана бошлаган, деб хулоса чикариш мантикан тугри булур эди.

Оламни англашга интилишнинг узига хос натижаси булган диний Коялар хаётнинг маъноси ва мазмуни хакида билим бериб одамларга маънавий-рухий таянч булган. Улкан ютуклар билан бирга, хадсиз йукотишларга хам тула инсоният тарихи бошка бир нарсадан хам далолат беради. Инсонда эзгуликни камол топтириши керак булган диний Кояларни узларининг тор гурухий манфаатларидан келиб чикиб талкин килган, Каразли максадлари йулида фойдаланишга уринган кучлар хамиша мавжуд булган. Бундай пайтда диний Коялар адоват ва нафратнинг кучайишига, конли урушлар, бегунох курбонлар ва бехисоб вайроналикларнинг келиб чикишига сабаб булган. Афсуски, диний Коялардан Кайриинсоний максадлар йулида фойдаланишга уриниш бугун хам давом этмокда.

Инсоф, сабр-токат, халоллик, поклик, саховат ва мурувват хисларини тарбиялаши керак булган исломий Коялардан узларининг Кайриинсоний ва Кайримиллий максадларида фойдаланишга интилаётган акидапараст кучларнинг харакатлари фикримизга далил була олади.

Одам табиий омилларга кура узи мансуб буладиган ирк ва элатни танлай олмайди. Ота-онани танлаб ололмайди. Лекин дунёкарашини, ахлоки, маънавиятини узи, хеч кимнинг тазйикисиз ва, айникса, зуравонлигисиз танлаб олиши мумкин ва лозим. Бинобарин, унинг хохиши хурмат килиниши шарт, — деб ёзади И.А. Каримов[1]. Акидапараст кучлар кишиларимизнинг ана шу хукукини тан олмасликка, бир ёклама ва нотугри талкин килинаётган Кояларни зур бериб ёшларимиз онгига сингдиришга харакат килмокдалар. Бу йулда улар кенг тармок отган ташкилий тузулишга, улкан моддий-молиявий ресурсларга эга булган ута радикал диний окимлар, ташкилотлар кумагига таянмокдалар. Урта асрларда мавжуд булган мусулмон халифалигини тиклашни орзу килаётган, ислом динини сиёсийлаштириш, ягона мафкуравий макон барпо килиш йули билан хокимиятни кулга киритишни максад килиб куйган кучлар хам борлигини унутмаслик лозим. Улар асосан, хали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизнинг миясини захарлаб, уз юртининг Канимига айлантиришга харакат килмокдалар.

Шундай экан, хеч качон диний Коялар сиёсатга ва четдан туриб мамлакатимизнинг ички ишларига аралашишига, давлат суверенитетимизни шубха остига олиш учун байрок булишига йул куйиб булмайди. Акс холда, миллий хавфсизлигимиз йулида жиддий хатар пайдо булади. Демак, динга, диндорларнинг хистуйКуларига чукур хурмат, айни пайтда, сохта диндорлар, турли диний-мафкуравий таълимотлар, йуналишларнинг Каразли максадларига карши мунтазам ва изчил кураш олиб бормоКимиз лозим. Шундагина, эл-юрт тинчлиги таъминланади, диний Коялар маънавиятимиз юксалишига хизмат килади.

Мафкура, унинг жамият хаётидаги урни. Кундалик хаётда биз □КояИ ва □мафкураИ тушунчаларини аксарият холларда синонимлар сифатида ишлатилаётганига дуч келамиз. Агар жиддий эътибор бериладиган булса, бу икки тушунча уртасида хакикатан муайян якинлик борлигига ишонч хосил килиш мумкин. Бирок бу уларни айнанлаштириш учун асос булолмаслигини таъкидлаш зарур. Нега?

Биринчидан, □**идеология**□ тушунчаси идея (Коя) хакидаги таълимот, бошкача айтганда □Коялар тизимиИ маъносини англатади. Биз □идеологияИнинг синоними сифатида куллаётган □мафкураИтушунчасида бундай узак бирлиги ва ушбу терминнинг узида

[1] И.А. Каримов. □збекистон XXI аср бўсаКасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. - Т. □збекистон, 1997, 36-бет.

Коялар тизими эканлиги аниқ бўлмаса-да, мафкура ҳам Коявий қарашлар тизимини ифодалаб келишини кўрсатиш лозим. Демак, мафкура у синфий, миллий ёки бошқа бир куринишда чиқмасин бир бутун қарашлар, Коялар тизими экан, у Кояга нисбатан ҳам мазмунан, ҳам ҳажман кенгроқ тушунчадир.

Иккинчидан, ҳар қандай мафкурада ижтимоий воқеликни саклаб колиш ёки ўзгартиришга қаратилганлик, яъни мақсадлар, ботиний эмас, балки зоҳирий тарзда мавжуд бўлишини ва мафкуранинг ўзагини ташкил этишини таъкидлаш жоиз.

Учинчидан, ҳар қандай ижтимоий Коя факат ва факат маълум бир мафкуравий қарашлар доирасидагина ўзининг уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятини, жозибадорлик кучини намоён кила олиши мумкин.

□ҒояИва □мафкураИтушунчалари ўртасида бошқа тафовутлар ҳам бор, албатта. Аммо, қайд этилган фарқларнинг ўзи ҳам уларни ёнма-ён, бир хил мазмунида ишлатиш ўринли эмаслигини англаш учун етарли. Ана шу фарқларни аниқлаб олиш, мафкурага хос хусусиятларни тугри белгилаш ва жамият ҳаётидаги ўрнини тушуниш имконини беради.

Ўзар қандай мафкурада, биринчидан, кишиларнинг ўзларини ўраб турган воқелик, ижтимоий муносабатлар ҳақидаги билимлари гавдаланса, иккинчидан, шу билимлар асосида содир бўлган, бўлаётган, бўлиши мумкин бўлган жараёнларга баҳо берилади. Ва, нихоят, учинчидан, юқоридаги икки ҳолатдан келиб чиққан ҳолда мавжуд ижтимоий муносабатларни саклаб колиш, ривожлантириш ёки ўзгартиришга қаратилган мақсадларни ўз ичига олган дастурлар намоён бўлади.

Юқоридаги хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, мафкурани ҳар хил туркумлаш мумкин. Хусусан, унда илгари сурилаётган Коялар, мақсадларга, яъни уларнинг тугри ёки нотугрилигига караб, илмий ва ноилмий мафкурани ажратиш лозим.

Айни пайтда мафкуранинг жамият тараққиётига ижобий ёки салбий таъсир килишидан келиб чиққан ҳолда, прогрессив ва реакцион мафкура дейиш мумкин. Мафкурадан кўзланган мақсадларнинг руёбга чиқишининг эҳтимоллик даражасига таяниб эса, реал ва утопик мафкурани фарқлаш мумкин бўлади.

Аммо, мафкура шаклларини ажратиш факат шу билан чекланмайди. Мафкуранинг жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатлар, турмуш тарзини саклаб колиш ёки уни ислоҳ килишга йўналтирилганлигига асосланган консерватив ва либерал шакли ҳам бор.

Мафкурани юқоридагича туркумлаш унга турли томонлар, хилма-хил мезонлар асосида ёндашиш натижасидир. Ва у албатта, шартли, нисбий характерга эга. Масалан, моҳиятан илмий бўлган мафкура инсон билимлари ютуқларига таянгани учун кўзланган мақсадларнинг амалга ошишига ёрдам беради, жамият ривожланишига ижобий (прогрессив) таъсир қилади. Ўз-ўзидан бундай мафкура бир томондан, ижтимоий муносабатларда, турмуш тарзида умрини яшаб бўлган, қотиб қолган жиҳатларга қарши қаратилган бўлса, иккинчи томондан, мавжуд ижобий ҳолатларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, умумий тарзда жамият, унинг тузилиши, ривожланиш йўллари ҳақидаги Қоявий-назарий қарашлар тизимига **мафкура** дейилади, деб хулоса чиқариш мумкин.

Аммо мафкуравий андоза ва қоидалар мутлақлаштирилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Мутлақлаштириш уни тайёр ва ўзгармас тамойиллар, қурсатмалар йиҚиндиси сифатида тушуниш натижасида юзага келади. Бундай тушуниш, маълум даражада, хавфли эканлигини ҳам таъкидлаш зарур. Хусусан, марксизм асосчилари асарларида баён этилган Қоя, принципларнинг мутлақлаштирилиши, ҳаёт ўзгариб бораётган бир пайтда мафкуравий қарашларда догматизмнинг устуворлиги, ҳаётни қотиб қолган мафкуравий андозаларга қараб ўзгартиришга уриниш ер юзида бир-бирига қарама-қарши турган икки сиёсий системанинг шаклланишига олиб келди. Инсониятни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган бу мафкура билан қуролланган ёки зўрлаб қуроллантирилган ҳалқлар машаққатли кунларни, оҚир жудоликларни бошидан кечирдилар. Инсоният бошига қуплаб қулфатлар келтирган бундай мафкуралар ҳақида қуплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ улар умуман мафкуранинг жамият ҳаётидаги ролини инкор этмайди.

Агар муайян билимлар, қадриятлар ва мақсадлар тизими — мафкура бўлмас экан, кишиларда ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини тула-тукис англаш имконияти бўлмайди, давлат, жамият ўз тараққиёт йўлини йўқотиб қуяди. Бунинг исботи учун узоққа бориш шарт эмас.

Чунончи, содир бўлаёган жараёнларни тушунишга ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишга турлича ёндашув, ягона бирлаштирувчи мафкуранинг йўқлиги, собиқ Иттифоқ даврида □босмачилик ИтамҚаси босилган миллий озодлик ҳаракати намояндаларининг якдил фаолиятига имкон бермади. Уларнинг ҳар бири эзгу мақсадлар йўлида ҳаракат қилган, миллат озодлигини орзу этган бўлсалар-да, аммо яго-

на миллий Коя ва рахнамо атрофида бирлаша олмадилар. Президентимиз уринли таъкидлаганларидек, мафкуравий якдиллик булмаган, бушлик юзага келган жойда бегона мафкура хукмрон булишини исбот киладиган ана шундай мисолларни хох утмишдан, хох замонамиздан куплаб келтириш мумкин.

Ўзозирги дунёнинг мафкуравий манзараси. Куп синовлар, азобу-укубатлар, хатолар, фожиалар, урушлар, катаКонларни бошидан кечирган асримиз поёнига етаётган, инсоният янги аср бусаКасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларнинг узаро кураши хар качонгидан хам кура шиддатли тус олмокда, — деб ёзади Президентимиз. — Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлако зид дунёкарашлар, сиёсий, миллий, диний окимлар, мазхаб ва секталар уртасидаги фикр талашувлари гох бахс-мунозара доирасидан чикиб тукнашувлар, оммавий кирКинларга сабаб булмокда, одамлар бошига бехисоб кайКукулфатлар солмокдаИ

Нега бундай кураш давом этмокда? Нега у тукнашув, конли кураш куринишларини олмокда? Жахон сиёсий харитасида куплаб давлатлар мавжуд. Турли динлар, диний окимлар, мазхаблар фаолият курсатмокда. Уларнинг хар бирининг узгалардан фарк киладиган мафаатлари бор. Айнан мана шу манфаатлар улкан харакатлантирувчи куч хисобланади ва у узга давлатлар, халклар, ижтимоий гурухлар онгига, дунёкаршига, турмуш-тарзига таъсир утказиш, узларига буйсундириш учун йуналтирилган максадларни шакллантиради.

Бундан максад, муайян иктисодий, сиёсий ва диний карашларни сингдириш оркали турли куринишдаги эхтиёжларни кондиришга интилишдир. Бундай интилиш турли воситалар ва йуллардан фойдаланишни, уларнинг доимий такомиллашиб боришини келтириб чикармокда. Президентимиз таъкидлаганларидек, баъзан беозоргина булиб туюлган мусика, оддийгина мутфильм ёки реклама лавхаси оркали хам маълум бир мафкуравий максадлар ва интилишлар ифодаланадиИ

Халкаро майдонда хам бундай таъсир утказишнинг тинч йули кузланган максадга олиб келмаганда, мамлакат ички ишларига аралашиш, мавжуд зиддиятларни атайлаб кескинлаштириш, куч ишлатиш йули билан булса хам ижтимоий бекарорликни юзага келтиришга булган уринишларни исботловчи бундай мисолларни хам куп келтириш мумкин.

АфКонистондаги уруш йигирма йилдан ортик вактдан бери давом этиб келмокда? Бунинг сабаби нимада? Аввало, АфКонистон икки системанинг халкаро майдонда хукмронлик килишга

интилишининг қурбони бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки, дастлаб АфҚонистондаги бир-бирига душман бўлган кучларни икки системанинг етакчи давлатлари ҳар томонлама қуллаб-қувватладилар, социалистик ва буржуа мафкуралари деб аталган мафкураларнинг кураш полигонига айлантирдилар. Кейинроқ миллий яраш ҳаракати юзага келган ва уни жаҳон афкор оммаси кенг қуллаб-қувватлаган пайтда диний-экстремистик ҳаракатларни қувватлаган кучлар таъсирида мамлакат кураш майдонига айланди ва фуқаролик уруши янги сифатий ҳолат касб этди. Бугунги кундаги воқеалар АфҚонистондаги фуқаролар уруши қупроқ сурункали низо қуринишини олаётганлигини қурсатмоқда.

Буларнинг барчаси ташқи кучларнинг АфҚонистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга кучли таъсир утказаётганлиги, мамлакатнинг тараққиёт йули хусусидаги уз қарашлари, стандартларини сингдиришга, бир сўз билан айтганда, уз мафкураларининг ҳукмрон мавқега эга бўлиши учун ҳаракат қилаётганликлари оқибатидир.

АфҚонистоннинг бугунги аҳволи жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол қурсатиб турибди. Шундай бўлса-да инсон онги ва қалби учун кураш, уни эгаллаш орқали уз эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш, руёбга чиқаришга интилиш тобора кучайиб, янгидан-янги шакл касб этмоқда.

Хусусан, жаҳон майдонларини диний эътиқод умумийлигини пеш қилган ёки этник бирликка урҚу берган ҳолда бўлиб олишга уринишлар мавжудлигини таъқидлаш зарур. Бу йўлда хилма-хил усуллар ва воситалардан фойдаланилмоқда. Ана шуларнинг барчасидан битта хулоса чиқариш мумкин. XX асрда икки жаҳон урушини бошдан кечирган инсоният сунгги йилларда турли сабабларга кура, юзага келаётган ва уз оқибатларига кура жаҳон урушларидан ҳам фалокатлироқ бўлган янгидан — янги можароларга дуч келмоқда. Бундай можаролар унга тортилган халқлар ҳаётини издан чиқарибгина қолмай, қушни халқлар руҳияти, турмуши, тараққиётига ҳам жиддий ва сезиларли салбий таъсир утказиши табиий, албатта.

Афсуски, мустақилликка эришган Узбекистонга чегарадош ҳудудларда ҳам ана шундай можаролар давом этмоқда. ❑Ушнинг тинч — сен тинчИ — дейди халқимиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, минг-минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлаётган АфҚонистондаги танглик давом этаётган экан, асло хотиржамликка йул қуйиб бўлмайди. Нега? Чунки ушбу можаро

таъсирининг бошқа жиҳатларини инобатга олмаганда ҳам, адоват уруғини сочишга, урта аср жаҳолатпарастлигига асосланган уз ақидаларини зурлаб қабул қилдиришга ва шу йул билан минтақани уз таъсир доираларига тортишга интилаётган кучлар мавжудлигини ва уларнинг уз мақсадлари йулида фаол ҳаракат қилаётганликларини асло унутмаслик лозим.

ХХ асрнинг сунгги йиллари ҳақида гап кетар экан, у нафақат юқоридаги каби можаролар, балки ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларида кулга киритилган улкан муваффақиятлар билан ҳам характерланишини тан олиш зарур. Айни пайтда ана шундай ижобий жараён билан бир қаторда, юқорида таъкидлангани-дек, экстремизм ва фундаментализмдек ута хавфли қарашлар тизими ва фаолияти ҳам тарих саҳнасига чиққанлигини таъкидлаш зарур. Бундай кучларнинг иқтисодий, сиёсий ёки ҳарбий салоҳиятининг катталиги, ахборот орқали ва мафкуравий йул билан тазйиқ курсатиш имкониятининг улканлиги, восита ва механизмларнинг хилма-хиллигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизнинг тараққиётига, кишиларимиз онги ва руҳиятига узларининг тор манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таъсир курсатишга ҳаракат қиладиган кучлар, диний экстремизм ёки агрессив миллатчилик куринишидаги турли оқим ва ҳаракатлар, уларнинг Қаразли мақсад ва интилишлари мавжуд булган вазиятда инсон уз мустақил фикрига ва эътиқодига эга булмаса, турли мафкураларнинг босими ва тазйиқларига бардош бериши қийин.

Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек модели концепциясининг амалга оширилишида давлат ҳал қилувчи ўрин тутади. Мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар сиёсий бошқарувни янада такомиллаштиришга, юртимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этишга, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишга қаратилгандир.

Жамият ҳаётида турли жамоалар, ташкилот ва уюшмалар ҳам фаолият кўрсатади. Уларни шартли равишда давлат ва нодавлат ташкилотларига ажратиш мумкин. Уларга сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, турли жамғармалар, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар уюшмаси, маҳалла қумиталари ва бошқалар киради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон салоҳиятини янада юксалтиришга, юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгандир.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш — Ўзбекистон тараққиётининг бош мақсади. **Фуқаролик жамияти** кишиларнинг юксак ахлоқий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига асосланадиган демократик жамият тараққиётининг юқори босқичидир. Бундай жамият эркин уюшмаларнинг купқиррали алоқаси бўлиб, давлат қонунларини ҳурмат қилиб бажарувчи жамият таркибига кирувчи элементларнинг нисбий мустақиллигига асосланувчи, турли зиддият ва ихтилофларни қонун доирасида ўзаро келишув, сабр-тоқат ва музокаралар орқали ҳал этишга асосланувчи жамиятдир.

Фуқаролик жамияти умуминсоний тамойиллар, миллий давлатчилик хусусиятлари, ўзига хос турмуш тарзи ва ҳаёт фалсафаси негизида қарор топади. Ўзбекистон миллий мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ юртимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Фуқаролик жамиятида давлатнинг қатор вазифалари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қўлига ўта бошлайди, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколати кенгаяди. Фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш кишиларнинг юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигига таянади. Мамлакатимизда маҳалла ҳокимият органларининг ташкил этилиши, улар ваколатининг кучайтирилиши халқимизнинг ўз-ўзини бошқариш, идора этиш маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Маҳалла кишиларда яхши инсоний фазилатларини ка-

мол топтириш, уз-узини бошкариш, демократик кадриятларни руёбга чикариш мактабидир.

Юртимизда фукаролик жамиятини барпо этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришни талаб этади. Уз навбатида, маънавий етук авлод жамият тараккиётига салмокли хисса кушади. Шундай етук кишиларни тарбиялашда жамият тугрисидаги фалсафий билим ва карашларни узлаштириш ва хаётга татбик этиш алохида ахамиятга эгадир.

Таянч тушунчалар

Жамият, ижтимоий муносабат, ижтимоий уюшма, давлат, цивилизация, тараккиёт, миллий давлатчилик, тараккиётнинг узбек модели, жамият таркиби, фукаролик жамияти, оила.

Такрорлаш учун саволлар

1. Жамият деганда нимани тушунасиз?
2. Жамиятга хос белгиларни сананг.
3. Жамиятнинг келиб чикиши тугрисидаги кандай назарияларни биласиз?
4. Фукаролик жамияти нима?
5. Жамиятнинг ривожланишида маънавият кандай урин тутади?
7. Жамиятнинг тадрижий ривожланиши деганда нимани тушунасиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули. Т., «Узбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмокда Т., «Узбекистон», 1999.
3. Каримов И.А. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман. – «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8 июн.
4. Узбекистон XXI асрга интилмо«да. – Т.: Узбекистон, 2000
5. Фалсафа курсининг айрим масалалари (Т. Шарипов тахрири остида). — «ФарКонаи, 1994.
6. Фалсафа. — Т., «Шарки, 1999.

3-мавзу. Маънавият фалсафаси. Жамиятнинг маънавий тараққиёти

Режа:

1. Маънавият-ижтимоий ҳодиса.
2. Маънавиятда миллийлик ва умуминсонийлик.
3. Маънавиятда ахлоқ ва эътиқод бирлиги.
4. Маънавият ва ижтимоий тараққиёт.

Маънавият тушунчаси. Маънавият ўзбек тилида кўп ишлатиладиган, шу билан бирга, энг кам ўрганилган тушунчалардан биридир. Худди шундай фикрни бошқа олимлар ҳам баён қилади: "Маънавият атамаси расмий ҳужжатларда, илмий адабиётларда, матбуотда кўп қўлланилишига қарамасдан, илмий тушунча сифатида алоҳида таҳлил этилмаган ва таърифланмаган"[1]. Кундалик турмушда кўп қўлланадиган бу тушунчанинг илмий жиҳатдан деярли ўрганилмагани Қалати туюлади. Лекин бундай ҳолатнинг илдизлари турли даврларда унга бўлган муносабатда қуринади. Бу муносабат эса, собиқ Иттифоқ даврида, асосан, уни инкор қилиш ва унга паст назар билан қарашда эди.

Фанда, хусусан, фалсафада бу тушунчанинг кам ўрганилгани, аввало, шунда намоён бўладики, жуда кўп фалсафий тизимларда унга мутлақо эътибор берилмаган, уларнинг асосий тушунчалари — категориялар силсиласида унга ўрин ажратилмаган. Бундай ҳолнинг сабаби эса ижтимоий тараққиётда маънавиятнинг ўрнини илҚай билмаслик ёки уни инкор қилишда эди. Марксизм фалсафаси бу тушунчанинг ижтимоий тараққиётдаги ўрнига эътибор бермас эди. Шунинг учун Маркс фалсафасидаги категориялар тизимида унга ўрин ажратилмаган. Шўролар даврида фалсафа бўйича босилиб чиққан рисола ва мақолаларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларида, ҳаттоки фалсафий атамалар луҚатларида ҳам бу тушунча тилга олинмаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатнинг тараққиёт режалари тузилар экан, ривожланишнинг фақат иқтисодий жиҳатларига эмас, маънавият масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу эътибор фақат назария соҳасида эмас, амалиётда ҳам намоён бўлди. "Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва

[1] Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. - Т.: Маънавият, 1999. 12-бет.

ривожлантириш, — деб ёзган эди Президент Ислом Каримов, — Узбекистонда давлат ва жамиятнинг энг мухим вазифасидир[1]. Мамлакатимизда маънавият масалалари буйича укув режалари ва дастурлар тузилди, урта ва олий укув юртларида маънавият фани киритилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази тузилиб, барча вилоят, шахар ва туманларда унинг булимлари очилди. 1999 йилда Республика маънавият ва маърифат кенгаши тузилди.

Бу сохада республикамизда катор тадбирлар амалга оширилгани ва оширилаётганини кайд этиш билан бирга, бу тушунчани фалсафий тахлил килиш буйича харакатлар жуда секин амалга ошаётганини таъкидлаш жоиз. Мавзу буйича эълон килинган бир неча макола, рисола ва уч-туртта китоблар хисобга олинмаса, тадкикотлар олиб бориш энди бошланаяпти. Бундай вазиятнинг сабабларини эса, бизнинг назаримизда, тоталитар тузум колипларидан, асоратларидан ханузгача □утула олмаётганимиздан излаш керак. Биз хам узимизда шаклланиб колган муносабатни кескин узгартира олмаяпмиз.

Бошка фанларда булгани каби, фалсафада хам ходисаларни урганиш, купинча уларни ифодалайдиган сузларнинг келиб чикишини аниклашдан бошланади. □МаънавиятИсузининг негизида арабча □маъниИсузи ётади. □МаънавийИсузи маънига алокадорликни билдирса, □маънавиятИ□маънавийИсузининг куплик-даги шаклидир.

□МаънавиятИ атамасининг негизида маъно сузи ётар экан, унинг мазмуни, кулами, таркибини аниклаб олиш маънавият атамасини туларок англашга ёрдам беради. Маъно мохиятнинг ифодаланиш шаклидир. Шу билан бирга, маънонинг хам уз ифодаланиш шакли бор. Бу шакл суз ва ибора, тилдир. Маъно, бир томондан, мохиятнинг шакли булса, иккинчи томондан, унинг узи суз ва жумла учун мазмундир. □Чун Караз суздин эрур маъни ангаИ деб ёзганида Навоий худди шуни назарда тутган эди.

Айни бир мохиятга турлича маъно берилиши факат фан эмас, адабиёт ва санъат учун хам хосдир. Купгина адабиёт ва санъат асарлари одамлар, танкидчилар, мутахассислар томонидан турлича талкин килинади. Агар фанда мутахассислар мохи-

[1] Каримов И.А. □збекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. Т. □□збекистонИ 1-том, 1996. 80-бет.

ятнинг куп маънолилигидан бир маънолиликка караб харакат килсалар, санъатда бир шакл ёрдамида купгина маъноларни бериш санъаткорнинг махоратидан далолат беради.

Маънавият атамасининг келиб чикишига, унинг мохияти билан муносабатларига бироз аниклик киритиб олдик, деб хисобласак, навбатдаги вазифа унга якин булган яна бир катор тушунча ва ходисалар билан умумий хусусиятлари ва тафовутларини аниклашдир.

Маънавият узи канчалик пурмаъно экани, унинг куп кирралилиги тугрисида Ислом Каримов шундай ёзади: «Ер, оила, ота-она, болалар, кариндош-уруглар, куни-кушнилар, халк, виждон, мустакил давлатимизга садокат, инсонларга хурмат, ишонч, хотира, эркинлик — маънавиятнинг ана шундай маъноси кенг».

Фалсафий тизимлар ва адабиётларда кенг кулланиладиган тушунчалар ичида «маънавият»га энг якин турадигани «онг»тушунчасидир. Улар уртасидаги муносабатлар шундай якинки, маънавиятсиз онг ёки онгсиз маънавият булиши тугрисида гап хам юритиб булмайди. Лекин, бундан «маънавият»ва «онг»айнан бир тушунча, деган хулоса чикмайди.

Маънавият ва онг уртасидаги муносабатларни урганиш онг таркибига кирувчи бир катор ходисалар билан маънавият муносабатини алохида-алохида тахлил килишга зарурат колдирмайди. Шунинг учун онг тушунчасининг куламини ва мазмунини аниклаб олиш зарур.

Ижтимоий онгнинг турли шакллари, номидан хам куриниб турганидек, шакл вазифасини бажарса, уларнинг мазмуни маънавиятни ташкил килади. Бизнингча, баъзи изохлар билан, онг шакл ва маънавиятнинг мазмуни, деб кабул килиш мумкин. Шу билан бирга, маънавият хам уз таркибидаги ходисаларга нисбатан шакл вазифасини бажариши мумкин.

Онг билан маънавият уртасидаги муносабатларни шакл ва мазмунга киёсан аниклаш маънавият мохиятини урганишдаги дастлабки кадам, холос. Навбатдаги вазифа эса, мазмунга киёсланаётган маънавиятнинг таркибини аниклашдир. Бу масаланинг мухимлиги шундаки, маънавиятнинг ижтимоий хаётдаги урни ва ахамияти куп жихатдан унинг таркибига боклик. Шуниси хам борки, маънавият

[1] Каримов И.А. Узбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. Т. «Узбекистон», 1-том, 1996. 72-бет.

таркиби, шу таркибдаги ҳодисалар салмоқи турли халқлар, турли миллатлар маънавиятида турлича бўлиши мумкин.

Худди шунинг учун ҳам турли халқ ва миллатлар ўз миллий маънавиятига эга экани, айтилади. Миллий хусусиятларни ўрганишни миллий маънавиятнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан бошлашнинг сабаблари ҳам, бизнингча, худди шундадир. Келтирилган жумлада маънавиятнинг функцияларидан ташқари унинг таркибига кирувчи унсурлардан асосийлари ҳам санаб ўтилган. Улар иймон-ирода ва виждон кабилардир. Иймон тугрисида шуни айтиш лозимки, у мусулмон Шарқи фалсафасига хос тушунча бўлиб, унинг бошқа тиллардаги эквивалентини топиш анча мушкул. Бу сўз кенг маъноли бўлиб, у ўз ичига эътиқод, ишонч, поклик сингари ахлоқий жиҳатлардан ташқари, ирода ва садоқат сингари руҳий сифатларни ҳам қамраб олади.

Маънавият таркиби ранг-баранг ва жуда бой. Бу таркибий қисмларнинг барчасини таҳлил қилиш учун жуда кўп вақт ва куч талаб қилинади. Бундан ташқари, маънавият таркибига кирувчи онг, тафаккур, санъат, ахлоқ, адабиёт, дин, эътиқод каби куплаб тушунчалар фалсафа, руҳшунослик, этика, санъатшунослик, эстетика, адабиётшунослик каби фанларда таҳлил қилинган.

Шу билан бирга маънавиятнинг таркибий қисмларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш бу мураккаб ҳодиса тугрисида тула тасаввур бера олмайди. Чунки ҳар қандай бутунлик алоҳида-алоҳида қисмларнинг механик жамланмаси эмас, балки у уларнинг ўзаро таъсирга кириши натижасида вужудга келади. Маънавият ҳам ўз таркибига кирувчи куплаб унсурларнинг ўзаро таъсирга кириши оқибатида шаклланади.

Маънавият таркибидаги муҳим бир қатлам билимлардир. Маънавият билимлар негизида шаклланади. Маъно сўзнинг маКзи бўлгани каби илмнинг маКзи билимдир. Инсонда ёки жамиятда билим қанча кўп бўлса, маънавий юксалиш учун шунчалик мустаҳкам пойдевор яратилган бўлади. Аммо пойдевор ўрнатиш уйнинг битганини билдирмагандай, билимлар миқдори ҳам ўз-ўзидан юксак маънавиятни билдирмайди. Билим — маънавиятнинг асоси, холос.

Билимларнинг маънавиятга таъсири шундаки, улар маънавиятни юксалтиришга хизмат қилиш билан бирга, маънавиятга қарши қаратилиши, маънавиятга путур етказиши ҳам мумкин. Масалан, инсониятга жуда катта офат келтирган фашистлар

орасида хам жуда билимли, фанларни яхши эгаллаганлари талайгина эди. Лекин улар уз билимларидан инсонлар ва уларнинг маънавиятини, хаётини юксакликка кутариш учун эмас, уларни ерга уриб чилпарчин килиш йулида фойдаландилар. Уларни билимдон одам, дейиш мумкин, лекин маънавиятли инсонлар дейиш мумкин эмас. Айтиш мумкинки, илм ва билим инсоний кадриятлар ва инсоний ахлок билан уйКунлашгандагина, юксак маънавиятга асос булади.

Ёшларга билим берганда, таълим жараёнини тарбия билан уйКун олиб бориш юксак маънавиятни шакллантиришдаги бош йуналишдир. Маънавият таркибидаги мухим таркибий кисмлардан бири ахлокдир. У том маънода инсон билимларини, аклзаковатини, куч-кувватини, бутун фаолиятини йуналтирувчи кучдир. Аслида ахлок факат хулкни эмас, тафаккурни, аклни ва фаолиятни тартибга солибгина колмай, муайян томонга, максадга йуналтириб хам туради. Кишининг хулки, фаолияти маълум ахлокий меъёрлардан четга чикса ёки улардан куйирок булса, бундай шахс маънавиятсиз шахс хисобланади.

Киши хулкини факат ахлок эмас, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар каби ходисалар хам бошкаради. Улар эса ахлок таркибига кирмайдилар. Бу ходисалар ахлок таркибига кирмаса хам, маънавият таркибида сезиларли урин тутади.

Урф-одат, расм-русм, анъана ва маросимларнинг маънавият билан узаро таъсири шундаки, окилона жамиятнинг тараккиёт даражасига мос келадиган анъана ва маросимлар маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат килади. Масалан, илм-фанга, хунар урганишга интилиш, катталарга хурмат сингари куплаб анъаналар маънавият ривожига хизмат килади. Айни пайтда, ортикча исрофгарчиликлар, дабдаба билан утказиладиган маросимлар миллат маънавиятига путур етказиш билан бирга иктисодга хам салбий таъсир курсатади.

Бир пайтлар халкнинг иктисодий ва маънавий даражасига мос булган маросимларнинг баъзилари вакт утиши, иктисодий ва маънавий тараккиёт туфайли шу халк ривожига тусик булиб колиши мумкин.

Маънавият таркибидаги мухим ходисалардан бири эътикоддир. Эътикод муайян Кояга, таълимотга булган катъий ишончни англатади. Демак, эътикод булиши учун аввало, уша Коя, таълимотнинг узи булиши лозим. Гоя ва таълимотларда одамларнинг,

ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари акс этади. Лекин Коя ва таълимотларнинг вужудга келиши учун манфаатларнинг мавжудлиги кифоя эмас.

Миллий ёки ижтимоий Коя вужудга келиши учун одамлар уша мавжуд манфаатларни англашлари ҳам керак. Манфаатларни англаш даражаси ҳам турлича бўлиши мумкин. Одамлар ва ижтимоий гуруҳлар уз манфаатларини чуқур англаб етгач, бу манфаатларни руёбга чиқариш йуллари тугрисида ҳам пухта тасаввур ҳосил қилганларидан кейингина, миллий ёки ижтимоий Кояни яратиш имкони туКилади.

Ижтимоий гуруҳлар мавжуд манфаатларни тула англамаган ва уларни руёбга чиқариш йуллари т«Крисида етарли билимга эга бўлмаган шароитда ижтимоий Коя яратилса, у купчиликнинг онгига чуқур кириб бормайди. Манфаатларни англаш, уларни руёбга чиқариш йуллари ва усуллари ҳақида етарли билимлар асосида вужудга келган ижтимоий Коя шу ижтимоий гуруҳнинг ҳар бир аъзоси онгига қанчалик чуқур сингиб борса, шунчалик мустаҳкам эътиқод пайдо бўлади. Эътиқодга таянмаган ва эътиқодга айланмаган Коя қурук сафсата бўлиб қолади.

Эътиқод алоҳида бир фикр ёки хулосага нисбатан эмас, балки одатда, фикрлар ва хулосалар тизими негизида пайдо бўлган Коя ёки таълимотга нисбатан шаклланади. Сиёсий, диний, ахлоқий эътиқодлар худди шу йусинда майдонга келади. Эътиқод маънавият устунларидан биридир. Эътиқодсиз маънавият юксакликка кутарила олмайди. Уни юксакликка қатъий ишонч, мустаҳкам эътиқодгина элтиши мумкин.

Эътиқод муайян Коя ва мафкурага оддий, жун ишониш эмас, балки у қатъий, кучли ишонч натижасида шаклланади. Кучли ишонч кучли ҳис-туйКулар таъсирида вояга етади. Инсондаги энг кучли ва юксак туйКулардан бири эса муҳаббатдир. Элга, диёрга, халққа муҳаббат шунинг учун ҳам эътиқод таркибидаги энг муҳим қисмлардан ҳисобланади.

Маънавият — очиқ тизим. Бутунлик сифатида маънавиятнинг энг асосий хусусиятларидан бири унинг очиқ тизим эканидадир. Маънавиятнинг асрлар ва минг йилликлар давомида узлуксиз ривожланиб бориш сабаби ҳам худди мана шу очиклика. Маънавиятни ташкил қилувчи унсурларнинг ҳар бири бойиб ва бошқа унсурлар билан мутаносибликда ривожланиб боргани сари маънавият ҳам бойиб, ривожланиб боради. Бу ри-

вожланиш шунингдек, эскирган унсурларнинг чиқиб кетиши ва янги унсурларнинг кириб келиши эвазига ҳам рўй беради. Агар жаҳондаги бирор халқ ўз маънавиятини бошқа халқлар маънавиятига қарши қуйса, ёки улардан иҳоталаб олса, у таназзулга юз тутади. Ўзар бир халқ маънавияти бошқа халқлар маънавиятидан озиқланиб ва уларга озиқ бериб бойийди.

Маънавиятда миллий ва умуминсоний жиҳатлар ўзаро уйғун тарзда мавжуддир. Бу уйғунлик маънавият таркибига кирган унсурларда миллий ва умуминсоний жиҳатларнинг узвий боғлиқлиги билан изоҳланади. Жумладан, ахлоқ, санъат, дин сингари ижтимоий ҳодисаларда ҳам миллий, ҳам умуминсоний жиҳатлар мавжуд бўлиб, уларнинг мутаносиблиги маънавиятдаги миллийлик ва умуминсонийлик мутаносиблигини белгилайди. Шунинг учун ҳам маънавиятдаги миллийлик ва умуминсонийлик нисбати унинг таркибидаги ахлоқ, санъат, мафкура сингари ҳодисаларда шу жиҳатларнинг қандай мутаносибликда эканига боғлиқ.

Ўзбеклар ахлоқидаги орият, диёнат, катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик каби сифатларга уларнинг руҳиятидаги самимийлик, инсоф, бағрикенглик, шарм-ҳаёлилик жиҳатлари, миллий адабиёт ва санъати қушилиб ўзбек маънавиятининг ўзига хос хусусиятларини шакллантиради.

Шўролар даврида ўзбек миллий маънавиятининг ҳаётбахш сарчашмаларини, халқ тарихидан узиб қуйишга, сунъий ва зўраки байналмилаллаштиришга ҳаракат қилинди. Улар тоталитар тузум кутган натижани бермаган бўлса ҳам, лекин изсиз ўтиб кетмади. Марказнинг миллат ва халқларни бўлиб ташлаш ва ҳукмронлик қилиш сиёсати амалга оширилиши натижасида миллатнинг муайян қисми руҳиятида боқимандалик сингари иллатлар томир ота бошлади. Миллий истиқлол қулга киритилганидан кейин бу салбий сифатлардан қутулиш ва миллий маънавиятнинг ўзаги бўлган миллий Ғоя, миллий мафкура атрофида халқни жипслаштириш имкони туғилди.

Маънавият фалсафаси унинг таркиби, мазмуни ва моҳиятини таҳлил қилишдан ташқари, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини таҳлил этишни ҳам тақозо қилади. Жамият тараққиётида маънавиятнинг ўрни нақадар муҳимлигини шундан ҳам билиб олса бўладики, бу тараққиёт ўзаро узвий боғлиқ икки жараён, яъни моддий ишлаб чиқариш ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришнинг бирлигидан иборат.

Иқтисод ва маънавият. Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва маънавий юксалиш ўртасидаги боқланиш турли олимлар ва файласуфлар томонидан турлича изоҳланган. Бу изоҳлар кўпинча бир-бирини мутлақо инкор қилувчи характерда бўлган. Маънавият ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатлар баъзан ялпи миқёсда таҳлил қилинса, баъзан маънавиятнинг муайян таркибий қисмлари, хусусан, ахлоқ, мафкура, дин, руҳият кабиларнинг иқтисодиётга ўтказадиган таъсири «рганилган.

Масалан, Маънавият — миллат нишониИқитобида А. Эркаев таъкидлагани каби, XX асрдаги йирик файласуфлардан бири Макс Вебернинг энг катта хизматларидан бири унинг христиан динидаги протестантлик мазҳабининг иқтисодий тараққиётга ўтказган таъсирини кашф этишида бўлди. Унинг назариясига кўра, бойликни, бойлик орттиришга интилишни унча хушламайдиган христиан дини мазҳаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсқинлик қилган. Бойликни худонинг неъмати, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи деб талқин қиладиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишига кучли туртки берган.

Иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро боқлиқлик даражаси, улар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ҳар бир йўналишидаги кучи ва давомийлиги турли даврларда турлича бўлган. Тарихга лоақал умумий тарзда кўз югуртириб чиқилса, уларнинг парвози ҳам, таназзули ҳам кўпинча бир пайтда юз берганини кўриш мумкин.

Қадимги Юнонистон ва Римда маънавият юксак чуққиларга кўтарилганини ҳамма билади, лекин айнан, шу даврда бу ҳудуд иқтисодиёти ўша давр жаҳон тараққиётининг энг юксак чуққилари бўлганини ҳамма ҳам билмайди.

Мовароуннаҳр тарихида ҳам маънавият ва иқтисодий тараққиёт, уларнинг инқирози бақамти юз берганини кўриш мумкин. Жумладан, милодий IX-XII асрларда бу минтақада ҳам маънавий, ҳам иқтисодий соҳада улкан кўтарилиш юз берди. Бу давр тўғрисида сўз юритганда, тарихчилар асосан маънавий юксалиш тўғрисида гапирадилар. Тўғри, Шарқ уйғониш даври дунёвий ва диний илмлар, адабиёт ва санъатнинг мислсиз ривожи билан характерли. Шу даврда юзлаб ва минглаб улкан алломалар етишиб чиқдики, улар нафақат шу ҳудудда яшовчи халқлар, балки бутун инсоният фахрига айландилар. Шундайлар жумласига Аҳмад Фарғоний, Юсуф хос Хожиб, Абу Наср Форобий,

Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Замахшарий, имом Бухорий, имом Термизий, ва бошка куплаб олиму фузалоларни киритиш мумкин.

Уларнинг купчилиги хакида илмий рисола ва бадиий асарлар эндигина ёзила бошлаган булса-да, шу дастлабки намуналарнинг узидан хам маънавий кутарилиш куламини тасаввур килса булади. Лекин бу даврдаги иктисодий юксалиш тугрисида жуда кам ёзилган. ўлбуки, иктисодий усиш хам кишини хайратга соладиган даражада эди. Бунга ёзма манбаларга мурожаат этиб, ишонч хосил килиш мумкин. Иктисодий ривожланиш умуман савдонинг, хусусан ташки савдонинг кайдаражада ривожланганлигида уз аксини топади. УйКониш даврида Урта Осиёда ташки савдо кай даражада ривожланганлиги тугрисида тасаввур хосил килиш учун манбаларга мурожаат этиш мумкин. Мовароуннахрнинг узида савдо ва иктисодиёт ривожланишидан ташкари, бу ерлик савдогарлар дунёнинг узок мамлакатларида хам фаол савдо ишлари олиб борган.

1150 йилда Венгрияга борган араб сайёхи Абу ўамид ал-ўарнатий у ердаги бозорлар ва савдогарлар тугрисида шундай ёзган эди: Ункурия деб аталувчи бу мамлакат 78 шахардан иборат. Бу шахарлардан хар бири куплаб калъа, кишлок, токК, урмон ва боКларга эга. Уларда минглаб маКрибликлар яшайди. Уларнинг сон-саноКи йук. Уларда минглаб хоразмликлар хам яшайди. Уларнинг хам сон-саноКи йук. Хоразмликлар савдо билан шуКулланади ва подшога хизмат киладиИ

Иктисодиёт ва маънавиятнинг узаро узвийлигини факат маънавият билан шуКулланувчи мутахассислар эмас, иктисодчи олимларнинг купчилиги хам чукур англаганлар. Масалан, XX асрнинг кузга куринган иктисодчиларидан бири Жон Мейнард Кейнс бу алокадорликни англабгина колмай, узининг фандаги хизматини асосий рухият конуни деб аталган конунни кашф этишда, деб билганди. Бу конунга кура, даромадларнинг усиши, бойлик ортиши натижасида истеъмолга булган майл пасаяди. Одамларда хисоб-китоб билан истеъмол килиш, эхтиёткорлик, бахиллик каби хусусият ва мотивлар пайдо буладики, улар энди талабнинг пасайишига ва у оркали ишлаб чикариш суръатларининг секинлашишига олиб келади. Кейнс жами саккизта шундай мотивни аниклаган эди. Кейнс аниклаган мотивлар ва уларнинг ишлаб чикаришга таъсири алохида бахс талаб килади. Ле-

кин иқтисодчи сифатида жаҳонга машҳур бўлган олимнинг руҳиятга алоқадор масалалар билан жиддий шуғулланиши эътиборга моликдир.

Маънавият иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи муҳим омиллардан ҳисобланса ҳам, унинг ўзи иқтисодиёт билан узвийликда юқори чуққиларга кўтарилиши мумкин. У иқтисодий тушкунлик даврида ҳам ривожлана олсада, унинг ҳақиқий юксакликка кўтарилиши иқтисодий ўсиш, ривожланиш даврида юз беради. Бунга Ғарб тарихи ҳам, Шарқ тарихи ҳам гувоҳлик беради.

Юқорида таъкидланганидек, Шарқдаги Уйғониш даврида маънавиятнинг гуллаб-яшнаши иқтисодиётнинг барқ уриб ривожланиши билан бирга кечди. Кейинроқ Ғарб Уйғониш даврида ҳам маънавият ва иқтисодиёт биргаликда ривожланган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Маънавиятнинг иқтисодиёт тушкунликка учраган ҳолларда ҳам ривожланавериши нисбатан қисқа даврда ва чекланган ҳудудларда юз берган.

Бундан ташқари, маънавият иқтисодиётдан узоқлашар экан, аста-секин инқирозга юз тутган. Бунинг сабаби шундаки, жамият ҳаёти ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки қисм — иқтисодий ва маънавий ҳаётга бўлинади. Уларни бир-бирига қарши қўйиш, бир-биридан ажратиш воқеликка зид бўлиб, охири муваффақиятсизлик билан тугайди.

XIX-XX аср адабиётининг мумтоз намунаси ҳисобланган Бальзак, Эдгар По, Жек Лондон, Фолкнер сингари ёзувчилар яратган қаҳрамонлар ҳам пул ва бойлик туплаш тўғрисида туну кун бош қотиради. Бойлик туплаш учун улар қаҳратон шимолга ёки жазирама жанубга борадилар. Улар қилган қабоҳатлар ҳам, қаҳрамонликлар ҳам бойлик билан боғлиқ эди. Бу ёзувчилар ижобий қаҳрамонларнинг олижаноб ишларини таърифлашда бойлик қандай ўрин тутганини эътироф қилиш билан бирга, қабоҳатларнинг келиб чиқишига ҳам бойлик сабаб бўлганини ишонарли бўёқларда тасвирлаган.

Биз Макс Вебер протестантлик мазҳаби жамиятнинг бойишига катта туртки берганини кашф қилгани ҳақида гапирдик. Савдо ходимлари, ҳисобчи-бухгалтерлар, омборчилар, даллоллар сингари иқтисодий ҳаётнинг зарур одамларини фақат кора бўёқларда тасвирлаган собиқ совет адабиёти эса жамиятнинг бойишига, иқтисодий жиҳатдан юксалишига ҳисса қушиши мумкин эмас эди.

Мана шу мисол хам адабиёт ва санъат, умуман, маънавият иқтисодга тескари қараб олганда инқирозга учраши ва иқтисодий тараққиётга тусиқ бўлиб қолишини қурсатади.

Таянч тушунчалар

Маънавият, маърифат, ахлоқ, иймон, ишонч, Коя, мафкура, эътиқод.

Такрорлаш учун саволлар

1. Маънавият нима?
2. Жамиятнинг маънавий тараққиёти деганда нимани тушунасиз?
3. Истиқлол даврида жамиятнинг маънавий янгиланиши зарурлигининг сабаблари нимада?
4. Иқтисод ва маънавиятнинг узвий алоқадорлиги нималарда қ«ринади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. ЎзбекистонИ, 1-том, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., ЎзбекистонИ 1996.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., ЎзбекистонИ, 1999.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., ЎзбекистонИ, 2000.
5. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Узбекистон, 2000.
6. А. Эркаев. Маънавият-миллат нишони. Т., МаънавиятИ, 1999.

4-мавзу. Маданият фалсафаси. Узбекистоннинг цивилизациялашган тараққиёти

Режа:

1. "Маданият" ва "цивилизация" тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни.
2. Цивилизациянинг тарихий шакллари ва ҳозирги замондаги хусусиятлари.
3. Жаҳон цивилизациясида Узбекистоннинг тутган ўрни ва истиқболлари.
4. Маданият ва цивилизациянинг асосий тамойиллари, қонуният ва хусусиятларини билиш – маънавий камолот манбаи.

Инсониятни ўраб турган муҳитнинг таркибий қисми бўлган одамзоднинг яратувчилик қобилиятини қуз-қуз қиладиган энг буюк неъматлар орасида маданият асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Унда одамзоднинг иқтидори, салоҳияти ва қобилияти ўзлигини намоён қилади. Гоҳида олимлар, мутахассислар ўртасида "Одамзод маданиятни яратишга қанча куп эътибор қаратган бўлса, маданият ҳам одамзодни шунча куп тарбиялаган", деган фикрларни ҳам эшитиш мумкин.

Кейинги йилларда маданият тушунчаси билан бирга, "Цивилизация" атамаси ҳам тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди. Муайян халқ, ҳудуд ёки давлатнинг тараққиёт босқичлари, уларга хос маданий ривожланиш тугрисида гап кетганида, олим ва мутахассислар ана шу атамадан фойдаланмоқда. Бу эса ўз-ўзидан "**Хуш, маданият нима? Цивилизация-чи?**" каби саволларга жавоб беришни тақозо этади. Маданият купқиррали ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, инсоният маънавияти юксалиб боргани сайин мазкур тушунчанинг мазмуни тобора бойиб боради. Маданият инсон томонидан яратилган сунъий оламдир ёки иккинчи табиатдир, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Бунда одам зотининг яратувчилик қобилияти, иқтидори ва шу асосдаги фаолияти ҳамда уларнинг натижалари назарда тутилади.

Тарихдан жамият тараққиётининг муайян даврларида маданиятнинг нихоятда гуллаб-яшнаган даврлари бўлгани маълум. Масалан, қадимги Юнонистонда милоддан илгариги VII-II асрларда фан ва маданият нихоятда ривожланган. Уша даврда яшаган Сукрот, Афлотун, Арасту каби ўнлаб алломаларнинг номлари инсоният тарихига абадий мухрланган. ўзиргача инсоният тарихини ўрганадиган мутахассислар бу даврдаги Юнонистон

маданиятини жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири сифатида талқин этадилар. Тахминан ана шу даврда «АвестоИ китобини яратган юртдошларимиз маданияти ҳам юксак бўлганини бугунги кунда кўпгина мутахассислар эътироф этмоқда. Худди шундай маданий тараққиётни юртимиз тарихининг VII-XII асрларида ёки Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда ҳам кузатиш мумкин.

Маданият инсон билимлари, кўникма ва тажрибаларини, маънавий салоҳиятини ҳамда амалий фаолият жараёнида инсон идеалларининг рўёбга чиқиши ва шахс сифатида камол топиш жараёнини ўзида акс эттиради.

Маданият ва цивилизация тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлсада, турлича мазмун ва хусусиятга эгадир. Баъзи олимлар маданият, ўзининг келиб чиқишига кўра, цивилизацияга нисбатан қадимийдир, у моҳиятан цивилизациянинг руҳи, жонидир, деб ҳисоблайди. Масалан, А. Тойнби «Тарихнинг идрок қилиниши»И асарида шундай фикрларни баён этади. Француз олими Р. Арон ҳам шунга яқин хулосага келади. Унинг фикрича, айнан маданият ва саноат соҳасидаги таназзул аста-секин инсониятни кризислар ботқоғига ботириши, бу эса, умумбашариятнинг келажагини хавф остига қўйиши ҳам мумкин.

Ўзар бир халқ ўзига хос маданият яратади ва шу маданият туфайли ўзлигини англайди, жаҳон тараққиётига ҳисса қўшади. Миллий маданият ривожида қуйидагилар катта ўрин тутади:

- миллатнинг ватани — миллат тарқалган ва у азал-азалдан яшаб келаётган ҳудуд. Миллий маданиятнинг камол топиши, ривожи ва сақланиши учун энг асосий табиий омил бу Ватандир. Унинг саждагоҳ каби муқаддаслигининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. Ватансиз миллий маданиятнинг такомили, унинг авлодлардан-авлодларга тўла ҳолда мерос қолиши тўғрисида гапириш қийин. Фақат ўз ватанидагина миллат маданиятини чексиз ривожлантириш, маънавий камолотнинг юксак чўққиларига томон етиш имконига тўла-тўкис эга бўлиши мумкин.

- миллатнинг тили. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, дунёда 2000 дан ортиқроқ тиллар мавжуд. Кичик лаҳжаларни қўшиб ҳисобланса, бу кўрсаткич янада ортади. Тил миллатнинг руҳи, унга мансуб кишиларнинг бир-бирига ва дунёга айтадиган сўзи; миллатнинг ўтмиши ва меросини ифода қилиш, мақсад ва истакларини баён этиш услубидир. Ўзатто миллат ишлатаётган сўзларни таҳлил қилиб ҳам, шу миллатнинг

тарихий тақдири ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

- миллатга мансуб кишиларнинг маънавияти, ахлоқи ва нафосати. Жаҳон миллатни ана шу жиҳатлар орқали танийди, баҳолайди. Кишилар ўзаро муносабатга киришаётганида ҳам миллатнинг менталитети, ахлоқий ва маънавий хусусиятларини ҳисобга олади. Бирор киши билан муносабатга киришилаётганида ана шу хусусиятлар ҳисобга олингани каби, халқаро муносабатларнинг ҳам маънавият билан боғлиқ ёзилмаган қонунлари, айтилмайдиган қоидалари бор. Гоҳида маданият дейилганида, айнан ана шундай айтилмайдиган ва ёзилмайдиган қонуниятлар назарда тутилади.

- урф-одатлар, анъаналар. Ўз урф-одат ва анъаналарга эга бўлмаган миллат йўқ. Маънавий ҳаётнинг мана шу жиҳатлари орқали миллатнинг ўзлиги намоён бўлади. Урф-одат ва анъаналарда миллатнинг тарихи, ўтмиши, маданий мероси ўз аксини топади. Ана шу хусусиятларини йўқотган миллат этноижтимоий бирлик сифатида йўқолади.

- **қадриятлар.** Миллатнинг маданият ва цивилизация жиҳатидан яратган барча бойлик ва маънавий меросини ифодалайди. Шу билан бирга улар муайян миллатнинг қадр-қиммати, дунёдаги ўрни ва салоҳиятини ҳам намоён қилади. Ўз қадриятларини қўз қорачиғидек сақлаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш миллатга мансуб ҳар бир киши ва авлод учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик. Жаҳонда 1600 дан ортиқроқ миллат яшайди. Улар учун бизнинг Она сайёрамиз умумий ватан бўлиб ҳисобланади. Ана шу умуминсоният жамоасининг ҳамжиҳат яшаши, биргаликда ва ёнма-ён фаолияти натижасида бутунжаҳон маданияти ва цивилизацияси шаклланган.

Шу билан бирга, муайян ҳудуд, давлат ва минтақаларда ҳам бир қанча халқларнинг азал-азалдан ёнма-ён яшаб келаётганлигининг гувоҳимиз. Албатта, улар орасида табиий равишда ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалар жараёни боради. Бу жараёнлар, ўз навбатида, умуминсоний ва байналмилал маданий тамойиллар асосида амалга ошади. Маданиятларни бир-бирига яқинлаштиради, улар ўртасидаги умумий жиҳатларнинг камол топишига олиб келади. Ана шу умумийлик билан алоҳидалик, яъни бутунжаҳон маданияти ва бирор-бир халққа хос бўлган маданият ўртасидаги мунтазам алоқа ҳам инсоният тарихи ва тараққиёти учун муҳим ҳисобланади.

Бу соҳада умумбашариятга хос бўлган жиҳатларни биз маданиятдаги умуминсонийлик, миллатнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларни эса маданиятнинг миллийлиги деб атаймиз. Аслида эса миллийлик ва умуминсонийлик бир бутун маданиятнинг икки томони, бир-бирини тақозо этувчи жиҳатлардир. Маданият ана шу икки жиҳатнинг узвий алоқаси ва бир бутунлиги орқали намоён бўлади. Миллийлик — маданиятнинг жони, унинг миллат билан боғлиқ яшаш усули, миллатнинг унда намоён бўладиган руҳидир. Умуминсонийлик эса маданиятнинг бутун жаҳонга хослиги, ана шундан келиб чиқадиган умумбашарий хусусиятлари, жамият ривожининг барча давр ва ҳудудларга хос умумий тамойилларидир.

Миллий маданиятлар бир-бирини бойитади. Улар ўртасидаги ўзаро таъсир табиий равишда халқлар ва миллатларнинг бир-бири билан иқтисодий, сиёсий, ахлоқий соҳалардаги ҳамкорлиги узвий боғлиқдир. Бироқ бир миллий маданиятни бошқа халқларга зўрлаб тарқиб этиш, жорий қилиш ижобий натижаларга олиб келмайди.

Миллий маданиятнинг гуллаб-яшнаши халқларнинг цивилизациялашган тараққиёт йўлидан бориши ва ўзига хос цивилизация яратишида муҳим аҳамиятга эга.

Цивилизация тушунчаси алоҳида олинган бир халқ, ҳудуд, жамият, давлат ва ҳатто жаҳонга, уларнинг ижтимоий- иқтисодий ва маданий тараққиётининг муайян босқичига нисбатан ҳам қўлланилди. ЦивилизацияИлотинча ЦивилиусИсўзидан олинган бўлиб, айнан фуқароликка оидИдеган маънони англатади.

Мавжуд илмий адабиётларда цивилизацияга турлича таърифлар бериляпти: цивилизация-маданий-техник тараққиётнинг юқори босқичи (бунда ёзувнинг кашф этилиши, техник кашфиётлар, саноат инқилоби цивилизациянинг муҳим белгиси сифатида талқин этилади); цивилизация — жамиятнинг муайян намунаси (бунда у формация тушунчаси билан айнанлаштирилади); цивилизация — инсониятнинг ёввойилик ва ваҳшийликдан кейинги тараққиёт даври.

Цивилизация ривожланишнинг муайян бир босқичида турган халқ ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги сифатий ўзига хослигидир. Айрим тадқиқотчилар цивилизация асосини маданият, халқ, ҳудуд билан боғласалар, бошқалари динни асос қилиб оладилар. Аслида эса уларнинг ҳаммаси ҳам цивилизациянинг тараққиётида ўз ўрнига эга.

Аммо тарих тақозоси билан муайян ҳудудда шаклланган цивилизацияга гоҳ табиий муҳит, гоҳида ижтимоий шарт-шароит кучли таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Масалан, бизнинг Ватанимиз цивилизациясида бу омилларнинг барчаси ўзига хос аҳамият касб этганини кўрамиз. Шу билан бирга, юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва цивилизациялашган тараққиётида дунёвий илмлар қаторида турли диний таълимотлар ҳам ўзига хос ўрин тутган.

Ватанимиз тарихининг кейинги уч минг йилига назар ташласак, дунёвий билимлар ва диний қарашлар ёнма-ён яшаб келганининг гувоҳи бўламиз. Халқимиз Авестони яратган даврлардан тортиб бизнинг кунларгача ана шу умумий тамойил ўз таъсирини ўтказиб келган. Уларнинг бири мутлақлаштирилган даврларда маданий тараққиёт қандай азият чеккан бўлса, иккинчиси таҳқирланган замонларда ҳам ана шундай йўқотишлар содир бўлган. Тарих бу борада ҳам буюк мураббийдир. У биздан цивилизациямиз ўтмишини холисона ўрганиш, ундан тўғри хулосалар чиқариш ва ўзимиз учун сабоқ олишга ундайди.

Маданият ва цивилизациянинг ўзаро боғлиқлиги. Цивилизация маданий ва маънавий ривожланишнинг маҳсули сифатида вужудга келади. Цивилизациялашган тараққиётгина миллий маданият равнақи учун кенг имкониятлар яратади. Миллий маданият цивилизациянинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Миллий маданиятдан узилиб қолган цивилизация охир-оқибатда инқирозга маҳкум бўлади. Масалан, ҳозир йўқолиб кетган Америкадаги майя цивилизацияси бунга мисол бўлади. Улардан бугун юздан ортиқ шаҳарлар вайроналари қолган. Бунга тарихдан янада кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Цивилизациянинг тарихий шакллари. Цивилизациялар ўз шаклига кўра Шарқ ва Ғарб цивилизациялари, христиан ва мусулмон цивилизациялари, ҳудудий ва жаҳон цивилизацияси кабилардан иборат. Шарқ цивилизациясига хос бўлган қуйидаги муҳим хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

- Шарқдаги барча дунёвий, диний ва фалсафий таълимотлар табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, сабр-тоқатлиликни тарғиб этган;
- Одамлар орасида бағрикенглик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик руҳи кучли бўлган;
- Миллий қадрият ва анъаналар эъзозланган;
- катталар ва ота-онага ҳурмат билан қарашга алоҳида эътибор берилган.

Узбекистон Шарқ цивилизацияси баҚрида ривожланди. Ватан ва онанинг муқаддаслиги, жамоавийлик, узаро ёрдам, табиатга оқилона муносабат, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатлилик, катталарга ҳурмат, камбаҚалпарварлик кабилар Шарқ цивилизациясига хос белгилардир.

Узбекистон жаҳон цивилизацияси тараққиётига илм-фан, ахлоқ, дин, санъат, маданият соҳасидаги улкан ютуқлари билан муносиб ҳисса қушди. Миллий мустақиллик йилларида узига хос тараққиёт йулидан бораётган Узбекистон уз миллий қадриятлари, маънавий мероси ва бой маданиятига таяниб, Ғарб ва Шарқнинг умумбашарий қадриятлари ва тажрибаларини ижодий узлаштириб, дунёвий цивилизация йулидан бормоқда.

Ижтимоий-маданий тараққиёт мезони. Ўзозирги замон цивилизацияси узига хос хусусиятлар ва муаммоларга эга. Бунда энг муҳими жаҳон цивилизациясини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантиришдир. Жаҳон цивилизациясини таназзулга олиб келадиган қатор таҳдидларни бартараф этишда қуйидагилар нихоятда катта аҳамиятга молик:

- инсонни олий қадрият сифатида эътироф этиш;
- табиатни асраб-авайлаш;
- экологик хавфсизликни таъминлаш;
- оммавий қирҚин қуролларини йуқ қилиш;
- давлатлар, халқлар уртасидаги низоларни сиёсий йул билан музокаралар орқали ҳал этиш;
- турли жиноий уюшмаларга барҳам бериш, халқаро террорчилик ва гиёҳвандликка, турли юқумли касалликларга қарши курашиш;
- кишиларда янгича дунёқараш ва сиёсий тафаккурни шакллантириш.

Бундай муаммоларни оқилона ҳал этиш учун турли мамлакат, минтақа ва халқлар уртасида умумий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка бўлган интилиш тобора ортиб бормоқда. Ислом Каримовнинг қатор асарлари ва нутқларида таъкидланганидек, айрим минтақалардаги можаро ва зиддиятлар уз вақтида оқилона ҳал этилмаса, жаҳон цивилизацияси ривожига салбий таъсир курсатиши мумкин.

Турли фалсафий тизимларда дунёнинг ижтимоий-маданий тараққиёт мезони турлича талқин этиб келинди. Хусусан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, техник ва технологик ютуқлар, табиий-географик омилга ижтимоий-маданий ривожланиш мезони сифатида қаралди. Ўзозирги пайтда қатор фал-

сафий адабиётларда шахс маънавияти ва унинг эркинлик даражаси ижтимоий-маданий тараққиёт мезони сифатида қурсатиляпти.

Жамият тараққиётига цивилизациявий ёндашув. Фалсафа тарихида жамият ривожига турлича ёндашишлар вужудга келди. Булар — формациявий ёндашув, қупвариантли ёндашув, цивилизациявий ёндашув кабилардир. Ижтимоий амалиёт, тарих тажрибаси инсоният жамияти тараққиётига формациявий ёндашишнинг бирёқлама, сунъий эканини қурсатди. ўзозирги замон Ғарб фалсафасида У. Ростоунинг иқтисодий ривожланиш назарияси кенг ёйилди. О. Тоффлер назариясига қура, бутун инсоният тарихи уч катта даврга — аграр жамият, саноат жамияти ва постиндустриал жамиятга (ахборот жамиятига) бўлинади.

Ижтимоий тараққиётга цивилизацияли ёндашиш хар бир халқ, мамлакат, минтақа тараққиётига ноёб ва такрорланмас жараён сифатида қарашга асосланади. Бундай ёндашиш мохиятан формациявий ёндашишга зиддир. Цивилизацияли ёндашиш хар бир миллий маданиятнинг ўзига хослигини, ноёб ва бетакрорлигини саклаган холда ижтимоий ривожланишнинг тадрижий йўлдан боришини эътироф этади ва жахон цивилизацияси ютуқларига таянади. Ижтимоий тараққиётга цивилизацияли ёндашишнинг мохияти, хусусиятлари ва мазмуни Президент И.А. Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..." ва бошқа асарларида ўз ифодасини топди.

Фалсафа ва маданиятшунослик. Маданиятшунослик фалсафанинг мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг тараққий этаётган фалсафий фан сохаларидан биридир. Собиқ Иттифоқ даврида бу фан умуминсоний маънода ўқитилмас эди. Аслида эса, жахон фалсафасида маданият тўғрисидаги алохида бир фаннинг вужудга келгани маданиятнинг инсон ва жамият хаётида нақадар мухим ахамиятга эга эканлигидан далолат беради. Фалсафа маданиятдаги ранг-баранглиқни эътироф этади, маданиятнинг универсал характерга эга бўлган тарихий намуналарини бир-биридан фарқлайди.

Ўзбекистоннинг цивилизациявий тараққиёти нихоятда қуп қиррали масаладир. Биз аввалроқ хам бу тўғрида қисман фикр юритдик. Кейинги бобларда хам, ана шу тўғрида, муайян масалаларни тахлил этиш асносида, баъзи фикрларни баён этишга харакат қиламиз. Бундаги энг асосий тамойил қуйидаги хақиқатни эътироф этиш билан боғлиқдир: Миллий давлатчилик асосларини яратмай ва унинг қудратига таянмай туриб цивилизация йўлидан бориб бўлмайди. Ўар бир халқ ўз тарихий тажрибала-

ридан келиб чиқиб, миллий маданияти ва интелектуал салоҳиятига мос равишда уз миллий давлатчилигини яратади. Ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий маданият бундай цивилизациявий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

Республикамизнинг жаҳон цивилизациясига хос йулдан бориши умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, миллий қадриятларга содиқлик, инсонпарварлик ва ватанпарварликнинг уйҚунлиги, халқаро қонун-қоидалар ва андозаларни ҳурмат қилиш, улардан ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг фойдаланишни тақазо этмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатнинг цивилизацияли тараққиёт тамон бориши И. Каримов томонидан асослаб берилган Узбекистоннинг уз истиқлоли ва тараққиёт йулининг бутун жаҳонда эътироф этилаётганлигида яққол куринмоқда. Бу маънода тараққиётнинг узбек модели деб ном олган ривожланиш тамойили мамлакатимиз цивилизацияли тараққиётининг асосий жиҳатларини узида ифодалайди.

Миллий мустақиллик йилларида маданиятимизнинг бундан кейинги ривожланиш истиқболлари учун пухта замин яратилди. Бу, аввало қуйдагиларда намоён булади:

- бой маданий меросимизни ҳар томонлама чуқур урганиш имкониятларининг яратилганлигида;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилганлиги ва собитқадамлик билан амалга оширилаётганида;
- миллий маданиятларнинг равнақ топиши ва бир-бирини бойитиши учун қулай шарт-шароитлар яратилганида;
- жаҳон маданияти ривожига улкан хисса қушган улуҚ аждодларимиз меросини кенг тарҚиб этишда;
- мамлакатимизда илм-фан ва техника салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганида;
- инсон интеллектуал салоҳиятининг ортиб бораётганида, юртимиз ободончилиги йулида қ«плаб тадбирларнинг амалга оширилаётганида.

Истиқлол ва миллий маданият ривожи. Миллий мустақиллик йилларида Узбекистонда яшаётган барча халқлар маданиятини ривожлантиришга, уларнинг маданий мероси ва қадриятларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор берила бошланди. Бу жиҳатдан республикамизда озчиликни ташкил этадиган халқлар миллий маданий марказларининг ташкил этилиши катта аҳамиятга эгадир. 1991 йилда бундай марказларнинг сони унтага етмаган булса, бугунги кунда уларнинг сони 100 ортиб кетди. 1992 йилда

мазкур марказлар ишини мувофиқлаштириб турадиган ташкилот - Республика байналмилал маданият маркази тузилди.

Узбекистондаги турли халқлар ва миллатларнинг умумий қоя ва истиқлол мафкураси атрофида бирлашиши нихоятда катта ахамият касб этади ва Узбекистоннинг жахон цивилизацияси томон ривожланишида мухим омил булиб хизмат қилади. Миллийлик, умуминсонийлик қояларини уйқунлаштириш ва янада такомиллаштириш муайян халқларга тегишли маданиятнинг узига хослигини сақлайди. Ватанимиз маданиятида умуминсоний қадриятлар устувор мавқени эгаллайди. Умуминсоний қоялар ва қадриятларнинг шаклланиши миллий маданиятларнинг ривожланиш хусусиятлари билан боқлиқдир.

Умуминсоний қадриятлар инсонни эъзозлаш, хаётни севиш, бурч, садоқат, аждодларга хурмат, ватанпарварлик, адолат, маърифатпарварлик, тинчлик, тотувлик, дустлик, хамкорлик сингари фазилатларни ифода этади. Тажриба шуни кўрсатадики, бирон бир миллий маданиятни улуқлаб, уни бошқа маданиятдан устун куйиш ва бошқа халқларга мажбуран тарқиб этиш салбий окибатларга олиб келиши мумкин. Купмиллатли мамлакатда миллий маданиятларни менсимаслик ёки уларни камситиш ижтимоий барқарорлик ва миллий тотувликка путур етказади, турли зиддият ва ихтилофларнинг пайдо булиши учун замин яратади. Бу борада миллий қоя ва истиқлол мафкураси асосларини ишлаб чиқишда этник хусусиятларни хисобга олиш уларни республика тараққиётининг истиқболлари билан уйқунлаштириш имконини яратади.

Мавзунинг тарбиявий ахамияти. Маданият ва цивилизациянинг асосий тамойиллари, қонуният ва хусусиятларини билиш — маънавий камолот манбаидир. Бу эса маданият ва цивилизациянинг узаро боқлиқлиги ва узига хос хусусиятларини илмий-назарий жихатдан чуқур идрок этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришда катта ахамият касб этади. Ёш авлодни юксак маданиятли ва умуминсоний қадриятларга хурмат ва садоқат рухида тарбиялаш миллий тараққиётнинг мухим талаби, таълим-тарбия сохасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош вазифасидир.

Тараққиётимизнинг хозирги босқичида юксак маданиятли инсонни тарбиялаш, қонунчиликка амал қиладиган, фуқаролик бурчини адо этадиган, демократик жамият талабларига риоя қиладиган баркамол шахсни шакллантириш вазифаси турибди.

Шундай қилиб, маданият ва цивилизация бир-бирини тақозо этадиган, шахс ва жамиятни янада такомиллаштириш учун хиз-

мат киладиган ва айни вактда, ижтимоий борликнинг туб асосини ташкил этадиган ходисалардир. Миллий мустакиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иктисодий сохада эришилган ютуклар мамлакатимизнинг цивилизацияли тараккиёти учун пухта замин яратди.

Таянч тушунчалари

Маданият, цивилизация, маънавий маданият, моддий маданият, цивилизациявий ёндашув, миллий маданият, Шарк цивилизацияси, Fарб цивилизацияси, хозирги замон цивилизацияси, худудий цивилизация.

Такрорлаш учун саволлар

1. Маданият нима?
2. Цивилизация нима?
3. Маданият ва цивилизациянинг узаро боКликлигини изохланг.
4. Цивилизациянинг тарихий шакллари тугрисида нималарни биласиз?
5. Узбекистоннинг жахон цивилизациясида тутган урни кандай?
6. Маданият ва цивилизация мохиятини билиш баркамол инсон шахсини шакллантириш манбаи эканлигини кандай тушунасиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истиколининг асосий тамойиллари. — Т., Узбекистон; 1995.
2. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бусакасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва таракиёт кафолатлари. Т., УзбекистонИ 1997
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. Т., Узбекистон И 1996.
4. Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмода. Т., Узбекистон И 1999.
5. Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси — халк эътикоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., УзбекистонИ 2000.
6. Узбекистон XXI асрга интилмода. – Т., Узбекистон, 2000.
7. Тойнби А. Постижение истории. М., Наука, 1991.
8. Бердяев А. Смысль истории. М., Наука 1990.

5-мавзу. Қадриятлар фалсафаси. Ўзбекистонда инсон қадри ва шахс эркинликлари

Режа:

1. Қадриятлар мавзусининг тарихий илдизлари.
2. Ижтимоий тараққиёт жараёнида қадриятларга муносабат.
3. Қадрият категорияси, унинг асосий шакллари.
4. Қадриятларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги аҳамияти.
5. Ёшларда қадрлаш тамойилларини тўғри тарбиялаш вазифалари.

Қадриятлар тўғрисидаги фан — Аксиология (аксио — қадрият, логос фан, таълимот маъносини англатади) фалсафанинг шу масалани ўрганадиган ва у билан шуғулланадиган соҳаси ҳисобланади. Собиқ Иттифоқ даврида бу тўғрида нисбатда кам маълумотлар бор эди. Истиқлол туфайли қадриятлар тўғрисидаги қарашларимиз шитоб билан ўзгарди. Собиқ Иттифоқнинг илгари улуғланган партиявий-синфий қадриятлари саробга айланди, замона реалликлари талабларига жавоб бера олмай, ўтган ўн йилликлардан иборат тарих саҳифалари билан бирга ёпилиб кетди. Ўзбекистонда қадриятларга эътибор кучайди, унинг турли қирралари олим ва мутахассислар томонидан таҳлил этилмоқда. Қадриятлар фалсафаси — Аксиологиянинг кўпдан-кўп мавзулари мутахассисларимизнинг илмий изланишларида ўзига хос ўрин тутмоқда.

«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир», деб ёзган эди Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида. Худди шундай, «Қадрият ўзи нима?» саволига жавоб беришдан олдин мавзунинг тарихини, қисқа бўлса-да, ўрганмоқ лозим. Бусиз қадриятларнинг бугун ва келажакдаги аҳамиятини тушуниб бўлмайди.

Қадриятлар мавзуининг тарихи, илдизлари ва инсониятга хос қадрлаш тамойиллари шаклланиши узоқ ўтмишга эга. Ғарб олимлари бу борада, асосан, Европа маданий мероси ва Қояларига таянадилар, кўплаб алломаларнинг номларини тилга оладилар. Ғарбда қадриятлар билан шуғулланадиган фалсафий соҳа — Аксиология (аксио — қадрият, логос — таълимот) фанининг шаклланган ҳам уларнинг бундай қарашлари учун муайян асос бўлади. Биз Суқрот ва Афлотун, Арасту ва ўзгеллар катта эътибор берган бу мавзунинг Ғарб фалсафасида ўз тарихига эга эканлигига шубҳа қилмаймиз.

Аммо ушбу мавзу кухна ва навкирон Шарк, хусусан Узбекистон учун бегона эмас! Унинг энг теран жихатларини факат Fарбдан эмас, балки Шаркдан кидириш хам фойдадан холи булмаса керак. Номлари цивилизациямиз тарихига абадий битилган Хоразмий, Форобий, ал-Бухорий, ат-Термизий, Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Яссавий, Накшбанд, УлуКбек, Навоий, Машраб, Бедил, Бехбудий, Авлоний каби мутафаккирлар ижодида хам бу мавзунинг излари бор, теран кирралари очилган. Гап ана шу изларни излаб топишда, уларни унутмасликда, сайкаллаб туришда, замона реалликлари нуктаи назаридан холисона талкин килишдадир.

Авлод ва аждодларимиз яратган кадрлаш мезонларининг тарихи энг кадимги наклар, ривоятлар, афсона, хикоят, достонларга, яъни халк оКзаки ижоди намуналарига бориб такалади. Спитамен, Муканна ва Жалолиддин Мангуберди тугрисидаги асарларда, Алпомиш, Тумарис ва Широк тугрисидаги афсона ва достонларда ватанпарварлик, халк ва юрт озодлиги учун фидойилик каби куплаб умуминсоний кадриятлар тасвирланган. Маънавий меросимизнинг ёркин намунаси – □АвестоИ зард«штийликнинг мукаддас китоби булганлигидан, унда бу диннинг кадриятлар тизими, кадрлаш мезонлари, уша даврдаги миллий Коялар ёркин ифодаланган.

Jадрлаш тугрисидаги карашлар ривожида VIII-XII асрлар катта ахамиятга эга. Бу даврда араб истилоси амалга оширилган, ислом хукмрон динга айланган эди. Эътироф этиш керакки, Jуруън ва ў адисларда таърифлаб берилган илохий кадрият ва кадрлаш масалалари халкимиз тарихи ва маданиятига таъсир курсатган. Шу билан бирга, араб истилоси даврида купгина миллий кадриятларимизнинг йукотиб юборилганлигини хам кайд килмок керак. Бу тугрида Беруний □Jадимги халклардан колган ёдгорликларИасарида афсус билан ёзиб колдирган.

Цивилизациямиз кадриятлари ва халкимизга хос кадрлаш меъёрлари мусулмон Шаркн ва араблар дунёси маданиятининг ривожига хам нихоятда катта акс таъсир курсатган. Тарихда номлари сакланган алломаларимиз уз навбатида бутун жахон, Шарк маданиятига Коят катта хисса кушганлар. Бундай фикрни Абу ў анифа, ал-Бухорий, ат-Термизий, Кубро, Ахмад Яссавий, Накшбанд каби илохиёт илмининг забардаст алломалари тугрисида хам айтиш жоиз. Уларнинг хар бири уз замонасида исломни ци-

вилизациямизнинг юксак маданияти нуктаи назаридан тарКиб ва ташвик этдилар, ислом фалсафасини юксакликка кутардилар, мазкур диннинг бутун жахонда катта мавкега эга булишида мухим фаолият к«рсатдилар. Бу эса ушбу зотларнинг номларини ислом дини жахон сахнида канча турса, шунга кадар бокий айлади. уларнинг ислом фалсафаси ва илохиётига, уни замона зайллари орасидан утиши жараёнига к«рсатган нихоятда катта таъсири тугрисида махсус тадкикотлар олиб бориш мумкин. Афсуски, манбалар етарли булишига карамасдан, юртимиз цивилизациясининг ислом дини ривожига ва азалий ислом мамлакатларининг маданияти таракkиётига акс таъсири тугрисида ёзилган асарлар халигача кам, бу тугрида кенг камровли тадкикотлар олиб бориш зарурияти аллакачон етилган.

Масаланинг мухимлиги атокли энциклопедик олимлар — Хоразмий, Форобий, Беруний, ибн-Сино, ал-ФарКоний каби цивилизациямизнинг забардаст намояндалари ижоди ва мероси кузгусида янада якkолрок намоён булади. Зеро, улар нафакат Марказий Осиё, араб-мусулмон цивилизацияси, балки жахон маданияти таракkиётига нихоятда катта хисса кушганлар, юртимиз кадриятлари таъсирини бутун оламга ёйилишида хизмат килганлар.

Шу билан бирга, умуминсоний маданиятнинг бебахо дурдоналарини яратган УлуКбек, Лутфий, Навоий, Бобур каби зотларнинг жахон цивилизациясига кушган хизматларини тилга олмай буладими?

Афсуски, цивилизациямизга хос энг юксак кадрлаш мезонларини яратган урта асрлардаги кутарилиш даври темурийлар салтанатидан сунг аста-секин таназзулга юз тутди, марказлашган давлат парчаланиб кетди. Аввал Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги, сунгра Jукон хонлиги вужудга келди. Уч юз йилдан ортикрок даврни уз ичига олган бу жараён хонлик, амирлик, турли сулолалар, уруКлар уртасидаги урушлар, тинимсиз зиддиятлар оркали кечди, яхлит цивилизациямизнинг хамжихатлигини таъминлайдиган умумий кадриятлар тизими дарз кетди, кадрлаш мезонлари хам бир кадар узгара бошлади.

XIX асрнинг урталарига келиб, амирлик ва хонликларга булинганлигига карамасдан, мустакил яшаган Туркистон чор Россияси томонидан босиб олинди, юртимиз империянинг мустамлакаси булиб колди. Мустамлакачиларнинг кадриятлари ва кадрлаш мезонлари халкимиз орасига зурлик билан сингдирила

бошланди. XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида юртимизда Жадидлар Йокими вужудга келди. М. Бехбудий, Суфизода, Авлоний, Чулпон, Фитрат ва бошка жадидлар меросига диккат килинса, уша даврда юртимизда маънавий тушунчаларнинг кулами канчалик кенг булганлигини, фалсафий тилнинг накадар бойлигини, унинг адабиёт билан канчалий уйкунлигини яккол куриш мумкин. Уларнинг асарларида гохида биз аллакачон эсимиздан, тилимиздан ва балки дилимиздан хам чикариб юборган кадриятлар, тушунчаларга дуч келамиз. Жадидларнинг мероси халкимиз маданиятига янада каттарок таъсир курсатиши мумкин эди. Афсуски, болшевиклар бошлаган сиёсий жараёнлар бу авлоднинг бой меросини уз домига тортди, унинг такдири аянчли кечди, таъкиклаб куйилди. Утмиш авлодлар ардоклаган ва буюк аждодларимиздан мерос колган шаркона кадрлаш мезонларини юз уттиз йил саробга айлантириш учун килинган уринишларнинг окибатлари халигача сезилиб туради. Факат мустакиллик йилларига келибгина ушбу сохада хам ижобий силжишлар бошланди.

Собик Иттифокда кадриятларга муносабат кандай эди? Дунёнинг олтидан бир кисмини эгаллаб турган мамлакатда кадрлашнинг умуминсоний тамойилларини баркарор килиш у ёкда турсин, хакикий кадриятшунослик нуктаи назаридан тадкикотлар олиб боришга хам изн берилмас эди. Факат асримизнинг 60-йилларига келиб, кадриятлар муаммоси баъзи мутахассислар томонидан тахлил килина бошлаган булса-да, 90-йилларгача фалсафа дарсликларида алохида мавзу сифатида уз урнига эга булмади. Ўукмрон мафкуранинг таркибий кисмига кирмаганлиги, мавзуларининг жуда кам тадкик килинганлиги ва нихоятда оз ахамият берилганлигидан махсус фалсафий тадкикотлар сохасига айлана олмади. Аксиология номи билан собик Иттифокда бирорта хам дарслик ёки укув кулланмаси чоп этилмаган, хатто университетларнинг файласуф, жамиятшунос, тарихчи ва бошка ижтимоий мутахассислар тайёрлайдиган гуманитар булимларида хам бу сохага оид махсус билимлар берилмас эди.

Jадриятлар тугрисидаги Карбда кенг таркалган **аксиология** фани ривожланган мамлакатларда инсон кадри ва хакхукукларига доир купгина тамойилларнинг амалиёти учун назарий асослардан бири булган илмий сохалар каторига киради.

Мустакиллик ва кадриятлар мавзуси. Истиклол йилларида Узбекистонда бу мавзуга умуминсоний тамойиллар асосида ён-

дашиш шаклланди. Бундай карашнинг вужудга келиши, кадриятларнинг ижтимоий ва маънавий янгиланиши, жамият аъзоларининг камолоти хамда ёшлар тарбиясидаги ахамияти масалаларига давлат микёсида юксак эътибор курсатилаётганлиги мазкур соха ривожининг бош йуналишидир. Jадриятларни мустакилликни мустахкамлашнинг маънавий омилларидан бири сифатида кадрланиши борасидаги ижобий жараёнлар тадкикотларни купайтириш, уларга нисбатан масъулиятни янада оширишни такозо килмокда.

Истиклол асрлар давомида шаклланган узига хос шаркона ва узбекона кадрлаш масалалари ва меъёрларини кайта тиклаш хамда замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришни кун тартибига куйди. **Мустакиллик истиклол даврининг энг асосий кадриятидир.** Зеро, мустакил булмаган мамлакатнинг кадриятлар тизими хеч качон тукис булмайди. Мустамлака мамлакатнинг маънавий хаётида мустамлакачиларнинг кадриятлари устувор булиши аник. Факат мустакилликкина ушбу холатни тубдан узгартиради, мамлакатнинг кадриятлар мажмуасини жахон тизимининг тенг хукукли ва хакикий кисмига айлантиради. Шу сабабдан хам истиклол янги кадриятлар тизимини шаклантиришни такозо килди. Бу зарурият эса кадриятларни кайта бахолаш, юртимизда шаркона, азалий ва умуминсоний кадрлаш мезонлари устувор булган хаёт тарзини шакллантириш жараёни билан уйКунлашиб кетди. Jадриятлар сохасидаги узгаришларга эътибор ва бу борадаги янги тамойиллардан таълим-тарбияда фойдаланиш эхтиёжи ошаётганлигининг сабаби хам ана шунда.

Jадрият узи нима? Jадрият тушунчаси нихоятда хилма-хил маънода, турли сохаларда кулланилади.

Jадриятнинг кундалик хаётдаги маъноси кишилар уртасидаги мулокотларда, оммавий ахборот воситаларининг хабарларида узига хос тарзда намоён булмокда. Кундалик хаётда, купчилик назарида нарсалар (масалан, кимматбахо буюмлар, такинчоклар), табиат ходисалари, ижтимоий вокеалар, жамиятдаги талаблар, орзу-умидлар, анъана ва маросимлар, маданий бойликлар ва бошкалар кадрият сифатида тушунилади. Бундан ташкари, одамлар узлари ишониб, гохида интилиб, кизикиб ёки орзу килиб яшайдиган максад, орзу ёки идеалларга хам □кадриятИтушунчасини куллайдилар. Хуллас, кундалик хаётда купчилик томонидан кулланиладиган □кадриятИибораси, одамлар учун бирор за-

рур аҳамият касб этадиган объект, нарса, ҳодиса ва бошқаларга нисбатан ишлатилади.

Табиат ва маданият буюмларининг инсон эҳтиёжини қондириши ва унинг мақсадларига хизмат қилиши таъкидланганида, асосан уларнинг фойдаси, қиммати назарда тутилади. Ўзақатан ҳам, буюмларнинг иқтисодий қиммати кишилар учун катта аҳамият касб этади. Аммо буюмнинг қадри ҳисобга олинмаса, масаланинг аксиологик жиҳати очилмайди. Ҷадрият категорияси буюм ёки нарсаларнинг иқтисодий қимматини ифодалайдиган тушунчадан фарқ қилади.

Шу маънода **қадрият** нарса ва буюмларнинг қимматига нисбатан қўлланилмасдан, балки инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг шакллари, ҳолатлари, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартиблар ва бошқаларнинг қадрини ва ижтимоий аҳамиятини ифодалаш учун ишлатиладиган **фалсафий категориядир.** Бу категория ўзида қадрият объектининг нафақат қимматини, балки ижтимоий аҳамиятини, фалсафий-аксиологик мазмунини, жамият ва инсон учун қадрини ҳам ифодалайди.

Ҷадрият, баҳо ва қадр. Ҷадриятлар муаммосига баҚишланган (асосан рус тилидаги) илмий-фалсафий манбаларнинг кўпчилигида қадрият (ценность) тушунчасини баҳо (оценка) тушунчаси билан қиёслаш, уларга бир хил даража ва қўламдаги тушунчалар сифатида қараш ҳоллари учрайди. Бу икки тушунча қиёсланаётганда, қадр тушунчаси эътиборга олинмайди. Балки, бундай ҳолга рус тилидаги □оценкаИ ва □ценаИ сўзларининг ўхшаш маъноли (кўпроқ иқтисодий) тушунчалар эканлиги сабаб бўлиши ҳам мумкин. Рус тилида қадр ибораси ишлатилмайди, унинг русча таржимаси йўқ. Ҷадр тушунчаси ўзбек тилида серқирра маъно ва мазмунга эга, у тилимиздаги баъзи ибора ва сўзларда ўзига хос шарқона фалсафий мазмун борлигидан далолат беради.

Ҷадриятнинг мазмуни ва аҳамияти □баҳоИ тушунчасида тўлатўкис акс этмаслиги, турлича ифодаланиши ҳам мумкин. Ҷадриятнинг ҳақиқий қадрини, мазмуни ва аҳамиятини баҳосига қараб аниқлаш қийин бўладиган ҳоллар ҳам учрайди. Аслида қадриятнинг қадрини билиш, унинг аҳамиятини англаб олиш ва баҳолаш бир-бири билан узвий боқлиқ жиҳатларни ташкил қилади. Ҷадриятнинг аҳамияти англаб олинмаса, қадри тугри тушунилмаса, унга тугри баҳо бериб бўлмайди. Айнан шу маънода

кадриятни бахолаш унга булган муносабатни хам ифодалайди, бу эса уз навбатида кишиларнинг талаблари, эхтиёжлари ва максадлари билан боКликдир. Jадриятни бахолашда канча хилма-хил максад ва эхтиёжга эга булган кишилар иштирок этса, унинг хакикий бахосини аникдаш хам шунча кийинлашиб бораверади.

Jадриятнинг объекти ва субъекти. Jадриятшуносликда кадрият тушунчаси билан бу тушунча боКланган объект уртасида фарк бор, деб каралади. Агар кадрият берилган кадрни ифодалайдиган фалсафий тушунча сифатида каралмаса, унга таърифларнинг сон-саноксиз булиши аник. Негаки, дунёда кадрланадиган нарсалар, ходисалар, вокеалар, жараёнлар, жойлар ва сифатлар, идеал ва максадлар нихоятда куп. Jадрият тушунчаси эса уларнинг бирортаси учун тугридан-тугри исм, атама ёки бевосита ном була олмайди, балки уларнинг кадрини англатадиган тушунча сифатида намоён булади.

Jадриятлар ва ижтимоий жараёнлар. Одамлар битта жамиятда, бир даврда ва ухшаш шароитларда яшаётганликларига карамасдан, у ёки бу нарсанинг кадри турлича англаб олинади, тушунилади ва талкин килинади. Ижтимоий жараёнлар таъсирида кишиларнинг кадриятлар тугрисидаги тасаввури, карашлари узгаради, бу эса таракkиёт жараёнида одамларнинг турмуш шароитлари, хаёти ва маънавий киёфасидаги узгаришлар билан боКликдир.

Ана шунга кура, хаммада хам кадрлаш туйКуси доимо бир хил булавермайди, ижобий ва салбий карашлар, турли хил жихатлар хар кандай кадриятнинг карама-карши томонларини ташкил килади. Ижобийлиги ва салбийлиги, бахоланиши ва ахамиятига кура бир-бирига мутлако зиддек булиб куринадиган яхшилик ва ёмонлик, хакикат ва хаксизлик, бахт-саодат ва Камкулфат, таракkиёт ва таназзул каби тушунчалар хаётнинг бир-бирига зид ва чамбарчас боКланган томонларини ифодалайди.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, кадриятлар жамиятнинг ривожи ва кишилар хаётининг турли даврларида турлича ахамият касб этади, тарихий заруриятга мос равишда гох у, гох бу кадрият ижтимоий таракkиётнинг энг олдинги поКонасига чикиб олади, бошкаларини хиралаштиргандай булиб туюлади. Натижада ижтимоий ривожланиш ва таракkиёт конуниятларига мос равишда, олдинга чикиб олган кадриятни баркарор килишга интилиш нисбатан кучаяди. Масалан, юртни ёв босганида — озод-

лик, империя хукмронлиги нихоясида — истиклол, уруш даврида — тинчлик, туткунликда — эркинлик, касал ва беморлик онларида — саломатликнинг кадри ошиб кетади, уларга интилиш кучаяди.

Таълим тарбиянинг мухим омиллари булган кадриятларнинг намоён булиш шакллари орасида уз ахамиятини, ижобийлик хусусиятларини доимий саклаб коладиганлари хам бор. Булар — инсон вужудининг тириклиги, умри ва хаёти, сихат-саломатлиги, мехнати, билими, муомаласи. улар инсон ва жамият бор экан, узининг ижтимоий ахамиятини саклаб колаверади. Афсуски, уларнинг карама-каршиси булган касаллик, маъносиз хаёт кечириш, билимсизлик ва бошкалар хам тарихий жараёнларнинг хамрохи. Тириклик бор экан — улим, борлик энг буюк маъво экан — йуклик, инсон тирик жонзод экан — касаллик, хаёт кечиришдан максад мазмунли умр экан — маъносиз куйилган баъзи кадамлар, яшашнинг зарурий шартларидан бири билиш ва англаш экан — билимсизлик, таракқиётга интилиш бор экан — таназзул ва бошкалар инсониятни доимо таъкиб килади. Юкоридаги ижобий кадриятларнинг ахамияти хам уларга тескари булган жихатларга нисбатан аникланади. Ёшларда, айникса, талаба ва укувчиларда маънавий етук туйКуларни шакллантиришда ана шундай аксиологик боКликликларнинг ботиний ва зохирий томонларини ургатиш катта ахамият касб этади.

Jадриятлар тизими. ўар кандай жамият, ижтимоий-тарихий бирликлар (уруК, кабила, элат, халк, миллат), ижтимоий субъектлар ва бошкалар узига хос кадриятлар тизимига эга булади. Бу кадриятлар тизимида асосий булмаган кадриятлар муайян каторни ташкил килади, турли холатларда намоён булади. Жамият ривожининг муайян даври ёки бирор давлатда хам ана шундай кадриятлар тизими мавжуд буладики, у уша давр, жамият ва давлат кишилари, уларнинг фаолияти учун умумий мезон вазифасини утайди. ўар бир ижтимоий тарихий бирлик, синф ва партиялар хам ана шундай кадриятлар тизими асосида фаолият курсатадилар, улардан фойдаланадилар ёки уларга эришишнинг турли усулларини куллайдилар.

У ёки бу кадриятнинг ахамиятини аниклашда ана шундай тизимлар мавжуд эканлигини унутмаслик, унинг бирор давр, ижтимоий бирлик, сохa, жараён ва бошкалар учун кандай мавкега эга эканлигини назардан кочирмаслик лозим.

Ҷадриятларнинг намоён бўлиш шакллари. Бир қарашда қадриятларнинг шакллари сон-саноқсиз ва ниҳоятда тартибсизга ўхшаб қуринади. Аслида эса башарият, олам, табиат ва жамиятда ажабтовур уйғунлик мавжуд. Ҷадрият шакллари ҳам уларга мос равишда ана шундай уйғунликда, қонуний боғланишда, умумий алоқадорликдадир. Бундай ҳолатда уларнинг классификациясида табиат ва жамиятдаги нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнлар муайян қуламда, қадрият шакллари эса улар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Макон ва замонда ушбу қадрият объектлари борлиқнинг бирор шакли, жиҳати, воқеликнинг бирор қисми, оламдаги нарсалар ва атроф-муҳитнинг энг муҳим томонлари сифатида намоён бўлади. ушбу маънода қадриятларнинг умумбашарий, умумсайёравий ва минтақавий ҳамда бирор кичик ҳудуд ёки жойга боғлиқ бўлган шаклларини. кўрсатиш мумкин. Бунда умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликнинг диалектикаси замонавий атамалар «глобал», «зонал» ва «локал» қадрият объектларининг ўзаро муносабати тарзида зоҳир бўлади.

Жамиятнинг яшаши, одамларнинг ҳаёт кечириши учун юқоридаги қадриятлар билан бирга жамиятдаги умумижтимоий ва умуминсоний қадриятлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг жамият, унинг тузилиши, ижтимоий бирликлар ва ижтимоий онг шаклларига алоқадор туркумларини кўрсатиш мумкин. Масалан, жамиятнинг тузилишига хос миллий, синфий, ирқий ва бошқалар ёки ижтимоий онгнинг шаклларига боғлиқ: сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, ҳамда жамиятнинг асосий соҳаларига боғлиқ: иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий. Ижтимоий қадрият шакллари орасидаги фарқлар асло мутлақ эмас, балки нисбийдир. улар орасида ўтиб бўлмас чегаралар йўқ.

Бугунги кунга келиб қадриятлар ибораси ниҳоятда машҳур бўлиб кетди. Уни жуда кенг маънода ишлатиш, айниқса, маданий-маънавий ҳодисалар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқаларга нисбатан умумий ном ёки атама сифатида қуллаш ҳоллари кўп учрамоқда. Кундалик мулоқотда қадри бор нарса, воқеа, ҳодиса, хусусият ва бошқаларни «қадрият» деб аташга кўпчилик ўрганиб қолди. Аммо ҳар бир сўз, атама ва тушунчанинг моҳияти ва мазмунини ўзига сиғдирадиган сифат чегараси бор. У ёки бу тушунчадан ана шу мазмунга сиғмайдиган қуламни талаб қилишнинг кераги йўқ. Зеро, қадрият тушунчасининг оммалашиб,

машхур булиб кетганлиги жуда яхши. Лекин уни янада кенгрок маънода ёки зарур булмаган холларда хам ишлатиш бу тушунчанинг мазмунини хиралаштириши, унинг мохиятини ифодалайдиган сифат чегарасини саробга айлантириб куйиши, кадрини тушириши мумкин.

Халкимизнинг ❑Ладрсиз кадрият йук!И ❑Ладрланмайдиган кадрият саробга ухшайдиИ деган хикматлари бор. Ана шу сабабдан хам, мамлакатимиз таракκиёти хозирги даврининг юксак ифодалари булган истиклол, буюк келажак, ватанпарварлик, инсонпарварлик, демократия, конуннинг устуворлиги каби серкирра кадриятларни нихоятда кадрлашимиз лозим. Уларнинг биринчиси — истиклол эълон килган Узбекистон тарак❑иётининг янги аср бусаКасидаги асосий хакикати, иккинчиси - истикболдаги энг олий орзу-идеалимиз, бошкалари эса курилаётган жамиятимизнинг ижтимоий ва маънавий тамойилларини белгилайдиган пурмаъно кадриятларимиздир.

Инсон кадри. Истиклол инсон кадри, унинг манфаат ва эхтиёжлари билан боКлик масалаларни долзарблаштириб юборди. Инсон кадри унинг ижтимоий хусусиятлари, жамиятда амалга оширган фаолияти, бошкаларга ва атроф-мухитга муносабати, камолотга етганлиги, ижтимоий хусусиятларни узлаштириб олганлиги ва уларни маънавий киёфасида намоён кила олганлигида хам куринади. Одам боласининг шахсга айланиши, уз кадрини ва узгалар кадрини англаш жараёни узок йиллар давом этади.

Умуман, одамзод наслининг хозирги авлоди учинчи минг йилликни кутиб олаётган бугунги кунларда бутун дунёда кадрлаш фалсафасининг умуминсоний мезонларини амалиётда куллашга эхтиёж кучайди. Таассуфки, инсон зоти сайёрамизда яшаган илк давридан бошлаб кадр ва кадриятни устувор билганида, Ер юзининг замонавий манзараси бутунлай бошкача тус олган, кишиликни экологик бухронлар, уруш хавфи ва маънавий таназзул каби умумбашарий муаммолар кутиб турмаган булармиди?

Бугунги кунга келиб, инсоният яна табиат ва одамзод наслининг уйКунлигини саклаб колиш учун кадр ва кадрият нихоятда зарур эканлигини англади. XX асрнинг охирги ва XXI асрнинг бошланишидаги биринчи беш йилликлар БМТ томонидан ❑Инсон хукуклари ун йиллигиИдея эълон килинганлиги, кишилик жамияти эса янги минг йилликка умуминсоний кадриятларни баркарор килишга бел боКлаб утаётганлиги бежиз эмас.

ўозирги Узбекистонда инсон манфаатлари ва хак-хукукларини руёбга чикариш, кадрлашнинг умуминсоний тамойилларини устувор килиш билан боКлик фаолиятлар бутун жахонда бу борадаги умумий хамкорликни мустахкамлаш харакатининг таркибий кисмига айланмокда.

Ёшлар ва кадрлаш тамойиллари. Инсоннинг бутун умри шахсий кадриятларни такомиллаштириш, уз кадрини камолга етказиш, узгалар, жамият, замон ва ундаги содир булаётган узгаришлар кадрини англашга интилиш жараёнидан иборатдир. Уз шахси ва бошкалар кадрини англаб етиш учун инсоннинг камолоти давомида шаклланган маънавий киёфаси ва дунёси эзгуликка хизмат килиши, юксак ижтимоий сифатларга эга булиши, унинг узи эса хаётнинг мохияти ва максадини тугри англайдиган даражада тарбияланган булмоКи лозим. Ушбу маънода, Сукротнинг Уз узингни англа!И— шиори Коят катта ахамият касб этади.

Шахснинг кадри у яшаётган замон, ундаги жараёнлар, ижтимоий, тарихий шарт-шароитлар билан диалектик алокадорликда намоён булади. Мухит ва давр талаблари шахс кадрини шакллантириб, сайкаллаб боради, унинг узи эса уз кадрининг шахсий талаблари, эхтиёжлари ва максадлари билан накадар алокадорлигини чукурок англаб олиш томон боради. Jадриятлар ёшларга хаёт мазмунини чукурок тушуниш, жамият конун-коидаларидан тугри фойдаланиш, узларининг хатти-харакатларини ана шу маънавий мезонлар талабига мослаштириш имконини беради. ўозирги даврда талаба ва укувчиларга кадрлаш ва кадрсизланиш жараёнларининг мохиятини англатиш, мустакиллик эълон килган кадриятларнинг ахамиятини тугри тушунтиришга эришиш нихоятда долзарб масаладир.

Ёшлар, хусусан талабалар ва укувчиларни маънавий баркамол авлод вакиллари сифатида тарбиялаш ва шакллантиришда кадр ва кадрлаш туйКуси, кадриятлар категорияси, уларнинг мохияти, мазмуни, намоён булиш шакллари тугрисидаги билимларнинг мажмуаси булган замонавий аксиология, яъни кадриятшуносликнинг асосларини ургатиш нихоятда мухим. Ана шу сабабдан хам умуминсониятнинг кадрлаш меъёрлари борасида туплаган ютукларини умумлаштирган билим сохалари имкониятидан фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигининг асосий мезонларидан биридир.

Таянч тушунчалар

Қадрият, кадр, кадриятлар тизими, кадрлаш тамойиллари, кадрлаш мезонлари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қадрият тушунчасининг мазмун-моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Собиқ Иттифоқда кадриятларга муносабат қандай эди?
3. Узбекистонда кадриятлар мавзусига ижобий муносабат қандай намоён бўлмоқда?
4. Қадриятлар тизими деганда нима назарда тутилади?
5. Қадриятларнинг қайси шаклларини биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. — Т., Узбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. – Фидокор газетаси, 2000 йил 8 июн.
3. Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т., Узбекистон, 1999.
4. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., Узбекистон, 2000.
5. Назаров Қ. Аксиология: кадриятлар фалсафаси. — Т., Маънавият, 1998.
6. Эркаев А. Маънавият — миллат нишони. — Т., «Маънавият», 1999.

6-мавзу. Фан фалсафаси. Жамиятнинг илмий салоҳиятини юксалтириш

Режа:

1. Фан нима? Унинг турли цивилизация ва даврлардаги тараққиёти. Европацентризм ва Осиёцентризм.
2. Ўзбекистон Республикаси фани, унинг тараққиёт омилига айланиши ва фалсафий таҳлили.
3. Фан методологияси ва унинг турлари. Ўтиш даврида фан олдида турган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари.
4. Фан-техника инқилоби ва жамият ҳаётида фан аҳамиятининг ортиб бориши.

Фан нима? Фан илмий билимлар тизимидир. Фан ўзининг илмий тушунча услублари ва методологиясига эга бўлган, оламни билиш ва ўзлаштиришнинг махсус усули, илмий билимлар тизимидир. Шунингдек, фан ижтимоий онг шаклларидан биридир.

Фаннинг моҳиятини инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини билишда унинг қуйдаги хусусиятларини эътиборга олиш муҳимдир:

- инсон фаолиятининг ўзига хос тури;
- алоҳида ижтимоий институт сифатида фан илмий билимлар йиғиндиси;
- инсониятнинг маънавий салоҳияти, олам, табиат, жамият ва инсон тўғрисидаги тасаввур ва қарашларни шакллантиради;
- оламни ўзлаштириш ва ўзгартириш воситаси ҳисобланади.

Фаннинг мақсади. Фан ўз олдига илмий билимлар яратишни мақсад қилиб қуяди. Илмий фаолият моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятидан кескин фарқ қилади. Кишилар меҳнат фаолияти, сиёсат, санъат, дин ва ҳоказо соҳалардаги фаолиятлари жараёнида ҳам билим орттиради. Лекин илмий билимлар изчиллиги, тизимлилиги ва ҳақиқийлиги билан ажралиб туради.

Оламни илмий билиш оламга янгича муносабат, янгича қарашни тақозо этади. У оламни диний, бадиий, ахлоқий, сиёсий билишдан кескин фарқ қилади. Воқеликка илмий муносабат ҳар қандай ақидапарастлик ва фанатизмни (тақдири азалга ишонишни) истисно этади. Илмий билиш аввал бошдан фалсафий дунёқараш билан узвий боғлиқ равишда вужудга келди. Фалсафа илм-фан хулосаларига таяниб, оламнинг янгича манзарасини яратиш имконига эга бўлди.

Илмий билишнинг даражалари эмпирик (тажрибага асосланувчи) ва назарий шаклларга бўлинади. Эмпирик билим асосан

тажриба ва экспериментлар жараёнида олинадиган ва хақиқий-лиги тажрибалар жараёнида синаб кўрилган билимлардир. Билишнинг назарий даражасида илмий қарашлар, билимлар қатъи тизимга солинади. Илмий тушунчалар қатъий мезон асосида ўрганилаётган фаннинг кўпқиррали томонларини чуқурроқ ва туларроқ билишга имкон беради.

Илмий билимлар хосил қилиш усулларига қараб, фанлар экспериментал ва фундаментал фанларга ажратилади. Шунингдек, улар ўрганиш объектига қараб, табиий, ижтимоий-гуманитар ва техник фанларга бўлинади. Тадқиқот предметини чуқурроқ ўрганиш жараёнида фаннинг янги соҳа ва тармоқлари вужудга келади. Масалан, табиятшунослик фанларининг ботаника, зоология, кимё, математика, физика каби соҳалари; ижтимоий-гуманитар фанларнинг тарих, қадимшунослик (археология), этнография, социология, сиёсатшунослик, фалсафа, этика, педагогика, психология, маданиятшунослик каби соҳалари вужудга келди. Уларнинг ҳар бири яна қатор тармоқлардан иборатдир. Масалан, тарих фанининг қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар тарихи, янги замон тарихи; фалсафанинг онтология, гносеология, аксиология, фалсафа тарихи каби.

Инсониятнинг кейинги икки юз йиллик тарихи давомида табиатни ўзлаштириш, инсон моҳиятини билиш, жамиятни такомиллаштириш борасида эришган ютуқлари фан тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Инсон табиий ва ижтимоий муҳитга яхшироқ мослашиш, табиатнинг стихияли кучлари олдида ожиз ва чорасиз бўлиб қолмаслик учун фанга мурожаат қилади. Шунингдек, у фан туфайли ижтимоий муносабатларни ўз мақсад ва манфаатларига мос равишда такомиллаштиради. Фаннинг илмий билимлар тизими сифатида вужудга келиши инсон эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлди.

Фаннинг вужудга келиши тўғрисида турлича қарашлар. **Европацентризм ва Осиёцентризм.** Фаннинг вужудга келиши ва ривожланишида Ғарб ва Шарқ мамлакатлари қўшган ҳиссаларни бирёқлама тавсифлаш, уларнинг бир-бирига курсатган ўзаро таъсирини инкор этиш ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожида европацентризм ва осиёцентризм оқимларини вужудга келтирди.

Қадимги Шарқ жаҳон маданияти ва цивилизациясининг бешиги бўлгани, дастлабки илмий билимлар шарқ мамлакатларида вужудга келгани жаҳон олимлари томонидан эътироф қилинган. Қадимги Шарқ мамлакатларида (Ўиндистон, Хитой, Миср, Хоразм, Бақтрия, СўҒдиёна, Шош, Афросиёб) астрономия, мате-

матика, табобат, фалсафага оид илмий билимларнинг вужудга келиши кундалик хаётий эхтиёж, дехкончилик ривожи, инсон саломатлигини мухофаза килиш билан бевосита боКлик булган. Йил фаслларининг алмашувини билиш зарурати астрономияга оид илмий билимларни ривожлантиришга олиб келган.

Jадимги Шарк ва Марказий Осиёда илмий билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан табиат ва борликка онгли муносабат, табиат ва инсонни кадрлаш хисси шаклланган. Илмий ва фалсафий тафаккур инсоннинг табиат ва жамиятга бирёклама карамликдан озод булишига, мехнат туфайли борликка фаол муносабатда булишига имкон берган. Марказий Осиёдан етишиб чиккан мутафаккирларнинг олам, одам ва табиатга булган фалсафий карашлари □АвестоИда, хикмат, макол ва ривоятларда уз ифодасини топди.

Jадимги юнонларнинг шарк мамлакатлари билан савдо муносабатлари илмий-маданий сохалардаги алокалари учун кенг йул очган. Jадимги Юнонистондаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар илмий билимларнинг ривожланиши учун кулайликлар яратган. Jадимги юнонлар эрамиздан аввалги VI-IV асрларда илмий билимларни тизимлаштирди ва тасниф килди. Эвклид, Архимед, Фалес, Арастунинг илмий билимлар ривожидаги хизматларини алохида таъкидлаш жоиз.

Jадимги юнон олимлари купрок табиат ва коинот сирларини билишга, кузатиш ва мантикий фикрлаш воситасида оламнинг содда, бирок диний- мифологик карашлардан фаркли манзарасини яратишга, борликка озод ва эркин инсон кузи билан карашга интилган. Jадимги юнонларга хос изланувчанлик, хурфикрлилик турли фалсафий оким ва мактабларнинг шаклланишига олиб келган.

Антик дунё яратган фан ва фалсафа уртасидаги хамкорлик, бир-бирига курсатган баракали таъсир Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий-фалсафий фаолиятида янги боскичга кутарилди. Уларнинг илмий карашлари хозирги замон фанининг тараккиётида мухим ахамиятга эга булган.

Jадимги Рим империясининг кулаши нафакат сиёсий балки илмий-маданий сохада хам таназзулни кучайтирган. Бирок илмий-фалсафий тафаккур бутунлай тухтаб колмаган. Jадимги юнонларнинг илКор фалсафий ва илмий анъаналари Марказий Осиёда янада ривожланди ва фан сохасига янги кашфиётлар берди.

IX-XII асрларда араб халифалари Хорун ар-Рашид, унинг уКли Маъмун ва Хоразмшох Маъмуннинг хомийлигида уша

даврнинг узига хос фанлар академиялари вужудга келган. Хусусан, IX аср урталарида БайтКдодда Байт ал-хикмаИ(Донишмандлар уйи), Хоразмда Маъмун академияси вужудга келди. Марказий Осиёдан етишиб чиккан Мусо Хоразмий, Ахмад ФарКоний, Форобий, Беруний, ибн Сино каби алломалар математика, астрономия, медицина, жамиятшунослик ва сиёсатга оид фанларни ривожлантирдилар.

Шаркда илмий билимлар ривожи диний акидаларни инкор этмагани холда инсонни янада камол топтиришга, борлик мохиятини акл ва тафаккур воситасида билишга асосланган эди. Шарклик олимлар кадимги юнон олимларининг илКор анъаналарини давом эттирган, илмий билишнинг янги усулларини таклиф этган. Шарк илмий тафаккури баркамол инсонни шакллантириш, ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштириш, табиат сирларини билиш ва ундан окилона фойдаланишга каратилган эди.

Марказий Осиё мутафаккирларининг илКор илмий карашлари ва асарлари Европада илм-фан ривожида катта ахамиятга эга булган. Европаликлар Албарон (Ал-Беруний), Авиценна (Ибн Сино), Ал-Ферганус (Ал-ФарКоний), УлуБек ва бошкаларнинг илмий меросини чукур урганган, уларнинг анъаналарини давом эттирган. Буюк итальян мутафаккири Данте Алегьери Илохий комедияИ(XVI аср) асарида Марказий Осиёдан етишиб чиккан мутафаккирларни жахоннинг буюк алломалари сифатида улуКлади.

Марказий Осиё олимларининг жахон фани ривожига кушган хиссалари математика, алгебра, астрономия, минералогия, геодезия, география, табобат, тарих, тилшунослик, мантик, фалсафа ривожида яккол кузга ташланади. Мусо Хоразмий математиканинг янги сохаси булган алгебрага асос солди. Ибн Сино узининг Тиб конунлариИасари билан табобатни илмий асосда ривожлантирди ва унинг асарлари Европада куп асрлар давомида мухим кулланма булиб келди. Мирзо УлуКбекнинг астрономияга оид Зичи жадиди КурагонийИ асари фанга кушилган мухим хисса булди. У хозир хам уз ахамиятини саклаб келмокда.

Мавжуд адабиётларда таъкидланишича, Европада фаннинг алохида фаолият шакли сифатида ривожланиши XVI-XVII асрларга тугри келади. Бу даврда Иоганн Кеплер, Галилео Галилей, Жордано Бруно, Исаак Ньютоннинг асарлари вужудга келди. Буюк инглиз мутафаккири Френсис Бэкон, француз олими Рене Декарт илмий билиш услубларини ишлаб чикди. Улар фаннинг

табиатни узлаштириш ва жамиятни такомиллаштиришдаги аҳамиятига юксак баҳо бердилар, Билим — кучдир Ишиорини илгари сурдилар.

Бу даврда фан ва фалсафа бир-биридан кескин ажралмаган эди. Олимлар уз асарларини позитив экспериментал фалсафа деб атар эдилар. Европада илм-фан ривожи кишиларнинг олам тугрисидаги карашларини тубдан узгартирди. Оламга дунёвий фанлар нуктаи назаридан караш имконияти вужудга келди, яъни оламга бирёклама диний карашдан кескин фарк киладиган илмий караш шаклланди.

Жахон фанининг вужудга келиши ва ривожланишига Шарк олимлари муносиб хисса кушганлар. Ижтимоий тараккиётнинг маълум бир даврларида Шарк жахон фани ривожида етакчи мавкени эгаллаган булса, тараккиётнинг кейинги боскичларида бошка мамлакатлар етакчи мавкени эгаллаган.

Осиё ва Европа мамлакатлари халкларининг жахон фани ривожидаги урни ва нуфузини бирёклама бурттириш ёки камситиш назарий жихатдан хатодир. Фан уз мохияти билан умумбашарийдир. Ер юзидаги хар бир халк катта-кичиклигидан катъи назар, унга уз хиссасини кушиб келди.

XIX асрнинг урталарида табиатшунослик фанларида килинган буюк кашфиётлар (эволюцион назария, хужайра назарияси, энергиянинг сакланиши ва узгариши конуни) фалсафий дунёкарашнинг узгаришига, жамият тугрисидаги илмий назарияларнинг вужудга келишига туртки берди.

XIX асрнинг охирларига келиб, фаннинг мухим сохаларида эришилган ютуклар фан тараккиётида янги давр бошланганидан далолат берди. Физика сохасида оптика, термодинамика, электр ва магнетизмнинг урганилиши, кимё сохасида кимёвий бирикмалар хоссаларининг урганилиши, Менделеев элементлар даврий тизимининг яратилиши, математикада аналитик геометрия ва математик анализ кабиларда якқол куринди. Бу даврда социологиянинг мустакил фан сифатида ривожланиши ижтимоий зиддиятларни окилона хал этиш ва жамият истикболларини белгилаш имконини берди.

Европа олимларининг табиатшунослик фанлари сохасида эришган ютуклари янги фалсафий таълимотларнинг вужудга келишига сабаб булди. Хусусан, И. Ньютон томонидан физика сохасида килинган кашфиётлар табиат ва жамиятнинг механистик манзарасини яратишга, Чарльз Дарвиннинг илмий кашфиётлари эса, бутун олам эволюцияси, оламнинг яхлит бирлиги, органик

ва ноорганик табиат ҳамда жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги фалсафий қарашларнинг шаклланишига олиб келди. Ўз вақтида ҳам табиатшунос, ҳам файласуф бўлган Р. Декарт, Ф. Бэкон томонидан илмий билиш методларининг, фаннинг буюк ўзгартувчилик ва яратувчилик қудратининг фалсафий асосланиши кейинги даврларда фан ва фалсафа методологияси учун мустаҳкам замин яратди.

XIX аср охири — XX аср бошларида жадидчилик ҳаракатининг етакчилари Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Ҳодирий ва бошқалар ўлкада илм-фан ва маърифатни кенг ривожлантириш йўлларини илгари сурдилар. Ўлканинг ўрта асрчилик бидъатларига қарши мавжуд сиёсий тузумни ислоҳ қилиш зарурлигини англаб етдилар. Жаҳоннинг илғор фан ва техника ютуқларидан ўлка аҳолисини баҳраманд этишга ҳаракат қилдилар. Бироқ кейинги ижтимоий силсилалар оқибатида жадидчиларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ривожлана олмади.

Мустабид тузум халқимизнинг илм-фан ва замонавий техника сирларини эгаллаши учун маълум шарт-шароит яратган бўлса ҳам, унинг бой маънавий меросидан баҳраманд бўлиши, аждодларнинг илғор илмий-маданий анъаналарини ривожлантиришга имкон бермади.

Мустақиллик туфайли халқимизнинг қуп асрлик тарихга эга бўлган маънавий-интеллектуал меросини ўрганиш, жаҳон илм-фани ва техникаси ютуқларидан баҳраманд бўлиш, дунёнинг машҳур илм даргоҳларида ўқиш-ўрганиш имконияти вужудга келди. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш, замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, баркамол инсонни шакллантиришда илм-фан ютуқларига таяниш ҳаётий заруратга айланди.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Ўзбекистон XXI аср бусағасида...», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» каби асарларида илм-фанни ривожлантириш ислоҳотлар муваффақиятининг гарови, моддий фаровонлик асоси эканини ҳар томонлама исботлаб берди. Ўзбекистоннинг жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, тараққий этиши, шубҳасиз, унинг илм-фан салоҳиятига бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда 1997 йили қабул қилинган ва собитқадамлик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз илмий салоҳиятини юксалтириш, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган мутахассис-кадрлар тайёрлаш вазифасини қўйди.

ўозирги замон фанининг мухим хусусиятлари. XX аср бошларига келиб, унинг хар томонлама ривожланиши фаннинг ижтимоий онг тизимидаги урни ва ахамиятини янгича тушунишни такозо этди. ўозирги замон фанига хос булган куйидаги хусусиятларни курсатиш мумкин:

- фан узининг урганиш сохаларини кенгайтириб, микроолам, макроолам муаммоларини урганиш билан шуКуллана бошлади. Микро- ва макрооламни урганиш учун фан анъанавий усуллардан ташкари, янги усуллардан, махсус асбоблардан, математик моделлаштириш усулидан фойдалана бошлади;
- илмий билишнинг субъектив жихатларига алохида эътибор берила бошланди. Бу эса мутахасиснинг урганаётган сохасини чукуррок ва кенгрок билишини такозо этди;
- фалсафа ва фанда оламдаги нарса-ходиса ва жараёнларнинг конуният ва тартиб асосида руй бериши тугрисидаги карашлардан фаркли равишда ривожланиш тартиб ва тартибсизлик бирлигидан иборат экани эътироф килина бошланди;
- фан тараккиёти миллий доирадан чикиб, тобора байналмилал характер касб эта бошлади. Унинг ютуклари бутун инсониятнинг мулки сифатида англана бошлади;
- фаннинг инсонпарварлик ва тараккийпарварлик мохияти туларок намоён булди;
- фаннинг ривожи олимларнинг кадриятларни эъзозлаш ва бахолашда янгича мезонларни ишлаб чикишни такозо этди. Бу олимларнинг бирор-бир фан сохасини якка хукумронлик билан эгаллаб олмаслиги, илмий янгиликларни бошкалардан яширмаслиги, кучирмачилик килмаслиги, уз кадр-кимматини топтамаслиги кабиларда намоён булди;
- жахон микёсида илмий салохиятни, илм-фан ютукларини бошка мамлакатларга чикариш моддий неъматлар чикаришдан кура фойдалирок булиб колди. Бу эса жахон микёсида информацион жамиятни, инсониятнинг бир бутун хамжамияти шаклланишининг мухим омилларидан бири булиб колди;
- табиий ва ижтимоий фанларнинг узаро узвий боКликлиги, таъсири кучайди. Табииатшунос олимларнинг ижтимоий фан ютукларидан фойдаланиши инсон ва табиат уртасидаги муносабатларни инсонийлаштиришда, табиатни мухофаза этишда мухим ахамият касб этди;
- фан умумбашарий ва умуминсоний муаммоларни хал этиш билан жиддий шуКуллана бошлади;

- фан инсоният хаётидаги катор муаммоларни хал этибгина колмай, унинг хаётига жиддий тахдид соладиган муаммоларни хам келтириб чикарди. Олимнинг уз илмий фаолияти учун жавобгарлигини ошириш, инсоният хаёти, тинчлиги учун тахдид соладиган илмий изланишларни такиклаш, назорат килиш хозирги замон фанининг мухим муаммоларидан биридир.

Истиклол ва фан. Узбекистонда миллий мустакиллик шароитида мамлакатнинг илмий-интеллектуал салохиятини янада кучайтиришга алохида эътибор берила бошланди. Президент И.А. Каримовнинг "Узбекистон XXI аср бусаКасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлариИасарида хамда нутк ва маколаларида мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари белгилаб берилди.

Айникса, жахон илм-фани ривожига катта хисса кушган улуК аждодларимизнинг илмий меросини чукур урганиш ва уларнинг анъаналарини ривожлантириш максадида Хоразмда Маъмун академиясининг кайтадан тикланиши маданий хаётимиздаги улкан вокеа булди. Шунингдек, илмий-тадкикот муассасаларининг таркибий тузилишида мухим узгаришлар килинди, замон талабларига жавоб берадиган янги олий укув юртлари, илмий-тадкикот институтлари, Олий Аттестация Комиссияси ташкил этилди. Талабаларни олий укув юртларига кабул килишнинг илКор усуллари, янги педагогик технологиялар жорий этилди.

Узбекистонда илм-фан кишиларининг малакаси, билимини оширишга кумаклашадиган жамКармалар ташкил этилди. Фан ривожининг хукукий асослари яратилди, илм-фан ходимларини ижтимоий химоялашга эътибор кучайтирилди.

Фан тараккиётида анъанавийлик ва янгиланиш жараёни диалектикасини билиш, бу жараённи Узбекистон шароитида янада ривожлантириш давр талабидир. Фандаги анъанавийлик, бир томондан, уни тарихий илдизларидан узилиб колишдан сакласа, иккинчи томондан, мамлакат тараккиёти йулида пайдо булган муаммоларни анъанавий усуллар билан хал этиш унинг хаётдан ажралиб колишига олиб келади. Фан тараккиётида анъанавийлик ва янгиликни (новаторлик) узвий боКлаш мухим муаммолардан биридир. Бошкача килиб айтганда, анъаналардан бутунлай воз кечиш хам, анъаналар билан боКланиб колиш хам фан тараккиётига халакит беради.

Узбекистон фанига кириб келган мухим янгиликлар унинг таркибий тузилишидаги узгаришлардан ташкари яна куйидагиларда намоён булади:

- фаннинг компьютерлаштирилишида;

- жахоннинг глобал муаммоларини хал этишда узбек олимларининг фаол иштирок этаётганида;

- илмий тадкикотларда энг замонавий техника, асбоб-ускуналардан ва илКор методлардан фойдаланилаётганида;

- олимларимизнинг жахон тилларини урганишга раКбатлантирилишида;

- жахоннинг тараккий этган мамлакатлари олий укув юртларида мутахассис-кадрлар тайёрлаш йулга куйилганлигида;

- таълим-тарбия тизимининг тубдан ислох килинаётганида.

Узбекистонда демократик жараёнларни янада чукурлаштириш, иктисодий, сиёсий, маданий ва маърифий вазифаларни хал этишда фаннинг асосий вазифалари Президент И.А. Каримовнинг асарларида батафсил тавсифлаб берилди. Фаннинг сиёсат, маданият билан боКликлиги, демократик жамиятда унинг таянч кадрият эканлиги хар томонлама асосланди.

Фаннинг ривожи уз олдига куйган муаммоларни хал этишда илмий методлардан окилона фойдаланишни такозо этади. ў озирги даврда амалий ва назарий тадкикотлар утказишда куйидаги усуллардан кенг фойдаланилмокда: кузатиш, киёслаш, тавсифлаш, формаллаштириш, моделлаштириш ва бошкалар.

XX аср фан-техника инкилоби инсониятнинг моддий ва маънавий хаётида туб узгаришларни вужудга келтирди. Инсоннинг табиат такдири учун жавобгарлик хиссини янада оширди. Фан инсон хаётининг истисносиз барча сохаларига кириб келди, инсон ва жамият борлиКининг мухим таркибий кисмига, бевосита ишлаб чикарувчи кучга айланди. Шу боисдан хам хозирги замон фанини □катта фанИдеб аташ расм булди.

Кейинги юз йил давомида илмий фаолият билан шуКулланувчи олимлар сони бекиёс даражада усди. Агар XX аср бошларида бутун Ер юзидаги олимлар юз минг атрофида булган булса, хозирги пайтда уларнинг сони беш миллиондан ортиб кетди.

Фан ва техника сохасидаги инкилобий узгаришларни олимлар сонининг усиб боришидагина эмас, балки илмий кашфиётлар салмоКи ва сифатининг муттасил ортаётганида хам куриш мумкин. Бутун инсоният тарихида килинган илмий кашфиётларни юз фоиз деб оладиган булсак, унинг туксон фоизи XX асрга тугри келди. Илмий информациялар хар ун-ун беш йилда икки мартага ортиб боряпти.

Узбекистонда кейинги йилларда фаннинг турли сохаларида фаолият курсатаётган олимлар, илмий ходимлар салмоКи ортди.

ўзирги даврда Узбекистон фани ривожланиши олдида турган асосий йуналишлар И.А. Каримовнинг катор асарларида белгилаб берилди. УлуК аждодларимизнинг илмий анъаналарини давом эттириш, хозирги замон фани ва техникаси ютукларини пухта эгаллаш мамлакатимизнинг янги асрда жахоннинг илКор мамлакатлари каторидан муносиб урин эгаллаши учун пухта замин яратади.

Таянч тушунчалар

Фан, илмий билим, фаннинг вужудга келиши, фан ва фалсафа, Марказий Осиё фани, фан ва маданият, фан ва иктисодиёт, фанда анъана ва янгиланиш, фан кадриятлари, олим кадри, билиш усуллари, эмпирик билим, назарий билим, ижтимоий-гуманитар фанлар, табиий фанлар, техника фанлари, илмий-техника инкилоби, илмий салохият, методология.

Такрорлаш учун саволлар

1. Фан нима?
2. Марказий Осиё олимларининг жахон фани ривожига кушган хиссалари тугрисида нималарни биласиз?
3. Фан ва фалсафанинг узаро боКликлигини изохланг.
4. Узбекистон мустакиллигининг фан тараккиётидаги ахамиятини тушунтиринг.
5. Фан-техника инкилоби нималарда намоён булади?
6. Баркамол инсон шахсини шакллантиришда илм-фан кандай ахамият касб этади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бусаКасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. - Т., □УзбекистонИ, 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод — Узбекистон тараккиётининг пойдевори. — Т., □УзбекистонИ, 1997.
3. Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмо□да. — Т., □УзбекистонИ, 1999.
4. Узбекистон XXI асрга интилмо□да. — Т., □УзбекистонИ, 2000.
5. Основы философии — Т., □УзбекистонИ 1998.
6. Фалсафа. — Т., □ШаркИ, 1999.

8-мавзу. Глобал муаммолар фалсафаси. Узбекистонда табиат, жамият ва инсонни асраш

Режа:

1. Инсоният истиқболини белгиловчи омиллар ва илмий башорат қилиш усуллари.
2. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги даври ва умумбашарий муаммолар.
3. Жаҳон XXI асрда: келажак ва инсон тақдири.
4. Узбекистонда табиат, жамият ва инсонни асраш йуллари.

Одамзод насли XX асрнинг иккинчи ярмида шундай муаммолар домига тортилди-ки, эндиликда уларнинг исканжасидан қутулиб кетиш ёки кетмаслик бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Агар XX асрнинг биринчи ярми охирларида инсоният қаршисида асосан битта умубашарий муаммо — ядро ҳалокатининг олдини олиш қундаланг булиб турган булса, II жаҳон урушидан кейин аҳвол узгарди. Аҳоли табиий усишининг юқори даражаси сақланиб қолиши, фан ва техника ютуқларидан тор манфаатлар йулида фойдланишга ружу қилиниши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг вужутга келиши масалани чигаллаштириб юборди. Оқибатда инсониятнинг келажаги тугрисида турли типдаги башоратлар келиб чиқди. Ана шундай шароитда ҳар бир ақл заковатли одам Бундай йулда қандай муаммолар, қийинчиликлар, синовларга дуч келишимиз мумкинлигини етарли даражада аниқ тасаввур қилмаяпмизми?И — деган саволни уз олдига қундаланг қуйиши ва унга жавоб топиши зарур булиб қолди. Бу саволларни бутун жаҳон халқларининг иштирокисиз хал этиб булмайди.

Табиатга кишиларнинг зуКуми кучая борган сари табиий мувозанатнинг бузилиши оқибатида кишиларнинг яшаш тарзи, соКлиКи, ижтимоий муҳитга булган акс таъсири тобора ҳалокатли тус ола бошлади. Инсоният бундай таҳликали ҳолатдан фақатгина, ҳар қандай сиёсий, минтақавий, ирқий, миллий, диний ва бошқа манфаатларини кейинга суриб, муштарак умуминсоний манфаатлар тевараги да жипслашиш, зудлик билан таъсирли чоралар қуллаш орқалигина қутулиши мумкин. Бутун дунё ягона ва узаро боКликдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини

болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришдирИ.

ўзирги пайтда инсониятга хафв солиб турган умумбашарий муаммолар деганда бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Бундай муаммолар қуйидагилардир:

- термоядро уруши хавфининг олдини олиш ва қуролланишни бартарф этиш;
- жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш;
- иқтисодий қолоқликни тугатиш; ер юзида қашшоқлик ва очликка барҳам бериш;
- табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндашган ҳолда фойдаланиш;
- инсониятнинг бахт-саодати йўлида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш; (энг хавфли касалликларга қарши кураш, космосни ўзлаштириш;
- дунё океан бойликлари ва имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш; озон қатламининг йўқолиш хавфининг олдини олиш ва ҳ.к.);
- инсоният ва унинг келажаги тўғрисидаги ўзаро ҳамкорликда жиддий тадқиқотлар олиб бориш; киши организмининг тобора тез суръатлари билан ўзгараётган сунъий ва табиий муҳитга мослашиш жараёнини илмий таҳлил қилиш.

Инсоният олдида ана шу хилдаги муаммоларнинг кўндаланг туриб қолишининг ўзиёқ кишилик цивилизацияси ўта мураккаб, ўта қалтис бир жараённи бошидан кечираётганлигидан дарак беради. Умумбашарий муаммоларнинг баъзи бир гуруҳлари мавжудки, уларни ҳал қилишнинг ўзидаёқ бутун планетамиздаги ижтимоий ҳаётнинг кейинги минг йилликдаги аниқ манзарасини чизиб бериш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Бундай муаммолар шартли равишда уч гуруҳга ажратилади:

Биринчидан, ҳозирги пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар (ижтимоий-иқтисодий системалар ўртасидаги, минтақавий зиддиятлар, давлатлар, миллий ва диний низолар ва ҳ.к.) бўлиб, булар шартли равишда □интерсо-

[1] Каримов И.А. □збекистон XXI аср б«са□асида: хавфсизликка таҳдид, бар□арорлик шартлари, тара□□иёт кафолотлари. – Т.: □□збекистонИ1997, 4-бет.

циалИмуаммолар деб хисобланади. Улар уруш ва тинчлик, мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабиларни хам камраб олади.

Иккинчидан, Инсон ва жамиятИуртасидаги муносабат билан боКлик муаммолар булиб, буларга илмий-техника тараккиёти (ИТТ); маориф ва маданият; ахоли купайишининг тез суръатлар билан илдам кетиши (Демографик портлаш И кишилар саломатлигини саклаш, киши организмининг нихоятда тез узгариб бораётган ижтимоий мухитга мослашиши) шунингдек, инсониятнинг келажаги каби масалаларни киритиш мумкин.

Учинчидан, инсон — табиатИмуносабатларига эса хом-ашё ресурсларини тежаш, ахолини озик — овкат ва ичимлик суви билан таъминлаш, табиатни мухофаза килиш каби муаммолар киради. Бу гурух муаммолар ижтимоий омиллар тасирида вужудга келади, уларни хал килишда эса ижтимоий омилларнинг урнини ва ахамиятини тугри англаган холдагина масаланинг туб мохиятини тушуниш мумкин.

Худди шунингдек, соф ижтимоий глобал муаммоларнинг ечимида табиий омилларнинг бу жараёнга бевосита уланиб кетишини хам назардан сокит килмаслик керак. Ўам ижтимоий, хам табиий омиллар асосида юзага чикадиган умумбашарий (глобал) муаммолар бир бутунликни ташкил этиб, уларга хар томонлама (комплекс) ёндашиш кераклигини хаётнинг узи такозо этмокда. Бу эса, уз навбатида, фалсафа фани зиммасига катта масъулиятлар юклайди.

Инсониятнинг келажаги тугрисида тарихда турли-туман башоратлар мавжуд, улар бир неча хилларга булинади. Масалан, халкимизнинг илк тарихий кадриятларидан булган мукаддас АвестоИёзма ёдгорлиги хам умумий бир тарзда инсониятнинг келгуси истикболини башорат килиб, кишиларни муштарак максадлар томон йуналтиришга харакат илган. Бундай башоратлар диний мазмунга асосланган булиб, уз даври учун катта ахамият касб этган эди. АвестоИда Зард«шт улимидан сунг 3000 йил утгандан кейин, эркин фаровонлик замони келади, Ахура Мазда кудрати Ахриман ёвузлиги устидан тула Калаб козонади, дея ишонч билдирилган эди.

Иккинчи хил башоратлар урта асрларда кенг таркалган, хозирда хам Fарб мамлакатларида кенг шухрат козонаётган бир катор Fарб футурологияси мазмунига эга. Fарб футурологиясининг

машхур намояндаларидан фон Карман, Е. Шервин, Г. Кан ва бошқалар инсониятнинг келгуси истиқболини, асосан, ядро халокати ёки бошқа бир умумбашарий глобал муаммолар билан боғлаб пессимистик манзараларни чизиб курсатишга уринадилар.

Кишилик жамиятининг келгуси истиқболи тугрисида жиддий илмий башоратлар орасида 1968 йилда А. Печчеи томонидан асос солинган "Рим клуби" аъзолари булган Ж. Форрестер, Д. Медоуз, Я. Тинберган, А. Кинг ва бошқалар томонидан тайёрланган хисоботларнинг илмий ахамияти нихоятда катта. Уларда инсониятнинг келгуси истиқболини шубха остида қолдираётган умубашарий муаммолар куламининг кенгайиб бориши, кишилар томонидан табиатга қилинаётган зуғумнинг мудхиш оқибатлари қандай булиши тугрисида жиддий мулохазалар юритилади. "Рим клуби" аъзолари томонидан қилинган башоратлар илмий-фалсафий мазмунга эга булиб, унда асосан тажриба синовидан утган билимлар ва мантиқ қонунлари ва категорияларига суянган холда инсониятнинг келажаги тугрисида мухим илмий хулосалар баён қилинган.

Демак, инсоният тараққиётининг келгуси имстиқболини белгилашдаги энг мухим белгилар сирасига умумбашарий муаммолар табиатини чуқур англаш, бу муаммоларнинг ечими умуминсоний муштарак манфаатлари йулида хамжихатликда қилинган саъй-харакатлар эканини алохида таъкидлаш лозим. Ана шундай мисоллар анчагина. Масалан, 1955 йил 31 январда Фредерико Жулио Кюри (у шу пайтда жахон илмий ходимлари федерацияси ташкилотининг президенти эди) Нобель мукофоти совриндори Бертран Расселга хат орқали мурожаат қилиб, ядро қуролининг жуда хавфли тус олаётганлигини, бу фалокатнинг олдини олиш учун фан арбоблари биргаликда харакат қилиши лозимлигини билдиради. Б. Рассел Ф. Кьюри таклифини қуллаб-қувватлаб, бу мурожаатга имзо чекувчи вакиллар бир хил сиёсий оқим тарафдорлари булиб қолмаслиги, бунда жахондаги барча кучлар, хар бир халқ, жамият вакиллари иштироки зарурлигини таъкидлайди. Масалага бундай ёндашиш фалсафий тафаккур тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган эди. Бу эса илмий-сиёсий адабиётларда "янгича тафаккур услуби" деб аталган ва жахоннинг энг атоқли олимлари А. Эйнштейн, Ф. Жулио-Кюри, М. Борн, Л. Полинг ва бошқалар томонидан имзо қуйилган манифестга асос қилиб олинган эди. Натижада 1955 йил 9

июл куни Б. Рассел томонидан утказилган пресс-конференцияда «Рассель-Эйнштейн манифести» номи билан шухрат козонган, бутун ер юзи ахолисига, сиёсий ва давлат арбобларига каратилган машхур чакирик эълон килинган. У хозирги пайтда тинчлик ва куролсизланиш учун курашувчи Пагуош харакатини бошлаб берган эди. Манифестда «Биз янгича фикр килишга одатланишимиз керак. Биз уз-узимиздан у ёки бу гурух мамлакатларининг харбий Калабасини таъминлаш учун нималар килиш зарур деб эмас, балки ядро халокати ва унинг дахшатли окибатлари кандай булиши мумкинлиги тугрисида инсониятни огохлантириш учун нималар килдинг деб сурашимиз керак» — деган сузлар бор эди.

«Рассель-Эйнштейн манифести» чоп этилганига хам мана 45 йил утди. Бу вакт мобайнида ядро куролларини ишлаб чикиш ва синаб куриш кулами бир неча баробар купайди. Иккинчи жахон урушидан кейинги утган ярим аср мобайнида куролланишга 16-18 трл. доллар маблаК сарфланди. Ўзозирги кунда харбий сохалар учун хар йилига 1 трл. доллар микдорида маблаК ажратилмокда. Бир кунда курол-ярокка ажратиладиган маблаК 3,4-3,5 млрд. долларни ташкил этмокда. Таккослаш учун куйидаги ракамларга мурожаат киламиз. Жахон соКликни саклаш ташкилотининг безгакка карши кураш тадбирлари учун бир йилда 28-30 млн. доллар ажратишини, Халкаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКОнинг бир йиллик бюджети 950-980 млн. доллар микдорида эканлигини хисобга олсак, масала ойдинлашади.

Ўарбий-саноат уз домига табиатнинг шундай ноёб бойликларини тортаяптики, бу сарф-харажатлар усиш суръатининг тезлигига караб беихтиёр уз келажагимиз тугрисида хомуш хаёллар оКушида колмасдан илож йук. Бу сохага факат табиий ресурслар билан чекланиб колмасдан, балки, ута камёб акл эгалари, талантли кишиларнинг аклий фаолиятини хам уз измига солиб, окибатда, илмий-техника тараккиётининг инсоният манфаатига каратилган йуналишига асосий тусик булиб колмокда.

<u>Энергия ва ёкилКи ресурсларидан тежамли фойдаланиш муаммоси.</u> Давримизнинг яна бир мухим белгиларидан бири жахон иктисодиётининг суръатини белгилайдиган энергияни истеъмол килиш кулами муттасил кенгайиб бораётганлигидир. Агар хозирги суръатда жахон иктисодиёти давом этадиган булса, у вактда саноат ва халк хужалигининг энергияга булган эхтиёжи учун

якин йиллар ичида йилига 20 млрд. тонна ёкилКи талаб килинади. Бу курсаткич 2025 йилда 35-40 млрд., XXI охирига бориб, 80-85 млрд. тоннани ташкил этиши тахмин этилмокда.

Вуждга келаётган бу холатдан чикиб кетишнинг йули эса битта, у хам булса, ёкилКининг органик моддалар (нефть, кумир, газ ва х. к.) дан олинадиган энергия салмоКини камайтириб, ноорганик ёкилКи манбалар (ГЭСлар, АЭС, шамол электростанциялар, куёш энергиясидан фойдаланиш, водород, гелий ва х.к.) дан олинадиган энергия микдорини муттасил ошириб бориш. J уёш энергияси, ГЭС ва шамол электростанциялар 2025 йилда бу эхтиёжнинг 60%ини кондириши мумкин.

Якин келажакда ривожланаётган мамлакатларда электр энергияси ишлаб чикаришни тез суръатлар билан купайтириб бориш кузда тутилмокда. Бутун жахонда ишлаб чикарилган электр энергиясининг карийиб 34% ана шу мамлакатлар хиссасига тугри келади. Электр энергиясининг шу кадар тез суръатлар билан ишлаб чикарилаётганлиги ён атрофидаги табиий ва ижтимоий мухитга таъсир этмасдан иложи йук. Масалан, гигант ГЭСларнинг курилиши уз навбатида ана шу регионнинг, иклим шароитига, ён атрофдаги шахар ва кишлокларда халк хужалигининг купгина тармокларига салбий таъсир утказиши мумкин (масалан, экин майдонларининг кискариши, мавжуд майдонларнинг шурланиши ва ишдан чикишига олиб келиши мумкин). Атом электростанцияларининг чикиндиларини бартараф этишнинг экологик хавфсизлик масалалари хозирги даврнинг ечилиши мураккаб муаммоларига айланди. Айникса, 1986 йил 26 апрель куни Чернобил АЭС IV блокининг ишдан чикиши натижасида жуда катта микдордаги радиациянинг хавога таркалиши мазкур регионнинг яшашга мутлако яроксиз булиб колишига сабабчи булди.

Инсоният олдида жахон иктисодини устириш учун энергияга булган эхтиёжни кондиришдан узга чора йук. Бирок, бугунги кунда электр энергиясини ишлаб чикариш жараёнида мавжуд табиий мухитга таъсир даражасини камайтирган холда энергияни купрок ишлаб чикариш масаласи кундаланг булиб турибди. Шунинг учун хам бу муаммони ижтимоий таракиётнинг келажагини белгилаб берадиган энг мухим омиллардан бири сифатида жахоншумул ахамиятга молик муаммолар сирасига киритилишини хаётнинг узи такозо этмокда.

Хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш ва экологик мувозанатни сақлаш муаммоси. Жахон статистик ахборот марказлари берган маълумотларга кўра, XX асрнинг бошидан то хозирги кунгача ишлаб чиқарилган кумирнинг 45%, темир рудасининг 57%, нефтнинг 76%, табиий газнинг 80% кейинги 25 йилга тугри келар экан. Ана шундай холатни хом-ашёнинг бошка турлари тугрисида хам гапириш мумкин. Тахлилларга кўра, 90-йилларда ишлаб чиқарилган хом-ашё миқдори 60-70-йиллардагига кўра 1,5-2 баробар купайган.

Ер юзида вужудга келган бундай холат, бир томондан, инсониятни хом-ашё ресурслари билан таъминлаш имкониятлари, хосилдор ерлар ва ичимлик суви манбаларининг камайиб бориши, шунингдек бошка хом-ашё захираларининг камайиб кетиши каби бошка бир катор муаммоларни келтириб чиқаради.

Вужудга келган экологик вазият, табиий мухитнинг инсон организмига ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан қолмайди. Бошка томондан эса, фан-техника тараққиётининг кулами асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини хом-ашё ресурслари, фойдали қазилмалари билан етарли миқдорда таъминлаш муаммосини хам назардан сокит қилмаслик керак. Мазкур муаммони ижобий хал қилиш учун, иқтисодчиларнинг тахлилларига кура, жахон мамлакатларининг хар бири узи ишлаб чиқарган ялпи миллий махсулотнинг 3-5% миқдорида маблаҚ ажратиши зарур. Демак, хар йили урта хисоб билан 650-850 млрд. доллар хажмида маблаҚ ажратилиши талаб этилади.

Жуда куп ривожланган мамлакатларда ичимлик сувининг танкислигидан кийинчиликлар юзага чиқмоқда. Айни шу мамлакатлардан 42-45% км^3 хажмида саноатдан чиққан ифлос окава сувлар сув хавзалари, кул, денгиз, океан сувларини узининг захарли таркиби билан булҚамоқда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувларига булган эхтиёж дунё миқиёсида асримизнинг 90-йилларига нисбатан яна 2,3-2,5 баробар ошди.

Дунё океанинг ифлосланиши, жонли табиатнинг йукотилиши янада хавфли тус олмоқда. Ўар йили океанларга 12-15 млн. тоннага якин нефть ва нефть махсулотлари тукилмоқда, шахарларнинг кенгайиши, саноат корхоналарини куриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда, урмонлар кесилиб яшил ерлар камаймоқда. Бу тенденция, айникса, ривожланаётган мамлакатларда хавфли тус олмоқда. Дунёда хар

йили 0,8% тропик урмонлар йуколиб бормо□да, 200 минг км^2 территориядаги тропик урмонлар кесилиб кайта тикланмай колмокда. ў озирги пайтда йилига 8,3 млн. гектар, ёки минутига 16 гектар урмон йукотилмокда. Табиий мувозанатнинг дунё микиёсида тез узгаришининг окибати хозирнинг узидаёк инсоннинг яшаши ва фаолияти учун ута зарур булган муътадил мухитнинг бузилишига олиб келмокда.

Давримизнинг яна салбий белгиларидан бири шундаки, инсон фаолияти куламининг микёси тобора биосферани тула эгаллаб, эндиликда космосга хам таъсир эта бошлади.

Озик-овкат муаммоси ва биосфера. Нихоятда тез усиб бораётган дунё ахолисини озик-овкат билан таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда жахоннинг бир канча минтакаларида анча кескинлашди. Мавжуд маълумотларга асосан, дунё халкларининг 2/3 кисми доим озик-овкат та□чиллиги хукм сураётган мамлакат халклари хиссасига тугри келмокда. Бу минтакаларда экиладиган ер майдонлари ахоли жон бошига нисбатан камайиб, 0,2 га. ни ташкил этмокда. ў олбуки, 1950 йилда бу курсаткич 0,5га. ни ташкил этган эди.

Озик-овкат захираларининг усишини, бир томондан, ишланадиган ер майдонларини кенгайтириш хисобига, иккинчи томондан экилаётган майдонларнинг хосилдорлигини ошириш хисобига таъминлаш мумкин. Кейинги пайтларда хосилдорликни купайтириш устида жуда куп ишлар килиниб, 80 — йилларнинг охирларига келиб дунё микёсида етиштирилган махсулот усишининг 90% хосилдорликни кутариш хисобига тугри келди. Аммо, бизга маълумки, бундай муваффакиятларга табиатга хаддан зиёд килинган каттик зуКум килиш натижасида эришилади. Жуда куп ерлар бундай тазиййкка дош бера олмасдан ишдан чика бошлади. Бу ерларни табиий холатига кайтариш учун имконият колмади.

Бундай тахликали холатнинг сабабларини ахолининг табиий усиши нихоятда тез суратлар билан купайгани, уларнинг иш ва озик-овкат махсулотларига булган эхтиёжларини кондиришга булган интилиши билан табиий мухитнинг экологик мувозанатини саклаш учун етарли маблаКни топа олмаётганлигидан излаш керак.

Ривожланган ва кам тараккий этган мамлакатлар уртасидаги тафовутни йукотиш хам давримизнинг энг чигал жахоншумул муаммолари каторидан урин олди. Ривожланган мамлакатларда

замонавий технология, илКор ишлаб чиқариш малакаси ва инсониятнинг илмий-техника ютуқлари системалаштирилган билимлар захираси тупланиб, шу билан бирга аҳолининг табиий усиш даражасининг пастлиги бошқа мамлакатларга нисбатан уз мамлакати аҳолисининг иқтисодий яшаш тарзининг бекиёс даражада яхшиланишига олиб келди. Бу мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг узига хос томонлари шундаки, мазкур мамлакатларда индустрлаштириш жараёни асримизнинг 70-йиллари бошидаёк тугалланиб, энг аввал AJ Ш ва кейинчалик Германия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш тараққиётининг янада юқорирок боскичига ута бошлади. Бунда илмий-техника ютуқлари куприк талабга мос ва юкори технологияни ривожлантиришга куп эътибор берди, табиийки, о□ибатда жуда катта фойда олина бошланди. Бундай ишлаб чиқариш жараёнида малакасиз ёки кам малака ва билимга эга булган ишчи кучларига эҳтиёж кескин камайиб кетади.

Бунда иқтисодий тараққиёт даражаси табиий ресурслар ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан эмас, балки илмий-билим, технология, мураккаб машина ва ускуналар билан улчанади. Ривожланаётган мамлакатлар бу даражага етишиш учун бир қатор жараёнлардан утган.

Биринчидан, бу мамлакатлар табиий бойликлари хисобига орттирилган миллий даромад миқдорининг мамлакат аҳолиси жон бошига тушадиган салмоКи кескин даражада купайди.

Иккинчидан, мамлакат аҳолисининг туКилишини чегаралаш, уларга сарфланадиган маблаКни юкори технологияни эгаллашда зарур булган мутахассислар етказиш учун сарфлаш кузда тутилди.

Учинчидан, илмий-тадқиқот, олий укув юртлари ва маорифга тараққиётни таъминловчи асосий манба сифатида қараб, биринчи даражали аҳамият берилди. Чунки юкори технологияни эгаллаш юкори малакали илм эгаларини талаб қилади. Ижтимоий тараққиёт даражасини белгиловчи энг асосий омил илмий тафаккур эса жамият аъзоларининг маърифатлилик даражасини белгилаб беради. Бу соҳада, бутун жаҳон миқёсида фан ва таълимга 3-4% ялпи миллий маҳсулотнинг миқдорида мабла□ажратилаётган бир пайтда, Узбекистонда бу курсаткич 8,3% миқдорда эканлиги келажакка катта умид билан қарашга имкон туКдиради.

XX асрнинг сунгги ун йиллигида баъзи мамлакатлар уртасидаги иқтисодий курсаткич орасидаги тафовут тобора кучайиб

бораётганлигини кузатиш мумкин. Агар XX асрнинг 60-йилларида ўиндистонда ишлаб чиқариладиган ялпи ижтимоий маҳсулот жон бошига 50-70 долларни ташкил этган бўлса, АфКонистонда 60-70 доллар, Туркияда 243 доллар, Японияда 1400 доллар, АЈШда 3600-3800 доллар бўлган. 1994 йилги маълумотларга мувофиқ, ялпи миллий маҳсулот жон бошига: ўиндистонда 370 доллар, АфКонистонда 80 доллар, Туркияда 3900 доллар, Бангладешда 125 доллар, Германияда 22 минг доллар, италияда 14,8 минг доллар, АЈШда 26 минг доллар, Жанубий Кореяда 8,7 минг доллар, Японияда 37000 доллар бўлган.

Демак, камбаКал давлатларнинг камбаКаллашиши янада кучайиб бормоқда. Бунинг бош сабабчиси, шу мамлакатлардаги демографик жараён эканлиги таъкидланмоқда. Аҳолининг фақат миқдорий усишининг узи кур-курона яхши яшаш тарзига олиб келавермайди. Бунинг учун мамлакат аҳолисининг эътиқоди, миллий психологияси, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда фаол демографик сиёсат олиб бориш зарур.

Демографик муаммолар ва унинг фалсафий таҳлили. XX аср узининг бир қатор белгилари билан олдинги барча даврлардан кескин фарқ қилади. Хусусан, XX асрни яна демографик портлаш давридир, деган қарашлар ҳам кенг тарқалган. Бунда колган барча жаҳоншумул муаммоларни келтириб чиқарувчи бош сабаблардан бири ҳам айнан ер юзида аҳолининг тез суръатлар билан купайиши билан бевосита боКлиқ эканлиги назарда тутилади. Демографик портлаш тушунчаси ижтимоий-тарихий тараққиётнинг кискa бир даврида, муайян минтақа ёки мамлакатда ва шунингдек, бутун ер юзида табиий туКилиш ҳисобига аҳоли миқдорининг ниҳоятда тез купайишини англатади.

Инсониятнинг олдида ана шундай хавф борлиги тугрисида дастлаб инглиз иқтисодчиси Томас Роберт Мальтус (1766-1834 йй.) огоҳлантирган эди. У узининг Аҳолишуносликнинг конунияти тугрисида тажрибаларИномли китобида аҳолининг геометрик прогрессия буйича купайишини, унинг хаёт кечириши учун зарур булган моддий неъматларнинг купайиши арифметик прогрессия буйича руй беришини айтган эди. Мальтус бу жараённинг олди олинмаса, якин келажакда, планетар масштабда, табиий мухит бериши мумкин булган моддий неъматлар миқдори билан жуда тез суръатларда купаяётган дунё аҳолиси эҳтиёжи уртасида зиддият вужудга келишини башорат килган эди.

Дархақиқат, бундан 6-8 минг йиллар олдин ер юзида 5 млн. атрофида одамлар истиқомат қилишган, деб тахмин қилинади. Бу қурсаткич эрамизнинг бошларида 230 млн., 1-минг йилликнинг охири 2-минг йиллик бошларида, яъни Беруний замонида 305 млн; 1500 йилда 440 млн; 1800 йилда 952 млн; 1900 йилда 1656 миллионни ташкил этган. XVI аср бошидан XIX аср бошигача, яъни уч аср мобайнида бу қурсаткич 174 фоизга ошганлигини; 1900 йилдан то 1999 йилгача эса бу нисбат сал кам 4 баробар ошганлигини кузатамиз.

XX асрнинг иккинчи ярмида ер юзи минтақаларида аҳолининг табиий кўпайиш суръатлари турлича бўлиб, бу ўз навбатида, Ер юзида минтақалар, мамлакатлар, халқлар салмоқининг кескин ўзгаришига олиб келмоқда. Масалан, 1800 йилда (Наполеон замонида) Франция аҳолиси 27 млн. кишини, Ер юзи аҳолисининг 3 фоизини ташкил этган бўлса, Филиппин оролларида яшаётган аҳоли 1,6 млн. киши миқдорида бўлиб, планета аҳолисининг умумий салмоқига нисбатан 0,16 фоизни ташкил этарди. 1999 йил 13 октябр куни Ер юзи аҳолиси олти миллиардлик довони босиб ўтди. Франция аҳолиси 56,2 млн. ни, Ер юзи аҳолиси салмоқининг 0,94 фоизни, Филиппин аҳолиси ҳам 65 млн. кишини ташкил этиб, жаҳон аҳолисидаги салмоқи (1,05%) бўйича Франциядан ўзиб кетди. Бу борада миллиарддан кўп аҳоли яшайдиган Хитой ва шу қурсаткич томон бораётган Ҳиндистон алоҳида ўрин тутади. Хуллас, бу масала бир мамлкат доирасидан чиқиб жаҳон муаммосига айланди. У билан боқлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам бутун жаҳонда муштарак фаолият олиб бориш зарур.

Узбекистон ва глобал муаммолар. Мамлакатимизнинг келажаги тўғрисидаги илмий-фалсафий башорат Президентимиз И. Каримов томонидан "Узбекистон келажаги буюк давлат", "Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари", "Узбекистон XXI асрга интилмоқда" ва бошқа бир қатор асарларида асосли равишда баён қилиб берилган. Бу асарларда Узбекистоннинг минтақамиздаги ўзига хос ўрни, улкан табиий ресурслари, демографик омил ва инсон салоҳиятини инобатга олиб, бой маънавий меросимиз, тарихий тажриба, миллий қадриятларимизга асосланиб, яқин келажакда мамлакатимиз, шубҳасиз ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўринга эга бўлиши кераклиги башорат қилин-

ган. Ислом Каримов т«ўри таъкидлагани каби: ЎЖахон цивилизацияси хазинасига улкан хисса кушган бой тарихимиз, буюк маданиятмиз, куп авлодлар хаёти давомида вужудга келган бекиёс табиий ва аклий имкониятларимиз, халкимизнинг юксак маданияти ва ахлокий кадриятларимиз, заминимизда яшаётган одамларнинг мехнатсеварлиги, саховатлилиги, баКрикенглиги ва жахон хамжамиятида узига муносиб уринни эгаллашга булган истаги бунинг гаровидирИ

Албатта, мамлакатимизда собик Иттифокдан мерос колган энг глобал муаммо — Орол фожиаси эканлигини биламиз. Бу борада республикамиз минтакадаги давлатлар орасида купдан-куп ташаббусларни уртага ташлаб келмокда. Шу билан бирга мамлакатимиз ахолиси хам муттасил усиб бормокда.

Республикамизда ўдемографик портлашИасосан, XX асрнинг иккинчи ярмида руй бериб, бу жараён (бошка бирор жиддий омиллар таъсир этмаса) XXI асрнинг дастлабки ун йилликлари охиригача давом этиши башорат килинмокда. Республикамизда хозирги вазиятда вужудга келган узига хос ўдемографик вазият Коят мухим хусусиятлардан биридир, — деб кайд килган эди Президент И.А. Каримов, — Жумхуриятимизда ахоли ва мехнат ресурслари хар йили юксак суръатлар билан ортиб бормокдаИ Жумладан, 1980 йилда ахолининг бир йиллик табиий усиши 421161 кишини ташкил этди, бу курсаткич 1989 йилда 480621 кишини; 1997 йилда 580673 кишини ташкил этди.

Узбекистон уз ахолиси усиш билан боКлик масалаларни, айтиш мумкинки, муваффакиятли хал килишга киришди. Президентимизнинг бозор муносабатларига утишда ахолини кучли ижтимоий мухофаза килиш сиёсати, республикамизда булиши мумкин булган ижтимоий тенгсизликнинг олдини олишга хизмат килди.

Кейинги пайтларда республика хукумати оналарнинг соКлиКини мухофаза килиш, туКилган хар бир чакалок олдида ота ва онанинг, колаверса, жамиятнинг жавобгарлик хиссини ошириш борасида, шунингдек фарзанднинг ота-она ва Ватан хамда халки олдидаги бурчларини чукур англашлари учун жуда катта маънавий раКбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиккланлиги ута мухим ахамият касб этди. Шу максадда ўСоКлом авлодИжамКармасининг тузилиши, ўСоКлом авлод учунИорденининг таъсис этилиши фикримизнинг далили булади.

Бугунги кунда узбек халкининг кадриятлари асосида ёш авлод дунёкараши шакллантирилганда, шубхасиз аждодларимизнинг уз Ватани, табиий мухитга булган мехр-мухаббатли булиш каби муккадас туйКусининг авлоддан-авлодга мерос булиб утаётганлигини ва бу мерос олдида чукур масъулият хисси булиши зарур эканлигини хисобга олиш лозим.

Таянч иборалар

Умумбашарий, минтакавий ва махаллий муаммолар тушунчалари; демография; экология; экологик таназзул; экосистема; демографик портлаш; демографик сиёсат; футурология.

Такрорлаш учун саволлар

1. Умумбашарий муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари нимада?
2. Илмий-техника тараккиёти ва унинг социал окибатлари нималарда намоён булмокда?
3. Умумбашарий муаммоларда демографик омилнинг урни кандай?
4. Демографик портлаш тушунчаси хакида нима дея оласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бусаКасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари – Т., Узбекистон. 1997.
2. Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмокда. — Т., Узбекистон. 1999.
3. Каримов И.А. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман Фидокор. 2000 йил 8 июн.
4. Узбекистон XXI асрга интилмокда. – Т.: Узбекистон. 2000.
5. Каримова Г. Политико-экономические реформы в Узбекистане: реалии и перспективы. Т., 1995.
6. Печчеи А. Человеческие качества. М. 1985.
7. Мамашокиров С. Экологик таълим-тарбиянинг методологик масалалари. Т., 1993.

9-мавзу. Жаҳон цивилизацияси ва Узбекистон истиқболининг фалсафий масалалари

Режа:

1. Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даврдаги хусусиятлари.
2. Узбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қушилиш йулининг фалсафий-методологик муаммолари.
3. Узбекистоннинг истиқболи ва узига хос тадрижий тараққиёт йули.
4. Мамлакатимиз тараққиётининг узига хос хусусиятларини урганишнинг аҳамияти.

Узбекистон мустақилликка эришгач, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси б«лиш имконини қулга киритди. Инсоният тараққиётининг бугунги ҳолати замонавий цивилизациянинг асосий тамойиллари билан узвий боКлиқ. Республикамизнинг умуминсоний цивилизация билан уйКунлашуви ҳам куп жиҳатдан ана шунга боКлиқ. ў озирги пайтда инсоният уз ривожининг янги босқичига қутарилди. У узида моддий ишлаб чиқариш ютуқларини, инсоният томонидан орттирилган тажрибаларни, жаҳон миқёсида пайдо булган муаммоларни оқилона ҳал этиш йуллари ва усулларини мужассамлаштиради.

Жаҳон цивилизацияси деганда Шарқ ва Fарб цивилизациялари, минтақавий ва ҳудудий цивилизацияларнинг яхлит, бир бутун ижтимоий тизими булган умуминсоният, сайёрамиздаги жамият тушунилади. Бу тушунча, умумий маънода, заминимизда яшаган барча одамларнинг умумий макони булган Ер юзидаги ҳаёт, тарихнинг ҳамма даврларида мавжуд булган давлат, жамият, халқ ва миллатларнинг умргузаронлик қилиши билан боКлиқ жараёнлар мажмуасини узида акс эттиради.

Бугунги таҳликали дунёда инсониятнинг эсон-омон яшаб қолиши ва келажакда бахтиёр булиши жаҳон цивилизациясининг асосий мақсади ва йуналишига айланиб қолди. Республикамизда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар бутун дунё ҳамжамияти фаолияти билан ҳамоҳанг кечмоқда. Зеро, жаҳон цивилизацияси халқлар ва миллатлар, давлатлар ва турли ҳудудий цивилизацияларнинг умумий тизимидир.

Айримлик, узига хослик ва умумийлик уртасидаги муносабатни теран англаш ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини фалсафий идрок этишга имкон беради.

Ер юзидаги хар бир мамлакат жахон цивилизацияси деб аталадиган яхлит тизимнинг турли таркиблари булиб, уларнинг узаро таъсири, хамкорлиги бу цивилизациянинг такомиллашуви, баркарор яшашига имкон беради.

Тугри, бу тизим таркибида Америка, Россия, Хитой, Япония каби салмокли таркиблар хам бор. Улар куп жихатдан жахон тизими тараккиётига таъсир курсатади, муайян жараёнларнинг йуналишларини белгилайди. Аммо бу тизимда хар бир давлатнинг, кичкина Ватикан ёки Лихтенштейндан тортиб Германиягача, Андорра ёки Монакодан токи Францияга уз урни, узига хос таъсир кучи ва доираси бор. Шу маънода, уларнинг хар бири, худудининг катта-кичиклиги, ахолисининг сони канчалигидан катъи назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тенг овозга эга. Демак, таркиблар тизимда муайян тарзда амал килгани сингари хар бир мамлакат жахон цивилизациясига тенг хукукли аъзо ва мухим элемент сифатида кириб боради.

Жахон хамжамияти узида умумийликни, хар бир мустакил мамлакат эса айримлик ва узига хосликни ифодалайди. Бу холда Осиё ёки Марказий Осиё мамлакатлари хусусийликни акс эттирса, Узбекистон алохидаликни ифодалайди. Узбекистон мустакилликка эришганига куп булмаганига карамай, жахон хамжамиятида уз урнига эга. Унинг Марказий Осиёдаги мавкеи эса бу минтаканинг асосий тараккиёт йуналишларини куп жихатдан белгилайди.

Ўар бир халк, миллат узининг бетакрор, ноёб хусусиятларини саклаган холда мустакил ривожланади ва жахон хамжамиятига кушилиб боради. Бундай кушилиш купкиррали, ранг-баранг булиб, у ижтимоий, иктисодий, сиёсий, маънавий, хукукий, давлатлараро муносабатларни камраб олади.

Жахон хамжамиятига кушилиш табиий-конуниятли жараён булиб, хар бир мамлакатнинг хар томонлама тараккий этиши, ер юзида умумий хавфсизлик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга, табиий ресурслар, илм-фан ва техника ютукларидан кенг фойдаланишга, экологик мувозанатни таъминлашга имкон беради. Мустакил тараккиёт йулига утган халкларнинг жахон хамжамиятига кушилиши, умуминсоний кадриятларнинг устуворлигини эътироф этиш, халкаро хукук меъёрларига амал килиш, инсон хукукларини химоя этиш, демократия тамойилларига амал килишда яккол намоён булади.

Жахон цивилизациясига кушилиш натажасида нафакат иктисодий сохада, балки халклар маънавияти, сиёсати ва дунёкарашида хам

мухим ижобий узгаришлар руй беради. Бундай жараёнга тушган халклар уртасида бир-бирига ишонч, узаро хурмат, хамкорлик хамда содир буладиган зиддият ва ихтилофларни узаро келишув, консенсус асосида хал килишга интилиш вужудга келади. Бир-бирининг маданий ютуклари, кадриятларидан, тажрибаларидан бахраманд булиш хохиш-истаги шаклланади. Халкларнинг бир-бири билан жипслашиш тенденцияси яхлит, бир бутун цивилизацияни, инсониятни эъзозлаш каби сайёравий онгни шакллантиради. Яъни миллийлик ва умуминсонийликнинг уйКунлиги жахон цивилизациясида яккол намоён булади ва дунё хамжамиятининг харакат дастурига айланади.

Узбекистон ва жахон. Мустакил Узбекистоннинг жахон цивилизациясига кушилишининг фалсафий-методологик муаммоларини урганиш нихоятда мухим. Узбекистон узининг куп асрлик миллий давлатчилиги, маданияти, илм-фани, санъати, узига хос ва бетакрор хаёт фалсафаси билан жахон цивилизацияси ривожига мухим хисса кушди. Узбек халки жахонга фан, санъат, фалсафа, тиббиёт, сиёсат, хукук, тарих сохаларида улмас асарлар яратган, буюк алломаларни берган. Бирок мустамлакачилик йилларида руй берган куйидаги жараёнлар халкимизнинг жахон цивилизациясига кушилиши учун имкон бермаган:

- уз миллий давлатчилигига эга булмаганлиги;
- миллий маданиятнинг табиий ривожланиш имконияти чекланганлиги;
- мустабид тузум мафкурасининг тазйики остида дунёдан узиб куйилганлиги;
- тарихи, она тили, маънавий меросидан бегоналашиш аломатлари пайдо булганлиги;
- миллий кадриятлари, анъана ва урф-одатларининг йуколиб борганлиги, уларни асраб-авайлаш имкониятининг камлиги ва бошкалар.

Мустакиллик туфайли Узбекистон уз тараккиёт йулини эркин танлаш, миллий давлатчилик асосларини яратиш ва жахон цивилизациясига кушилиш имконига эга булди. Мамлакатимиз уз мустакиллигининг дастлабки йиллариданоқ жахон цивилизациясига кушилиш йулини танлади.

Жахон цивилизацияси ютукларидан бахраманд булиш мустакил ривожланиш йулига кирган давлатнинг дунё хамжамиятида узига хос ривожланишини таъминлайди. Бинобарин, хар бир халк мустакил булганидан кейин узининг иктисодиёти, маданияти, миллий давлатчилик сиёсатини амалга оширади. У уз имконият-

ларига таяниб, жахон хамжамиятига кириб борар экан, бу жараён миллий фалсафада хам уз ифодасини топади.

Мустакиллик миллий фалсафанинг негизи, унинг умумжахон фалсафий жараёни билан кушилиши ва уйКунлашувининг энг асосий шартидир. Мустакилликка эришмаган халк миллийлигини, узига хос кадриятлари, урф-одатлари, рухияти ва дунёкрашини уз фалсафасида тула-тукис акс эттира олмайди.

Мустакил булмаган халкнинг фалсафасида мустамлакачиларнинг Коялари доимо устувор булади. Факат мустакилликкина ижтимоий онгнинг хамма сохаларида, дунёкарашнинг барча жабхаларида миллийликнинг тула-тукис намоён булиши учун замин яратади.

Тарихнинг сабок беришича, хеч кандай давлат бошка бир давлатга, бошка бир халкка уз манфаатларини кузламасдан бе-Караз ёрдам курсатмайди. Жахон цивилизациясига кушилиш хар бир мустакил ривожланаётган давлатнинг тараккиётида уз кучи ва имкониятларига, илКор анъаналарига, кадриятларига, миллий давлатчилик тажрибаларига, интеллектуал салохиятига, табиий бойликларига таянишини инкор этмайди, балки уларнинг кенг ривожланишини такозо этади.

Эркинлик, мустакиллик хамиша заруратни, масъулиятни англашни такозо этади: эркинлик ва мустакиллик жамиятнинг хар бир аъзоси олдига □Биз ким эдик? □Ў озир кандай ахволдамиз?И ва □Кандай булишимиз керак И? деган саволларга виждонан жавоб беришни талаб этади. Мустакиллик йилларида фаровон ва бахтли хаётни бизга кимдир яратиб бермаслигини, балки уз аклимиз, кучимиз билан яратишимиз лозимлигини англашни такозо этадиган дунёкараш шаклланган и бу саволларга жавоблар изланилаётганлигидан, уларни хал килиш чоралари курилаётганидан далолат беради. Бошка мамлакатлардан, яхлит ва бир бутун жахон тизимидан ажралиб колган холда бу борада хам тараккиётга эришиб булмайди.

Тараккиётга цивилизацияли ёндашув узига хос хусусиятларга эга. Узбекистон ва жахон тарихини урганишга бундай караш хозирги замон фалсафасида мухим йуналишлардан бири сифатида карор топмокда. У тарихий хакикатни холисона бахолашга, миллий хусусиятларнинг узига хослигини англашга, инсониятнинг илКор ривожланиш тажрибаларини билишга ва улардан ижодий фойдаланишга имкон беради. Жахон тарихига цивилизацияли ёндашув инсоният тараккиёти зурликсиз ва инкилобий сакрашларсиз узига хос тадрижий йулдан илгарилаб борганида жамият

катта фойда куриши, одамзод бошига турли ижтимоий офатлар тушмасдан ривожланиши мумкинлигини курсатади.

Узбекистонннинг дунё цивилизациясига кушилувининг асосий йуналишлари, мамлакатимиз истиклоли ва узига хос тадрижий тараккиёт йулининг назарияси ва амалиёти И.А. Каримовнинг "Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули", "Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истиболининг асосий йуналишлари", "Узбекистон иктисодий ислохотларни чукурлаштириш йулида", "Узбекистон XXI аср бусаКасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари", "Узбекистон XXI асрга интилмокда" каби асарлари, нутк ва маколаларида кенг ёритилган. Бу концепциянинг мохияти нимадан иборат?

Узбекистоннинг миллий жихатдан мустакил булиши объектив зарурий жараён, аждодларимизнинг азалий орзуси, узбек халкининг буюк тарихий ютуКидир. Бунда куйидагилар алохида эътиборга молик:

- Узбекистон Конституциясининг кабул килиниши;
- миллий мустакиллик рамзлари булган давлат байроКи, давлат мадхияси, давлат гербининг кабул килиниши;
- миллий давлатчилик демократик тизимининг шаклланганлиги;
- халкимиз табиат ато этган барча бойликларга эгалик хукукини уз кулига олганлиги;
- миллий армия ва хавфсизлик тизими яратилганлиги;
- миллий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш.

Узбекистон мустакиллигини мустахкамлаш, жамият хаётини тубдан ислох этишнинг асосий тамойиллари Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чикилди. Бу жараённинг умуминсоний жихатлари ва жахон цивилизациясига хос томонларининг амалга ошиши муайян муддатни талаб килади. Бу муддатда амалга ошириладиган барча ишлар утиш даври зарурати-дан келиб чикади.

Мустабид тузум даврида жахон цивилизациясидан ажратиб куйилган Узбекистон бу борада иккита узвий йуналишда фаолият юритишга мажбур булмокда. Биринчидан, мустакилликни мустахкамлаш, миллий кадриятларни тиклаш ва асраб-авайлаш асосида узига хос ва узига мос йулдан бориш. Иккинчидан эса, бу жараёнда умуминсоний кадриятларнинг устуворлигини таъминлаш, жахон цивилизацияси ютукларидан кенг фойдаланиш, демократик жамият куриш вазифаларини амалга оширмокда.

Бир карашда икки хил йулга ухшаб куринган бу тараккиёт усули, аслида умумий жараённинг узвий боКлик икки жихати, бир-бирини такозо этадиган томонларнинг диалектикасидир. Узбекистоннинг И.А. Каримов томонидан асослаб берилган узига хос тараккиёт йули куйидаги тамойилларни назарда тутади:

1) иктисоднинг сиёсатдан устуворлиги;
2) давлатнинг бош ислохотчи эканлиги;
3) конун устуворлиги;
4) кучли ижтимоий сиёсат;
5) бозор муносабатларига боскичма-боскич утиш.

Узбекистоннинг тадрижий тараккиёт йули айрим давлатларнинг бозор муносабатларига □шок терапияИси усули билан утиш тажрибасидан кескин фаркланади. Узбекистоннинг мустабидликдан кутулган дастлабки даврдаги узига хос иктисодий ахволи, собик Иттифок даврида улканинг хом-ашё етказиб беришга ихтисослашиши каби оКир мерос билан бирга халкнинг минг йиллик тажрибаси, ундан келиб чикадиган хулосалар бозор муносабатларига тадрижий равишда боскичма-боскич утишни такозо этди.

Иктисодий ислохотлар ва цивилизациялашган бозор. Узок йиллар давомида шаклланган иктисодий структурада туб узгаришларни зудлик билан киска вакт ичида амалга оширишнинг салбий окибатлари олдини олишга ва пухта уйланган стратегик режаларни амалга оширишга алохида эътибор берилди. Ислохотларнинг амалга оширилиши миллий манфаатлар учун хизмат килиши зарурлиги, одамлар ислохотлар учун эмас, балки ислохотлар одамлар учун хизмат килиши зарурлиги эътиборга олинди.

Ислохотлар амалга оширилгунга кадар республика ахолисининг аксарият кисми иктисодий жихатдан ночор ахволда булиб, мулкнинг давлат тасарруфидан чикарилиши ва хусусийлаштирилиши жараёнида ахолининг икки тоифага ажралиши, хаддан ташкари бойиб ва кашшоклашиб кетиши мукаррар равишда турли норозиликлар ва ижтимоий ларзаларни келтириб чикариши мумкин эди. Ана шуларни хисобга олиб, И.А. Каримов бозор муносабатларига утишнинг мухим хусусиятларидан бири сифатида ахолини ижтимоий химоялашга каратилган кучли сиёсат Коясини илгари сурди.

Бозор муносабатларини амалга ошириш бир неча боскичдан иборат килиб белгиланди. ўар бир боскичда маълум иктисодий тадбирлар амалга оширилди. Булар куйдагилардир:

- мулкни хусусийлаштириш;

- мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши;
- мулкнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш;
- аграр ислоҳотларни амалга ошириш;
- миллий валютани муомалага киритиш;
- янги иқтисодий инфраструктуранинг яратилиши;
- ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликдаги қушма корхоналарнинг барпо этилиши;
- инновация сиёсатини амалга ошириш;
- хорижий инвестиция, техника ва технологияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш ва бошқалар.

Хуллас, бозор муносабатларига ўтишнинг маданий цивилизацияли характерга эга эканлиги Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг муҳим хусусиятидир. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият, юксак ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва бозор муносабатларини шакллантиришда республикамизнинг бугунги ҳолати, имкониятларидан келиб чиқиб, ислоҳотларнинг мақсади халқ ва давлат муносабатлари томон йўналтирилди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига киришига имкон берадиган қулай шарт-шароитлари қуйидагилардир:
- мамлакатнинг ниҳоятда қуп бойликларга эга эканлиги;
- саноат учун зарур бўлган хом ашё заҳираларининг қуплиги;
- ишчи кучларининг мўллиги;
- Ўзбекистоннинг табиий — жуКрофий қулай ўрни;
- мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик;

Ана шу имкониятларнинг рўёбга чиқиши Ўзбекистоннинг иқтисодиёт соҳасида жаҳон цивилизациясига қушилиб бориши учун кенг истиқболлар яратади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар негизида кишиларнинг меҳнатга, мулкка, меҳнат маҳсулига бўлган муносабатини ўзгартириш Қояси ётади. Узоқ йиллар давомида меҳнатга бўлган қарашларда бирёқламалик ҳукм суриб келди. Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган ижтимоий мулкчилик — кишилар меҳнат фаоллигининг асоси барча ижтимоий иллатларнинг бош сабабчиси — хусусий мулкчилик деган нотўғри қараш ўзини оқламади. Ш ахсий манфаатдорликни инкор этиш, жамоа, жамият учунгина фаол меҳнат қилиш, иқтисодиётни мафқуравий мақсадларга бўйсундириш; меҳнат ракобати ўрнига сохта мусобақани жорий этиш инсоннинг меҳнатдан, ўз-ўзидан ва жамиятдан

бегоналашувига, бокимандалик кайфиятининг шаклланишига олиб келди. Бу эса жамият инкирозини тезлаштирди.

Узбекистон шароитида бозор муносабатларини шакллантиришда мехнатга, мулкка ва инсоннинг уз-узига булган муносабатини тубдан узгартиришнинг назарий-фалсафий асосларини ишлаб чикиш зарурати вужудга келди ва бу И.А. Каримов асарларида уз ифодасини топди. Мехнат ва мехнатга муносабат сохасида катор янгиликлар жорий этилди. Мехнатга муносабатда хусусий мулкнинг урни, мулкдорнинг жамият хаётидаги ахамияти янгича тушунила бошланди. Давлат ва жамиятнинг кучкудрати фукароларнинг тадбиркорлиги, бойлиги, ишбилармонлигига боКлик экани англаб олинди.

Цивилизацияли ривожланиш ва мулкий плюрализм. Бозор муносабатлари шароитида махсулот сифати ва самарадорлигини яхшилашнинг мухим конуниятларидан бири ракобатли мухитни яратиш, кишиларда хужайинлик хиссини шакллантириш, мехнат махсулига эгалик килиш, шахсий манфаатдорлик ва уни давлат манфаатлари билан боКлаш мухим тамойил сифатида жорий этила бошланди. Мехнатни ташкил этиш жараёнида кишиларнинг касбий махорати, билими, тажрибаси, куникма ва малакаси, мехнат маданияти, мехнатни ташкил этишга ижодий ёндашиш кишиларнинг мехнат ва мулкка булган муносабатини курсатувчи мезонга айланди.

Мулк нима? Ўар бир инсон узининг онгли фаолиятида мулкка эга булишни уз олдига максад килиб куяди. Бу мулк инсоннинг аклий ва жисмоний мехнат фаолиятида яратилган ва унинг баркарор яшаши учун кафолат берадиган моддий ва интеллектуал бойликдир.

Мулк авлоддан-авлодга мерос булиб утиши хам мумкин. Мулк мулкдорнинг тасарруфида булган барча тирикчилик ва ишлаб чикариш воситаларидир. Мулкнинг шахсий, хусусий, жамоа, давлат мулки сингари шакллари мавжуд. Мулк эгаси уз тасарруфидаги мулкни авайлаб-асрайди, тежайди, ундан окилона фойдаланади ва муттасил равишда купайтиришга харакат килади.

Бозор муносабатларига утиш даврида давлат хусусий мулкни куллаб-кувватлайди, мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантиради, хусусий мулк дахлсизлигини хукукий кафолатлайди, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар беришни йулга куяди. Бу эса уларнинг мулкдор булиши, урта мулкдорлар синфининг шаклланиши учун кенг имконият яратади.

Мустақиллик шароитида ақлий меҳнат маҳсули бўлган фан, санъат асарлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, таълим-тарбиянинг янги концепцияларини яратиш интеллектуал мулк ҳисобланади. Интеллектуал мулк эгаси ўз меҳнати маҳсулини ўз хоҳишича тасарруф этади. Бундай мулкнинг қадр-қиммати, баҳоси, сифати, жамиятда тутган ўрни рақобатли муҳитда яққол намоён бўлади. Интеллектуал мулкнинг талабгори, буюртмачиси давлат ва жамиятдир.

Меҳнат жараёнида яратиладиган ҳар қандай маҳсулот ўз қийматига эга бўлади. Ҳиймат маҳсулотда ўз ифодасини топадиган ходимнинг ақлий ва жисмоний кучи, қобилияти, билими, сарфлаган вақти, ҳом ашё, ёқилғи, энергия, йўл харажатлари учун маблағи ва ҳоказолардир. Мулкдор маҳсулот ишлаб чиқаришга қамроқ харажат қилиб, кўпроқ фойда олишга интилади. Фойда бозор муносабатлари шароитида амал қиладиган муҳим қонуниятлардан биридир. Хусусий мулкнинг ривожланишида фойда ҳал қилувчи ўрин тутади. Ўзбекистонда меҳнат, мулк, фойда тушунчаларини фалсафий-иқтисодий жиҳатдан теран идрок этиш, ёшлар дунёқарашида янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш уларнинг жаҳон цивилизацияси андозаси талаблари даражасида фикр юритиши ва фаолият кўрсатиши учун замин яратади.

Ўзбекистондаги демократик жараёнлар жаҳон цивилизацияси билан уйғунлашишнинг яна бир имкониятидир. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшилиб боришида демократик жараёнларни ва ривожланган давлатларнинг сиёсий тажрибаларини ижодий ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон қонунчилигини халқаро ҳуқуқ талабларига мувофиқлаштириш, нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларига бўлиш, мамлакат Президентини мукобиллик асосида сайлаш, фикрлар хилма-хиллиги ва кўппартиявийлик тизимини қарор топтириш, демократик кадриятларни ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшилиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришидаги тажрибаларини фалсафий идрок этиш ва умумлаштириш айниқса муҳимдир. Президент И.А. Каримовнинг қатор асарларида юксак маънавият жамият тараққиётида муҳим омил эканлиги тўғрисидаги қоя янгича фалсафий тафаккурнинг методологик асоси, жаҳон тараққиёти тажрибаларига таянишнинг ёркин на-

мунасидир. Миллий Коя ва миллий мафкура узида мамлакатимизнинг жахон цивилизациясига кушилиш назарияси, йулларини яккол акс эттиради.

Узбекистоннинг жахон цивилизациясига кушилиш тажрибаси, унинг миллий Кояси ва мафкураси ривожланаётган мамлакатлар учун оламшумул ахамият касб этади. Ўзозирги замон цивилизациясининг мухим хусусиятларини ва Узбекистоннинг цивилизацияли тараккиёт йулидан жахон хамжамиятига кушилиб боришини, миллий Коя ва мафкурани фалсафий идрок этиш талабаларда ватан туйКуси, маърифатпарварлик, миллий Курур, бурч, масулият хиссини тарбиялашга ёрдам беради.

Таянч тушунчалар

Цивилизация, жахон цивилизацияси, жахон хамжамияти, цивилизацияли ривожланиш, иктисодий ривожланиш, мулк, мехнат, мехнатга муносабат.

Такрорлаш учун саволлар

1. Жахон цивилизациясининг асосий хусусиятлари нималарда намоён булади?
2. Тараккиётнинг узбек модели концепциясини кандай тушунасиз?
3. Жахон цивилизациясига киришда иктисодий сохадаги узгаришларнинг ахамияти кандай?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Узбекистон иктисодий ислохотларни чукурлаштириш йулида. Т.: Узбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бусаКасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. - Т.: УзбекистонИ, 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод — Узбекистон тараккиётининг пойдевори. — Т.: УзбекистонИ, 1997.
4. Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмокда. — Т., 1999.
5. Каримов И.А. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман. ФидокорИ, 2000 йил 8 июн.
6. Узбекистон XXI асрга интилмо□да. – Т.: Узбекистон, 2000.

ХУЛОСА

ў урматли талабалар!

Сиз фалсафа б«йича асосий мавзулар билан танишдингиз. Ушбу маъруза матнларини тайёрлаган мутахассислар «з ди□□ат-эътиборларини сиз «рганган мавзуларнинг илмий жиҳатига эмас, балки к«про□ масалаларнинг тушунарли б«лиши, содда ва равон тилда баён этилишига □аратдилар.

Маъруза матнларида мамлакатимизда амалга ошаётган туб «згаришлар, ислоҳотлар ва маънавий соҳадаги янгиланиш жараёнлари «з ифодасини топган. Уларда исти□лол йилларида одамлар онги ва тафаккурида р«й бераётган «згаришлар, жумладан фалсафий дунё□арашнинг янгиланиш жараёнларини акс эттиришга ҳаракат □илинди. Ана шу жиҳатдан олганда муаллифлар «з олдиларига соби□ иттифо□ мафкурасидан □олган фалсафа соҳасидаги асоратлардан □утулиш, анъанавий мавзуларни ҳозирги замон талаблари ну□таи назаридан тавсифлаш, т«пламга киритилган янги мавзуларни эса исти□лол талаблари асосида ёритишга эътибор бердилар.

Сиз фалсафани «рганиш жараёнида яна бир ёшга ул□айдингиз. Ушбу китобнинг □С«з боши□сида фалсафани «рганиш билан бо□ли□ б«лган жараён т«□рисида фикр юритган ва уни турлича «злаштириш мумкинлигини □уйидагича к«рсатишга ҳаракат □илган эдик: Мутахассис бўлмаган баъзи кишилар фалсафани энг кийин ва энг мавҳум фан деб ҳисоблайдилар... Фалсафа мутахассиси бўлмаган талабаларнинг ниҳоятда оз кисмигина бу фаннинг асл моҳиятини тушуниб олади, холос. Аксарият ёшлар эса, фалсафа оламига кириб бора олмасдан, гуёки катта шаҳар бошланадиган жойда колади, шу тарика фалсафанинг моҳиятини дурустрок тушунмай, диплом олади ҳамда амалиётга кетади. Бундайлар назарида фалсафа тушунарсиз, мавҳум ва ортикча фан бўлиб колади, факат баҳо олиш учун ёдланган конун ва коидалар тез орада унутилади. Уларда фалсафа конунларини ҳаётга татбик этиб бўлмайди, бу — фойдасиз билим соҳаси, бинобарин уни ўрганишга кетган вакт бекорга утди, деган аламли караш шаклланиб колади.

Х«ш сизчи? Сиз фалсафа т«□рисида □андай фикрга келдингиз? Бу фанни «□итилиши жараёнида нималарни «ргандингиз? Улар келажакда сизга □андай ёрдам бериши, ас□отиши мумкин? Биз ана шундай саволлар билан ушбу китобни тугалламо□дамиз. Агар сизнинг бу саволларга жавобларингиз ижобий б«лса муаллифлар гуруҳи «з вазифасини бажарган б«либ ҳисобланади. Китоб т«□рисидаги охирги хулосани сиз чи□арасиз, унинг устида ишлаш ва т«пламни «□ув □«лланмаси даражасига етказиш эса навбатдаги вазифа б«либ ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

БИРИНЧИ Б□ЛИМ 8
ФАЛСАФАНИНГ ЖАМИЯТДАГИ □РНИ, БАў С МАВЗУЛАРИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ 8
1-мавзу. Фалсафанинг асосий мавзулари ва муаммолари 8
2-мавзу. Фалсафий дунёі араш, унинг хусусиятлари ва асосий тамойиллари 25
3-мавзу. Фалсафий билимлар тизими, унинг асосий йґналишлари ва вазифалари 37
4-мавзу. Истиі лол ва фалсафий дунёі арашнинг янгиланиш муаммолари 47

ИККИНЧИ Б□ЛИМ. 59
ФАЛСАФА ТАРИХИ 59
1-мавзу. □збекистон ҳудудидаги энг і адимги фалсафий і арашлар 59
2-мавзу. Jадимги Ш арі ва Антик дунё фалсафаси 66
3-мавзу. □збекистондаги илк ґрта асрлар фалсафаси..... 80
4-мавзу. Темурийлар даври ва ґрта асрлар фалсафаси 92
5-мавзу. □рта асрлар ва янги давр Европа фалсафаси 106
6-мавзу. XVI асрдан XX аср бошларигача □збекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур 122
7-мавзу. ў озирги замон фалсафаси ва унинг асосий оі имлари 132

УЧИНЧИ Б□ЛИМ. 143
ОЛАМ ВА ОДАМ. ДУНЁНИ ФАЛСАФИЙ ТУШУНИШ 143
1-мавзу. Олам ва одам: фалсафий талі ин..... 143
2-мавзу. Борлиі фалсафаси..... 149
3-мавзу. Табиат фалсафаси..... 159
4-мавзу. Ривожланиш ва «заро алоі адорликнинг умумий і онуниятлари. Фалсафий □онунлар. 167

5-мавзу. Мавжудлик, «згариш, боІлиі ликнинг асосий шакллари. Фалсафий категориялар 179

Т□РТИНЧИ Б□ЛИМ. 192
ДУНЁНИ АНГЛАШ: FОЯ ВА ў АҚИҚАТ 192
1-мавзу. Онг ва руҳият..... 192
2-мавзу. Ижтимоий онг 202
3-мавзу. Fоя ва мафкура..... 209
4-мавзу. Билиш фалсафаси 219

БЕШИНЧИ Б□ЛИМ. 227
ИНСОН ВА ў АЁТ ФАЛСАФАСИ 227
1-мавзу. Инсон фалсафаси. Муста□иллик ва ислоҳотларнинг ижтимоий моҳияти..... 227
2-мавзу. Жамият фалсафаси. Истиі лол ва тараі і иётнинг ґзбек модели 235
3-мавзу. Маънавият фалсафаси. Жамиятнинг маънавий тара□□иёти..... 244
4-мавзу. Маданият фалсафаси. □збекистоннинг цивилизациялашган тараі і иёти 255
5-мавзу. Jадриятлар фалсафаси. □збекистонда инсон □адри ва шахс эркинликлари 265
6-мавзу. Фан фалсафаси. Жамиятнинг илмий салоҳиятини юксалтириш..... 277
8-мавзу. Глобал муаммолар фалсафаси. □збекистонда табиат, жамият ва инсонни асраш..... 287
9-мавзу. Жаҳон цивилизацияси ва □збекистон истиі болининг фалсафий масалалари 300

ХУЛОСА..... 310